

Азмадали ҒОҒУРОВ

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРФОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Аҳмадали ҒОҒУРОВ

МИНТАҚА
ИҚТИСОДИЁТИ
АСОСЛАРИ

(Ўқув-қўлланма)



«ФАРФОНА» нашриёти

Масъул муҳаррир: и.ф.н., доцент А.Болтабоев.

Тақризчилар: Т.М.Ҳайдаров,
и.ф.д., профессор,
Ю.Т.Додобоев,
и.ф.д., профессор.

*Фарзона давлат университети Илмий кенгаши томонидан
2006 йил 30 мартда (Баённома №8) нашрга тавсия этилган.*

ҒОҒУРОВ, А

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ. /Ўқув-қўлланма/.

© «ФАРҒОНА» нашриёти, 2006 йил. -172б.

«Минтақа иқтисодиёти асослари» ўқув-услубий қўлланмаси биринчи марта Олий Аттестация Комиссиясининг номенклатурасига кирган фанлар қаторида ёзилган бўлиб, минтақадаги иқтисодиётнинг барча тармоқлари, соҳалари ва унга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар асосида тайёрланган.

Мазкур қўлланма ўқитувчиларга, аспирантларга, магистрларга, талабаларга ва бошқа қизиқувчиларга мўлжалланган.

КИРИШ

Минтақа иқтисодиётининг шундай тизимлари мавжудки, улар ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётида, мустақил хўжалик юритишда алоҳида ўрин тутади ва ўзининг табиий иқлим, географик жойлашуви, табиий-минерал ва хом-ашё ресурсларининг захиралари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти, тармоқлари ва соҳаларининг ҳам инфратузилмасининг миқёси, аҳолисининг урф-одатлари ва традициялари, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ҳиссаси, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарган ҳудудий ялпи маҳсулот кабилар билан фарқланади.

Булар макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт ўртаси, улар фаолиятини иқтисодиёт назарияси мезоиқтисодиёт (юнонча «mesos» — оралик) бўлими сифатидаги фан — минтақа иқтисодиёти ўрғанади. Мезоиқтисодиёт таркибига минтақада (ҳудудда)ги саноат тармоқлари, ёқилғи-энергетика комплекси, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги комплекси, қурилиш, транспорт ва алоқа коммуникацияси, уй-жой коммунал хўжаликлари, олий ва махсус таълим, соғлиқни сақлаш, уй хўжаликлари, ўзига хос кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юритувчи хунарманд, касаначилик кабилар киради.

Шу билан бирга, ҳудуд (минтақа) тармоқлари ва тармоқлараро миқёсидаги иқтисодий муаммолари, экологик муаммоларни тадқиқ қилиш ва ўрганиш ҳам мезоиқтисодиёт (минтақа иқтисодиёти) таркибига кириб, алоҳида ўрин тутади.

Минтақа иқтисодиёти бир мамлакат миллий иқтисодиётининг бўлинмас ва узвий бир бўғини (қисми) сифатида ажралмас умумиқтисодиёт сиёсати таъсирида ягона бир яхлит шаклда хўжалик фаолиятини юритади.

Минтақа иқтисодиёти мамлакатимиздаги ишлаб чиқаришда, долзарб ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни ечиш зарурияти бўйича ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш, хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда, минтақада хўжалик юритишга бориб тақалади.

Маълумки, жаҳон тажрибасида ва ундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам минтақа иқтисодиётида ва бошқа мақсадларда самарали фойдаланиладиган макон (жой)га ажратилади.

Жаҳон хўжаликларининг глобаллашуви, халқаро ва минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларининг тобора чуқурлашиб, миллий ва минтақа иқтисодиётлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий, ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматлар айирбошлаш муносабатлари ривожланиб борар экан, ҳар хил минтақа ва мамлакат ўзининг миллий ва анъанавий иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга, хавф-хатардан холи бўлишга ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида янада фаолроқ ва самаралироқ ҳаракат қилишга интилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш орқали жаҳон хўжалигига янада чуқурроқ ва самарали шаклда минтақаларнинг интеграциялаштиришдан иборат давлатнинг тартибга солиш сиёсатидир. Бу йўлни изчиллик ва қатъият билан амалга ошириш бозор муносабатларига ўтиш даврининг ҳар бир босқичида, унинг минтақалардаги етилган ва ҳал қилинмаган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, айти шу даврда қайси манфаатлар устун келишни белгилаб олишни талаб қилади. Бу борада «Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири, ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборат»¹ эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов тўлақонли қилиб таъкидлаган эди. Инсонга муносиб ҳаёт шароити, ўзини ўзи, Ватанида, минтақасида ва уйда намоён қила олиш учун имкониятлар яратиш – минтақавий иқтисодиётимизнинг ва бутун мамлакатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг олий мақсадидир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларини бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг тартибга солиш йўли билан ҳаммага маълум маҳаллий дастурлар (локализациялаш асосида) – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол муносабатлари билан молия, кредит, солиқ, нарх-наволар, валюта сиёсатини жойларда назорат қилиш ва айирбошлаш ва истеъмол муносабатлари билан молия, кредит, солиқ, нарх-наволар, валюта сиёсатини жойларда назорат қилиш ва билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа минтақавий хусусиятлари ёрдамида амалга оширилади. Худди шу йўл билан ҳақиқий иқтисодиётни эркинлаштириш муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ва бунинг учун зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратиш мумкин.

Шу боис, Ўзбекистон глобал интеграцион жараёнда минтақа ва миллий иқтисодиётни жаҳон бозорида самарали фаолият кўрсатишнинг ҳамма имкониятларидан оқилона фойдаланишга, минтақалараро,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: «Ўзбекистон» 1993. 64-б.

тармоқлараро иқтисодий муносабатларни хорижий мамлакатлар билан давлатлараро икки ва кўп томонлама иқтисодий интеграциялашувида фаоллик кўрсатмоқда.

Юртбошимиз ўз асарларида яна шуни уқтирадики, бугунги олимларимиз буюк аждодларимиз ишларини давом эттириб, янги, кам ўрганилган долзарб муаммоларни тадқиқ қилиб, минтақамиз ва Республикаимизнинг келажак тараққиётига сезиларли ҳисса қўшишлари даркор. Давлатимиз раҳбарининг ана шу кўрсатмаси илм-фаннинг ҳамма соҳаларида, айниқса, «миллий иқтисодиёт», «Минтақавий иқтисодиёт», «Худудий иқтисодиёт» соҳаларида моддий ва маънавий ҳамда илмий қадриятларни чуқурроқ тадқиқ қилиб, ўзбек халқининг бугунги авлодларига етказиб беришга даъват этади. Табиийки, жаҳон олимлари ва буюк алломаларимиз, даҳолари бизга қолдирган умуминсоний қадриятларидан бири – минтақавий иқтисодиёт ғоялари, таълимотлари, қарашларидир. Уларнинг иқтисодий-тарихий, минтақавий манфаатлар таълимотларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларни бугунги иқтисодий ислохотларни хизмат қилдириш, ёш авлоднинг иқтисодий тафаккурини иқтисодий мерос руҳида тарбиялаш ва уларга таълим бериш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Маълумки, ҳозирги замон, тез ўзгариб бораётган иқтисодий тафаккур ва иқтисодий ғоялар, уларнинг таркибий қисми бўлган бозор иқтисодиёти илмини чуқур ўрганишда, айниқса, давримиз руҳи талабларига мос келувчи иқтисодчи, тарихчи ва ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда «Минтақавий иқтисодиёт асослари» фанини ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Аммо иқтисодий илм-фан масканларида ўқитилаётган «Минтақавий иқтисодиёт асослари» фанининг ўқув дарсликлари ва қўлланмалари ҳозирги давр талабига тўла жавоб бера олмаслиги кўриниб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясида махсус фан сифатида Ихтисослиги 08-00-12-«Минтақавий иқтисодиёт» фани бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича илмий тадқиқот олиб бориш кўзда тутилган. Мазкур «Минтақавий иқтисодиёт асослари» фани фақат айрим университетлардаги кафедраларда (Миллий университет, Давлат иқтисодиёт университети, Молия институтида)гина ўқув дарслиги машғулотлари олиб борилади. Республиканинг бошқа университетларида ва институтларида бу фан ҳатто дарслик сифатида ўқитиш ва ўргатиш учун ўқув режаларга киритилмаган. Ваҳоланки, минтақалардаги Олий ўқув юртларида «Минтақавий иқтисодиёт асослари» фани ҳар бир талаба, ёш авлод ва фуқаро билиши, нима ишлаб чиқарилади, тақсимланади, истеъмол қилаётган нознеъматларининг яратилиш жойини билиши энг зарурдир.

«Бундай ўта долзарб ва муҳим вазифаларни ечишда ҳеч ким, авваламбор маҳаллий ҳокимиятлар раҳбарлари ва ходимлари четда турмаслиги керак»¹ деганида, Юртбошимиз минг бор ҳақдирлар. Бу

¹ Каримов И. 2005 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йил иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига

ўринда гап мамлакатимизда, минтақаларда яқинда қабул қилинган катта аҳамиятга эга бўлган қарор ва дастурларни, инчунин, маҳаллий дастурларни амалга ошириш тўғрисида бормоқда: жумладан, жойларда, минтақаларда микрофирмаларни ташкил қилиш, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарнинг ривожлантириш, микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш; ҳар бир минтақанинг хусусиятидан келиб чиқиб, касаначиликнинг йирик саноат корхоналари билан кооперациялашувидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳаллий хом-ашёни чуқур қайта ишлаш ва тайёр рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларни жадал ривожлантириш; шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, авваламбор, қора моллар сонини оширишни рағбатлантириш; 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ривожлантириш каби вазифалар белгиланган. Чунки бу муаммоларнинг ечими ва асосий вазифалари минтақаларда ўн минглаб кишиларни, айниқса, хотин-қизларни, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадларини сезиларли даражада кўпайтириш, нафақат минтақа, балки бутун мамлакатимиз аҳолисининг фарвонлигини ошириш учун катта имконият беради. Ҳукуматимиз мазкур вазифани амалга ошириш учун вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қабул қилган дастурлар доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича зарур бўлган бинолар, микрокредитлар ажратиши, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши даркорлигини уқтириб ўтади¹.

Демак, миллий қадриятларимизни, ўзлимизни англатадиган, миллий гурурни уйғотадиган, ватанига меҳр-садоқатни мустаҳкамлайдиган дарслик ва қўлланма яратишимиз зарур. Бошқа иқтисодиёт фанлари қаторида «Минтақавий иқтисодиёт асослари» фани бўйича миллий уйғонишга чорловчи қўлланма яратиш давр талабидир. Буни мустақиллигимиз, уни мустаҳкамлаш вазифалари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Президентимизнинг вилоятларда сўзлаган нутқ ва маърузалари тақозо этади.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмани яратишда мантиқийлик, миллийлик ва замонвийлик мамлакат, минтақа ва аҳоли манфаатлари ғояларини бугунги юксак ривожланиш даври билан боғлиқ жиҳатларини баён этишга эътибор қаратилган. Бунинг асосини хорижий мамлакатлардаги

бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузаси. //«Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мажлисининг «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори. 2006 йил 10 февраль. //«Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль.

минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга бағишланган тажрибалар, уларни минтақалар билан билвосита иқтисодий алоқалар ўрнатишга қизиқиши ва Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар талабидан келиб чиқиб, иқтисодий билимлар иқтисодиёт ривож топган минтақалар ва географик жойлардаги тажрибалар талабларини вужудга келтирди.

Ўқув-услубий қўлланма Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларда таълим олаётган ёшлар, иқтисодиёт фанидан дарс берувчи ўқитувчилар, аспирантлар, магистрлар ва тадқиқотчилар ҳамда барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

I-БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Минтақа иқтисодиёти асослари фанининг моҳияти, предмети ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги

Минтақа иқтисодиёти асослари фанини энг аввалламбор, шу минтақада мавжуд бўлган табиий-иқлим, яшаётган инсонлар, ишлаб чиқариш ва айрибошлаш жараёнида вужудга келган минтақа меҳнат тақсимоти, ихтисослашуви, иқтисодий, меҳнат ва ижтимоий ривожланиш салоҳияти ташкил этади. Маълумки, ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг вужудга келишида қулай географик ва иқлим шароитида энг аввало меҳнат тақсимоти пайдо бўлган, яъни минтақада ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан ижтимоий меҳнат тақсимоти пайдо бўлган, яъни минтақада ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан ижтимоий меҳнат тақсимоти бошқа минтақалар билан уйғунлашган ҳолда эволюцион ривожланган.

Ижтимоий ва минтақавий меҳнат тақсимоти ўз навбатида бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ихтисослашувни ривожлантирган. Масалан, пахта етиштиришни. Меҳнат тақсимоти маълум минтақаларда бир-биридан фарқли равишда ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ўзига хос ривожланган. Меҳнат тақсимоти минтақадаги ихтисослашувни ривожлантириш, объектив жиҳатдан ҳар бир минтақанинг бошқаси билан меҳнат маҳсулини айирбошлашини вужудга келтирган.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти деб, муайян бир маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида маълум меҳнатнинг бўлакларга ва турларга бўлиши билан, уларнинг ҳар биридан бирор-бир янги, ўзига хос маҳсулотнинг яратилишини ва тайёрланишини англатади. Меҳнат тақсимоти қанча юқори даражада ривожланган бўлса, ўша минтақада, ўлкада ва мамлакатда ихтисослашув кенгайган ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланган бўлади. Меҳнат тақсимоти биринчи навбатда табиий иқлим шароитининг қулай минтақасида, аҳоли ва унинг хусусиятлари, таркиби (демографик, миллий ва этник) ҳамда минтақада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмалари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Масалан, тарихий тараққиёт натижасида Фарғона водийсининг минтақасида саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланган. Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Қуйи Амударё минтақаларида деҳқончилик, чорвачилик, сўнгги йилларда саноат тармоқлари ривожланган.

Демак, ҳар бир муайян минтақа (ҳудуд) бир-биридан маълум жиҳатлари ва хусусиятлари билан маълум даражада ажралиб туради. Илгари ҳам ва ҳозир ҳам ҳар бир минтақанинг иқтисодий, маъмурий-

ташқилий жиҳатдан бошқаришда, ривожланишини режалаштиришда, бишоратлашда бир хил андоза ва шаклда амалга ошириш мумкин эмас. Улардаги ишлаб чиқарувчи кучлар, ихтисослашув ва иқтисодий муносабатлар даражасини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва самарали бошқаришни талаб қилади.

Шу муносабат ва тамойиллар асосида қаралганда ҳар бир минтақа ўзига хос хусусиятлар ҳисобига қараб, алоҳида бошқариш ва ривожлантирилишини режалаштириш объекти (макони) ҳисобланади.

Собиқ Иттифоқ даврида барча минтақалар марказдан туриб бир хил андозада ривожлантириш режалаштирилган бўлиб, минтақалардаги ўзига хос хусусиятлар, ихтисослашувлар эътиборга олинмаган. Айрим минтақалар хом-ашё ишлаб чиқариш бўйича «Иттифоқ Ихтисослашувига» бўйсиндирилган бўлиб, саноатлашиши даражаси пастлигича қолиб кетган. Минтақаларни тенглаштириш тўғрисидаги сўзлар» иқтисодиёт фақат ўзига хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоғи даркор».¹

Бозор муносабатлари йўлига ўтган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси шунини кўрсатадики, давлат ҳар доим минтақаларга, айниқса, қолоқ минтақаларга алоҳида эътибор бериб, аҳолисини ҳам, тадбиркорларини ҳам ислохотларга тайёрлаб келганлигидан далолат беради. Давлат минтақаларда янгича яшашга муайян равишда қизиқтирган, ундаган ва рағбатлантириш усулларини қувватлаган. Шунинг ўзи ва бошқа тадбирлар билан бозор муносабатларига тезроқ ва беозор кириб боришга ёрдам берган.

Минтақалар бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш билан давлат маҳаллий ҳокимият идораларига берадиган ваколатлар янада кенгайиб боради ва ҳуқуқий кафолатланади. Шунинг учун ҳам бу масалаларни алоҳида фан – «Минтақа иқтисодиёти асослари» фанида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Минтақа – деб, мамлакатнинг шундай бир ажралмас яхлит бўлагига, яъни ҳудудига айтиладики, унда қуйидаги ўхшаш жиҳатлар мужассам бўлади:

- табиий-иқлим шароитлардаги ўхшашликлар;
- аҳоли ва унинг демографик, этник хусусиятлари;
- ишлаб чиқариш, ихтисослашув, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва коммуникация бирликлари.

Муайян минтақанинг маълум ўхшашликлари мавжуд бўлса-да, унинг қатъий чегараси йўқ (аҳолисининг сони), эгаллаб турган майдони, ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин.

Мазкур фан Ўзбекистон Республикасининг минтақалари, вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, шаҳар ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини ўрганади.

¹ Каримов И. «Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.: «Ўзбекистон», 1993, 63-б.

Фаннинг предмети – бу ўрғанилаётган назарий ва амалий тадқиқот объектини изоҳлаб беради. Ушбу фанда объектив иқтисодий қонулар ва уларнинг минтақавий хусусиятлари ўрганилади. Шунингдек, ривожлантириш ва башорат қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилади.

Минтақа иқтисодиёти асослари фанининг моҳияти – объектив иқтисодий қонунлардан, илмий асосланган норма ва нормативлардан, тавсияномалардан фойдаланиб, истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рақамларда кўрсатилишига айтилади.

Минтақа иқтисодиёти асослари фани куплаб асосий ва амалий фанлар билан боғлиқдир. Айниқса, иқтисодий, география, микроиқтисодиёт, тармоқ иқтисодиёти, макроиқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг башорат қилиш, тармоқлараро баланс, маркетинг, менежмент, бозор иқтисодиёти асослари, статистика, иқтисодий информатика ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқ.

Минтақа ўз ичига, унда жойлашган иқтисодиётнинг тармоқларини, соҳаларини, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг тармоқлараро, инфратузилмаларини қамраб олиб, уларнинг ривожланишини ва истиқболини ўрганади.

1.2. Минтақа иқтисодиёти асослари фанининг вазифалари

Минтақаларнинг ривожланишини таъминлашда, энг аввало, унинг барча тармоқлари мувофиқ ва мутаносиб ривожланишини режалаштириш, минтақадаги барча халқ хўжалиги тармоқларининг мутаносиб ривожланишини таъминлашдан иборат.

Шулардан келиб чиқиб, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

1. Минтақадаги барча ресурслардан (моддий, молиявий, меҳнат) фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва мутаносиблигини таъминлаш ҳамда шу асосда унинг самарадорлигини ошириш кўзда тутилади.

2. Минтақаларнинг истиқболдаги ривожланиш суръатларини аниқлаш. Бунда маҳаллий ресурслардан тула фойдаланишга эътибор бериш.

3. Илмий-техника тараққиёти ютуқларидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш. Бунинг учун минтақада илмий-техника тараққиёти жадаллашишини таъминловчи иқтисодий механизмни яратиш, режалаштиришни янада демократиялаш(тириш) лозим бўлади. Бунинг учун корхоналарга, минтақавий бирликларга интикатив (тавсиявий) режаларни тузиш учун ҳуқуқий иқтисодий шароитлар яратиш, бозор иқтисодиёти шароитида самарали рақобат бўлишини бозор конъюктурасига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида, шунингдек, қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш лозим:

А) ишлаб чиқаришни бозор ҳажми ва конъюктурасига мос равишда ташкил этиш ва ривожлантириш;

Б) валюга тушумларнинг кўпайишини таъминлаш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш;

В) бозор талаби асосида тез ўзгарувчи янги технологияларни жорий этиш ва махсулот сифатини ошириш ва ҳоказолар.

Г) ташқи иқтисодий муносабатларни Марказий давлат билан келишилган ҳолда маҳаллий манфаатларни ҳисобга олиб ривожлантириш.

**1.3. Минтақалар-
нинг комплекс
иқтисодий-
ижтимоий
ривожланишининг
ҳуқуқий асослари
ва маҳаллий
ҳокимият
ролининг ошиб
бориши**

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш муносабати билан иқтисодиётда демократиялаш ва янгича жараёни содир бўлади ва уни такомиллаштириш кучаяди.

Бу объектив жараён бўлиб, уни маъмурий буйруқбозлик тизимининг тугатилиши билан унинг ўрнида янги тизим вужудга келади. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг тармоқ вазирликлари тугатилиб, улар ўрнида компаниялар, концернлар, уюшмалар ва холдинг компаниялар ва уларнинг филиаллари, корхоналари вилоят ҳудудларида ташкил этилди. Ўз навбатида маҳаллий ҳокимият идораларининг ваколатлари кенгайишига олиб келади. Масалан, бу жараёни Ўзбекистон Республикасида ўз-ўзини бошқариш ва халқ депутатлари кенгашлари тўғрисидаги қонунда вилоятлар ва шаҳарларда тузилган ҳокимиятлар мисолида кўриш мумкин.

Маҳаллий ҳокимиятга бериладиган ваколатлар бозор иқтисодиёти институтларини яратиш жараёнида ҳамда улар бозор стратегиясини яратишда янада такомиллашади.

Юқорида кўрсатилган қонунда маҳаллий ҳокимият идораларига бир қанча ваколатлар берилган, жумладан, қонуннинг 12 моддасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, уларга берилган вазифалари ва ҳуқуқларидан фойдаланиб, маҳаллий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни назарда тутиб, мустақил равишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини тузадилар, деб кўрсатилган. Мазкур Қонунда маҳаллий ҳокимият идоралари тасарруф этадиган коммунал мулкчилик кўрсатилган. Маҳаллий (коммунал) мулк шакллари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характеридаги маҳаллий ҳокимиятга тегишли мулклар ҳисобланади.

Маҳаллий (коммунал) мулкчиликка асосланган корхоналар биринчи навбатда маҳаллий, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишлари лозим. Маҳаллий ҳокимиятларга бериладиган ваколатлар, айниқса, ноишлаб чиқариш соҳаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, ер ресурсларини тақсимлашда, хизмат курсатиш, транспорт ва савдо соҳаларида катта аҳамият касб этади. Бу соҳалар

асосан хусусийлашган иқтисодий субъектлар тасарруфида бўлади (1-Чизма).

1.4. Минтақа иқтисодиётининг ҳуқуқий кафолатлари ва иқтисодий қонунлардан фойдаланиш хусусиятлари

«Минтақа иқтисодиёти асослари» фанининг илмийлиги иқтисодий қонунлардан онгли равишда фойдаланишга ҳаракат қилади. Уни англаш ва тафаккур қилиш билан ҳар бир қонуннинг келажакда келтириб чиқарадиган ижтимоий-иқтисодий оқибатларини кўришимиз мумкин. Иқтисодий қонунлардан фойдаланиш режаларининг илмийлигини ҳамда аниқлигини таъминлайди.

Айниқса, бозор талаб ва таклиф қонуни, эҳтиёжнинг ўсиб бориш қонуни, меҳнат унумдорлиги қонуни, тақсимот қонуни каби иқтисодий қонунларни қўлланиши лозим.

Иқтисодий қонунларнинг энг асосийси қўшимча даромадимиз қонунидир. Қўшимча қиймат олиш учун ҳар бир капитал эгасини ҳаракатга келтиради. Қўшимча даромад олиш учун ҳар бир сармоядор узоқ муддатга қўшимча сармоя сарфлаш билан истиқболда фойдасининг миқдорини оширади.


Ҳозирги кунда қўшимча капитал олиш учун халқаро фирмалар, корпорациялар, концернлар ташкил қилинмоқда. Қўшимча даромад қонуннинг асосий моҳияти қўшимча капитал олиш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шу асосда жамият тараққиётининг ривожига таъсир этишдир. Қўшимча қиймат қонунини бошқариш лозим. Амалиётда бу ишни режалар, дастурлар, концепциялар ва бошқа иқтисодий ҳужжатларда аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонунидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Талаб ва эҳтиёжлар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, фан-техника ютуқларидан фойдаланишга, ресурслар чегарасини кенгайтиришга мажбур этади. Қўшимча қиймат олиш учун талаб ва эҳтиёжларнинг доимо ўсиб бориши объектив зарурдир.

Муттасил ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларни қондириш режалаштиришда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади:

- *Бозор конъюктурасини ўрганиш ва бозор ҳажмини аниқлаш. Бу масала иқтисодчилар томонидан доимо ўрганилади ва мос равишда амалий хулосалар қилинади;*
- *Эҳтиёжларни қондириш учун барча ички резервлар, ресурслар аниқланади ва тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Жумладан, ишлаб чиқариш қувватлари баланси ҳисобланади ва қувватларидан фойдаланиш коэффициентини ошириш чора-тадбирлари белгиланади;*

1 чизма. Ўзбекистон ва минтақалар иқтисодиётида мулкчилик турлари ва шакллари



- *Маҳсулотнинг рақобатга бардошлилик қобилияти оширилади. Бунинг учун маҳсулотни дунё стандарти талаблари бўйича ишлаб чиқариш, унинг таннархини минимал даражага келтириш, сифатини яхшилаш масалалари ҳал қилинади.*

Иқтисодиётни тартибга солишда, ушбу масалаларнинг ҳал қилиниши иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий қонунлардан меҳнат унумдорлигининг муттасил ўсиб бориш қонуни, айниқса, иқтисодиётни тартибга солишда тўла ўрганилиши лозим.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши илмий техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодиётнинг бошқарув стратегиясини такомиллаштириш ва инсон омилидан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Жамғариш қонуни ишлаб чиқариш билан истеъмолнинг мақбул мутаносиблиги белгиланишини тақозо этади. Агар жамғариш кўпайса, истеъмол мос равишда камаяди. Натижада ижтимоий ривожланишда қўшимча зиддиятлар пайдо бўлади ва аксинча. Жамғариш қонуни энг аввало жамият ривожланиши учун зарур бўлган мутаносибликларни:

1) жамғариш билан истеъмол;

2) биринчи гуруҳ билан ишлаб чиқариш воситалари ва иккинчи гуруҳ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни;

3) саноатда «А» ва «В» гуруҳлари ўртасидаги мутаносибликни, тараққиётнинг ҳар бир босқичида илмий асосланган ҳолда ўрнатишини тақозо этади.

2-БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишнинг умумий услубий тамойиллари

Минтақалар иқтисодиётини тартибга солишда минтақалардаги маҳаллий идораларни режа тузиш қоидаларига, яъни тамойилларга амал қилинади.

Минтақаларда режаларнинг энг асосий тамойилларидан бири – илмийлик тамойилидир.

1) Режаларнинг илмийлигини иқтисодий қонунлардан фойдаланиш, илмий жиҳатдан асосланган меъёр ва меъёрлардан фойдаланиш, ЭҲМларда тузилган кўп вариантли режаларнинг оптимал вариантини режалаштириш орқали режалаштиришнинг услубиётини такомиллаштириш ва халқаро режалаштириш тажрибасидан фойдаланиш орқали таъминлаш мумкин. Режалаштириш тамойилларига амал қилинаётганда, ҳар бир минтақанинг (шаҳарлар, вилоятлар) ва бошқа минтақавий бирликларнинг ҳақиқийлик даражасини оширади.

2) Режаларнинг ҳақиқийлиги. Режаларнинг ҳақиқийлиги мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг ҳисоб-китобларига талаб ва эҳтиёжларига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатига боғлиқдир. Ҳақиқий режа бажаралиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган режадир.

3) Режаларнинг комплекслик тамойили. Бу тамойил минтақадаги ишлаб чиқариш тармоқлари, соҳалари, транспорт ва коммуникация соҳалари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва атроф-муҳитнинг узвий равишда ривожланишини тақозо этади. Ҳозирги даврда комплексликни таъминлаш ижтимоий соҳа ва экологиянинг устун даражада ривожланишини талаб этади.

4) Етакчи бўғинларнинг устувор даражада ривожланишини таъминлаш. Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида халқ хўжалигининг етакчи бўғини бўлиб, энг аввало, ИТТни жадаллаштирадиган соҳалар ҳисобланади (электроника, машинасозлик). Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳозирги даврнинг асосий талабларидан биридир. Ўзбекистонда барча турдаги хом-ашё ва минерал ресурслар бўлгани ҳолда, бу маҳсулотларни ишлайдиган корхона бирламчи қайта ишлайди, асосий маҳсулотлар тайёр маҳсулотга айлантирилади ва хом-ашё сифатида чет элга ҳам чиқарилади.

5) Ижтимоий самардорлик тамойили. Минтақагаги барча ишлаб чиқариш соҳаларининг самардорлиги, шунингдек, минтақа иқтисодий бошқарув тузилишларига ҳам боғлиқдир. Масалан: маҳсулотларни четга чиқариш учун лицензиялар бериш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, экологик муҳитини муҳофаз қилиш, минтақадаги

иқтисодиёт билан шуғулланувчи ташкилотларнинг асосий вазифасидир. Юқоридаги шарт-шароитларнинг яратилиши вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги самарадорликнинг ошишига олиб келади.

**2.2. Минтақа
иқтисодиётини
тартибга солиш
усуллари**

Режаларнинг илмий асослаганлигини, мақсадлилигини ва самарадорлигини таъминлашда, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган усуллар тузими муҳим рол ўйнайди. Минтақалар иқтисодиётини тартибга солишда асосий

ҳисобланадиган усуллар қуйидагилардан иборат.

1. Баланс. 2. Меърий. 3. Мақсадли дастурий. 4. Иқтисодий математик усуллар.

Режалаштиришнинг баланс усули ёрдамида турли ишлаб чиқариш тармоқлари ва минтақалар ривожланишида мувофиқлаштиришни ва мутаносибликларни таъминлашда ижтимоий талаб ва ресурсларни бир-бирига боғлаш амалга оширилади. Режалаштиришнинг меъёрий усули режалар ижтимоий-иқтисодий мақсадларининг ва ИТТ ютуқларини акс эттирувчи меъёр ва меъёрлашларнинг илғор тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширилади. Режалаштириш мақсадли дастурий усулидан йирик хўжалик муаммоларни, муҳим фан-техника масалаларини асослашда қўлланилади (масалан: тармоқлараро, уй-жой билан таъминлаш дастури). Бу дастурларни амалга ошириш бир неча минтақалар ўртасида бўлиши мумкин.

Режалаштириш иқтисодий математик усуллари режаларини оптималлаштиришда ва уларни илмий асослаш мақсадида ҳисоблаш техникаси ёрдамида ва иқтисодий математик моделларни қўллаш имкониятини яратади. Минтақалар иқтисодиётини тартибга солишда юқорида келтирилган усуллар ёрдамида бир-бирини тўлдирган ҳолда режаларни тузишда фойдаланилади.

2.3.

**Минтақаларда
режалаштириш
ташкилотлари-
нинг таркиби,
уларнинг
вазифаси ва
бурчлари**

Минтақаларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари билан вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари қошидаги макроиқтисод ва статистика бош бошқармаси шуғулланади. Ҳокимиятлар қошида иқтисодиёт билан шуғулланувчи барча идоралар истиқболдаги муаммоларни режалаштириш бошқармаси билан мувофиқлаштиради. Ҳокимиятлар таркибида иқтисодиётнинг у ёки бу соҳалари билан

шуғулланадиган молиявий тузишга халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари раҳбарлик қилади. Минтақалардаги режалаштириш ташкилотлари ўз фаолиятини жумҳуриятнинг тегишли компаниялари ва вазирлиги билан маҳаллий ҳокимият тасдиқланган низом асосида олиб боради. Низомда режалаштириш бошқармасининг фаолиятлари, ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ кўрсатилган бўлади.

Вилоят макроиқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг қуйидаги асосий вазифалари белгиланган:

1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режасини тузиш ва ундан ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

2) вилоят аҳолисининг халқ истеъмоли товарларига бўлган талабини тула қондириш, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш;

3) маҳаллий бюджет ва корхоналарнинг даромадлари ҳисобига ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тамойили асосида йиллар мобайнида 2-даражали бўлиб келган, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Вилоят макроиқтисод ва статистика бош бошқармасининг қуйидаги фаолиятлари белгиланган:

1) вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш режаларини белгиланган муддатда ва тартибда ишлаб чиқиш. Вилоят минтақасидаги барча корхоналарни, шаҳар ва туманларнинг бизнес-режалари устидан услубий раҳбарлик қилиш;

2) жумҳуриятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш дастурини тузишда, минтақавий ишлаб чиқариш дастурларини тузишда бевосита иштирок этиш ва тегишли тавсия ва таклифлар бериш;

3) иш жойини ташкил этиш, меҳнат баланси, моддий баланслар тузиш, режаларнинг бажаралишини назорат қилиш ва ҳоказо.

2.4. Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг режали бошқаришни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш

Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда давлат корхоналарининг манфаатларини минтақа иқтисодий манфаатлари билан мувофиқ қўшиб олиб бориш керак. Корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқиши уларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиради. Мустақил корхоналарнинг фаолиятларини мувофиқ қўшиб олиб бориш минтақавий самарадорликнинг оширилишига таъсир этади. Минтақавий режалаштириш ташкилотлари иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ваколатларига эгадир. Уларнинг шу каби ваколатлари маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисидаги қонунда кўрсатиб берилган. Тармоқлар ва ҳудудларни режалаштириш ташкилотларининг баланс ҳисоб-китобларини бажаради. Бунинг учун моддий, меҳнат ва молиявий баланслар тузилади.

Режалаштириш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

1) ўтган бир неча жорий йиллар иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинади ва таҳлилда жорий йиллардаги йўл қўйилган камчиликлар, резервлар ва иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари аниқланади. Таҳлил яқунлари натижаси бўйича жорий иш режалаштириш ташкилотларига таклифлар, тавсиялар ва ~~талаблар~~ мулоҳазалар берилади;



2) барча қўйи ташкилотларда аниқланган таклиф ва тавсиялар умумлаштирилади ва тегишли қарор қабул қилинади;

3) кенг қўламдаги режа ҳисоб-китоблари бажарилади. Режа ҳисоб-китобларини бажариш учун барча режалаштириш ташкилотларига умумий йўл-йўриқ, услубиёт, ҳисоб-китобларни бажариш тартиби, вақти берилади.

Режаларнинг бажарилишини таъминлаш учун иқтисодий, ҳуқуқий, маъмурий ва ташкилий механизмлардан фойдаланилади. Иқтисодий механизм ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга кучли таъсир этади. Иқтисодиётда энг кучли таъсир этувчи механизмларга баҳо, молия, кредит ва иқтисодий бошқариш механизмлари киради.

Назорат ишлари қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Назорат ўз вақтида ўтказилиши лозим.

2. Назоратни белгиланган режа асосида ташкил этиш лозим.

3. Назорат комплекс тарзда бўлиши лозим, режаларнинг бажарилишини таъминлаш ишлари билан умумрежалаштириш ва бошқариш ташкилотларидан ташқари банклар, молия бўлимлари, давлатнинг ҳуқуқий ташкилотлари шуғулланади. Назорат қилиш маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимларида амалга оширилади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш (МУЎБ)

**2.5. Маҳаллий
ўз-ўзини
бошқариш тизими
ва уларнинг
таркибий
қисмлари**

идоралари бозор иқтисодиётининг талаблари асосида ташкил топади. Минтақада жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарнинг фаолиятларини вазирликлар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият идоралари тартибга соладилар ва мувофиқлаштирадилар. Айниқса, хусусий корхоналар, акционерлик жамиятлари, чет элликлар билан ҳамкорликда қурилган корхоналарнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш объектив зарурдир. Чунки мустақил корхоналар тартибсиз фаолиятлари ишлаб чиқариш анархиясига олиб келиши мумкин. Корхоналарнинг самарали рақобатида фаолият қилиши минтақавий ташкилотлар вақолатларининг кенгайиши ва бошқарув стратегиясининг такомиллашуви билан боғлиқдир. Шу каби масаларнинг ҳал этилиши корхоналарининг иқтисодий имкониятларининг кенгайтирилиши билан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимиятларининг вақолатлари кенгайишини тақозо этади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтиш юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал этиш мақсадида тузилган. Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқлари, бурчлари, вазибалари Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари тўғрисидаги қонунда кўрсатиб берилган. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қабул қилинган. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, маҳаллий аҳамиятга мос барча масалаларни қонунлар ҳамда тегишли моддий ва молиявий база асосида қўлининг манфаатлари ҳамда маъмурий минтақавий бирликнинг ўзига

хос хусусиятларига мувофиқ бевосита ёки ўзлари сайлаб қўядиган идоралар орқали ҳал қилиш, фуқароларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида тузилган.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш (МЎЎБ) идоралари минтақа аҳолисининг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий фаолиятини оширади ва жамиятнинг барқарор ривожини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. МЎЎБ идоралари ўз таркибига қуйидагиларни олади:

1. Маҳаллий ҳокимият идоралари. Улар минтақадаги барча ижтимоий-иқтисодий масалаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга ҳақлидир. Жумладан, МЎЎБ идораларини ташкил этиш, экологик вазиятни муҳофаза қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳоказо.

2. Бевосита демократиянинг турли шакллари кўринишидаги МЎЎБ идоралари. Уларга маҳаллий референдумларни, фуқароларнинг йиғинларини мисол қилиш мумкин. Ушбу гуруҳдаги МЎЎБ идоралари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қатор масалаларни эркин, демократик нормалар асосида ҳал этади ва маҳаллий ҳокимиятга тегишли масалаларни ҳал этиш учун кўмаклашади.

3. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг минтақавий-ижтимоий ўз-ўзини бошқариш идоралари. Буларга ҳудудларнинг кенгашлари ва қўмиталари, маҳалла ва уй қўмиталари киради.

4. Маҳаллий ҳокимият идоралари минтақада МЎЎБ идораларининг фаолиятларини бирлаштириб, уюшмаларга айланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратади.

2.6. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимининг иқтисодий ва молиявий асослари

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг мулк шакллари асосан коммунал мулкдан ташкил топган. Коммунал мулк деб, давлатга қайтариб бермаслик шarti билан маҳаллий кенгашларга берилган мулкка ва маҳаллий кенгашларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган эҳтиёжларини қондириш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган корхона бўлса, маҳаллий ҳокимият бошқа мулкка таалуқли корхоналар, бирлашмалар, муассасалар мулкнинг коммунал мулкка ўтказиш кераклиги тўғрисида ёки маҳаллий ҳокимият сотиб олиши тўғрисида таклиф этиш ҳуқуқига эга. Бундан кўриниб турибдики, МЎЎБ идораларининг ташкил этилиши мулкчиликка ҳам тегишли ўзгаришлар киритади. МЎЎБ идораларининг даромад олиш манбаи табиий ресурслар, коммунал мулк корхоналари ҳисобланади, шунинг учун коммунал мулк маҳаллий ҳокимиятнинг моддий асосини ташкил қилади. Минтақа аҳолиси номидан коммунал мулкларни топшириш ва бошқариш маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига юклатилган. Коммунал мулк минтақа ҳўжалигининг турли кўринишидаги ранг-баранг мулкларидан биридир.

Минтақа хўжалигида хусусий корхоналар, ширкатлар, давлат корхоналари, коммунал-мулкчиликка асосланган корхоналар ва бошқа турли мулкчиликка асосланган корхоналар мавжуд. Уларнинг йигиндиси минтақа хўжалигини ташкил қилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари минтақа аҳолисининг манфаатларидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиради, аҳолининг иш билан бандлиги ўсишига, ялпи ҳудудий маҳсулотни оширишга, истеъмол буюмларининг ҳажми кўпайшишга ёрдам беради. Маҳаллий ҳокимият янги корхоналарни ташкил этиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини такомиллаштиришга ва мувофиқлаштиришга масъулдир. Ер ости ва усти бойликларидан миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда фойдаланишни ташкил этади. Ишлаб чиқаришдаги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди ва минтақанинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлайди.

2.7. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш корхоналари ваколатларининг кенгайиши ва уларнинг такомиллашуви

Маҳаллий ҳокимият идоралари минтақада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари фаолиятларини бирлаштириб уюшмаларга айланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг фаолиятлари уларга берилган ваколатлар, ҳуқуқлар ва вазифаларда кўринади. Маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳозирги даврдаги ваколатларидан бири қурилиш, уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилишга қаратилган ушбу ваколатда, иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарни минтақавий идоралар томонидан самарали жиҳатдан мустақил корхоналарни минтақавий идоралар томонидан самарали тартибга солиш ва мувофиқлаштириш имконини беради. МЎЎБ идоралари банкларда ҳисоб рақамларини очиш ҳуқуқларига ҳам эгадир. Берилган ваколатлар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида МЎЎБ идораларига ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқлари берилган. Белгиланган тартибда кичик корхоналар очиш, ширкатлар ва қизиқишлар бўйича клублар, ҳаваскорлик уюшмалари, дам олиш уйлари ва шу каби муассасалар очишлари мумкин. МЎЎБ идоралари минтақа аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш мақсадида молиявий ижтимоий фондлар ташкил этишлари мумкин. Фондларни ташкил этишда корхоналарнинг, фуқароларнинг ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг маблағларини жамлаган ҳолда ташкил этидилар.

3- БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЎРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

3.1. Минтақа иқтисодиёти асослари объектини ўрганишнинг назарий асослари

XXI аср таълим-тарбия соҳасида энг янги тарих икки бир-бирига қарама-қарши диалектик бирикма жараёни жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва бир вақтнинг ўзида жаҳон иқтисодиётига минтақавий омил таъсирининг кучайиши кўпроқ кузатилмоқда. Таниқли футурологларнинг фикрича, минтақалаштириш илмий, глобаллаштириш ва этник халқларнинг ўзлигини англашнинг янгиланиши билан ҳозирги замон жамиятининг уч векторининг эволюциясини белгиловчи омил бўлиб, қарор топмоқда: глобаллашув, этник ўзлиқни англаш ва истиқболда минтақадан самарали фойдаланиш.

Минтақавий омил нафақат жаҳонда, балки миллий ва корпоратив даражаларда ҳам иқтисодий жараёнларнинг боришига таъсир этмоқда. Глобаллашган компанияларнинг самарали функционлашуви минтақаларда жойлашган иқтисодий институтлар билан ишончли ва мустақкам алоқадорлиги, иқтисодий вазиятнинг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқлигига қарам бўлиб қолмоқда. Бутун жаҳон иқтисодиёти доирасида, ишлаб чиқариш омили трансмиллий компанияларнинг ривожланиши чегарасини белгиламай қўйди ва уларнинг минтақа ҳокимлик органлари, яъни истеъмолчи субъектлари билан шахсий ҳамкорлиги тобора кўпроқ даражада мувафақиятнинг ҳал қилувчи пайтини, минтақадаги корхоналарнинг ишини доимий такомиллаштириш ва янгилашнинг тезлигини белгилаб бермоқда.

Хорижий мамлакатлар учун ҳам ва Ўзбекистон Республикаси учун ҳам минтақавий омил, алоҳида аҳамиятга эга, чунки шўролар даврида юқоридан кўрсатилган стандартлар, минтақа ҳудудини ҳар хил табиий-иқлими ва хўжалик юритиш шароитига аниқ мослашуви доимий муаммо бўлиб қолган эди. Шунинг учун, бозор шароитида минтақа иқтисодиётини жойлаштириш, ривожлантириш ва бошқариш қарорини қабул қилиш ва мажмуавий тадқиқот олиб боришга эътибор бериш тақозо этилади. Хорижда туб иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг бошланғич даврида, макроиқтисодий моделлар ва категориялардан фойдаланилган, минтақа иқтисодиётининг шакллантириш асосчилари И.Тюнен, А.Вебер, А.Лёш, В.Кристаллер ва У.Айзардлар минтақа иқтисодиётини жойлаштириш, ривожлантириш бўйича назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиб, ундан ўзлари фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар. Бу ерда гап минтақа иқтисодий тадқиқотининг Ватанимиз тарихидаги ва собиқ шўролар тажрибаси ва мустақил Ўзбекистондаги минтақа иқтисодиётини ривожланишининг янги йўналишларини аниқлаш, ва айниқса, мустақиллик йилларида, бозор ислохотлари

даврида, вужудга келган бу масаладаги янги гоя ва қарашлар югуқларини қиёслаш, асос қилиб олиш ва унинг, ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда янгича ёндашув асосида муаммони ечиб берилишни ўрганишни тақозо этади.

Республика иқтисодиётининг минтақа таркибини мажмуавий тарзда илмий асослаб бериш ҳам охиригача тўла ҳал қилинмаган, бу эса Фарғона минтақа иқтисодиётининг ривожлантириш хусусиятларини ва унинг муаммоларини ҳал қилишда, унинг омилларидан тўла-тўқис фойдаланиш жараёнини тўхтатиб қўймоқда. Минтақа иқтисодиётининг бозор талаби асосида ёндашуви ва шакллантириш масалаларини умумметодология жиҳатидан, кўриб чиқишда унинг асоси бўладиган энг муҳим қатор тамойилларини белгилайдиган имкониятлар ва омиллар мавжуд. Бу, энг аввало, ўз ичига минтақада барча тармоқ ва соҳаларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол, молия, кредит, маркетинг хизмати каби таркибий қисмларни қамраб олган бўлиши лозим; иккинчидан, минтақа иқтисодиётининг зарурий эҳтиёжларини мақсадга мувофиқ ташкил этилишини янгича тарзда шакллантириш; учинчидан, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш, унинг мақсадли устувор йўналишлари ўрнини белгилаб олиш; тўртинчидан, минтақа иқтисодиётининг тармоқлари ва соҳаларининг таркибини шакллантириш бўйича мезонларини аниқлаб олиш; бешинчидан, минтақа иқтисодиётининг таркибини шакллантириш масалаларини ҳал этиш чоғида иқтисодий кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқлигини, имконият доираларини баҳолашни ишлаб чиқиш; олтинчидан, минтақа иқтисодиётининг таркибини шакллантиришда унинг фаолиятидаги инфратузилма қисмларининг интеграциялашган самарасининг мавжудлигини аниқлаб олиш ҳисобланади.

Бироқ юқорида кўрсатилган тамойиллар тизими минтақа иқтисодиётининг шаклланиши учун етарли ҳисобланса-да, шу билан ўз навбатида, ҳар бир аниқ шароитда бу тамойил тизими бошқа минтақа иқтисодиётининг боғлиқ ҳолатлари билан тўлдирилиши ва унинг ривожланишига қўшимчалар киритилиши мумкин. Умуман олганда, минтақа иқтисодиётини мамлакат миллий иқтисодиёти таркибидаги интеграциялаштирилган соҳа ва тармоқларнинг оддий йиғиндиси деб тушуниш мумкин эмас, балки, қарама-қарши мақсадлар билан ривожланишнинг ва ривожланган алоқаларининг ягона мажмуи (йиғиндиси) доирасида тасаввур этмоқ лозим. Бошқа томондан, минтақа иқтисодиётининг таркибий қисмлари ва томонлари ҳар хил даражада ривож топганлиги, бошқа минтақаларнинг ва ташқи бозорларнинг тегишли бўғинлари билан муносабатларига эга бўлганлиги аниқ кўринади. Яна бир муҳим томони, минтақа иқтисодиёти ўз ҳудудида табиий минерал хом-ашё билан таъминланганлиги даражасининг юқори ва минималли унинг ўзида ишлаб чиқариш харажатларининг даражасини аниқлашга имкон беради.

Юқорида баён этилган шундай шароитларга ва омилларга асосланиб, айтиш мумкинки, минтақа иқтисодиётининг ривожланиш мақсадининг шаклланишига юқоридаги кўрсатилган омиллар муайян таъсир этади. Минтақа иқтисодиётининг мақсадини аниқ ифода қилинишига, шунингдек, ички ва ташқи бозорлардаги талаблар ва улар билан боғлиқ халқ хўжалигининг ҳудудий ихтисослашуви ва меҳнат тақсимоти ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, табиий баҳираларнинг дифференциялашуви ҳамда иқтисодий, тарихий, миллий ва ижтимоий бир-бири билан боғланганлиги ҳолатидан келиб чиқади, шу билан бирга, у минтақалар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ва унумдорлиги даражаси ва минтақавий шароитлардан, иқтисодий ўсишнинг омилларидан фойдаланишнинг характери очиқ беради.

Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг таркибий тузилиши тамойилининг хусусияти ва унга хос шароитларнинг ривожини алоҳида олинган маҳсулотлар ишлаб чиқаришига тегишли бўлиб, у ўз ишлаб чиқариши учун муҳим шароитларни талаб этади. Бу, энг аввало, саноати ривожланган минтақа, табиий ресурсли минтақа, саноати шаклланган минтақа, тоғолди минтақа, қишлоқ хўжалиги минтақаси кабилардир. Аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ҳисобидан ишлаб чиқаришга ҳар бир минтақа мажмуасининг ўз мақсади сифатида қаралиши мумкин эмас, балки қанчалик кенг имкониятга эга бўлмасин, у бошқа эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотларни четдан ҳамкорлик асосида олиб келиш зарурияти туғилади. Масала, Фарғона водийси минтақаси саноати ривожланган бўлса-да, унда машинасозлик саноатига зарур бўлган қора ва рангли металллар, асбоб-ускуналар ва нефтни қайта ишлаш учун кимёвий ашёлар ва бошқа минерал-табиий ресурслар чекланганлиги ва уларни четдан келтириладиётганлиги, улар минтақанинг ўзида етишмаганлиги, айниқса, шакар ва чой ишлаб чиқариш учун имкониятни йўқлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Демак, минтақавий иқтисодиёт бу – мамлакатнинг алоҳида ҳудуди ёки алоҳида қисми бўлиб, табиий-иқлим шароитлари билан узвий боғланган, ижтимоий-иқтисодий, демографик, ташкилий жойлашган, мослаштирилган жараёнлар ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашувининг ўзига хос мосланиши тўғрисидаги илмий билим соҳасидир. Минтақа иқтисодиётининг мазмун-моҳияти ва хусусияти илмий асосланган минтақавий сиёсатни самарали ишлаб чиқишга кўмак беради.

Илмий адабиётларда минтақа (рус ва чет тилларида) – «регион» сўзи «мамлакат, вилоят, ўлка, воҳа, водий, майдон» каби маъноларда кенг фойдаланилади. Иқтисодий адабиётларда Минтақа иқтисодиёти «Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳудудий ташкил топишининг қонунийларини ва унинг ҳаракат механизмини ўрганувчи, иқтисодиёт фанининг бир тармоғидир. «Минтақа иқтисодиёти» алоҳида минтақанинг хўжаликларининг ривожланиши билан боғлиқликда иқтисодий-ижтимоий

ходиса ва жараёнларни ҳамда ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуаларини илмий-назарий тадқиқ этувчи махсус фандир»,¹ деб таърифланади.

Иқтисодиёт назариясида «Минтақа халқ хўжалигининг алоҳида кичик тизими бўлиб, тармоқлар ва ҳудудий меҳнат тақсимотининг ўзаро ҳаракати асосида ташкил топган халқ хўжалигининг кичик тизими – гушунча (категория)дир»,² деган таъриф келтирилади.

Яна бир хорижий адабиётда «Минтақа иқтисодиёти халқ хўжалиги соҳалари, тармоқлари ва секторлари ўзаро алоқадорлигининг мураккаб мажмуи сифатида тасаввур этишдир»,³ дейилади. Унинг муҳим характерли жиҳати ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг, товар ва хизматларнинг ҳажми, ривожланиш суръатлари, иқтисодиётнинг таркиби, алоҳида секторининг ва хўжалик тармоғининг (ҳудудининг) бир бутунлигиндир. Бу ўз навбатида, мавжуд ресурслардан, ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан, жумладан, меҳнат, капитал, ер ва унинг бойликларидан, тадбиркорлик ва интеллектуал қобилиятлари ва ахборотлардан фойдаланишга боғлиқ бўладиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий мустақиллиги бўлиб, сиёсий жиҳатдан мамлакатнинг бўлинмас, яхлит бўлагидир.

Шу нуқтаи назардан эса, умумий яхлитлик билан бирга ўзига хос хусусиятдаги алоҳида табиий-иқлим, табиий ресурс, демографик, ишлаб чиқариш ва технология салоҳияти, ахборот-коммуникация, маҳаллий ва экологик кўринишлар ҳам мавжуд бўлади. Шу маънода, «минтақа» тушунчасининг эволюцияси икки йўналишда юз берган:

- субъектлар умумманфаатининг кенгайиб борганлигида (инсон, оила, уруғ, шаҳар, миллат қабила);

- алоҳида минтақанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, роли ва тутган ўрни кенгайиб, бойиб, янги миқдор ва сифат шакллари пайдо бўлиб борганлигида.

Ҳар қандай тараққиётнинг негизида эса иқтисодий-ижтимоий омиллар ётар экан, бу, албатта, табиий, Фарғона водийси каби минтақалар иқтисодиёти учун таалуқли бўлиб, унинг сабаб-оқибатларини илмий ва амалий ўрганишга боғлиқдир.

Рус минтақашунос олими А.Г.Гранбергнинг фикрича, «Минтақавий омил иқтисодий жараёнларнинг боришига нафақат жаҳон миқёсида, балки ҳам миллий, ҳам корпоратив даражаларда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Глобаллашган компанияларнинг самарали функционаллашуви, минтақаларда жойлашган иқтисодий муҳитнинг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқлиги кучайиб бормоқда»⁴. «Ҳар қайси эл-юртда (минтақада - А.Ф.) бундай хусусият ва ижобий сифатларни рўёбга чиқариш учун, албатта, зарур вазият ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиш

¹ «Политэкономическая энциклопедия» М. 1979. с.477.

² «Экономическая теория» Учебник под ред. Академикова В.И. Видяпина, Г.П. Журавлевой, С.С. Гуломова и др. Т. 1999, с. 549.

³ «Анализ экономики (страна, регион, рынок, фирма)». Под ред. проф. В.Е.Рыбалкина. М. 199. с. 9.

⁴ Гранберг А.Г. «Основы региональной экономики» МГУ-ППЭ. 2000 с. 9.

керак»¹. Фарғона минтақасининг ўзига хос салоҳияти ана шундай фазилатлари, айниқса, истиқлол йилларида яққол намоён бўлмоқда.

Аҳоли сонининг кўпайиб бориши, чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш туфайли минтақа иқтисодиётига эътибор кучайиб боради. Айниқса, ривожланган мамлакатларда минтақани ўзлаштириш, унда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, хилма-хил фикрлар ва назариялар ишлаб чиқилган.

Минтақанинг, жумладан, Фарғона минтақасининг тизимли таҳлил қилиш методологиясида янгича ёндашув борасида қуйидаги хусусиятга эътибор бериш лозим:

- ўзига хос табиий-иқлим шароитига эга бўлган ҳудуд;
- алоҳида ажралган мустақил, маҳаллий, маъмурий (ҳудудий) тақрор ишлаб чиқариш тизими;
- алоҳида, мустақил алоҳидалашган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тизим;
- бошқа минтақалар ва ҳудудлар билан ўзаро узвий алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликдаги кичик тизим;
- умумиқтисодий қонуниятлар таъсирида ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ва ихтисослашувига асосланган минтақа тизими;
- бутун мамлакат иқтисодиётида барча тармоқлар ва тармоқлараро ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларнинг ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлиги, қарамлиги негизида макронқтисодиётнинг барча кўрсаткичларини (даромад, молия, солиқ, банк, суғурта компаниялари) бир-бирига узвий боғлиқлик тизими.

Минтақа иқтисодиёти тўғрисида иқтисодчиларнинг фикри, ҳар хил ижтимоий-иқтисодий тизимларда ва даврларда бир эмас, албатта, лекин, умумий қарашлари бир хилдир. Уларнинг қараш ва фикрларининг танқидий таҳлили минтақа иқтисодиётининг мазмун-моҳияти методологик-назарий асосларини ва хусусиятларини очиб беришга имкон беради.

Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш муносабати билан минтақаларнинг ривожлантирилишига қизиқиш юқори бўлишига қарамасдан (ўтган йилларга нисбатан), «Минтақавий сиёсат қандай бўлиши керак?» деган саволга тўлиқ жавоб топиш қийин, чунки уларнинг миқёси, усули, объекти ва бошқалар ҳали етарли илмий ишлаб чиқилган эмас. Минтақаларни давлат томонидан тартибга солиш орқали унинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш ёки миқёслари қисқариши тўғрисидаги масалалар ўз ечимини кутмоқда. Масалан:

- хом-ашёга йўналтирилган минтақанинг бозор муносабатларига ўтишида, агар давлат ва маҳаллий ҳокимият алоҳида минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга

¹ Каримов И.А. Андижон вилоятига Амир Темур орденини топшириш маросимидаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил. 4 декабр.

солмас экан, иқтисодий ўсиш даражаси, номутаносиблиги сақланиб қолиши мураккаблашади;

- минтақаларда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга эътиборни кучайтириш (республика бўйича ўртача таққосланса), минтақавий сиёсатнинг оқибати қандай бўлишини тасаввур этиш муаммолигича қолади;
- минтақада солиқ имтиёзи, инфратузилмага инвестициялар, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда энг юқори даражага эришишида, минтақавий қонунлар ўз ёрдамини кўрсатиши зарур бўлади;
- шу мақсадда, минтақага мос келадиган назарияларни ва жаҳон тажрибасини ўрганишни тақозо этади;
- бинобарин, минтақанинг иқтисодий ўсишини таъминлашда давлат томонидан тартибга солиниши, минтақавий сиёсатнинг назарияси ва методологияси ишлаб чиқирилиши лозим.

Лекин буларнинг кўп қисми битта минтақа доирасида иқтисодий ўсиш методологияси билан чегараланиб қолмаслиги керак. Бунинг учун бозор шароитида умумий ўсиш кўрсаткичи, суръати, минтақалар бўйича фарқланиш тўғрисида адолатли фикр юритиш имконини бериш лозим. Бу – биринчидан, иқтисодий ривожланиш – бутун мамлакат бўйича ишлаб чиқилган иқтисодий ўсиш тушунчасини, иқтисодий ўсиш моделини минтақаларда қўллаш;

- иккинчидан, биринчи навбатда, минтақаларда иқтисодий ривожланиш фаолиятини белгилаш ва алоҳида корхона ва фирмаларнинг фаолиятини таҳлил қилишга асос бўлиши лозим;
- минтақанинг бозор шароитида хорижий мамлакатлари фирмалари, корхоналари билан иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлиги ва интеграциялашувининг даражаси аниқлаш лозим.

Ривожланган мамлакатларда минтақанинг ривожланиш назарияси йўналишларига турлича қарашлар мавжуд. Бу тўғрисидаги энг кучли илмий мактаблар Германия, Швеция, Буюк Британия, АҚШ ва Францияда вужудга келган. Германияда жойлаштириш назариясига анъанавий даражада эътибор қаратилган; Минтақа иқтисодиётини ўсиш муаммосини ўрганиш (Х.Зиберт) ва минтақавий ривожланишни тартибга солиш бўйича (В.Кристаллер, А.Лёш), асосан, улар бошқа миллат мактаб вакилларининг ғояларини давом эттиришган. Жумладан,

1. Британия мактаби минтақавий назариянинг ҳамма йўналишлари бўйича иш олиб борган. (А.Смит, Х.Ричардсон, С.Деннисон, Э.Робинсон, Г.Камерон ва бир қатор бошқа олимлар). Улар асосан АҚШ мактаби билан ўхшашдирлар. Масалан, минтақада жойлаштириш назариясининг ривожланишига (Х.Хотеллинг, Р.Вернон, М.Сторпер, Р.Уолкер); минтақа иқтисодиётининг ўсиш назариясига эса – Дж.Фридман, Э.Таафе салмоқли ҳисса қўшганлар. Худудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш назарияси билан Э.Гувер шуғулланган. Лекин, шу билан бирга, минтақавий муаммони ўрганишда инглиз-саксон мактаби

тутилган илмий-назарий асосни кўрсата олмаганлар, улар жойлаштириш ва ривожлантириш назариясининг герман-классик тадқиқотчилари каби тадқиқот олиб борганлар.

2. Минтақавий ривожланиш назариясининг ижтимоий саволларига француз иқтисодчилари ва иқтисодий географлар юқори даражада қизиқишда бўлишган ва илмий йўналишларни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бу урбанизация назарияси билан боғлиқ (Ф.Перру, П.Потье).

3. Минтақавий иқтисодиёт назарияси бўйича рус иқтисодчилари ва географлар катта тадқиқотлар олиб боришган бўлсаларда, улар асосан ғарб гоёларининг ўз мамлакатларида ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Бозор шароитига оид катта илмий ҳиссани битта мамлакат (Россия) доирасида А.Гранберг¹, Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский,² И.А.Витвер ва Ю.Г.Саушкинлар қўшганлар.

Илмий ишимизда биз, жойлаштириш ва минтақавий ўсиш назарияларининг хорижий тадқиқотчиларининг қарашлари ва фикрларини янада кенгроқ таҳлил қилиб ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Хориждаги жойлаштириш назариясининг моҳияти ва хусусияти шундаки, у бозор муносабатлари шароитида иқтисодий наф келтириш назарияси асосида, муҳим аҳамиятга эгадир. Жойлаштириш назариясини икки гуруҳга бўлиш мумкин: статик (мувозанатли) ва динамик (ўсиш).

Статик назария олдинроқ ва динамик назария эса кейинроқ вужудга келган. Бу назариялар ҳозирги вақтда «штандорт» (жойлаштириш назарияси) деб юритилади (улар Й.Г.фон Тюнен³, В.Лаунхардт ва А.Веберларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ).

Ушбу назарияларнинг бошқалардан фарқи ва асосий хусусиятлари қуйидагилар:

- алоҳида олинган битта қишлоқ хўжалиги ёки ишлаб чиқариш корхонасини кўриб чиқиш (муҳокама қилиш) ва ўрганиш;

- жойлаштиришда корхонани қулай жойда қуриш тўғрисида умумий ҳолда аниқ жавоб олиш ва жойлаштириш омилларини тўплаб, таҳлил қилиш;

- жойлашган корхона ва тармоқнинг жамият учун манфаатлигига, пировард мақсади илмий асосланиши.

Минтақада товар ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг объектив қонуниятларини биринчи бўлиб Й.Г.фон Тюнен аниқлаб берган. У жойлаштириш намунасини қуйидагича қилиб кўрсатади: ихтисосини ўрганиш ва танлов йўли билан яшаб турган жойидан шаҳаргача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни истеъмол бозорига яқинлигини ҳамда саноат маҳсулотларини етказиб беришнинг транспорт самарадорлигини аниқлайди. Унинг қарашларида, минтақадаги жойлаштириш андозасида

¹ Гранберг А. Основы региональной экономики МГУ-ВШЭ 2000.

² Колосовский Ю.Г. Экономическая география история, теория, методы

³ Далее Вопросы экономики 2001, № 10 «Зачёт по последнему» с 151-154

асосий омил бўлиб, транспорт харажатлари ҳисобланади. Унинг тадқиқотини асослаб берган В.Лаунхардт, «транспорт омилини ҳал қилувчи» деб ҳисоблаган ҳолда, минтақада саноат корхоналарининг қурилиши башорат қилиниб, кўриб чиқилган. У саноат корхоналарини жойлаштиришда ёрдамчи хом-ашё ва тайёр маҳсулот етказиб беришда транспорт харажатлари энг паст миқдори бўлиши керак, деб кўрсатган.

Минтақада жойлаштиришнинг қулай мезонлари, А.Вебер назариясига кўра, ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг энг паст маблағ харажатларида, деб билади. Бунда хом ашё ва энергияга кетган транспорт, меҳнат ва хўжалик харажатлари ва агломерация омили (ишлаб чиқаришнинг техника таъминоти ва жойлаштиришни бир жойда жамлаш, инфратузилма, таъмирлаш ва омборлардан фойдаланиш имкони агломерацияда фойда) деб қаралади.

Классик штандорт жойлаштириш назариялари А.Предёл ва Т.Паландер¹ томонидан ривожлантирилди. Уларнинг таъкидлашларича, жойлаштиришнинг энг қулай шарти мослаштириш омилларининг кўплиги ва минтақада ҳар хил тармоқ, соҳалар ва корхоналар мавжудлигидир. Бундан ташқари, унинг асосий таклифи ҳудуднинг ҳар хиллигини, ресурсларга дифференциал баҳо бериш ва корхонани қаерда жойлашганидан қатъий назар, имкони борича муқобил (альтернатив) технологиядан фойдаланиш лозим деб билишдадир.

Минтақада жойлаштириш назариясини ривожлантирган, уни янги босқичга кўтарганлар А.Лёш² ва А.Смит³ ҳисобланадилар. Уларнинг назариялари янги штандорт ёки «неоклассик» назария деб аталади («неоклассик» дегани иқтисодий назарияга тегишли деб бўлмайди). Улар яратган «неоклассик» назариясининг классик назариядан фарқи шуки, ишлаб чиқарувчиларнинг бир хил тенглигини ҳудудий таъминлашга қобилиятли саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришда умумий назариясини яратиш мумкин эмаслигини тушуниб олиш зарур. Чунки ишлаб чиқаришни энг қулай минтақада таъминлаш, жойлаштиришни ва ривожлантиришни танлаш хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши доимо субъектив ҳисобланган. Ривожланишининг энг қулай ўлчови соф фойданинг юқорилигида, деб ҳисобланган. Бунда уларнинг «неоклассик» назариялари классик назариялар сингари алоҳида саноат корхоналари (Микроиқтисодиёт) билан боғлиқ илмий тадқиқотни кўзда тутди.

Мазкур назариялар, ушбу босқичда энг кўп омиллар сони корхонанинг жойлаштириш жойини танлаш, солиқ ва молиявий тизими, давлат чегараси, техника тараққиёти даражасини ҳисобга олиш керак, деб ҳисоблайди. А.Смит атроф муҳитни муҳофазалаш муаммосини,

¹ Palander T. Beitrage zur standort stheori| Upsala, 1935.

² Лёш А. Географическое размещение хозяйства. Издательство иностранной литературы, 1959.

³ Смит Адам, «Халқлар бойлигининг хусусияти ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» Танланган асарлар. М. 1962.

Б.Зимин¹ эса жойлаштиришда ижтимоий-сиёсий тинч ҳолатини илгаригидек осойишта сақлаш омилида, деб билади.

Статик (мувозанатли ҳолат) назарияларнинг ривожланиши ҳозирги нақтгача давом этиб келмоқда, асосан саноат корхоналарини жойлаштириш ва ривожланиш омилининг йўналиши ортиб боришида қўл келмоқда. Бундан ташқари, улар саноат фирмаларини нафақат биргина завод (корхона) деб, балки кўплаб заводларни жойлаштириш, локализация деб қарайдиган бўлишди. Райнхолд Гроцнинг 1980 йил бошидаги ишида саноат фирмаларининг кўп сонли заводларининг мавжудлиги ҳақиқатан ҳам устун туради. Жойлаштиришнинг ўсиши бундай компаниялар муаммосига ёндашиш ягона корхоналар билан таққосланганда тубдан ўзгаради. Чунки иқтисодийга учинчи сектор (хизмат кўрсатиш) кириб келади. Кўп сонли фирмаларнинг муҳим мақсади — айрим корхоналарни жойлаштиришда ва локализациялашда, энг кам харажат сарфлаб, энг кўп даромадга эришишда, деб ҳисоблайдилар.

Динамик (ўсиш)ни жойлаштириш назариясида минтақадаги икки бир-бирига рақобатдош ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришни асослаб, уларнинг фойда олишга интилишини изоҳлайди.

Динамик назариянинг статик назариядан фарқи шундаки, динамик назарияда кўпинча кўп сонли завод ва корхоналарини жойлаштириш кўрилади, бу эса битта заводли компанияларга нисбатан фойдалироқ ҳисобланади. Динамик жойлаштириш назарияси технологик детерменизм ва саноат фирмаларининг, ижтимоий-иқтисодий омиллар ролининг баҳоланмаслиги билан тайзиққа учради. Шунинг учун, кейинги назариялар муаллифлари асосий эътиборни, жойлаштиришнинг ички ва ташқи омилининг шароитларига қаратибгина қолмасдан, балки ички ривожланишнинг ташкил этиш шароитларига, минтақанинг ўзида ички имкониятлардан фойдаланиб, корхона ва саноат фирмаларининг вужудга келиши ва ривожланиш хусусиятига қаратади. Бунда, энг кам харажат қилиш билан боғлиқлигига эътибор берилади.

Динамик ёндашувлар борсида саноат фирмаларининг ривожланишининг ҳудудий босқичи ажратилади, бунда барча компаниялар ўзининг жойлаштириш фаолиятини ҳар хил мезонлари билан бошқарадилар. Э.Куклинскини таъкидлашича, Сторпер ва Уолкер бундай жараённи тўрт босқичга ажратишади²:

Биринчиси «локализация» (чегарадан чиқмасдан маҳаллийлаштириш) — янги ҳудудда, янги корхона ва саноат фирмаларини жойлаштириш;

Иккинчиси «селектив сурбанизация» - олдиндан танланган ҳудуд ичида фирмаларнинг куч-қудратини ошириш, бозордаги мавқеини иложи борича мустаҳкамлаш;

¹ Зимин Б. Роль государства в экономике Деловой мир. 1994, 23 мая. С. 7

² Куклински Э Региональное развитие — начало повторного этапа — региональное развитие и сотрудничество // Вопросы экономики. 1997, №10 с.3-7.

Учинчиси «дисперсия» – саноат фирмаларини кейинчалик атрофга силжитиш (кенгайтириш);

Тўртинчиси жойлаштиришга оғирлик марказларини кўчириш – саноат таркибини янгилашга таъсир этиб, ишлаб чиқариш таркибини қайта қуриш, масалан: технологик янгиланиш (инновациялар) негизда талаб таркибини ўзгариши, ишлаб чиқариш ва эски тармоқларнинг такомиллашуви, яъни диверсификациялаш ҳисобланади. Янгиланиш жараёнида фирма эгалари кўпинча йирик саноат марказларини олдиндан вужудга келган атрофларда янгиларини жойлаштирадilar. Бу жараён «локализация» босқичини ҳам энига ва ҳам бўйига ўстиради.

Г.А.Кузнецов минтақада чет эл инвестицияларининг тўғри қўлланилишини, давлат ҳар хил мамлакатлардан инвестиция қабул қиладиган корхоналарнинг тарқалишини икки асосий турга ажратади¹.

1. Узоқ мамлакатлар компанияларига тегишли бўлиб, ўз фаолиятларини мамлакатларнинг йирик иқтисодий марказидан бошлаб, кейин эса улар яқин шаҳарларга ёки мамлакатнинг бошқа туманларига, иерархик паст даражадаги марказларга тарқатади;

2. Яқин мамлакатлар фирмалари йирик шаҳарларда йирик корхоналар очибгина қолмасдан, балки улар марказлардан унча катта бўлмаган географик ва тарих ёдгорликлари яқинлиги туфайли ҳам жойлаштиришнинг ривожланишини амалда ишлаб чиққанлар.

Ҳозирги вақтгача, афсуски, бир бутун динамик жойлаштириш назарияси МДХ мамлакатларида тўла амалга оширилгани йўқ.² Аммо, Ўзбекистонда динамик жойлаштириш назариясини муваффақиятли рўёбга чиқаришнинг амалий ишлари бошланиб, давом эттирилмоқда. Масалан, «ЎзДЭУавто», «СамКучавто», «ЎзДЭУтекстил» каби қўшма корхоналарининг фаолияти ва маҳаллийлашиб бораётган корхоналарда кўриш мумкин.

Бизнинг фикримизча, Президентимиз таъкидлаганларидек, «саноат корхоналарини қишлоққа олиб кириш», динамик жойлаштириш ва ривожлантириш назариясининг амалга оширилишининг башоратидир. У ерда қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринларини яратиш лозим. Муаммо шундаки, Фарғона минтақаси иқтисодиёти мажмуавий ўрганилиб, тадқиқ қилинганида, ўтиш даври талаблари даражасида унинг назарий ва амалий томонлари ҳали чуқур ўрганилиб чиқилмаганди. Айниқса, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида ва бозор муносабатлари шароитида минтақа иқтисодиётини назарий ва амалий жиҳатларини илмий асосида ўрганиш, амалга оширишнинг самарали йўллари аниқлаш, баҳолаш ва усулларини ишлаб чиқиш давр талабидир. Бунинг учун хорижий минтақа иқтисодиётини ташкил этиш, жойлаштириш ва ривожлантириш

¹ Кузнецов Г.А. «Германия современные особенности географии прямых зарубежных инвестиций» в книге: «Вопросы экономической и политической географии зарубежных стран». 1991, вып. 14 с 27

² Илясов А. «Зачет по последнему» «Вопросы экономики» 2001, №10, с 150-154.

тажрибаларини таҳлил ва танқидий урганиш, ҳамда мамлакатимизда тез шаклланаётган таркибий ислохотлар ва модернизациялашни чуқурлаштириш, Фарғона минтақа иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириш, қонуниятлари ва хусусиятларини очиб бериш лозим.

Минтақа иқтисодиётининг назарий ва методологик асосларини, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган тадқиқотларини икки даврга: мустақилликгача ва мустақилликдан кейинги даврларга бўлиш мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси миқёсида, умуман минтақа иқтисодиётининг назариялари ва методологик асослари мустақилликгача бўлган даврдаги тадқиқотлар. Бунда С.К.Зиядуллаев, К.Н.Бедринцев, Р.Д.Досумов, И.И.Искандаров, Р.А.Убайдуллаева, А.Қодиров, М.А.Абдусалямов, А.А.Ғофуров, А.С.Солиев ва бошқаларнинг илмий асарларида шўролар давридаги илмий-тадқиқотлар тамойиллари асосида олиб борилган ишлар (фойдаланилган адабиётларга қаранг);

б) Мустақилликка эришгандан кейин эса, миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида, бозор иқтисодиёти тамойиллари талабидан келиб чиққан ҳолатда, минтақа иқтисодиётининг назария ва методологиясини ишлаб чиқишга этибор берилган. Жумладан, Б.А.Абдурашидов, А.Б.Отамирзаев, Т.М.Аҳмедов, С.Вахидова, О.Абдуллаев, Ш.Б.Имомов, А.Ғофуров, Ф.Эгамбердиев кабилар асарларида минтақа иқтисодиётининг умумий йўналишларига, соҳаларига ва тармоқларига эътибор берилиб, уларда назарий ва амалий жиҳатларини очиб берилган.

Минтақа иқтисодиётининг алоҳида олинган битта минтақаси доирасида, жумладан, Фарғона водийси минтақасининг иқтисодиётига оид, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш, ривожлантириш бўйича саноати, қишлоқ хўжалигига ва тармоқларига бағишланган илмий тадқиқотлар ва адабиётлар мавжуд. Улардан З.М.Ақромовнинг¹, А.Ғофуровнинг², О.Абдуллаевнинг³, А.Ғаффоровнинг⁴ ва бир нечта журнал мақолалари мавжуд бўлиб, улар ҳам асосан шўролар даври мафқуралари таъсирида илмий ёндашув йўналишида баён этилади. Фақат, сўнгги икки китобда, жумладан, О.Абдуллаевнинг (2000 йилдаги нашрида) Фарғона водийсининг беш вилояти — Фарғона, Андижон, Наманган (Ўзбекистон), Ўш ҳамда Жалолобод (Қирғизистон) ва Ленинобод (Тожикистон) вилоятлари мисолида яхлит табиий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик тизимнинг мазмун-моҳиятини, хусусиятларини, «ишлаб чиқариш алоқалари»ни очиб беришга ҳаракат

¹ Ақромов З.М. «Фарғона водийси» Тошкент. «Фан» 1957, 87-б.

² Ғофуров А. Экономические проблемы повышения эффективности сельхозпроизводства (на примере Ферганской долины) Ташкент «Фан» 1979, с.127.

³ Абдуллаев О. «Жумҳуриятлараро агросаноатни ташкил этиш муаммолари». Т.: «Меҳнат» 1991. 222-б. «Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий жараёнлари». «Наманган» нашриёти. 2000. 290-б.

⁴ Производительные силы Ферганского региона в условиях перехода к рыночной экономике. Т.: «Фан», 1994. с.172

қилинган. А.Ғаффоровнинг китоби эса, 90-йиллар бошида, энди бозор муносабатари ўсиш даврида Фарғона водийси минтақасининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш хусусиятларига ва А.Ғофуровнинг минерал ресурслар чекланган шароитига бағишланган. Аммо Фарғона водийси минтақасининг бозор муносабатлари шаклланган ва эркинлаштириш шароитидаги мулкый ўзгаришлар ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари, жумладан, ҳиссадорлик жамиятларига ўтиш, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг вужудга келиши, қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳотлар натижасида ташкилий-хўжалик муносабатларнинг ўзгариши билан жамоа, ширкат, фермер, деҳқон, оила, ижара пудрати, агрофирма, акциядорлик жамияти каби иқтисодий субъектларнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида илмий тадқиқот олиб борилмаган.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш, жамиятни демократлаш, янгилаш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакат ва минтақанинг эҳтиёжларига мувофиқ келадиган, уларнинг манфаатларини ўзаро мувофиқлашувини таъминлайдиган, минтақадаги мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат салоҳиятларини ҳисобга оладиган минтақа иқтисодиётининг унумли ҳудудий таркибини замонавий шаклантириш ва бозор талаблари бўйича такомиллаштириш зарурдир.

Мустақиллик йилларида Фарғона водийси минтақа иқтисодиёти тармоқлар таркибини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Иқтисодиётда ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришни ҳудудий жиҳатдан бозор механизми талабларига мос тарзда тартибга солиш, ҳудудий мақсадли дастурлар (саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, энергетика ва ғалла мустақиллигини таъминлаш ва бошқалар) орқали амалга оширишни рўёбга чиқариш лозим.

**3.2. Минтақа
иқтисодиётини
давлат томонидан
тартибга солишда
хорижий ва
Ўзбекистон
тажрибалари**

Бозор муносабатлари шароитида, айниқса, хом-ашё йўналишидаги мамлакатлар минтақа иқтисодиётида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, жойлаштириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни табиий-иқтисодий шароитлар билан узвий боғлиқликда бўлган минтақанинг алоҳида ҳудудида иқтисодиётни ривожланишига

давлатнинг тартибга солиш йўли билан минтақавий сиёсатни самарали бошқариш ва илмий асосланган даражада ишлаб чиқишни тез суръатлар билан ўсишига кўмаклашади.

Фарғона минтақасининг мавжуд табиий-минерал ресурслари ва ерости бойликлари бошқа минтақаларга нисбатан бир мунча чекланган бўлиб, фақат чекланган нефт, газ, ер ва мўл-кўл қурилиш материаллари имкониятга эга. Наманган вилоятида олтин, рух ва бошқа рангли металллар, Ўзбекистондаги умумий ҳажмини 3,6 фоизи мавжуд бўлиб,

қазиб олиниш ҳажми кам миқдорда ва мураккаб шароитда ташкил этилган. Демак, Фарғона минтақасининг иқтисодийетини ривожлантириш чора-тадбирларида давлатнинг тартибга солиш сиёсати алоҳида ўрин тутди.

Ҳозирги вақтда, минтақани тезроқ, бозор муносабатларига жалб этилиши сабабли, минтақа бозор муносабатларининг ҳудудий субъекти сифатида янги мезонларига ажратиш ва янги ёндашувни тақозо этмоқда, хусусан, минтақадаги бозор ҳажми, минерал хом-ашёнинг ҳажми ва эҳтиёж даражасида ривожланиш талабида эмаслиги, унинг сифати, маркетинг тадқиқоти кабилар. Маълумки, бозор ҳажми меҳнат тақсимотининг ихтисослашуви даражаси билан узвий боғланган бўлади. Унинг интеграциясини кучли кооперативлаш билан боғлиқлик равишда чуқурлаштириш талаб этилади. Шу муносабат билан давлат томонидан Фарғона минтақавий сиёсатини ишлаб чиқиш ва тартибга солиб туришни давр тақозоси ҳисобланади.

Минтақани иқтисодий ривожлантириш ёки давлатнинг минтақавий сиёсат назариясини давлат томонидан тартибга солиш назарияси, иккита асосий саволга жавоб бериши керак:

а) қайси минтақанинг иқтисодий ривожланиши давлат томонидан рағбатлантирилиши ва нима учун, бошқача айтганда, минтақавий сиёсатни мақсади ва объекти қандай бўлиши керак (умуман олганда, минтақаларнинг иқтисодий ўсиши давлат томонидан тартибга солиниши заруриятми)?

б) ўрганилаётган минтақанинг иқтисодий ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантириш усули шакли ва омили қандай бўлиши керак?

Биринчи саволга жавоб – минтақанинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш мақсади ва объекти, унинг зарурияти мамлакат ва минтақавий иқтисодий ўсиш назариясидан ҳамда амалиётдан келиб чиқади. Неоклассик назариячиларнинг асосий хулосаси шуки, минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси давлат томонидан тартибга солиниши билан вақти келиб тенглашади, бозор мактаби тарафдорлари эса минтақавий ривожланиш назариясининг бошланғич даврида, минтақанинг иқтисодий ривожланишига давлатнинг аралашуви мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келишди. Лекин шу билан бирга, улар муаммоли минтақаларга ижтимоий муаммоларни ечиш учун маблағ давлат томонидан ёрдам шаклида ажратилиши зарурлигини инкор этишмайди.

Кумулятив – (кенгайтириш) ўсиш тарафдорлари минтақанинг иқтисодий ривожлантириш даражаси номуносивлигининг оз миқдорда сақланиб қолиши ёки ошириб боришдан келиб чиқиб, аксинча, фаоллик билан минтақавий сиёсат олиб боришни таклиф қилишган. Уларнинг назариясида минтақавий сиёсатни ифода этиш мақсади ва минтақанинг иқтисодий ривожлантириш даражасини пасайтиришнинг фарқланиши тўғрисидаги қарашлар ҳам бўлган, яъни минтақани иқтисодий

ривожлантириш даражасининг бошқалар билан тенглашиши, (тенглаштириш деганда тенгликка эришиш эмас, балки фарқланишни текислаш тушунилади), давлат эса, қолоқлашиб бораётган минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириши керак, деган тушунча келиб чиқади¹.

«Қолоқ» минтақаларни аниқлаш мезони ўз ичига алоҳида муаммони олади. Купинча бунга шундай кўрсаткичлар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади, киритилган инвестиция миқдори, истиқомат қилувчиларнинг маълумоти бандлик даражаси ва ишсизларнинг ўртача даражаси каби кўрсаткичлар киради. Лекин кўп мамлакатларда у ёки бу кўрсаткични танлашда, мутлақо ҳар хил ёндашувлар ва меъёрлар, алоҳида ноқулай минтақалар рўйхатдан тушиб қолиши мумкин. Минтақанинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш назарияси олдиндан мана шу иккита сўнгги ёндашув билан изоҳланган эди. Лекин, неоклассик назария тарафдорларининг ғоялари амалиётда исботланмади: минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасининг номутаносиблиги қисқа даврда йўқотилмайди, шунинг учун қандайдир даражада минтақаларнинг иқтисодий ривожланишига, фарқларни камайтиришга давлатнинг аралашуви тўғри келган. Г.Камерон давлатни тартибга солишнинг учта оқимини ажратган²:

1. «Интервенционалист эмаслар» (зўрлик йўли билан аралашини)-минтақавий ўсишга давлатнинг таъсири зарурлигини инкор этиш.

2. «Адапторлар» (шароитга мослашувчи) стихияли бозор кучларини таъсири юшатиш, инвестициялар ва ишчи кучлари миграциясини рағбатлантириш учун иқтисодий жараёнларни тезлаштириш ҳамда ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришда ислохотлар ўтказиш йўли билан тузатишга;

3. «Радикал» (тубдан) ўзгартирувчилар (интилганлар) давлатнинг тартибга солишни тезлаштиришнинг олиб борилиши учун курашганлар.

«Инвестиционалист» босиб олгандан сўнг ташқи давлатнинг иқтисодиётга таъсири сиёсий йўл билан аралашуви, «Адапторлар» ғоясининг маъноси шундан иборатки, улар давлат томонидан объектив иқтисодий жараёнлар давомийлигининг йўналишини пасайтирмасдан тезлаштириш, деб ҳисоблаганлар. Минтақадаги корхоналар иқтисодий ўсишининг ривожлантирилиши ва жойлаштирилиши умумий йўналишига тўғри келган тақдирда шундагина иқтисодий ўсишни рағбатлантириш натижа бериши мумкин (биринчи навбатда саноат), Бу эса, ҳудудларда саноат объектларининг пайдо бўлишини ривожлантиришга замин яратади ёки саноати ривожланмаган ҳудудларда давлат сиёсатининг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлигини мустаҳкамлайди, албатта. Иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришни давлат ўз зиммасига олса, (у ҳолда, мамлакатнинг ривожлантиришнинг аниқ босқичида)

¹ Хаггет П. География: синтез современных знаний. М.: Прогресс, 1991. с.31.

² Камерон Г. Управляемость экономики-главное условие всех преобразований. // Деловой мир. 1994, 17 мая. С.4

минтақада давлатнинг харажати кўпайиб, хусусий инвесторлар учун самарасиз бўлиши мумкин, деган ғоя келиб чиқади.

Минтақавий иқтисодий ривожлантириш давлат томонидан тартибга солиш назариясининг «биринчилари» С.Деннисон¹ ва А.Лёш² ҳисобланади. Улар тартибга солишни ривожлантиришга иккита асосий фикрни беришган. Булардан бири сифатида С. Деннисонни «фаол ислохотчилар» гуруҳига киритишимиз мумкин, А. Лёшни эса, юқорида таъкидлаганимиздек – «адапторлар» гуруҳига қўшишимиз мумкин. С. Деннисон депрессив ҳудудларни тартибга солишни кўриб чиққан, ўша вақтда урушдан олдинги, Буюк Британия учун жиддий муаммо эди. У асосий эътиборни sanoat инвестиция географиясини кенгайтиришнинг таъсир этиш усулини марказий назоратга боғлиқ ҳолда ажратган, шу билан бирга, sanoatга янги капиталларни жойлаштиришни ўрганган. У sanoat корхоналари локализация жараёнига давлатнинг таъсири, у ёки бошқа усулда натижа беришини таққосламаган, лекин инвестицияларнинг субсидияси давлатнинг тўлиқ назоратига боғлиқ, бу назорат муаммоларнинг катта қисмини ечишга йўл кўрсатади, маҳаллий ишсизлик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда катта шахарлар аҳолисининг ўсишига кўмак беради, деб билади. А.Лёш минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни тадбиқ қилишни кенгроқ қамровда кўриб чиққан, бунда у объектив иқтисодий минтақаларнинг иқтисодий ўз-ўзини тартибга солишга қодир эканлигини юқори баҳолаган. Аниқ чоралар қатори, мавжуд шароитда у объектив иқтисодий табиий жараёнлар оқимини осонлаштирадиган жараёнларни ишлатишни тавсия этган. У ишлаб чиқаришни кенгайтиришни имтиёзли муҳитда ташкил этиш билан рақобатни қўллаб-қувватлаш, марказий ҳокимият мавқени ташкил этишни, қачонки бу инвестицияларни имтиёзли йўналишларини ва энг керакли лхборотларини тақдим эта олганда, ташкил этиш учун зарурлигини кўрсатган. Буларнинг ҳаммаси А.Лёшнинг фикрича, капиталнинг сифарбар қилинишни ошириш мумкинлиги, ҳудудий номутаносибликни биртараф этишни тенглаштириш шарт-шароитлари кераклигини айтиб ўтган. С.Деннисондан А.Лёшнинг фарқи шундаки, у қолақ ҳудудларга инвестицияларни рағбатлантириш кераклигини ҳисобга олмаган.

Е.Торкановскийнинг таъкидлашича, минтақаларнинг иқтисодий ривожлантиришни тартибга солиш назариясига Э.Гувер ўзининг катта ҳиссасини қўшган.³ У давлатнинг тартибга солиш мақсадларига ҳудудларнинг хўжалик тизимини яхшилашни, ишлаб чиқаришни ўсишини рағбатлантириш, минтақаларнинг иқтисодий муаммосига

¹ Dennison S. The Location of Industry and the Depressed Areas. London, 1939.

² Лёш А. Географическое размещение хозяйства. М.: Издательство иностранной литературы, 1959.

³ Торкановский Е. Государственное предпринимательство: организационно-правовые формы // Вопросы экономики. 1993, №12. с. 76-83

таъсир этиш, хусусий корхоналарни жойлаштириш кабиларни санаб ўтиб, унинг назариясини асослаб берган.

Тартибга солишнинг чораларини Гувер стихияли бозор кучлари фаолиятини қониқарли, ёмон тарафларини юмшатиш билан амалга ошириладиган қилиб, шу билан истиқболда бандликда бўлган аҳоли аҳволини яхшилашни қобилиятли қисмларга ажратиб кўрсатади.

Шу билан бирга, у иқтисодий конъюнктуранинг аҳволдан катъий назар, ҳар хил хўжалик тизимига нисбатан тартибга солишни селектив (танлаш, ажратиб олиш) ўтказилишини белгилаб берган. Лекин тартибга солишнинг узоқ вақтли режасининг мураккаблиги, антициклик тартибга солишнинг қисқа вақтлилигини биринчи навбатда минтақавий тадбирлар ишлаб чиқиш билан боғлаган.

Юқорида қайд этилган қарашлардан ва ёндашувлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, минтақавий иқтисодиёт масаласини ҳал қилишда «адапторлар» ғояси ва ёндашувини ҳозирги Ўзбекистонда, Фарғона водийси минтақасида, мустақиллик даврида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ўзига хос хусусиятини ҳисоблаб, ундан амалий фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу хулосага қўшимча қилиб қуйидаги далилларни келтиришимиз мумкин.

1. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини, Фарғона водийси минтақасининг ишлаб чиқарувчи ва ривожлантирувчи кучларни бирлаштириб, бозор механизмлари ва давлат механизмлари уйғунлигида амалда ишлата билишлик лозим.

2. Ҳозирги Фарғонада минтақавий муаммолар кўп йиллик режали иқтисодиёт даврида ҳал қилинмаган, «минтақа аҳолисининг зичлиги муаммоларини ечишни ўйлаган эмас»¹. Демак, аҳолиси зич жойлашган Фарғона минтақасида маҳаллий ҳокимликлар иш билан бандлик тўғрисида махсус дастур ишлаб чиқиши зарур.

3. Энг муҳими, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда, минтақада давлатнинг иштирок этиши, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантиришда, деб ҳисоблаш лозим. Бунинг учун ажратилган маблағларни қанчалик тежаб, ўйлаб ишлатилса, мамлакат учун ҳам ва минтақа учун ҳам шунчалик катта фойда беради. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳам, минтақавий сиёсатдан бутунлай воз кечиш сиёсий йўналишларга қараб эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ижобий томонга қаратилган давлатнинг тартибга солиш сиёсати оқилона ўйланган ва асосланган бўлиши лозим.

Юқоридаги ёндашувлардан яна бири «Фаол ислохотчилар» фикрига кўра, минтақавий сиёсатнинг «адаптация» моделидаги давлат томонидан тартибга солиш тадбирининг бир қисми энг муаммоли минтақанинг, (жумладан, табиий ресурси чекланган Фарғона минтақаси, иқтисодиётини ўсишини рағбатлантиришга қаратилган дейиш мумкин.

¹ Гофуров А. Общий наш дом. // Газета «Ферганская правда». 1988 год 27 февраля.

Бу муаммони амалга оширишда Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсатини Фарғона минтақа иқтисодиётининг иқтисодий натижаси билан боғлаши лозим. Бу муаммони ечишда икки хил қараш ва янгича ёндашув амалда қўлланилган:

1. «Худудий адолат» ва «иқтисодий натижа» ўртасидаги қайта боғлиқлик текширилади. Шу айтилган фикр асосида, Фарғона минтақавий сиёсат концепцияси яратилиб, бунда у майдон номутаносиблигини камайтириш, минтақанинг ишлаб чиқариш рақобати, экологияси концепцияси ишлаб чиқилди;

2. Минтақани ривожлантириш концепциясининг ҳаққонийлиги салбий эмас, балки ижобий томонга олиб келади. Ушбу концепция ҳар доимдагидек учта фикр билан изоҳланади:

биринчидан, адолатсизлик ва тенгсизлик минтақани ривожлантиришнинг қувватидан кам ишлатилаётганлигига сабаб бўлаётган бўлса;

иккинчидан, концепциядаги ёндашув қисқа иқтисодий натижа бериши мумкин, лекин узоқ истиқболда номутаносиблик ҳосил қилишга олиб келиши, кейинчалик эса буларни йўқотиш учун катта маблағ сарфланиши мумкинлиги;

учинчидан, бундай номутаносибликлар социал портлашга олиб келиши мумкин, қайсики адолатсизликка аралаштириб юбориш, аксинча, у истиқболли натижавий тартибга қарши қаратилган бўлса, у қандай қутилаётган иқтисодий натижа бериши кузатилади.

«Худудий адолат»нинг зарур энг паст даражасининг муаммоси, албатта, мумкин ва у асосан муаммоли минтақаларга кундалик маблағ билан ёрдам кўрсатилиши ҳисобига тегишли бўлади. Лекин бир хил пайтларда бу етарли бўлмаслиги мумкин, қачонки гап ишсизликнинг ва экология юқори даражада бўлганида, шундай бўлади. Бундан ташқари, аниқ вазиятни ҳисобга олиб, ёндашув шаклини ишлаб чиқишда амалга ошириш мураккаб, лекин кундалик маблағ ёрдами билан чегараланиб қолиши мумкин эмас. Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари мажмуаси бирдан-бир назарияга ва қарашга бўйсунмайди ва муаммодан катгий назар улар мамлакат ичидаги минтақаларда фарқланади, аниқ минтақа учун характерли бўлади. Бунда ишлатилаётган барча чора-тадбирлар, ушбу худуддаги хўжалик шарт-шароитларнинг ўзаро боғлиқликдаги кўрсаткичи минтақаларнинг ўзига жалб этишда хусусий инвесторлар учун икки нуқтаи назарга эга бўлган гуруҳларга ажратиш мумкин (шартли қилиб айтганда).

1. Минтақа хусусиятини яхшилаш – инфратузилмани такомиллаштириш (бунда инфратузилмани кенг маънода тушуниш) лозим.

2. Минтақаларга келаётган барча инвесторларга маълум имтиёзлар мажмуасини тақдим этиш керак (биринчи навбатда солиқ имтиёзлари кўзда тутилади).

Минтақага жалб этилаётган инвестицияларнинг танловида қуйидагиларни ҳисобга олиш, яъни, узоқ муддатли истиқболни кўзлаш керак. Минтақаларнинг иқтисодий ўсиши учун инфратузилмани ривожлантириш қулай шароитни яратишга чимкон беради, компанияларнинг маблағ томондан ёрдами кўпинча муайян вақтгача натижа бериши мумкин (жаҳон тажрибасида кўплаб далиллар бор; инвесторлар минтақаларга келганида, улар солиқ имтиёзи билан қизиқишган ва солиқ имтиёзининг амал қилиши тугаганида, ундан кетишган).

Минтақалар иқтисодий сиёсатини мослаб олишда юқоридаги моделнинг иккала чора-тадбир туридан фойдаланиш мумкин. Лекин ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш «хавфли» ҳисобланмайди; минтақаларнинг иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан маълум истиқбол ечимини белгилашда хато келиб чиқса ҳам, узоқ муддатли истиқболда ҳам бу чора ижобий натижа бериши аниқ. Инвесторлар учун имтиёзлар шундай вақтда ижобий натижа бериши мумкинки, қачонки минтақада улар фаолиятининг муддати тугашига тўғри келса, объектив имтиёзли жараёнлар туфайли корхоналарни жойлаштириш ўрни қулай бўлганида, улар ишлатишни давом эттираверади. Солиқ имтиёзлари кераклиги шундаки, бу ўринда энг қолоқ минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришга тўғри келса, ёки инфратузилма ривожланишига кўп вақт сарфланиши ва ишлаб чиқариш воситалари керак бўлса, ёки инфратузилма ёрдамида минтақа майдонларининг салбий оқибатларини тугатишга имкон қолмаганлигида (масалан, чиқиндини чиқариб ташлаш лозим бўлади) рўй беради. Бундай минтақага оид назарий ва амалий қарашларни ва тажрибаларни ижобий жиҳатдан ўрганиш ва Ўзбекистон минтақавий иқтисодиётининг, жумладан, Фарғона минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда, янгича усул ва ёндашув асосида, ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб қўллашга ижобий кўмак беради.

3.3. Минерал ресурслари чекланган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва стратегияси

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига қўйиладиган зарурий талаб давлатнинг тартибга солиш сиёсати ёрдамида бозор муносабатларини ривожлантириш, янгилаш ва модернизациялаш жараёнида унинг минтақавий хусусиятларини илмий асослаш лозим. Бунинг учун мамлакатимиз минтақаларининг хусусиятларини ва омилларини ҳамда белгиларини аниқлаб, ягона минтақавий майдоннинг яхлитлигининг самарали ривожланишини ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик учун очиқлигини таъминлайдиган ўзига хос хусусиятларни асослаб бериш кўзда тутилади. Ўзбекистон ривожланиш стратегиясининг мантиқий ва методологик базасини қуйидаги парадигма (ҳар хиллик) ташкил этади: «Бундай ўта долзарб ва муҳим вазифаларни ечишда ҳеч ким, авваламбор, маҳаллий

ҳоқимиятлар раҳбарлари ва ходимлари четда турмаслиги керак», деб таъкидлади Президентимиз¹. Ўзбекистон иқтисодиёти — монообъект (битта объект) эмас, балки у кўп минтақавий организм бўлиб, вертикал (марказ-минтақа) ва горизонтал (минтақалараро) функция қилаётган асосида ўзаро тармоқлараро узвий ҳаракатланаётган ва жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган кўп тармоқли ва минтақавий иқтисодиёт объектидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг танлаган йўли глобаллашув жараёнининг таъсирини кучайиб бораётган шароитда ҳар хил минтақалардаги бир бутунлигини сақлашнинг муқаррар ва узлуксиз йўлини излашни ва мустаҳкамлашни тақозо этади. Минтақавий ривожланишнинг стратегик режалаштириш ва прогноз қилиш мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги (1992 й.) Конституциясида (68 модда) Ўзбекистон Республикаси вилоятлар (2002 йилда) (12 та), туманлар (182 та), шаҳарлар (120 та), шаҳарчалар (113 та) ва қишлоқ овуллари (1427 та)га бўлиниб бошқарилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасига бўлинган бўлиб, уларнинг энг авваломбор, табиий иқлими, ҳудудий жойлашувининг тарихий тараққиёти жиҳатдан, маҳаллий урф-одатлари ва шакланган меҳнат тақсимооти ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом-ашё ва минерал табиий ресурслар билан таъминлаши бўйича ихтисослашувига қараб, миллий анъаналар таъсирида ёки четдан келтирилаётган минерал хом-ашё ҳисобига ихтисосланган ишлаб чиқаришни ва меҳнат тақсимотини шаклантириб олингани бўйича Республика минтақалари ҳар хил даражада ривожланиб келганлар.

Жаҳонда юз берган илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши таъсирида илгари қолоқ бўлган, қишлоқ хўжалигига асосланган вилоятлар ҳудудидан топилган табиий минерал ресурсларнинг излаб топилиш, уларни жойларда қайта ишлаб чиқариш жараёнини кучайиши ҳисобига баъзи вилоятларда саноатнинг етакчи тармоқлар ва корхоналар бунёд этила бошланди. Жумладан, ер ости минерал табиий ресурсларнинг бой қазилма бойликларга сероб бўлган янги саноати ривожланган Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Тошкент вилоятлари тез ривожланиб кетди. Шу билан бир вақтда илгари саноати ривожланган вилоятларда ер ости минерал табиий ресурсларининг чекланганлиги сабабли саноат тармоқларининг ривожланиши секинлаша бошланди.

Авваллари саноати ривожланган вилоятларга минерал табиий ресурсларни ташиб келтириш ва қайта ишлаб чиқаришда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг ортиб боришига сабаб бўлди. Қайта ишлаб чиқарилган маҳсулотни ортиш, ташиш, тушуриш, сақлаш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш учун сарф-харажатларнинг ортиб

¹ Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкалаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи» газетаси. 2006 йил 11 февраль.

бориши бозор муносабатлари шароитида оқибат-натижаси ўзининг харажаларини қопламай қолган эди.

Республика минтақавий илмий-тадқиқот Марказининг маълумотини кўрсатишича, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида Республиканинг Фарбий-Шимолий минтақаларида жуда катта миқдорда табиий минерал ресурслар захиралари аниқланди, уларни қазиб олиш учун улкан замонавий ва мураккаб технологик ускуналар билан қурилган янги корхоналар ва янги тармоқлар таркиб топиб, етакчи рангли, ёқилғи ва кимёвий саноат тармоқлари барпо этилмоқда.

Республика ҳудудлари (вилоятлари)дан топилган табиий минерал хом-ашёларнинг турлари бўйича захираларининг жойлашуви ва аниқланган таркиби вилоятлар бўйича ҳар хил даражададир (3.3.1.-Жадвал). Табиий минерал ресурсларнинг энг кўп захираларини Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳудудлари ташкил этади. Илгари саноати ривожланган, муайян миқдорда табиий-минерал хом-ашё захиралари кам бўлган Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудларида уларнинг чекланиб қолётганлиги юз берди. Масалан, Фарғона водийси минтақасида ер остидан қазиб олинadиган нефт (1959 йили 950 минг тонна) тобора камайиши натижасида (ер остидан олинadиган чуқурлиги, 2,5-3000 метрдан 5-6 минг метргача пасайиб 157,1 минг тоннага (2005 й.) тушиб кетди. 280 минг кубометр олинadиган газ 70 минг кубометрга пасайди.

Республика ижтимоий-иқтисодий тадқиқот Марказининг ва Геология-Изланиш тадқиқот институтининг маълумотларига кўра, Фарғона водийси минтақасида нефт-газ захиралари 7-7,5 минг метрда жойлашган бўлиб, қазиб олиш харажатлари юқоридир. Минерал табиий ресурсларида қора ва рангли металллар, кимёвий хом-ашё ресурсларидан фосфорит, сода, калин, кўмир, мрамор, гранит ва бошқаларнинг захиралари ҳали аниқланмаган. Фақат оз миқдорда олтингугурт, гипс, охак мавжуд. Лекин водийда битмас-туганмас қурилиш учун хом-ашё етарлидан ортиқ мавжуддир. Водийдаги илгари қурилган ва ташқаридан ташиб келтириляётган минерал хом-ашёларни олиб келтириляётган минерал хом-ашёларни олиб келиш учун Тожикистоннинг Соғди вилоятидан ўтмишда ҳар йили 13-13,5 млн АҚШ доллариди темир йўлига ҳақ тўланади. Тайёр маҳсулотнинг ташқарига чиқариш ва сотиш харажатлари олиб бормоқда.

Фарғона водийси минтақаси тарихий тараққиёт натижасида маҳаллий аҳоли томонидан ўзига хос хусусиятларда ўзлаштирилиб, табиий-иқлим шароитига мослаштирилган, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланган, ишлаб чиқарувчи кучлари бир мунча тараққий этган, нафақат Ўзбекистоннинг, балки Ўрта Осиёнинг ижтимоий ишлаб чиқаришига салмоқли ҳисса қўшиб келяётган минтақади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 4,0 фоизини ташкил этган ҳолда, Республика аҳолисининг 27,6 фоизи яшайди. Республика иқтисодиётида банд

бўлган аҳолининг 28,1 фоизи Республиканинг ялли ички маҳсулотининг 21,2 фоизини, саноат маҳсулотининг 22,6 фоизини ва ялли қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 29,4 фоизини ишлаб чиқаради (Жадвал -3.3.2.).

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг минтақалари иқтисодий, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича кўрсаткичлари бири-биридан кескин фарқ қилади. Шу билан бирга, Фарғона водийси минтақасидаги вилоятлари бўйича ҳам демографик, иқтисодий ишлаб чиқариш ва ҳудудий жиҳатдан ҳам фарқланади. Фарғона минтақаси аҳолисининг республикадаги сонига кўра 27,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, ялли ички маҳсулотининг 21,2 фоизини ва саноат маҳсулотининг 23,5 фоизини ишлаб чиқариши кўрсаткичлари даражаси бўйича бошқа минтақаларга нисбатан фарқ қилади.

Бу фарқланишнинг асосий сабаби шундаки, XX асрнинг 90-йиллари бошигача Фарғона водийси минтақасида саноат ишлаб чиқаришга катта эътибор берилган эди. Саноат корхоналарини жойлаштиришда «Иттифоқ иқтисослашуви» тамойилларига эътибор берилиб, водий саноати ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хом-ашё, минерал ресурслар, жумладан, нефтни қийта ишлаб чиқариш учун четдан 70-75 фоиз келтирилган эди. Ёқилли учун ишлатиладиган газнинг 80 фоизгачаси, ойна ва чинни идишлар учун хом-ашё асосан четдан келтирилган эди.

Фарғона водийси иқтисодий фаолиятини ташкил этиш марказлашган режали иқтисодиёт тизимига бўйсиндирилган эди. Водий иқтисодиётини амалга ошириб бораётган хўжаликлар – битта режани тузувчи томонидан режали тартибга солинар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, Фарғона минтақа иқтисодиётида бозор хўжалиги, кўпсонли хусусий хўжаликлар, кўпукладлилиқ, ҳар хил мулкчилик шаклларидаги корхоналар, уй хўжаликлари мустақил равишда ўзи самарали ишлаб чиқмоқдалар, улар ўзаро иқтисодий муносабатлар олиб бораётир, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирувчи бозор механизми ва давлатнинг тартибга солиш механизми амал қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг асосий методологиясини Президент И.Каримов 5 та тамойил асосида ишлаб чиқди. Ундаги тамойиллар асосида минтақалар, шу жумладан, Фарғона минтақасида иқтисодиётни ҳам давлат томонидан тартибга солиш, давлат ислохотчи ва ташкилотчи ролини амалга оширмоқда.

Минтақани ривожлантириш тадқиқотининг стратегияси кенг ва ҳар хил ҳолатда, минтақанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, энг аввало, мамлакат миқёсида, сўнгра минтақа доирасида, жумладан, Фарғона водийсидаги ҳокимиятлар томонидан ишлаб чиқилган дастурлар ва чора-тадбирлар ташкил этади.

3.3.1. - жадвал. Ўзбекистон Республикаси вилоятларида айрим фойдали қазилма бойликлар заҳирааларининг аниқланган тарайиби (2003 йилда)*

| Вилоятлар | нефт | табiiн газ | кўмир | оғтин | кўмуш | пух | бошқа рангли металл | уран | темир рудаси | фосфорлар | калий тузлари | кимё саноатида хом ашё | мармар | гранит | кўришти тоши | бошқа турлиги материаллари |
|---------------|------|------------|-------|-------|-------|-----|---------------------|------|--------------|-----------|---------------|------------------------|--------|--------|--------------|----------------------------|
| Қорақўлғистон | + | + | + | + | + | + | + | + | + | + | | + | + | | + | + |
| Андижон | + | | | | | | + | | | | | + | | | | + |
| Бухоро | + | + | | | | | + | | + | | | + | | | | + |
| Жиззах | | | | + | + | | + | | | | | + | | | | + |
| Қашқадарь | + | + | | + | + | | + | | | | | + | | + | | + |
| Навоий | | | | + | | | + | + | | | | + | | | | + |
| Наманган | + | + | | + | | + | + | | | | | + | | + | | + |
| Самарқанд | | | | + | | | | | | | | | | + | | + |
| Сирдарё | | | | | | | | | | | | | | | | + |
| Сўғдонарە | + | + | + | | | | + | | | | + | | | | | + |
| Фарғона | + | + | | | | | | | | | | | | | | + |
| Хоразм | | | | | | | | | | | | | | | | + |
| Тошкент | | | + | + | + | + | + | | | | | + | | | | + |

* Жадвал иқтисодий талқинотлар марказининг маълумотлари. «Экономическое обозрение» 2001, №8-9 ва Фарғона вилоят статистика маълумотлари (2001-2003 йй.) асосида тузилган.

3.3.2.- жадвал. 1998 ва 2002 йилларда умумреспубликанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларда минтақаларнинг ва Фарғона вилоятларнинг қиёсий салмоғининг улуши (%да) *

| Минтақалар | Хўтулди | | Аҳоли сонин 1.01.05 | | Иқтисодда бад булганлар сонин | | Ялпин ички маҳсулот | | Ялпин саноат маҳсулотин | | Ялпин қишлоқ хўжалиғини маҳсулотин | | Асосий капиталға инвестициялар | | Кўрнаниш ниларин 2004й. | | Асосий фондларни харакатта кўрнаниш 2004й. |
|----------------------|---------|------|------------------------|------|----------------------------------------|------|------------------------|------|----------------------------|------|------------------------------------------|------|--------------------------------------|------|----------------------------|------|--------------------------------------------------|
| | 2000 | 2004 | 2000 | 2004 | 2000 | 2004 | 2000 | 2004 | 2000 | 2004 | 2000 | 2004 | 2000 | 2004 | 2000 | 2004 | |
| Ўзбекистон | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Қорақалпоғистон | 37,1 | 37,1 | 6,1 | 6,1 | 5,5 | 5,4 | 3,3 | 2,4 | 2,4 | 1,6 | 3,7 | 2,2 | 6,5 | 5,0 | 4,8 | 3,1 | 3,1 |
| Андижон | 0,9 | 0,9 | 8,9 | 9,0 | 9,2 | 9,3 | 7,1 | 7,5 | 10,5 | 8,7 | 9,9 | 10,3 | 7,8 | 4,1 | 4,7 | 4,6 | 4,6 |
| Наманган | 1,6 | 1,6 | 7,8 | 7,9 | 6,7 | 6,8 | 4,3 | 4,7 | 3,1 | 3,1 | 6,6 | 8,3 | 5,6 | 3,9 | 5,2 | 4,4 | 4,4 |
| Фарғона | 1,5 | 1,5 | 10,9 | 10,9 | 11,5 | 11,4 | 9,4 | 9,2 | 12,1 | 11,7 | 9,4 | 10,8 | 8,2 | 10,2 | 8,4 | 7,3 | 7,3 |
| Бухоро | 9,0 | 9,0 | 5,8 | 5,8 | 6,6 | 6,5 | 5,5 | 6,4 | 5,9 | 6,6 | 7,2 | 7,6 | 6,0 | 6,2 | 9,2 | 7,0 | 7,0 |
| Жиззах | 4,7 | 4,7 | 3,9 | 4,0 | 3,3 | 3,3 | 2,4 | 2,7 | 1,2 | 1,5 | 4,5 | 5,3 | 5,9 | 4,6 | 1,9 | 1,5 | 1,5 |
| Қашқадарё | 6,4 | 6,4 | 8,8 | 9,0 | 8,0 | 8,0 | 6,9 | 7,0 | 7,6 | 8,4 | 9,2 | 8,9 | 9,5 | 15,2 | 8,6 | 10,7 | 10,7 |
| Навоий | 24,7 | 24,7 | 3,2 | 3,1 | 3,5 | 3,7 | 3,5 | 4,7 | 10,0 | 13,2 | 3,9 | 3,6 | 5,4 | 5,8 | 5,9 | 12,1 | 12,1 |
| Самарқанд | 3,7 | 3,7 | 10,9 | 11,0 | 10,2 | 10,2 | 7,4 | 7,5 | 4,3 | 4,5 | 12,1 | 12,1 | 11,0 | 4,2 | 6,4 | 5,1 | 5,1 |
| Сурхондарё | 4,5 | 4,5 | 7,0 | 7,2 | 6,4 | 6,4 | 4,6 | 5,5 | 2,5 | 2,1 | 9,5 | 9,5 | 10,3 | 3,5 | 5,5 | 4,2 | 4,2 |
| Сўриларё | 1,0 | 1,0 | 2,7 | 2,6 | 2,8 | 2,8 | 2,2 | 2,0 | 1,2 | 2,5 | 3,6 | 3,6 | 3,7 | 1,8 | 1,7 | 2,1 | 2,1 |
| Тошкент ¹ | 3,5 | 3,5 | 9,7 | 9,5 | 10,0 | 9,9 | 9,0 | 9,8 | 12,2 | 16,7 | 12,0 | 12,0 | 15,5 | 9,3 | 7,2 | 11,7 | 11,7 |
| Хоразм | 1,4 | 1,4 | 5,4 | 5,5 | 5,4 | 5,1 | 4,7 | 3,9 | 3,8 | 2,2 | 5,8 | 5,8 | 7,8 | 4,5 | 7,3 | 3,5 | 3,5 |
| Тошкент шаҳрин | * | * | 8,9 | 8,4 | 8,9 | 11,2 | 14,1 | 14,1 | 15,2 | 14,9 | - | - | - | 21,1 | 20,0 | 21,6 | 21,6 |
| Фарғона водийсин | 18,3 | 4,0 | 27,5 | 27,8 | 27,4 | 27,5 | 20,8 | 21,4 | 25,7 | 22,6 | 25,9 | 29,4 | 26,1 | 18,2 | 18,3 | 18,2 | 18,2 |

* Жадвал муаллиф томонидан тузилди. Ўзбекистон Республикасин минтақаларнинг 1998 ва 2004 йн. статистик маълумотларин. Тошкент 1999-2005 й. 4-5-б.

Мазкур тадқиқотнинг умумий стратегияси шундан иборатки, Фарғона водийси минтақа иқтисодиётини ўрганиш жараёнида хориж олимларининг қарашлари ва Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, тўпланган тажрибалар асосида, давлатнинг минтақани тартибга солиш сиёсати истиқболи таҳлил қилинади. Фарғона минтақасининг иқтисодий ишлаб чиқариш салоҳияти ва меҳнат ресурслари салоҳияти ва ундан фойдаланишнинг натижалари кўриб чиқилади.

Шу муносабат билан, республика органлари ҳудудларнинг, жумладан, Фарғона водийси минтақаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнларини самарали механизми билан мақсадга мувофиқ бошқаришга етакчи ўрин ажратилиши ва минтақаларни ривожлантириш маҳаллий дастурларини илмий асосланган ҳолатини ишлаб чиқишни таҳлил этиб ўрганиш зарур. Шу билан минтақавий дастурлашнинг назарий ва амалий, уларнинг табиий минерал, иқтисодий ва меҳнат захираларини ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолатда асосан қуйидаги жиҳатлар қамраб олиниши лозим:

а) минтақанинг хўжалик юритиш доирасига мавжуд табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги усуллари янгича ёндашувда жалб этилаётганлиги ва улардан самарали фойдаланиш даражаси, иқтисодий ўсишга кўпроқ ҳисса қўшганлигини ҳисобга олиб, хўжаликларнинг муайян ихтисосланганлигига унумли эришилганлиги ва бошқа маҳаллий имкониятлар ва захиралардан янада тўлароқ фойдаланилганлиги билан мажмуавий шаклланганлиги ва ишлаб чиқариш майдонининг самарали ташкил этиш асосида минтақанинг мутаносиб ривожланишини таъминланиб бораётганлиги;

б) минтақада ижтимоий-иқтисодий шароитлардан оқилона фойдаланишни тенглаштириш билан вужудга келган муаммолар ечимини ҳал қилиш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилганлиги. Бу бандлик даражасини оширишга таъсир этиш билан зарурий йўналишда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни рағбатлантиришни тартибга солиш ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, паст ривожланган ҳудудлар (вилоятлар) ва туманларнинг қоқоқлик муаммоларининг бартараф этилиши билан боғлиқ бўлиши;

в) хўжалик айланишидаги чекланган табиий ресурслардан ишлаб чиқаришда тежамкорлик билан самарали фойдаланиш ва истеъмол қилишнинг самарали меъёрларини. табиатга, экологияга уларнинг таъсирини тўхтатиш ёки чегаралашни белгилаш;

г) минтақа фаолиятини такрор ишлаб чиқариш жараёнида минтақанинг табиий иқлим, минерал ва моддий-техникавий ресурслари билан таъминланганлик даражаси, унинг ишлаб чиқариш салоҳият даражаси мутаносиб таъминланмаганлиги сабабли, четдан (ички ва ташқи) ресурсларни жалб қилишнинг усул ва воситаларини илмий-амалий асослашдан иборат.

Демак, минтақавий дастурлаш давлатнинг фаол таъсирининг узига хос шакли сифатида минтақа ижтимоий-иқтисодий тизимига, унинг ташкил этишининг макон шаклига бевосита таъсир этиш орқали қараб чиқилмоғи лозим. Шу билан бирга, минтақавий сиёсат билан минтақавий дастурлаш ўртасида муайян фаркланишлар бор. Биринчи тушунча (минтақавий сиёсат) жуда кенг тушунча бўлиб, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг алоҳида қисмларини минтақада жойлаштиришни тартибга солиш чора-тадбирларининг барчасини қамраб олган бўлади, иккинчи тушунча (минтақавий дастурлаш) минтақанинг ўзини ривожлантиришнинг марказлашмаган ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболли дастурига оид тушунчадир.

Умуман олганда, юқорида кўриб чиқилган хорижий тадқиқотлар ва Ўзбекистон тажрибасидан келиб чиқиб, минтақавий дастурлашнинг асосий йўналишлари, маълум ҳудудлар муаммоларининг ечимини ҳал қилиш муҳим усулларига мувофиқ келишини ишлаб чиқиш лозим: а) янги ерларни (жойларни) ўзлаштириш адаптация усули дастури; б) кам ривожланган (саноатлашмаган) ҳудудларни, туманларни локализациялашни ривожлантириш дастури; в) турғун ҳолатга тушиб қолаётган ҳудудларни ривожлантириш дастури; г) ишлаб чиқаришнинг ва аҳолиси юқори даражада зич бўлган ҳудудларга тегишли дастур ва бошқа чора-тадбирлар (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастур ва чора-тадбирлар) ишлаб чиқилиши ва таклифлар бериш лозим.

Минтақадаги мақсадли дастурларни эркин бозор шароитида эркинлаштириш асосида амалга ошириш, ўз навбатида, маҳаллий (минтақадаги) ҳокимиятлар томонидан ишлаб чиқилиб, марказда илмий асосланиб, ҳуқуқий тартибда тасдиқланган бўлиши ҳамда ҳукуматнинг махсус бошқармаси томонидан унинг амалга оширилишига йўналтирилганлиги, унинг мақоми, ваколати ва унинг ҳал қилишни жорий этадиган минтақа, вилоят, туман белгилаб олинishi лозим бўлади.

Ушбу янгича ёндашув стратегиясини амалга ошириш жараёнида минтақадаги ишлаб чиқаришни ва минтақавий (ҳудудий) бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимида бошқаришнинг изчил, босқичма-босқич ташкил этишнинг узига хос минтақавий модели қабул қилинади. Тарихан минтақавий бошқарув тизимини ислоҳ қилиш жараёни бир қанча босқичлардан ўтиб, тараққий этади ва янада такомиллаштирилади. Бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида кўплаб бошқарув бўғинлари (тармоқ, ҳудуд, соҳалар)нинг вазифалари ўзгаради, бозор механизми талабига жавоб берадиган янги органлар тузилади. Ҳозир, марказий иқтисодий органлар ва вазирликларнинг фаолияти тубдан қайта қурилади. Уларнинг бажарадиган ишлари ва зиммасига юкланадиган вазифалар бозор механизмлари асосида тубдан ўзгартирилади. «Шу сабабли бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги шароитга мос бўлган ўз тузилмаларимизни ишлаб чиқиш» ва «Иқтисодиётнинг юқори ўсиш

суръатларини, барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш масалалари доимий диққат марказимизда бўлмоғи даркор»¹, деб таъкидлаган эди И.Каримов.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан илмий асосланган бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётнинг минтақалари тармоқларини, секторларини ва соҳаларини стратегик ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ, республика минтақаларининг ҳам концепциялари ишлаб чиқилган. Ушбу концепцияларга асосланиб, Фарғона водийси минтақасида уч вилоят ҳокимликларида ҳам вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини бажаришнинг ўзига хос дастурлари ишлаб чиқилган. Бу вазифа ва белгиланган чора-тадбирларни бажариш жараёнида вилоятларда, хусусан, Фарғона водийси минтақасида, умуман, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодиётнинг қиёфасини ўзгартирадиган ташқи ва ички омиллар ва минтақа ялпи ички маҳсулотининг ўсишини таъминлаётган ишлаб чиқариш инфратузилмалари, соҳалари, тармоқлари ва секторлари ҳам жадал ривожланиши кўзда тутилган. Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш, четдан келтириладиган маҳсулотлар (импорт) ўрнини босадиган товарлар ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёнида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошиб бормоқда.

Дастурларга мувофиқ, водий минтақа иқтисодиётида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилди. Водийда бозор талабларига мос мулкчилик ва кўпукладлилик шакллари шаклланди. Уларда эркин бозор фаолияти жорий этилиб, тадбиркорлик ва ташаббускорликка имконият вужудга келди. Уларда ўз навбатида Фарғона минтақаси иқтисодиётига бозор талабларига хос иқтисодий кўрсаткичлар таркиби (иқтисодий ва ижтимоий индикаторлар) жорий этилди. Мазкур бу кўрсаткичларни амалга ошириш жараёнида ҳар бир корхона (фирма)да ўзининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга кенг имкониятлар очилди.

Кўзда тутилган дастурларни муваффақиятли амалга ошириш натижасида асосий иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларнинг ўсишига эришилди. Бу кўрсаткичларнинг барқарор ўсиб боришига эришиш, бозор иқтисодиётига ўтиш билан маъмурий-буйруқбозлик, марказлашган иқтисодиёт тубдан ислоҳ қилиниб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида, бу ерда монополияни чеклаш ва рақобат муҳитини вужудга келтириш асосида, эркин бозор муносабатларига мос келадиган талабларга жавоб берадиган эркин ишлаб чиқариш фаолиятида мустақил корхоналар ташкил топди, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган стратегик йўналишлар белгиланди. Шунга мувофиқ, бозор талабларига

¹ Каримов И Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилмоғимиз лозим «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль.

жавоб бера оладиган катта, йирик, ўрта, кичик ва хусусий корхоналар янги тармоқлар ва секторлар минтақада ташкил топа бошлади.

Фарғона минтақаси иқтисодиётида ҳар хил мулк шаклидаги ва хилма-хил ҳўжалик юритувчи кичик иқтисодий субъектлар, тижорат ва нотижорат гуруҳлари шаклланди. Водий корхоналари фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, ягона мол-мулкка эга бўлган, ўзига хос ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (тижорат ва нотижорат) бўғини — корхона ҳар хил мулк шакли белгиларга эга бўлади: давлат, жамоат, акционерлик, хусусий, аралаш кабилар. Иловадан кўриниб турибдики, бозор муносабатларига ўтиб бориш шароитида водийда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, мулкий ва ишлаб чиқаришларнинг моҳияти ўзгарганлиги туфайли, уларни илмий асосда ўрганиш ва умумлаштиришда янги ёндашув методологияси вужудга келди. Ўзбекистонда уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Минтақани иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга, давлатни тартибга солиш сиёсати орқали таркибий силжиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароитлар яратиб берилган. Демак, минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини бозор механизмига мос келадиган методология асосларида динамик ўсиш, таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва умумлаштириш усуллари билан баён этиш зарур.

Фарғона минтақасининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири. республика ҳудудларидан фарқи шуки, водий ҳудудида ва унинг ер остида ноёб табиий минерал хом-ашёсининг чегараланганлигидир. Албатта, бу ерда қадимдан нефт ва газ конлари мавжуд, уларнинг захиралари тобора камайиб бориш тенденцияси вужудга келган. Ўзбекистонда қазиб олинадиган умумий нефтнинг Фарғона водийсидаги ҳажми 2,4 фоизни ёки 157,1 минг тоннасини ташкил этади. Водийда рангли металл захираси фақат олтин Наманган вилоятида мавжуд бўлиб, Ўзбекистоннинг 3,6 олтинининг фоизига тўғри келади¹. Лекин водийда қора металл захираси аниқланмаган. Кимёвий ресурслардан фақат оз миқдорда олтингургут ва 70 минг кубометр газ қазиб олинади. Аммо қурилишбон материаллар водийда жуда кўп. Енгил ва озиқ-овқат саноати учун хом-ашёлар водийнинг ўзида қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқарилади ва қисман тайёр маҳсулотга айлантирилади. Демак, водий саноат тармоқларининг муҳим устувор тармоқлари учун четдан келадиган хом-ашё ва минерал ресурсларига боғлиқлиги сақланиб қолади. Истиқболда давлатнинг тартибга солиш сиёсати орқали ва фаол инвестиция сиёсати кўмагида минтақа иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш учун, энг аввал, минтақаниннг ички салоҳиятидан тежамкорлик ва инновацион жараёнларни такомиллаштириш ҳамда фойдаланиш билан бирга минтақага инвестицияларни (ички ва хорижий) жалб қилиш бозор механизмлари талабида ишлаб чиқишнинг янгича усуллари ва воситаларининг дастурларини тайёрлашни тақозо этади.

¹ Фуломов С., Убайдуллаева Р, Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. Т.1. «Меҳнат», 2001. 13-б.

4-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МИНТАҚА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

4.1. Минтақада ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамоийллари

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб
чиқарувчи кучларни жойлаштиришда
ривожланган мамлакатлар қуйидаги учта
омилни назарда тутади. Жумладан:

1. Арзон хом-ашё ва унинг заҳираси.
2. Арзон ишчи кучининг мавжудлиги.
3. Маҳсулотларни сотиш бозори.
4. Ташқи иқтисодий муносабатлар ва ташқи савдо
5. Сиёсий-иқтисодий барқарорлик.
6. Ижтимоий омиллар, солиқ, молия имтиёзлари.

Юқоридаги омиллар тўла ҳисоб-китоб қилинган, тадбиркор ишбилармон шахс капитал қўяди, технология олиб келади, корхона очиши мумкин. Шунинг учун тадбиркор ва ишбилармон инвестор у жуда кўп фойда келишини ҳисобга олиб, шу қарорга келади. Демак, ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг асосий тамойили кўп миқдорда фойда олиш уларнинг бош мақсадидир.

Шу тамойилни амалга ошириш учун қуйидаги омилларга риоя қилинади:

1) ишлаб чиқаришни хом-ашё, ёқилғи ва истеъмол бозорларига яқин жойлаштириш ва ривожлантириш;

2) энг катта боғлиқлик, яъни ижтимоий соҳалар, алмашув ва сотиш учун юқори даражада имкониятлар яратиш, яъни транспорт қаражатлари.

Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда ҳар бир ишлаб чиқариш ва минтақа хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Масалан, республикамизнинг аҳоли зич минтақаларида меҳнат талаб, экологик тоза ишлаб чиқаришни жойлаштириш керак. Кўп ёқилғи, энергетика ва сув талаб қиладиган ишлаб чиқаришни жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг сабаби, улар иқтисодиётимизга акс таъсир қилиши мумкин.

Шу билан бир вақтда тадбиркор-инвестор энг аввало, маркетинг тадқиқотлари олиб бориб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки ташқи бозор талаблари асосида сифатли ва чидамлилигини ҳисобга олиш ҳам қизиқтиради.

**4.2. Саноат
корхоналарини
жойлаштиришда
уларнинг
туркумларини
ҳисобга олиш**

Маълумки, Ўзбекистон хом-ашё ресурсларига жуда бой республикадир. Жаҳон иқтисодий меҳнат тақсимотига қўшилиб бориб, иқтисодиётимизни ривожлантириш учун хом-ашёларни чиқиндисиз босқичма-босқич қайта ишлашни йўлга қўйиши лозим. Бунинг учун саноат корхоналарини хомашё истеъмол қилишини, меҳнат талабига ва ишлаб

чиқаришнинг хусусиятига қараб қуйидаги тармоқларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Хом-ашёга яқин жойлаштирилаётган корхоналар.

Буларга Ўзбекистон шароитида қуйидаги корхоналар киради: тез бузиладиган хом-ашёни қайта ишлаш корхоналари (консерва, вино, пахта тозалаш, пиллакашлик, меваларни қуритиш ва шарбатини олиш).

Кўп оғирликдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналари. Булага: гишт заводлари, темир-бетон заводлари киради.

Хом-ашёдан тайёр маҳсулотни бир нечта турлари бўлган корхоналар. Буларга: пиво ишлаб чиқариш, кондитер маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш, нон заводлари киради.

2. Меҳнат талаб корхоналар. Буларга асбоб ишлаб чиқариш, электроника, радиотехника ишлаб чиқариш корхоналари киради. Юқори малакали ишчи кадрлар билан таъминланган минтақаларга, пойафзал, тикув, тўқимачилик, трикотаж, атторлик моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлаштирилади.

Ёқилғи-электроэнергия кўп талаб қиладиган корхоналар худди шуларнинг манбаларига яқин жойлаштирилади. Масалан, алюмин, никель ва шу каби рангли металл ишлаб чиқарадиган, каучук, пластмасса, химиявий толалар ишлаб чиқариш корхоналари мисол бўла олади.

3. Бир неча омилларни ҳисобга олган ҳолда, жойлаштирилаётган корхоналар. Масалан, химия комбинатларини жойлаштиришда хом-ашё, электроэнергияси, сув бўлиши шарт.

Агросаноат уюшмаси корхоналарини жойлаштиришда, шунингдек, табиий-иқлим шароитлар ҳам таъсир этади. Ҳозирги ўтиш даврида қишлоқ хўжалигининг аввалги социалистик ихтисослашуви тубдан ўзгармоқда. Қишлоқ хўжалик экинларининг барча мумкин бўлган турларидан қанча етиштириш масаласини бозор конъюнктураси жаҳондаги мамлакатларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб аниқланади. Бунинг учун Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқара олишининг бир неча хилдаги илмий дастурини ишлаб чиқиши лозим. Унда пахта толасини олайлик, 1,0 млн. тоннадан 2-2,5 млн. тоннагача ишлаб чиқара олиши кўзда тутилиши керак. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда жаҳоннинг илғор ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларидан фойдаланиш масаласи ҳам назарда тутилиши керак. Масалан, концернлар, фирмалар, кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий алоқаларини ўрганиш алоҳида аҳамияти касб этади.

Бозор муносабатлари бу масалаларнинг ечимини кўндаланг қилиб қўймоқда ва такомиллаштиришни тақозо этади.

**4.3. Ишлаб
чиқаришда
аҳолини ижтимоий
ҳимоя қилиш**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини жорий этмасдан туриб, мустақил республика миллий иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришлар қилиши мумкин эмас.

Маълумки, аҳоли – ижтимоий ҳимоянинг габий объект ҳисобланади.

Минтақалардаги корхоналарнинг маълум қисми учун ҳозир иқтисодий қийинчиликлар шароитида сақлаиб қолиш муаммоси кўндаланг бўлиб қолмоқда. Биринчидан, бу муаммо аҳолиси зич жойлашган минтақаларда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммосидир.

Биринчи навбатда ишчи кучини сақлаб қолиш вазифаси қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида корхоналар миқёсида ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш биринчи навбатда фақатгина уларнинг турмуш даражасини ҳисобга олмай, балки самарали меҳнатини рағбатлантириш омили сифатида ходимларнинг даромадлари ўсишини таъминлашнинг мавжуд имкониятларини қидириб топишга, давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг энг мақбул йўллари танлашга ва аниқлашга қаратилган муаммоларнинг зудлик билан ечимини топиш лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кўпгина корхоналарида ижтимоий ҳимоянинг анъанавий кўринишлари амалга оширилмоқда. Яъни, даромадларни маълум даражада тутиб туриш, бандликни таъминлаш, иш шароитларини яхшилаш, болалар муассасалари, соғломлаштириш муассасалари, уй-жой хўжалиги хизматлари учун ижтимоий тўловлар каби.

Демак, объектив иқтисодий шарт-шароит микродаражада бир хил нисбатини белгилайди. Фарғона шаҳрининг 5 та йирик ишлаб чиқариш корхонасида (Нефтни қайта ишлаш, «Азот» бирлашмаси, «Автойна», Механика заводи ва «Фарғона-Қобул текстил») корхона маҳсулот ҳажми қиймати ўсиши бўйича 2004 йилда, шундан 3та корхонада маҳсулот ҳажми қиймати ўсиши бўйича 2002 йилга нисбатан фақат нарх омили ҳисобига таъминланди. Ҳақиқатда эса, ишлаб чиқариш маҳсулотларининг моддий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кам бўлди. Пулнинг қадрсизланиши натижасида ишлаб чиқариш корхоналарига ва унда ишловчи ишчиларга таъсир қилди. Ривожланган давлатларга хос бўлган иш ҳақининг етарли даражада юқори бўлиши, рағбатлантириш билан тўлдирилишига олиб келади. Шу боис унинг миқдори ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқаришга қўшган шахсий ҳиссасига ва корхонанинг молиявий аҳволига боғлиқдир.

2003 йилда Республика вилоятларида ишлаб чиқарилган ҳудудий ялли маҳсулотнинг жон бошига тақсимотида Фарғона водийси минтақасини пасайиб бориши кўзга ташланади (-Илова).

4.4. Минтақа саноатининг таркибий тушунчаси

Минтақа иқтисодиётида саноат ҳал қилувчи тармоқларидан биридир. Ҳар бир минтақада турли хил саноат корхоналари мавжуд. Улар турли компанияларга, уюшмаларга қарашли бўлиб, хилма-хил мулкчиликка асослангандир. Демак, вилоят

минтақасида, давлат, кооператив, хусусий, аралаш, чет эл сармоясига тегишли бўлган корхоналар мавжуд. Бозор инфратузилмасининг яратилиши билан корхоналарнинг иқтисодиёт масалалари билан шуғулланувчи ваколатлари кенгайди ва самарали бошқариш ва тартибга солиш объектив заруриятга айланади. Акс ҳолда, ишлаб чиқариш анархияси юзага келиши мумкин. Вилоятлардаги саноат корхоналарининг фаолиятларини бошқариш, тартибга солиш ишлари билан маҳаллий ҳокимият идоралари шуғулланади. Бироқ, улар берилган ваколатлар асосида корхоналарнинг иқтисодига раҳбарлик қила олиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим масаладир.

Маҳаллий саноат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган хом-ашё ресурслари асосида ривожлантирилади. Маҳаллий саноат корхоналари энг аввало маҳаллий аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган ички истеъмол маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Маҳаллий саноатнинг ривожланиши у ердаги хом-ашё ресурсларига, аҳолининг эҳтиёжига ва бошқа омилларга боғлиқдир. Маҳаллий саноат корхоналари асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, уй-рўзгор буюмлари ва маҳаллий аҳамиятга молик кийим-кечаклар ишлаб чиқаради. Улар маҳаллий ҳокимиятга белгиланган ваколатлар асосида ҳисоб берадилар. Маҳаллий саноат корхоналари ҳозирги даврда коммунал мулкчиликка асосланган корхоналардир. Ўз навбатида маҳаллий ҳокимият маҳаллий саноатни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва тартибга солиш ишлари билан бевосита шуғулланади.

4.5. Минтақа саноатини ривожлантириш вазифалари

Маҳаллий саноат вилоят саноатининг асосий қисми сифатида 1993 йилдан бошлаб, хусусийлаштириш жараёнига, яъни корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариши ва хусусийлаштиришни амалга оширишга тўғри

келадиган корхоналар ҳисобланади. Маҳаллий саноат корхоналари бозор иқтисодиёти шароитида фаолият қилишлари учун, улар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишлари лозимдир. Бунинг учун саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг аниқланиши ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархининг камайтирилиши зарур. Маҳаллий саноат олдида қуйидаги вазифалар туради:

1) Иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш маҳаллий саноат корхоналарининг асосий вазифаси ва мақсадидир.

2) Маҳаллий саноат корхоналари бозор муносабатларининг ривожланиши билан корхона жамоасининг умумий йиғилиши қарори асосида давлат тасарруфидан чиқарилиши мумкин. Ҳозирда Ўзбекистон маҳаллий саноат вазирлиги Ўзбекистон маҳаллий саноат уюшмасига

айлангирилди. Бу билан маҳаллий саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун шарт-шароит яратилди. 1993 йилдан эса, бу жараён бозор тамойили асосида амалга оширилмоқда. Мос равишда маҳаллий саноатни давлат тасарруфидан чиқаришнинг ҳар бир корхона учун зарур бўлган усулларини қўллаш, ҳозирги даврдаги маҳаллий саноатнинг асосий вазифаларидан биридир.

3) Маҳаллий саноат корхоналари чиқитсиз технология жараёнларини қўллаш ва шу билан иккиламчи саноат корхоналарининг чиқитларидан, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишлари лозим. Илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш юқори самарали кичик корхоналарни ташкил этиш имконини беради. Маълумки, кичик корхоналар бозор талаблари асосида тезлик билан янги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Ривожланган мамлакатлар, хусусан, Япония, Италия, Франция каби давлатларнинг саноати кичик корхоналарга асосланиб юрителиди. Маҳаллий саноатни ривожлантиришда касаначилик ва ҳунармандчиликни кўпайиб боришга Ўзбекистон Ҳукумати катта эътибор бериб келмоқда. Уларнинг субъектлар ишлаб чиқаришдаги янгиликлари билан йиллик «Ташаббускорлик» танловларда фаол қатнашмоқда.

4.6. Маҳаллий саноатни ривожлантириш кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш услубияти

Саноат корхоналарини ривожлантиришда қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1) Товар маҳсулотларини муайян миқдорда четга сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотдир. Унинг таркибига тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, саноат характеридаги ишлаб чиқариш киради.

2) Ялпи маҳсулот. Ялпи маҳсулот деб, корхоналарнинг муайян даврда четга чиқариш ва ўзлари фойдаланиш учун ишлаб чиқарган маҳсулотларига айтилади. Ялпи маҳсулотнинг таркибига тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, четга берилган саноат характеридаги ишлар, хизматлар киради.

3) Сотилган мўлжалланган маҳсулот деб, тайёрловчи корхонанинг буюртмачига етказиб берган ва буюртмачи томонидан ҳақ тўланган тайёр маҳсулотга айтилади. Унинг таркибига тайёр маҳсулот, четга берилган саноат характеридаги ишлар ва ярим фабрикатлар киради. Шунингдек, корхоналарда норматив соф маҳсулот кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Норматив соф маҳсулот кўрсаткичи саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ишчиларнинг қўшимча иш ҳақлари, ижтимоий суғурта коэффицентидан, норматив фойдадан ташкил топган, яъни:

$$H_{\text{н}} = Z_1 + Z_2 \times K + \Phi_{\text{н}}$$

Бу ерда

$H_{\text{н}}$ – норматив соф маҳсулот;

Z_1 – ишлаб чиқаришда банд ходимларнинг асосий иш ҳақи;

Z_2 – ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг қўшимча иш ҳақи;

K – ижтимоий суғурта коэффицентини;

$\Phi_{\text{н}}$ – норматив фойда.

Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, энг аввало, бозорнинг у ёки бу саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи аниқланади. Саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф назарияси асосида ўрганилади. Саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ҳажми ҳам талаб ва таклиф назарияси асосида аниқланади. Шу билан биргаликда талаб ҳажмини аниқлашда илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар, илмий техника тараққиётининг ўзгариши ва такомиллашиши режа ҳисоб-китобларининг ҳақиқийлигини таъминлайди. Шунинг учун барча норма ва нормативлар доимо давр ва илмий техника тараққиётининг талаблари асосида такомиллаштириб борилади. Маҳаллий саноат корхоналари биринчи навбатда халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариши учун уларда саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Режалаштирилаётган даврдаги аҳоли сони аниқланади. Аҳоли сонини башорат қилиб топиш мумкин.

2. Ҳар бир маҳсулот турларига белгиланган норма ва нормативлардан фойдаланилади. Уларнинг нормативлар тўпламидан ёки тегишли режа олди ҳужжатларидан олинади. Норматив усули ёрдамида саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни умумий ҳолда қўйидагича аниқланади

$$\text{Э} = \text{Ас} \times \text{Н}$$

Бу ерда: Э-саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж;

Ас – режалаштирилаётган даврдаги аҳоли сони; Н – аҳоли жон бошига белгиланган норма.

Ҳар бир маҳсулотлар бўйича алоҳида илмий асосланган нормативлар белгиланган.

Мисол, ҳудуднинг истиқболдаги аҳоли сони 2,5 млн. кишини ташкил этади. Жон бошига белгиланган ип газлама нормативи 34 кв.м. Аҳолининг ип газламага бўлган эҳтиёжи қўйидагича топилади:

$$\text{Э}_{\text{газлама}} = 2,5 \times 34 = 85 \text{ млн. кв. м. аҳолининг эҳтиёжи минтақа}$$

аҳолисининг пул даромадлари билан мувозанатлаштирилиши лозим. Чунки аҳолининг эҳтиёжи унинг молиявий имкониятлари билан чегараланган. Аҳоли пул даромадларининг кўпайиши уларни товар ва пулли хизматларга бўлган эҳтиёжининг кўпайишига олиб келади. Эҳтиёжни пул даромадлари билан таққослаб, таҳлил қилиб, мувозанатини таъминлашда минтақа аҳолисининг даромадлари ва харажатлари балансидан фойдаланилади. Бу баланс ёрдамида аҳолининг товар ва пул хизматларига бўлган харид қобилияти аниқланади.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариладиган тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми алоҳида фан – маркетинг ёрдамида ўргатилади. Саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж аниқлагач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари билан асосланади. Моддий ресурслар билан асослашда ишлаб чиқариш қувватлари, хом-ашё ва материаллар, ёқилғи,

электр энергияси ва бошқа энергия ресурслари ва шу каби моддий ресурсларга бўлган эҳтиёж аниқланади. Молиявий ресурслар билан асослашда, корхонанинг фойдаси, банклардан олинадиган кредитлар, чет эл сармоялари акцияларини чиқариш ва шу каби масалалар ҳисоб-китоб қилинади. Меҳнат ресурслари билан асослашда меҳнат унумдорлиги, ишчи кучига бўлган талаб, бошқарув мутахассисларига бўлган эҳтиёж ҳисобга олинади.

Моддий ресурслар билан асослашда биринчи навбатда ишлаб чиқариш қувватлари баланси тузилади. Ишлаб чиқариш қуввати балансида режа давридаги ишлаб чиқариш қувватларининг кўпайиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги туфайли, қувватларнинг чиқарилиши, йиллик ўртача ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади. Ишлаб чиқариш қувватларининг баланси умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга:

| № | Кўрсаткичлар | Режа |
|----|----------------------------------------------------|-------|
| 1. | Йил бошидаги ишлаб чиқариш қуввати | Кб |
| 2. | Ишлаб чиқариш қувватларининг кўшилиши | Ккир |
| 3. | Ишлаб чиқариш қувватларининг чиқарилиши | Кчиқ |
| 4. | Йил охиридаги қувват | К маҳ |
| 5. | Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватари | К |
| 6. | Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти | К |
| 7. | Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми | Мх |

Йил охиридаги қувват балансидан фойдаланиб қуйидагича аниқланади:

$$Кчиқ = Кб + Ккир - Кчик - Z$$

Қувватларнинг ўрта йиллик миқдори қуйидагича аниқланади:

$$К = Кб + Ккир - Кчик - Z$$

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қуйидагича аниқланади;

$$Мх = ҚхК$$

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффицентини топиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига ўртача ишлаб чиқариш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Агар корхонада бир хил турдаги асбоб-ускуналардан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш қувватларининг ҳажмини қуйидагича формула билан ҳисоблашимиз мумкин:

$$K_{иш} - H_0 \times T_0 \times O_0,$$

Бу ерда $K_{иш}$ – ишлаб чиқариш қуввати;

H_0 – ишлаб чиқариш ускуналарининг вақт бирлигидаги нормаси;

T_0 – ускуналарнинг иш вақти;

O_0 – бир турдаги ускуналарнинг сони.

Хом-ашё ва материалларга бўлган талаб (Э) ҳам норматив усули ёрдамида аниқланиши мумкин. Бунинг учун режа даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини бир бирлик маҳсулот (Q) учун бериладиган нормативга (Н) кўпайтирилади:

$$\Theta = Q \times H$$

Масалан: Режа даврида тикувчилик фабрикаси 500 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқаришни режалаштирди. Ҳар бир кўйлакка 1,8 кв.к. ип газлама нормаси белгиланган. Ип газламага бўлган эҳтиёж қуйидагича аниқланади:

$$\text{Эк.м.} = 500 \times 1,8 = 900$$

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, Фарғона минтақасидаги вилоятларда, саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлар, бошқа вилоятлар билан қиёслашда, мустақилликнинг дастлабки даврида, Фарғона водийси саноат тармоқлари (Шўролар манфаатига мос) юқори салмоққа эга бўлган бўлса, мустақиллик йилларида, бошқа вилоятлардаги табиий минерал, хом-ашё ресурсларининг топилиши, уларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва кўплаб янги саноат корхоналарини барпо этилиши муносабати билан, Фарғона водийси вилоятларининг саноат тармоқларини айримларининг ўсиши пасайиш тенденциясига мойил бўлган ва асосий устувор тармоқлари, ёқилғи саноати, кимё ва нефт-кимё саноати, машинасозлик (айниқса, автомобил) ва металлни қайта ишлаш саноати, қурилиш материаллари саноати ва транспорт учун ойналар ишлаб чиқариш саноати, айнақса, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари тез суръатларда ўсиш тенденцияга айланиб бормоқда. Бошқа саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари тўлқинли ҳолатда қолмоқда. Мазкур тез суръатларда ўсиб бораётган саноат тармоқларининг ривожланишига икки омил сабаб: а) машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё, нефт-кимё ва ойна ишлаб чиқариш тармоқларига, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан келтириладиган маҳаллий хом ашё ва давлат бюджети ҳисобидан инвестиция ҳажмини кўпайтириш туфайли; б) қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари тармоқларининг суръатларини мунтазам ўсиши учун, водийнинг маҳаллий хом ашё ресурслари ва уларни янги технология билан таъминлашда давлатнинг тартибга солиш сиёсатининг улушини кўплигини кўрсатиб ўтиш лозим. Бу икки омил, Фарғона минтақаси иқтисодиётининг ривожланишининг бозор муносабатларидаги ўзига хос хусусиятларини изоҳлайди. Минтақада давлатнинг тартибга солишни бошқаруви янги, замонавий ва самарали бозор тизими шаклланиб бормоқда. Минтақада ҳам бошқарувнинг тизими қайта ташкил этилди. Бу, ҳар хил мулкчилик шаклларида бозор муносабатларига мос келадиган ҳўжалик юритиш ва унинг бошқариш тизимида маҳаллий хокимликлар, уларнинг ҳудудий ва туманлардаги саноат тармоқларини бошқариши бўйича, ҳуқуқий асослар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кафолатида ишлаб чиқилади.

**4.7. Минтақа
иқтисодиёти
гаркибида саноат
тармоқларининг
ривожланиш
хусусиятлари**

Фарғона водийси минтақа иқтисодиёти, Ўзбекистон республикасида, муҳим салмоқли ўринни эгаллайди. Фарғона водийсидаги, асосий иқтисодий кўрсаткичларни узлуксиз ўсишига таъсир этувчи омилларнинг энг муҳими, меҳнат ресурслари кўплиги, саноат тармоқларининг ривожланганлиги, қишлоқ хўжалигининг сермаҳсуллиги ва транспорт коммуникациясининг ривожланганлиги ҳисобланади. Аммо Фарғона водийси ҳудудида, табиий минерал хом-ашё ресурслари ва экин ер ресурслари чекланган, аммо қурилиш материалларига бой бўлса-да, ишлаб чиқариш эҳтиёжини хом-ашё билан таъминлаш саноат даражаси тармоғидаги корхоналарнинг талабини қондира олмайди. Фарғона иқтисодиёти экстенсив ўсишдан, интензив ўсиш томон ривожланиб борар экан, водий иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий хом-ашё манбаи четдан ташиб келтириш ва инвестицияларни жалб қилиш ҳисобида ҳамда ишлаб чиқариш ва моддий ресурслардан тежамкорлик ва тадбиркорлик асосида оқилона фойдаланиш, энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Лекин Фарғона минтақа иқтисодиётининг саноат тармоқлари ишлаб чиқаришининг ўсиши бир текисда бўлмай, тўлқинли ривожланиш характерига эга эканлигини кўриш мумкин (Жадвал -4.7.1.).

Жадвал-4.7.1.нинг кўрсатишича, Фарғона водийси минтақаси иқтисодиётида саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш тенденциясига эга. Бундай ўсиш тенденцияси вилоятлар бўйича кам кузатилади. Лекин ўсиш суръатлари бўйича таҳлил қилинганда, водий саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши унча сезиларли тўлқинли бўлмаса-да, вилоятлар кўрсаткичларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмида ўсиш суръатлари бир меъёрда эмас, айрим йилларда водий вилоятларида (Андижонда - 2002 йили, Наманганда - 1998 йили, Фарғонада - 1998, 2001 ва 2003 йили) пасайишлар кўзга ташланади.

Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, Фарғона минтақаси иқтисодиётидаги саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига таъсир этувчи асосий омил – минерал хом-ашё ҳажмининг камлиги ва мавжуд бўлган хом-ашёни қайта ишлайдиган айрим корхоналардаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги сабабли ҳамда талаб даражасидаги сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилмаганлиги кабилардир.

Водий ҳудудидан қазиб олинаётган, масалан, нефт сўнгги йилларда (1997 йилдан) 67,4 фоизга, газ ишлаб чиқариш 18,3 фоизга пасайиб кетган. Нефтнинг асосий қисми (3,5 млн. тоннаси) бошқа вилоятлардан ташиб келтирилади. 1998 йилгача Ўзбекистонда ягона монопол мавқега эга бўлган Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаб чиқариш бирлашмаси 1 млн. 911 минг 400 тонна дизел ёқилғиси ва 1 млн. 240 минг тонна бензин ишлаб чиқарган бўлса, 2004 йилда уларни ишлаб

4.7.1. - жадал. Фарғона минтақа иқтисодиётида саноат ишлаб чиқаришнинг Республикадаги салмоқли улуғлигининг динамикаси (% ҳисобида) (1997-2003 йй.)*

| | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2002да 1997 йилга нисбатан |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|-------|--------|--------|--------|--------|-------------------------------------|
| Республикада саноат ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм) | 704,5 | 957,8 | 1033,3 | 1888,9 | 2830,8 | 4494,0 | 6,4 |
| Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати (олдинги йилга нисбатан % да) | 106,5 | 103,6 | 106,1 | 106,4 | 107,6 | 108,3 | 109,8 |
| Шундан: | | | | | | | |
| Фарғона водийен минтақаси саноат ишлаб чиқариш ҳажми (млн.) | 182,9 | 219,5 | 330,3 | 471,9 | 703,7 | 1059,4 | 5,8 |
| Фарғона минтақа саноати ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати (олдинги йилга нисбатан % да) | 105,7 | 102,0 | 105,5 | 104,2 | 104,9 | 105,0 | 106,5 |
| Шу жумладан: | | | | | | | |
| Анджон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми (млн.) | 34,3 | 93,8 | 127,0 | 155,7 | 280,0 | 393,0 | 11,5 |
| Анджон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати (олдинги йилга нисбатан % да) | 113,2 | 105,0 | 113,7 | 122,6 | 128,9 | 103,3 | 104,6 |
| Наманган вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми (млн.) | 21,6 | 30,3 | 43,2 | 70,0 | 96,6 | 138,9 | 6,4 |
| Наманган вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати (олдинги йилга нисбатан % да) | 103,5 | 103,3 | 115,1 | 123,7 | 120,8 | 112,5 | 110,4 |
| Фарғона вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми (млн.) | 99,8 | 95,4 | 160,1 | 248,4 | 327,1 | 527,5 | 4,6 |
| Фарғона вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати (олдинги йилга нисбатан % да) | 102,6 | 106,2 | 104,8 | 108,5 | 102,9 | 108,7 | 102,4 |
| Фарғона водийен минтақа иқтисодиёти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати (олдинги йилга нисбатан % да) | 25,0 | 22,9 | 31,9 | 24,5 | 24,8 | 23,6 | |

АСОСИЙ МАНБАЛАР: Ўзбекистон Республикасининг кўрсатилган йиллардаги иқтисодий ақудлари. Тошкент. Ўз.Р. Макроиқтисодий вазирлиги ва статистика қўмитаси маълумотлари, 1997, 1998, 1999, 2000, 2001, 2002, 2003 йиллар.

* Жадалда муаллиф томонидан тузилган ва ҳисоблаб чиқилди.

чиқиш ҳажми тегишли равишда 1 млн. 261 минг (650 минг 400 тонна кам) дизел ёқилғиси ва 910 минг тонна (330 минг тонна кам) бензин ишлаб чиққан. Лекин 1999-2001 йилларда Фарғона нефтни қайта ишлаб чиқариш заводида замонавий янги технология киритилиб, унга 73 млн. доллар Япония инвестицияси жалб қилинганидан сўнг, янги сифатли дизел мойи ва бензин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1996 йили Андижон вилояти (Асқала)да Республикада биринчи энгил автомобиллар ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушиши билан, Ўзбекистонда автомобил саноати тармоғига асос солинди. Йилдан йилга энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ва маҳаллашган дастур асосида уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, ҳажми, турлари кўпайиб бормоқда.

Жадвал -4.7.1. маълумотларининг кўрсатишича, сўнгги 8 йил (1997-2003 йй.) мобайнида, Водийнинг ўзидан қазиб олинаётган нефт ва газ ҳажмининг ўсиши юз бермаяпти. Ишлаб чиқарилаётган тайёр саноат маҳсулотлари ҳажмида кимё толаси ишлаб чиқариш ҳажми 2867,7 баробарга ва синтетик смола ва пластмассалар ишлаб чиқариш ҳажми 2181,6 баробарга кўпайгани юз берган.

Фарғона водийси минтақасида саноат тармоқлари, илгари нефт-газ, нефт-кимё, кимёвий маҳсулотлар, машинасозлик, озиқ-овқат, энгил саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарган хом-ашёни қайта ишлайдиган агросаноат маҳсулотларидан пахтани, ғаллани, ипакни, узум-меваларни, полиз-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб салмоқли ўринларни ташкил этган эди.

Мустақиллик йилларида, бозор талабларига асосланган Фарғона минтақа иқтисодиётини бошқариш бозор механизми ёрдамида, давлатнинг тартибга солиш сиёсати орқали, минтақанинг саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқаришини ихтисослашуви, водий хусусиятларига аниқ белгиланган хос ҳолатда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, меҳнат тақсимотининг моддий рағбатлантиришнинг, хўжалик юритиш шаклларида самарали фойдаланишнинг, ўзига хос молиялаштиришнинг ва баҳолашнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилганлигини ифодалаб беради.

Фарғона минтақа иқтисодиёти таркибий тузилиши, шўролар даврида хом-ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва марказ саноати манфаатига бўйсундирилган бўлса, мустақиллик йилларида бозор талаблари тамойилларидан келиб чиқиб, иқтисодиётининг таркибий тузилишини қайта ўзгартириш ва янги маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва импорт маҳсулотларини ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган кўплаб тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланишига устуворлик берилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, минерал ўғитлар (100% тўйимли моддага айлантириб ҳисоблаганда) ишлаб чиқариш жараёни четдан Республика ташқарисидан келаётган хом-ашё (фосфор кабилар) келишининг узилиб қолиши, транспорт харажатларини ошиб кетиши

оқибатида кескин камайиши вужудга келди. Аммо Республикамизда фосфор маҳсулотларини ишлаб чиқариш (Қорақалпоғистонда) йўлга қўйилиши билан 2002 йилдан минерал ўғит ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Агар 1997 йилда 209,5 минг тоннадан 2001 йилда 97,2 минг тоннага 2,1 баробарга яқин камайган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 105,9 минг ва 2004 йилда 186,0 минг тоннага етказилди.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона минтақасида жойлашган саноат корхоналари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга шўролар даврида ихтисослашган бўлиб, мустақиллик йилларида, хом-ашёга бўлган эҳтиёжини етарли таъминлашда, Фарғона минтақаси иқтисодиёти таркибидаги озиқ-овқат ва энгил саноат тармоқлари маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажмида ўсиш вужудга келди. Фақат, 1998-2003 йилларда озиқ-овқат саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15 млрд. 847 млн. сўмдан 189 млрд. 500 миллион сўмга ёки 12 баробарга яқин кўпайди. Шу даврда, энгил саноат маҳсулотлари тегишли равишда 37 млрд 377 млн. сўмдан 336 млрд. 400 млн. сўмга ёки 9 баробарга ўси.

Фарғона водийси минтақаси иқтисодиёти таркибидаги озиқ-овқат ва энгил саноат маҳсулотлари турларининг ўсиши 4.7.2.-Жадвалда кўрсатилган. Бунда озиқ-овқат ва энгил саноат маҳсулотларининг турлари натурал маҳсулот ва қиймат шаклида ўсиб бориш динамикаси кўрсатилган.

Водий минтақаси иқтисодиётида барча саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг қиймати ва ўсиш суръатлари Республика бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қиймати ва ўсиш суръатлари билан қиёсий кўрсаткичлари 1997-2004 йилларда, Республика саноати ишлаб чиқариш ҳажми 9.9 баробарга яқин ўсган бўлса, Фарғона минтақаси иқтисодиётида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8.3 баробарга яқин, шу жумладан, бу кўрсаткич Андижон вилоятида – 12,5, Наманган вилоятида – 7.5 ва Фарғона вилоятида – 5,6 баробарга ўсган.

Қайд қилиб ўтиш лозимки, олиб борилган тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, Андижон вилоятида саноат ишлаб чиқаришнинг суръати тез ўсиб бормоқда. Вилоятнинг барча туманларида саноатнинг бирор тури жойлаштирилган бўлиб, саноат қишлоқ жойларига кириб бормоқда. Худди шунингдек, Наманган вилояти туманларида ҳам саноатнинг ҳар хил турларини жойлаштириш кенгайиб бормоқда. Аммо Фарғона вилоятидаги туманларда ташқи ва ички имкониятлар, иқтисодий алоқаларнинг бузилишидаги мураккаблик ва саноат корхоналаридан тажрибали мутахассисларнинг четга чиқиб кетиши кабилар билан бирга, Фарғона водийсининг ўзида минерал хом-ашё ресурсларининг чекланганлиги таъсир этди.

Фарғона водийси ҳокимиятлари томонидан 2000-2005 йилларга мўлжалланган саноат тармоқларида озиқ-овқат ва энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, бу саноат тармоқларидаги корхоналарни янгисини қуриш ва эскиларини

модернизациялаш асосида замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш амалга оширилиб келинмоқда. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқларида анъанавий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг гурлари, хиллари янгиланиб, харидоргир, сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Озиқ-овқат саноати тармоғида гушт, сут, балиқ консервалари, ун, нон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, ароқ-вино, алкогольсиз ичимликлар, мева-сабзавот консервалар ишлаб чиқариш ҳажми, сифати оширилиб бориш билан, янги маҳсулот этил спирт маҳсулоти ишлаб чиқариш ташкил этилди (4.7.2.-Жадвал). Худди шунингдек, Водий минтақа иқтисодиётининг енгил саноат тармоғида ҳам сифат ўзгаришлар содир бўлмоқда. Сўнги 4-5 йил давомида водий вилоятларининг шаҳар ва туманларида енгил саноатнинг янги корхоналари барпо этилди ва эски корхоналар қайта қурилиб, янги технология билан қуроллантирилди. Лекин саноат тармоқларини кенгайтириш ва саноатни қишлоққа киритиш борасидаги тадбирлар суғ амалга оширилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган миллий иқтисодиётни қайта қуришда, минтақавий шарт-шароитларга алоҳида эътибор бериш ва ҳақиқий минтақавий-маҳаллийлаштириш (локализация) Фарғона минтақаси заминида амалга оширишга имкониятлар яратилди. Фарғона водийсидаги вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан илмий асосланган, локализация дастурлари ишлаб чиқилди. Бу дастурда, асосий эътибор, бир томонлама хом-ашёга йўналтирилган иқтисодиётдан воз кечиш, иқтисодиёт таркибини ўзгартириб, аниқ йўналишларда давлат томонидан тартибга солиб бориш, айниқса, саноатни қишлоқ жойларига жойлаштириш ва унинг ишлаб чиқарадиган маҳаллий-миллий маҳсулотларини, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар даражасига етказиш, улардан экспортга мос келадиган маҳсулот даражасига кўтариш вазифалари белгилангандир. Минтақа иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказишга қаратилган йўл, «иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш»¹, иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тез ривожланган (4.7.3.-Жадвал).

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон» 2000, 15-б.

4.7.2. - жадвал. Фаргона водийси минтақасида асосий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2000-2002 йиллардаги курсаткичлари*

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2002 йилда 2000 йилга нисбатан % да |
|---------------------------------------------------------|--------|--------|---------|-------------------------------------|
| Енгил саноат маҳсулот ишлаб чиқариш (млрд. сўм) | | | | |
| Шундан | | | | |
| А) пахта газламалар (млн. кв.м.) | 1072,7 | 4862,3 | 2596,5 | |
| Б) шойи газламалар (минг кв.м.) | 3015 | 1682 | 216,6 | |
| В) жунли газламалар (минг кв.м.) | 2,5 | 2,8 | 419,0 | |
| Г) пайпоқ буюмлари (минг жуфт) | 1638,1 | 1061,3 | 860,2 | |
| Д) трикотаж буюмлари (минг дона) | 18033 | 16649 | 13434,0 | |
| Е) тикувчилик буюмлари (млн. сўм) | 2936 | 2841,8 | 4542,7 | |
| Ё) поймафзаллар (минг жуфт) | 2832 | 4058 | 4301 | |
| Ж) қозғоз (тонна) | - | 490 | 248 | |
| Озиқ-овқат саноати маҳсулотлари | 21,9 | 23,5 | 25,9 | |
| шундан: | | | | |
| а) гўшт ва гўшт маҳсулотлари (минг тонна) | | | | |
| б) сўт ва сўт маҳсулотлари (минг тонна) | 31,4 | 27,1 | 34,5 | |
| в) балиқ маҳсулоти ва консерваси (тонна) | 2057 | 1848 | 1878 | |
| г) ун маҳсулоти (минг тонна) | 445,1 | 4738,0 | 4062,0 | |
| д) нон ва нон бўлоқчалар (минг тонна) | 186,9 | 183,3 | 1793,0 | |
| е) ўсимлик ёғи (минг тонна) | 75,5 | 77,8 | 75,7 | |
| ё) ароқ ва ликёр маҳсулотлари (минг тонна) | 1063 | 762 | 507 | |
| ж) узум виноси (минг долл.) | 993 | 1047 | 1163 | |
| з) алкоғолсиз ичимликлар (минг долл.) | 1714 | 1770 | 1148 | |
| ш) консервалар (мева сабзавот) М.У.Б. (млн. услв. банк) | 127,7 | 91,2 | 966,0 | |
| к) спирт-этил (минг долл.) | 186,1 | 2211 | 915,4 | |

* Манба: Фаргона, Андижон, Намангон вилоятлари статистика бошқармалари маълумотлари асоси курсатилган йилларда.

4.7.3. - жадвал. 1997-2002 йилларда саноат маҳсулотлари миқдорига қараб, Фарғона вилоятининг туман ва шаҳарларини гуруҳлаш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш (млн. сўм ҳисобида)

| Гуруҳга кирганлар | | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2004 |
|-------------------|--------------------------|------------|------|------|------|------|------|
| | Миқдорига қараб гуруҳлаш | | | | | | |
| I гуруҳ | 200 млн.сўмгача | 8 та туман | 7 | 2 | 1 | - | - |
| II гуруҳ | 300 млн.сўмгача | 5 та туман | 3 | 3 | 2 | - | - |
| III гуруҳ | 500 млн.сўмдан ортиғи | 2 та туман | 5 | 9 | 11 | 12 | 13 |
| Шаҳарлар: | 10 млрд. сўмгача | 2 та шаҳар | 1 | 1 | - | - | 1 |
| I гуруҳ | | | | | | | |
| II гуруҳ | 100 млрд. сўмдан ортиқ | 2 та шаҳар | 3 | 3 | 4 | 4 | 3 |

Водий ва вилоятлар туман-шаҳарларида ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. 4.7.3.-Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, Фарғона вилояти туман ва шаҳар саноат маҳсулотларининг ўсиши натижасида, 1997 йилда 200 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарувчи I гуруҳдаги 8 туман, 300 млн. сўмлик II гуруҳга 5 туман, III гуруҳдаги 2 туманда 500 млн. сўмдан ортиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 4 шаҳардан 2 таси 10 млрд. сўмликдан, 2 таси 10 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этган. 2004 йилга келиб, ривожланиб 15 та тумандан 5 тасида 300 млн. сўмгача ва 13 таси 500 млн. сўмдан ортиқ ва 4 та шаҳардан 3 таси 100 млрд. сўмдан ортиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга эришди.

Фарғона водийси олдида минтақа иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш, саноат тармоқларини ва корхоналарини сифат жиҳатдан, замонавий технология билан ривожлантирилиб борилаётганлиги сабабли аҳолини иш билан бандлиги ошиб бормоқда, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида минтақа иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларнинг силжиши ва янги тармоқларнинг ривожланиши таркиб топиб бормоқда. Водий минтақаси иқтисодиётининг ривожланишида янги хусусият вужудга келди.

5-БОБ. МИНТАҚА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

5.1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифалари

Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мутассил ривожлантириш, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, саноатни давлат резерви, экспорт шартномасини эса зарур хом-ашёлар билан таъминлашдир. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий вазифаси – маҳаллий иқтисодий, моддий, табиий ресурслардан тўла фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигини жадал суратда юксалтириш. Илғор технологияни кенг қўллаш, мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш шаклларида (ижара, пудрат, фермерлик) фойдаланиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг минтақаларидаги вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Ердан (аввало ҳайдаладиган қисмидан) самарали фойдаланиш ва шу асосда ҳосилдорликни ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш.

2. Сув хўжалиги фаолиятини юксалтириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш (ҳозир сувдан фойдаланиш коэффициенти КПД-0,65га тенг), кам сув талаб қиладиган технологияга ўтиш.

3. Илмий асосланган химиялаштиришга ўтиш, биоусулдан кенг фойдаланиш.

4. Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини юксалтириш, уни ишлаб чиқариш воситаларининг энг самарали турлари билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

5. Чорвачиликнинг ем-хашак базасини ривожлантириш, чорва тузилишини, наслини яхшилаш, тезкор омиллардан фойдаланиб, маҳсулдорликни кўпайтириш.

Маҳаллий қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳар бир минтақанинг хусусиятлари аниқ ҳисобга олинади, яъни, жўғрофий жойлашганлик, табиий шароит, нуфуз, миллий хусусиятлар, шаҳар атрофига ёки саноат районларига узоқ-яқин жойлашганлик, қайта ишлаш саноатига боғлиқ йўллар, иқтисодий ихтисослашганлик ва бошқа омиллар ҳам ҳисобга олинади.

Уларни ҳисобга олиш ижобий омиллардан кенг фойдаланиш ва самарадорликни тўсувчи омилларнинг таъсирини йўқотишга олиб келади.

**5.2. Деҳқончилик
маҳсулотлари
ишлаб
чиқаришни
аниқлаш услуби**

Деҳқончилик ривожини режалаштиришда ер ресурслари ва унинг тузилиши режалаштирилади. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар баланси тузилади. Унда жорий ва режа даврлар учун фойдаланадиган ерлар, табиий ўтлоқлар, яйловлар, қўп йиллик ўсимликлар ўзлаштириладиган ерлар, қуриқ ерлар, қумлоқлар майдон режалаштириладиган йилга аниқланади. Режа даврида бўладиган ерлардаги ўзгаришлар ер кадастрида ва банитети асосида энг аввало ҳайдаладиган ерлар майдони ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг тузилишидаги ўзгаришлар ҳайдаладиган ерларнинг қўпайишига олиб келиш керак.

Ҳайдаладиган ерларнинг умумий майдони аниқланган ҳайдаладиган ерлар баланси тузилади (Чизма-2).

2-чизма

Ҳайдаладиган ерлар баланси

| | Ўлчов бирлиги | Жорий йил | Режалаштирила- ётган йил |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|--------------|-----------------------------|
| 1. Йил бошидаги ҳайдаладиган ерларнинг умумий майдони | минг Га | | |
| 2. Ҳайдаладиган ерларнинг қўпайиши: – қуриқ ерлар – ботқоқликлар – фойдаланиладиган бошқа ерлар | минг Га минг Га минг Га | | |
| 3. Ҳайдаладиган ерларнинг камайиши: – қўп йиллик ўсимликларнинг камайиши; – саноат қурилиши; – сув омборлари қурилиши – бошқа заруратлар | минг Га минг Га минг Га минг Га | | |
| 4. Режалаштирилаётган йилдаги ҳайдаладиган ерларнинг майдони (у) | минг Га | | |

Режалаштирилаётган йилдаги ҳайдаладиган ерларнинг майдонини (у) топиш учун йил бошидаги ҳайдаладиган ерларга, ҳайдаладиган ерларнинг қўпайиши қўшилиб камайиши айрилади ($У=1+2-3$).

Қишлоқ хўжалиги экинларининг майдонини аниқлашда қўйидаги омиллар ҳисобга олинади: экинлар ҳосилдорлиги, давлат буюртмасининг ҳажми, ихтисослашув даражаси, хўжалик ва минтақанинг эҳтиёжлари, экин турларининг самарадорлиги, амалий экиш талабларига риоя қилиш. Минтақа қишлоқ хўжалигининг экин майдони қўйидаги тартибда аниқланади:

- 1) давлат буюртмасининг ҳажми юқоридан олинади;
- 2) уруғ (чигит)га эҳтиёж аниқланади;
- 3) уруғ суғурта фонди аниқланади;
- 4) ем-хашак фонди ҳисобланади;
- 5) бошқа фонд ва резервлар аниқланади.

Ҳамма моддалар асосида:

- 1) деҳқончилик ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади;
- 2) табиий ўтловлардаги ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади;
- 3) назарда тутилаётган ҳосилдорлик аниқланади;
- 4) зарур бўлган экин майдони аниқланади.

Шу тартибда минтақанинг ҳар бир экин турлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Экин майдонлари аниқлагач, режали ҳосилдорлик аниқланади. Бунинг учун ҳосилдорликка таъсир этувчи асосий омилларни билиш ва улардан фойдаланиш лозим. Илмий асосда тузилган картограммалар асосида кимёвий ва органик ўғитлар бериш, самарали ўсимлик навларини қўллаш, тезкор технология ва техникадан фойдаланиш, меҳнатнинг янги шаклларида фойдаланиш, мелиорация ва ирригация ишларини такомиллаштириш ва ҳоказо.

5.3. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни аниқлаш услуби

Чорвачилик қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, ипакчилик ва балиқчилик соҳаларга бўлинади.

Уларнинг ҳар бирининг йўналишлари мавжуд. Масалан, қорамолчилик – сут, сут-гўшт йўналишларига бўлинади. Шунга мос равишда режалаштиришнинг кўрсаткичлари, режа топшириқлари ва режалаштириш усулларида фойдаланилади.

Чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг эҳтиёжлари, тиббиёт фанлар академиясининг институтлари ишлаб чиққан, илмий жиҳатдан асосланган нормалари асосида аниқланади. Умумий чорва маҳсулотларига эҳтиёжни аниқлаш учун аҳоли эҳтиёжига, қайта ишлаш саноатининг эҳтиёжи, четга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ва бошқа резервлар қўшилади.

Чорва маҳсулотларига эҳтиёж аниқлангач, туёқлар сони аниқланади. Уни чорва подасининг айланма баланси ёрдамида аниқланади. Йил бошидаги чорва бош сонини сотиб олиш ҳар бир хўжаликининг аниқ иқтисодий ҳолатидан, манфаатларидан келиб чиқиб аниқланади. Асосан пода тузилишини яхшилаш мақсадида наслдор чорва сотиб олинади. Бузоқ олиш белгиланган нормативлар асосида аниқланади. Табиий йўқотиш нормативи 6-8% гача белгиланиши мумкин. Нормативлар ҳар бир чорва турлари ва чорвачилик ихтисослашуви бўйича табақалаштирилган.

Режа даврининг якунидаги бош сони қуйидагича аниқланади.

$$ЧБд.я = ЧБйб = ЧБқ \cdot ЧБч$$

ЧБд.я – режа даври якунидаги чорва бош сони;

Бу ерда:

ЧБйб – режалаштириш йил бошидаги чорва боши;

Чбқ – чорва бошининг қўшилиши;

Чбч – чорва бошининг чиқими (йўқолиши).

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштириш учун сигирларнинг ўртача сони ҳар бир сигирнинг ўртача маҳсулдорлиги аниқланади. Режада маҳсулотни ошириш чоралари белгиланади. Бунинг учун чорвачилик маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинади. Маҳсулдорликни оширишнинг энг асосий шarti ем-хашакни мақбул тузилишда таъминлашдир. Шу мақсадда ем-хашак баланси тузилади.

5.4. Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини ривожлантириш

Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини режалаштириш кўп қиррали, мураккаб вазифадир. Қишлоқ хўжалик моддий техника базасини ривожлантириш учун, уларнинг ҳар бир элементига эҳтиёж аниқланади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси барча ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат предметларининг йиғиндисидир. Унинг актив қисми бўлиб машина ва механизмлар ҳисобланади.

Машина ва механизмларга талабни аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор берилади:

1. Қишлоқ хўжалик юмушлари агротехника муддатларида бажарилиши шарт.

2. Қишлоқ хўжалик машиналари билан (тракторлар) кучга эга бўлган машиналар ўртасида муқобиллик бўлиши керак.

3. Малакали ишчи ва механизатор кадрлар билан етарли таъминланган бўлиши керак.

4. Қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарни кафолатли таъминлаб берувчи корхона бўлиши лозим. Айниқса, эҳтиёж қисмлар билан таъминлашни тубдан ривожлантириш лозим. Шу мақсадда улгуржи савдо дўконлари ва биржалар орқали ташкил этилиши зарурдир.

Тракторларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун тракторлар билан бажариладиган ишлар ҳажми аниқланади (шартли эталонга ҳисобида), ҳамда ҳар бир тракторнинг сменалик ёки кунлик нормалари ҳисобланади.

Кейинги йилларда ширкат ва фермерлик хўжаликлариغا иқтисодий математик усуллар билан мақбул машина-трактор парки тузилиши ва ҳажми шартнома асосида аниқлаб берилмоқда.

5.5. Минтақа иқтисодиётида аграр ислохотларни амалга ошириш ва ривожлантириш

Водий минтақасида қишлоқ хўжалиги ўсимликшунослик ва чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Қисм ёки тўлиқ қайта ишлаш саноатининг турли ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам ўз ичига оладиган ва халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга

эга. Водий қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан энг муҳими шуки, бу соҳада табиий ва иқтисодий қонуниятлардан, амалиётда энгли фойдаланиш жараёнида ишлаб чиқаришнинг буюмлаштирилган посылалари билан бир қаторда, жонли организмлардан (инсон омилидан ҳам) кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини ва чорвачилик маҳсулотларини жадал ўстириш, ерлардан (асосан, бу ерда суғориладиган ерлар) ва табиий муҳитнинг бошқа элементларидан (ҳаво, сув, иссиқлик, қуёш радиациясидан) самарали фойдаланиш билан узвий боғлиқлик томонларини ҳам назарда тутган ҳолда рўёбга чиқарилмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида водийнинг агросаноат мажмуасининг тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш, амалий бошқаришга мажмуавий ёндашишнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Водий агросаноат мажмуасини ҳам бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш борасида, ишлаб чиқилган дастурлар ва тадбирлар негизида туб аграр ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Колхоз ва совхозлар ўрнида бозор муносабатларига жавоб берадиган мулкчилик ва кўпукладли хўжалик юритиш шакллари вужудга келди. Қишлоқ хўжалигида пайчилик асосидаги ширкатлар, мустақил фермер ва деҳқон хўжаликлари, корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, агрофирмалар, бўрдоқчилик акциядорлик жамоалари, оила ижара пудрат ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари қайтадан барпо этилди. Ислоҳотларнинг дастлабки кунидан бошлаб, водий иқтисодиётида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича. Давлат дастурида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг босқичи, шакли, усули, энг муҳими, асосий мақсади ва принциплари белгиланган бўлиб, амалга ошириш белгиланган йўналишларда рўёбга чиқарилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги иқтисодий субъектларига мустақиллик бериш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида, ширкат хўжалиklarини фермерлик хўжалиklarига айлантирилди, уларнинг асосий воситалари, мулки, ҳудуди, ер фонди хўжалиklarига бепул ва танлов асосида бериш тамойили қўлланилди ва хўжаликдаги таркиб топган ихтисослашув сақланишига эътибор берди. Водийдаги чорвачиликда 29 та йирик қорамол фермалари меҳнат жамоаларига берилиб, акционерлаштирилди. Водий қишлоқ хўжалигида, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш жараёни ривожланиб, 1994 йилдан 2003 йилгача водий бўйича, 3545 деҳқон хўжалиги ташкил топди, улар эгаллаган ер майдони 39,4 минг га. ҳар бир хўжаликка ўртача 10,7 сўтихдан тўғри келади. Бу, республика бўйича кўрсаткичдан 41,9 % кэм эди¹.

Қишлоқ хўжалигида, иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириб, хусусийлаштириш жараёни давом эттирилмоқда. Айниқса, 1998 йилдаги «Ширкат (кооператив) хўжаликлари», «Жамоа хўжаликлари», «Фермер

¹ Фарғона водийси вилоятларининг Давлат мулкчи ва тадбиркорлик қўшма маълумотлари. 2002

хўжаликлари» ва «Дехқон хўжаликлари» тўғрисидаги Республика қонунилари қабул қилиниши муносабати билан водийдаги барча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар бозор механизмлари талабига мос хўжалигига айлантирилиб бўлинди. Ширкат хўжаликлари ичидаги субъектлар юридик мақомга эга бўлган дехқон хўжаликлари, Фермер хўжаликлари, юридик мақомга эга бўлмаган оила ижара пудрати каби кичик ва ўрта хўжалик субъектлари, хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигидаги барча давлат ихтириёдаги мол-мулк, асосий воситалар (ер ва сувдан ташқари), айланма маблағлар нодавлат мулкига – секторига айлантирилди. 2002 йилда, Фарғона водийсидаги қишлоқ хўжалигига тегишли мол-мулкларнинг 99,2 фоиз нодавлат секторига – ширкат хўжаликлари, фермер, дехқон хўжаликлари, акционерлашган хўжаликларнинг мулкига айлантирилди.

Водийда қишлоқ хўжалиги бозор муносабатлари талабига мос аста-секин шаклланиб ислохотларни такомиллаштириш жараёни давом этиб келмоқда. 2002 йил охиридан, иқтисодий кам қувватли ва банкротга учраган ширкат хўжаликлари, жумладан, Ёзёвон, Улуғнор ва Мингбулоқ гуманларидидаги хўжаликлар тўла фермерлар хўжалигига айлантирилиб, мустақил самарали ишлашга қараб бориш имкони вужудга келди.

Водий қишлоқ хўжалиги, аҳолининг асрлар давомида тўплаган тажрибасидан ва маданиятидан, улардан янги хўжалик юритиш шароитида оқилона фойдаланиш, бозор шароитига мослаштириш борасида юқори даражада ривожланиб келмоқда.

Айни пайтда, водийнинг иқлим ва табиий шароитидан унумли фойдаланиб, пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, мева-узумчилик соҳалари, чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик, пиллачилик, балиқчилик соҳалари ҳам хусусийлаштирилиб, самарали соҳаларга айланиб бормоқда. Фарғона водийси, 2004 йилда, Республикадаги ялпи пахта ҳосилини етиштиришда 29,2 фоизни, ялпи дон маҳсулотларини тайёрлашда – 28,3 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 27,6 фоизни ташкил этди. Шунингдек, водий, Республикада етиштирилладиган мева, узум, сабзавот, полиз каби маҳсулотларнинг ҳам салмоқли қисмини етиштириб, яқин ва узоқ хорижий мамлакатларига ҳўл ва консерва маҳсулотлари шаклида экспорт қилади.

Водийда мева, айниқса, ўрик ва қуриган ўрик (баргак), узум (айниқса, хусайни узум) ҳамда сабзавот ва полиз экинларининг тўйимли ва витаминли маҳсулотлари, юқори сифатли навлари етиштирилади ва Республикада етиштирилладиган пилланинг 36 фоизини шу ерда ишлаб чиқарилади.

Минтақа қишлоқ хўжалигида, бозор муносабатлари талабларига мос келадиган тамойиллар, водийнинг қишлоқ меҳнаткашлари манфаатига уйғунлаштирилди. Ўзига хос хусусиятларда, яъни ширкат хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, фермер ва дехқон

хўжаликлари, оила ижара пудрат ва бошқа хўжаликлар ўртасидаги, ички иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатлари тартибга солиниб, барча қишлоқ хўжалигидаги субъектлар ерга ва сувга ўрнатилган, давлат мулкани узоқ муддатли ва меросга қоладиган шароитидан оқилона ва самарали фойдаланиб, ўзининг мулк эгаси сифатида ҳис этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш суръатларини ошириб бормоқда.

Умуман, қишлоқ хўжалигига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан катта эътибор берилиши ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга имконият берди. 1998 йилдан бошлаб, водий минтақаси иқтисодиётида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва унинг таркибий қисмлари дехқончилик ва чорвачилик соҳалари тез суръатларда ўсиш тенденциясига айланди.

Қишлоқ хўжаликларида ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмига нисбатан, 1998-2004 йилларда 8,3 баробарга кўпайган.

1998-2004 йилларда ялпи пахта ҳосили 118,0 фоизга, ялпи ғалла ҳосили 151,4 фоизга, картошка етиштириш 103,1 фоизга кўпайган бўлса, сабзавот етиштириш 91,2 фоизга пасайган. Қайд қилиб ўтиш лозимки, 1999, 2000, 2001 йилларда табиий офатлар (совуқ олиш) туфайли полиз экинлари, мева, узум етиштириш камайиб кетган. Бироқ, Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида сўнги беш йилда етиштирилган пахта ҳосилдорлиги 122 фоизга, ғалла 118 фоизга, сабзавот (полиз экинлари билан) 105,5 фоизга ва картошка етиштириш 110,9 фоизга ўсган.

Мустақиллик йилларида ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида Фарғона минтақасида ғаллачилик жадал ривожлантирилди. Шу даврда пахта майдонлари қисқартириш рўй берган бўлса-да, ялпи пахта ҳосили ошишга эришилди ва ҳосилдорликнинг пасайиши юз берган бўлса, сўнги йилларда ўсишга эришилди.

5.5.1.-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида, Фарғона водийси бўйича ялпи пахта ҳосили ҳажми 1991 йилдан пасайиши кўзга ташланади, лекин 2001 йилдан эса озгина ўсиш юз берди. Шу даврда водий бўйича пахта экин майдонларининг бирлигидан олинadиган пахта ҳосилдорлиги пасайиши юз берган бўлса, 2001 йилдан кўтарилиш содир бўлди.

Масалан, 1991 йилдаги 1066,3 минг тонна ялпи пахта ҳосили, 2001 йилда 915,3 минг тоннага ёки 85,8 фоизга пасайган. Шу даврда водий бўйича бир гектардан олинadиган пахта ҳосилдорлиги 28,5 центнердан (1991 й.) 28,1 центнерга (2001 й.)га пасайди. Лекин айрим йилларда (масалан, 1995 й. – 30,5 ц., 2001 й. – 28,5 ц.) ўсиш ҳам юз берган. Водий бўйича ғалла ялпи ҳосилини ишлаб чиқариш ҳажми 233,0 фоизга яқин кўпайди.

Худди шунингдек, шу даврда водий вилоятларида ҳам ўсиш суръатлари юз берди.

5.5.1.-Жадвал. Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришнинг динамикаси*

| | 1991 | 1993 | 1995 | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2002 й.да 1991 й.га нис-н |
|-------------------------------------------------|--------|-------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|---------------------------------|
| Ялпи пахта ҳосили (минг тонна) | | | | | | | | | | |
| Андижон | 360,1 | 350,9 | 346,0 | 306,7 | 260,7 | 331,8 | 337,4 | 381,7 | 372,5 | 103,4 |
| Наманган | 348,1 | 295,8 | 296,6 | 239,2 | 227,9 | 229,2 | 243,5 | 250,2 | 239,5 | 688,0 |
| Фарғона | 360,1 | 346,1 | 394,2 | 315,9 | 290,4 | 321,3 | 362,7 | 343,2 | 303,3 | 842,2 |
| Водий бўйича | 1066,3 | 992,8 | 1036,8 | 861,6 | 779,0 | 882,3 | 943,6 | 975,1 | 915,3 | 85,8 |
| Пахта ҳосилдорлиги (ц-га) | | | | | | | | | | |
| Андижон | 29,9 | 28,1 | 30,8 | 28,7 | 24,3 | 26,3 | 34,5 | 35,3 | 37,9 | 126,7 |
| Наманган | 28,3 | 27,1 | 31,3 | 25,2 | 28,9 | 26,0 | 25,3 | 25,0 | 24,6 | 86,9 |
| Фарғона | 27,4 | 26,0 | 30,6 | 23,6 | 22,7 | 23,2 | 29,9 | 27,3 | 25,9 | 94,5 |
| Водий бўйича | 28,5 | 27,0 | 30,5 | 26,1 | 25,3 | 25,8 | 26,6 | 28,5 | 28,1 | -98,5 |
| Ялпи ғалла ҳосили (минг тонна) | | | | | | | | | | |
| Андижон | 309,1 | 311,5 | 317,3 | 495,8 | 476,4 | 540,1 | 581,4 | 535,0 | 579,4 | 187,4 |
| Наманган | 121,8 | 111,3 | 228,0 | 296,1 | 255,3 | 293,7 | 324,1 | 356,9 | 406,2 | 333,4 |
| Фарғона | 243,1 | 245,9 | 247,2 | 418,9 | 378,0 | 415,9 | 461,6 | 453,3 | 584,5 | 240,4 |
| Водий бўйича | 674,0 | 668,7 | 792,5 | 1210,8 | 1109,7 | 1249,7 | 1367,1 | 1345,2 | 1570,1 | 2329,5 |
| Ялпи картошка ҳосили (минг тонна) | | | | | | | | | | |
| Андижон | 21,9 | 23,4 | 27,1 | 78,7 | 66,1 | 53,9 | 64,6 | 66,9 | 65,6 | 299,5 |
| Наманган | 46,3 | 52,6 | 66,0 | 87,0 | 67,7 | 64,9 | 79,9 | 68,3 | 62,4 | 134,7 |
| Фарғона | 56,3 | 60,9 | 68,9 | 87,1 | 75,9 | 63,7 | 82,6 | 83,0 | 88,3 | 156,8 |
| Водий бўйича | 124,5 | 136,9 | 162,0 | 252,8 | 209,7 | 182,5 | 227,1 | 218,2 | 216,3 | 173,7 |
| Ялпи сабзавот маҳсулотлари (минг тонна) | | | | | | | | | | |
| Андижон | 359,8 | 370,9 | 374,2 | 371,3 | 317,4 | 332,7 | 331,6 | 340,1 | 402,0 | 111,7 |
| Наманган | 267,9 | 225,9 | 272,4 | 209,9 | 212,6 | 235,6 | 281,6 | 251,9 | 231,1 | 862,6 |
| Фарғона | 263,4 | 264,0 | 265,1 | 266,2 | 265,7 | 262,3 | 269,3 | 273,3 | 276,7 | 105,0 |
| Водий бўйича | 901,1 | 860,8 | 911,7 | 847,4 | 795,7 | 830,6 | 882,5 | 865,3 | 847,9 | 94,9 |

* Манба: Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари статистика бошқармалари материаллари. 1991-2002 йй.

Фарғона водийсида аҳолини озиқ-овқатга бўлган, жумладан, картошка, сабзавот, полиз каби маҳсулотларига эҳтиёжини водийнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш дастурига мувофиқ, картошка етиштириш 12 йил мобайнида 173,7 фоизга ёки 91,8 минг тоннага кўпайтирилди ва ялпи сабзавот маҳсулотлари етиштириш эса камайиб (94,1 фоизга яқин) борди. Шу даврда водийда юз берган қаттиқ совуқ, совуқ ва дўл уриши таъсирида мева ва узум ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, водийда пахта, ғалла ва сабзавот етиштиришда янги усул, плёнка остига экиш тажрибаси ўзлаштирилди. Андижон вилояти пахтакорлари ташаббуси билан чигитни плёнка остига экиш технологияси жорий этилди. Бу янги усул қисқа давр мобайнида эрта экилган чигитни мўлжалланган миқдорда ундириб олиб, юқори ҳосил етиштиришга мустақкам замин яратди. Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантиришни бошлаган янги давр, чигитни плёнка остига экиш технологиясини Республика бўйича кенг жорий этиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. «Андижон

технологияси»ни кенг жорий этиш мақсадида 1996 йил ноябр ойида Вазирлар Маҳкамаси «Плёнка остида пахта етиштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорда плёнка остига чигит экиладиган пахта майдонлари салмоғини аста-секин ошириб бориш кўзда тутилган эди. Ушбу технология илмий асосланганлиги сабабли Республикамиз пахта етиштириш бўйича ўз технологиясига эга бўлиб, илғор тажриба орттирилди. Ҳозирги кунда пахта ҳосилдорлигини ошириш борасида плёнка остига экиладиган пахтани тезпишар, юқори сифатли, кам сув истеъмол қиладиган, пахтадан олинадиган толани кўпайтиришга катта эътибор кучаймоқда. Айниқса, экилган ҳар бир туп пахтани плёнка остидан ўсиб чиққанидан тортиб, то пахта ҳосилини териб олишгача бўлган ишлов бериш жараёнида, ўз вақтида суғориш, ўғитлаш, техника билан ишлов бериш, агротехника қоидалари ўз муддатида амалга оширилиши, ижобий тажрибага айланди. Ҳозирги вазиятда, ҳукумат қарори билан, водийда пахта толаси навини белгилайдиган «Сифат» марказининг вилоятларда, унинг бўлимларидаги лабораториялар замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланган. Улар толанинг четга чиқишидан олдин, бевосита ўзимизда аниқланади.

Фарғона водийсининг деярли барча вилоятлари ва туманлари ҳудудларида ғалла экинлари, асосан, буғдой, арпа, маккажўхори ва қисман шоли етиштирилади. 2001-2004 йилда, сабзавот экинларини экишда плёнка остига экиш тажрибаси Андижон ва Фарғона вилоятларида қўлланилмоқда. Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг қадимий тармоқларидан бири бўлган пиллачилик ҳам иқтисодиётда кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. Пиллачилик, пахтачилик, сабзавот, поллизчилик, боғдорчилик ва узумчилик билан бир қаторда туриб, ер-сув, меҳнат ва моддий ресурслар ҳамда маҳаллий аҳолининг анъанавий кўникмаларидан фойдаланишда уйғунлашиб кетган. Водийда шундай йиллар бўлдики, пилла ишлаб чиқариш борасида юқори кўрсаткичларга эришилди. Масалан, 1991 йилда водийда етиштирилган пилланинг ялпи ҳосилининг салмоғи Республикада 32 фоизни ёки 13,3 минг, 1994 йилда 12,2 минг тоннани ташкил этган. Лекин, сўнгги йилларда бу тармоқда ҳам пасайиш жараёни вужудга келди (1995-1998й.й.), лекин 1999 йилдан эса бу тармоққа ҳам эътибор кучайиб бормоқда. 1998 йил 30 мартда Республика Президенти томонидан «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ водийда пилла етиштириш чора-тадбирлари асосида янгича ёндашув вужудга келди. Умуман, Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида 2003 йил бошида фаолият кўрсатаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг кўрсаткичлари 5.5.2.- Жадвалда кўрсатилган.

Фермер ва деҳқон хўжаликларини бошқарадиган туман ва вилоят фермерлар уюшмаси ташкил этилди. Бу тажриба усули, синаб кўриш сифатида амалга оширилди. Зарурий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида уларни ер, сув, техника, ўғит, ёқилғи ва бошқа воситалар билан таъминлаш, чора-тадбирлари белгиланди.

5.5.2. - жадвал. Фарғона водийсида фермер хўжаликларининг ривожланиши динамикаси ва қиссий кўрсаткичлари*

| Вилоятлар | Фермерлар сони | | | | | | Ер майдонлари (млн га) | | | | | | 1 фермерга туғди оқовилган ер | | | | | |
|--------------|----------------|------|-------|-------|------|-------|------------------------|-------|------|------|------|------|-------------------------------|------|------|------|--|--|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | | |
| Андижон | - | 3160 | 3458 | 3475 | - | 29,2 | 30,0 | 31,3 | - | 9,2 | 9,1 | 9,0 | - | 11,7 | 12,2 | 12,4 | | |
| Наманган | - | 2967 | 3077 | 3929 | - | 34,80 | 37,9 | 48,5 | - | 14,0 | 12,2 | 16,4 | - | 11,4 | 12,5 | 37,8 | | |
| Фарғона | 7441 | 3241 | 4216 | 6245 | - | 45,60 | 57,9 | 102,4 | - | 26,5 | 26,5 | 29,8 | - | - | - | - | | |
| Бодий бўйича | - | 5558 | 10751 | 13649 | - | 109,6 | 125,8 | 182,2 | - | - | - | - | - | - | - | - | | |
| Қошқовлар | - | - | 4567 | 6412 | - | - | 126,0 | 191,0 | - | - | - | - | - | - | - | - | | |

* Жадвал муаллифи томонидан тузилган. Маълумот иқтисодий-иқтисодий кўрсаткичлари кўрсатилган йиллар бўйича.

5.5.3. - маддиди. Фарғина воқийсида деҳқон хўжаликларининг кўрсаткичлари*

| Вилоятлар | Деҳқон хўжаликлари сонини 2001 йилда | Шундан юридик мақомига эга бўлганлар 2001 йил | Бириктирилган экин майдонини 2001 й. (га) | Ялпи кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларини салмақли ҳисса (2001 й. %) |
|----------------|--------------------------------------|-----------------------------------------------|-------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Андижон | 348224 | 2991 | 33600 | 60,4 |
| Наманган | 94837 | 713 | 23135 | 63,1 |
| Фарғона | 527689 | 921 | 40913 | 71,3 |
| Йилнинг бўйича | 970750 | 4625 | 106648 | 66,6 |

* - Жадвал муаллиф томонидан тузилди. Манба: вилоят иқтисодий-иҷтимоий кўрсаткичлари кўрсатилган йиллар бўйича.

Буни бошқариб туриш, туман фермерлик ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси зиммасига юклатилди. Бундан, нафақат водийда, балки республикада ҳам фермерлик ҳаракатининг янада кенг тарқалишига, янги ташаббуслар туғилишига, туман ва вилоятлар ривожига, улар қўшаётган ҳисса салмоғини жадал ортиб боришига ва ҳақиқий мулк эгаларига айланишига қодир эканлигини амалда намоён этишларига пухта замин яратди. Бу йўналишда, энг муҳим муаммо шундан иборатки, ширкатлар уюшмаси билан фермерлар ўртасида, фермерлар билан, туман фермер ва деҳқонлар ўртасида ички ва ташқи иқтисодий алоқалар талаб даражасида бўлиши лозим.

Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида чорва молларининг сонни 1992-1996 йилларда камайиб кетди. Жамоа хўжаликларидан сотиб олинган фермаларни унинг янги эгаларининг хужасизлиги ва билимларининг етарли эмаслиги, бозор талабларида ташаббус кўрсатаолмаганлиги сабаб бўлди. 1997 йилдан Водийда қишлоқ хўжалигида, жумладан, чорвачиликни барқарор равишда ўсиб боришини таъминлаш учун унинг мутаносиблашдаги ролини қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор берила бошланди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқишни кўпайтиришнинг каттагина резервларидан бири водийда қорамоллар ва паррандалар сонини бундан кейин ҳам кўпайтиришдан иборат муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Водийнинг кўплаб туманларида бунинг учун имкониятлар мавжуд. Бироқ чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ва фойдали йўли интенсивлик йўлидир. Чорва ҳайвонлари бош сонининг кўпайтирилиши катта миқдорда инвестиция ва жорий сармояларнинг сарфлашни тақозо қилади.

Бироқ фермерларнинг ва деҳқонларнинг фан ва саноат ходимларининг тинимсиз қилган меҳнатлари туфайли водийда чорва ҳайвонларининг ва паррандаларининг маҳсулдорлиги ўсиб бормоқда.

5.5.4. - жадвал. Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг чорвачилигидаги асосий чорва маҳсулотлари етиштириш динамикаси*

| | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2002 йилда 1997 йилга % ҳисобида |
|----------------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|----------------------------------------|
| 1. Гушт ишлаб чиқиш (минг тонна) | 158,7 | 130,7 | 101,3 | 103,8 | 104,2 | 105,1 | 66,2 |
| 2. Сут (минг тонна) | 924,9 | 910,7 | 969,6 | 974,6 | 985,1 | 993,8 | 107,4 |
| 3. Тухум (млн. дона) | 216,3 | 216,4 | 219,3 | 220,3 | 226,4 | 237,8 | 109,9 |

* Жадвал муаллиф томонидан тузилди ва ҳисобланди. Манба: Андижон, Наманган, Фарғона статистика бошқармаларининг маълумотлари асосида кўрсатилган йилларга тегишли.

5.5.4.-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, сўнгги олти йил давомида водийда гушт ишлаб чиқариш пасайиб, 66,2 фоизни, сўт ишлаб чиқариш 107,4 фоизни ва тухум ишлаб чиқариш 109,9 фоизга кўпайган. Водийда қўй ва эчкичиликни ривожлантириш учун имкониятлар чекланган, яйловлар мутлақо йўқ.

Водийнинг, айниқса, Фарғона ва Наманган вилоятларида қорамолчилик ва паррандачиликни ривожлантиришнинг тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, мустақил фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан (сутдан) қаймоқ, пишмоқ, бринза, қатиқ ва майонез каби маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарадиган, 50 дан ортиқ цехлар ва кичик корхоналар вужудга келди. Гап шундаки, водий шароитида деҳқончилик асосан, суғоришга асосланган, экинга яроқли ер майдонлари кўп жиҳатдан чекланган, катта миқдорда экиладиган сердарomad техника экинлари, жумладан, пахта, жамоа бўлиб меҳнат қилишни тақозо этади. Сувни келтириб беришни бошқариш, давлат томонидан олиб борилмаса, янада мураккаблашади. Шу жиҳатдан қараганда, асрлар давомида, водийда ерлар ва сув давлатга тегишли бўлиб, (жаҳондаги суғориладиган мамлакатларда ҳам шундай), ерларни деҳқонларга, муайян узоқ муддатга ижарага бериш оммавий тус олиб келган.

Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов шундай деб ёзади: «қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳиблик ҳиссини уйғотиш, мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, деҳқон (фермер) ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларини кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим»¹.

Ушбу йўналиш таҳлили шуни кўрсатадики, водий, деҳқончиликда оилавий пудрат, ижара шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда дарomadни кўпайтириш ва мулкка эгалик қилиш, дарomad олиш, шартнома асосида ишлаш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларда аҳолининг 3-5 фоизини ташкил этган фермерлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз халқини тўла таъминлабгина қолмай, айти пайтда уларни ташқи давлатларга ҳам экспорт қилади. Голландия ва Америкада фермерларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича кўплаб аҳоли банд эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Фермер ўз жойида туриб, керакли уруғлик, минерал ўғитлар, техника хизмати учун арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорлигида буюртма бериш ва уни ўз вақтида олиши мумкин. Токи деҳқон ёки фермер ўзининг асосий иши – ҳосил тўплаш ва йиғиб олиш билан шуғулланмас экан, унинг ишида унум ҳам, самара ҳам бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, водийда эндигина бундай тарзда иш юритиш муаммолари ва усуллари жорий этилмоқда ва унинг ҳуқуқий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т.: «Ўзбекистон» 1997, 202-б

сув иншоаглари таъмирланмаган ва техникавий хизмат кўрсатиш учун сарфланган харажатлар қопламай қолган.

Ҳозирги вақтда ички хўжалик ҳисоби шакли бригада, ширкат, деҳқон, фермер, оила хўжаликлари ва ниҳоят, ижара пудрати сингари турлари кенг тарқалди.

Хўжалик ҳисоби асосларида ишлаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолиятнинг усул ҳамда тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг «Корхона тўғрисида»ги қонунида ўз ифодасини топган. Ўз харажатларини ўзи қоплаш, хўжалик-оператив мустақиллик, моддий манфаатдорлик ва ишлаб чиқариш жамоаларининг иш натижалари учун ўзлари жавобгарлиги, корхона молия-хўжалик фаолиятини пул билан назорат қилиш хўжалик ҳисобининг асосий тамойиллари сифатида белгиланган.

Сарфлар ўрнини қоплаш ҳар бир қишлоқ ва сув хўжалигида корхона ва ташкилот ўз харажатларини реализация қилинган маҳсулот учун олинган пул тушумлари ҳисобига қоплашини ва режали фойда олишини аниглайди. Ҳозирги вақтда фойда ва даромадларни олиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари сифатида намён бўлмоқда. Фойда нима ҳисобига ва қандай шароитда кўпайиб боришига бозор иқтисодиётида жамият бефарқ қарай олмайди. Жамият эса фойда, маҳсулот таннархи камайиши ва меҳнат унумдорлиги ошиши асосида кўпайишидан манфаатдордир.

Ишлаб чиқариш даромадлиги даражасига тежамкорлик режимига риоя қилишгина эмас, балки маҳсулотнинг иқтисодий чиқишдан асосланган нархлари ҳам таъсир ўтказиши.

Шунинг учун хўжалик ҳисоби, аввало, нархлар тизимини такомиллаштиришни кўзда тутди. Мавжуд нархлар ишлаб чиқаришнинг ўртача тармоқ шароитларини акс эттиради, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарур чиқимларига мувофиқ келади ва корхоналарнинг норматив даромадлигини таъминлайди.

Албатта, нархнинг ташкил топиши талаб ва таклиф асосида ва қисман тартибга солиш давлат механизми асосида вужудга келади. Бозор муносабатлари шароитида тўла хўжалик ҳисоби моделини ишлаб чиқишда ҳисобланган фойда ва фондлардан амортизация ажратмалари сингари иқтисодий категориялар биринчи марта жорий этилади.

Сўғориш тизимида хўжалик ҳисоби корхоналарида балансли ва ҳисобланган фойда ҳисоблаб чиқилади.

Балансли фойда мазкур корхона балансидаги барча ишлаб чиқаришлар фойдаси суммаларидан таркиб топади. Ҳисобланган фойда (Пр) балансли фойда (Пб) билан ишлаб чиқариш ирригация ва мелиоратив фондлари (Пф) ҳақи, амортизация, банк кредитларидан фойдаланиш (П б.к) ва ресурслардан фойдаланиш (Пр) ҳақи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$Пр = Пб - (Пф + Пб.к + Пр)$$

Ҳисобланган фойда жорий қилиниши муносабати билан корхонанинг умумий ва ҳисобланган даромадлигини фарқлаш лозим бўлади.

Ишлаб чиқариш фондлари ҳақи асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормаланадиган айланма маблағларига нисбатан фоизларда ҳисоблаб чиқилади. Собиқ шўролар даврида сув хўжалиги қурилиши ташкилотларида фондлар ҳақи нормаси 2-6%, совхозларда ва колхозларда 1% даражасида белгиланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу норматив икки баробар ва ундан ортиқ этиб оширилган. Сув хўжалиги қурилиши фондлари ҳақи 5-6 фоиз қилиб белгиланган. Иқтисодий восита бўлган ишлаб чиқариш фондлари ҳақи икки йўналишда амал қилади.

Биринчидан, ишлаб чиқариш фондлари ҳақи жорий этилиши муносабати билан ишлаб чиқариш асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Иккинчидан, корхоналар фойдасидан давлат бюджетига топширадиган фондлар ҳақи марказлашган соф даромадни тўлдиришга қаратилгандир.

Бозор иқтисодиётида хўжалик юритиш тубдан қайта қурилиши хўжалик ҳисоби корхоналари ва ташкилотларнинг оператив мустақиллигини анча оширди, мустақиллигининг ошиши, аввало, юқори орган тасдиқлайдиган режали кўрсаткичлар сони камайганлиги ва ўз ҳолига келтирилганлигида ифодаланади.

Юқоридаги берилган кўрсаткичлар орасида ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижалари ва унинг самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичларгина қолмоқда. Суғориш тизими ташкилотларига юқоридан қўйидаги режали кўрсаткичлар етказилади:

- ишлаб чиқариш бўйича – ялпи, даромад, норматив, соф ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми;
- меҳнат бўйича – иш ҳақи умумий фонди ва меҳнат умумдорлигининг ошиши;
- молия бўйича – фойда, бюджет маблағлари умумий суммаси, фондлар ва ресурслар ҳақи, рағбатлантириш фондлари суммаси;
- капитал қўйилмалар бўйича марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобига асосий фондларни ишга тушириш;
- ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича – янги ишлаб чиқаришларни ва янги техникани ўзлаштириш;
- моддий-техника таъминоти бўйича – юқори ташкилотлар тақсимлайдиган техника, ускуна, қурилиш материаллари ва бошқа воситаларни етказиб беришлар ҳажми. Улардан ташқари суғориш ташкилотлари ўзларининг ички йиллик бизнес-режанинг бошқа кўрсаткичларини корхонанинг ўзи ишлаб чиқади.

Сув тизими соҳасида ташкилотлар ва ходимларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамма учун унинг пировард натижаларидан моддий манфаатдорлиги хўжалик ҳисобини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эгадир. Хўжалик ҳисобида шахсий

манфаатлар корхона манфаатлари билан ниҳоятда тўла уйғунлашади. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан шахсий, гуруҳ ва ижтимоий манфаатларнинг бир-бирига узвий мувофиқ келиши, тежамкорлик режими ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга риоя қилиш кузатилмоқда, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади.

Бунда моддий манфаатдорлик маънавий рағбат билан биргаликда кўриб чиқилишини ҳисобга олмоқ керак. Моддий ва маънавий рағбатлар ўзаро бир-бирини мустаҳкамлайди ҳамда ягона эришишга қаратилган бўлади.

Суғориш тизимида хўжалик ҳисоби жорий қилинганда ташкилотлар ва раҳбарларнинг давлат топшириғи бажаришдан, ишлаб чиқариш ресурслари ва пул маблағларидан оқилона фойдаланишдан моддий манфаатдорлиги ошади.

Хўжалик шартномалари хўжалик ҳисоби корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб туради. Шартномалар бўйича бошқа корхоналар учун ишлар бажарилади, маҳсулот сотиш ва моддий-техника таъминоти амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш ва молия интизоми ҳамда шартномали мажбуриятлар бажарилиши учун жавобгарлик ошади.

Хўжалик шартномалари бўйича мажбуриятларни, тўлов мажбуриятларини бажармаганлик учун иқтисодий субъектлар жарималар, пенялар ва фоизлар тўлайди. Бу эса молиявий аҳвол ёмонлашишига, маҳсулот таннархи кўпайишига, даромадларни ва фондларини қисқаришига олиб келади.

Тўла хўжалик ҳисоби ички хўжалик ҳисоби билан биргаликда ва ўзаро алоқадалиги кўриб чиқилади. Сув қурилишидаги ички қурилиш ҳисоби ва ҳавзадаги ички суғориш тизими хўжалик ҳисобининг давоми ва тафсилотидир.

Сув хўжалиги қурилишидаги хўжалик ҳисоби тамойиллари пудрат усулида, айниқса, сув хўжалиги қурилмаларини таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари хўжалик ҳисобида бўлиб, барча ишларни ўзлари буюртмачи билан тузган шартномалар асосида олиб боришда намоён бўлади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш, объектлар қиймати ва буюртмаларига топширилиши керак бўлган ишлар босқичи, меҳнат унумдорлиги, фойда сув хўжалиги қурилиши гашкилотларининг асосий кўрсаткичларидир.

Фарғона водийсида тарихий тараққиёт жараёнида қурилган суғориш тизимлари, иншоатлари ва тармоқлари мавжуд, улар асосан XX асрнинг 30-70 йиллари даврида қурилган бўлиб, 1975 йилларда уларнинг умумий узунлиги 28,4 минг километрдан 2002 йилга келиб 30,8 минг километрни узайтирилди. Шундан 20467,6 минг километри Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган ва ишлаб турибди.

Суғориш ва мелиоратив фондлар эскириб, маънавий чиқишда емирилиб бормоқда, янгилари кам қурилмоқда.

5.6.1. - жадвал. Фарғона вилоятида суғориш ва зах қочириш тизимлари ҳамда суғориш тармоқдаги иншоатларининг мавжудлиги

| № | Суғориш тизимларининг турлари | ўлчов бирлиги | Миқдори ва узунлиги | |
|-----|-----------------------------------------------------------------------|----------------------|---------------------|---------------------|
| | | | 1980 | 2005й. |
| 1. | Хўжаликлараро каналлар | Км | 2260,3 | 2260,5 |
| 2. | Ички хўжалик суғориш тармоқлари | Км. | 18003,0 | 18207,1 |
| 3. | Хўжаликлараро коллектор-зовурлар | Км. | 4310 | 4519 |
| 4. | Ички хўжалик зах қочириш тармоқлари | Км. | 10070 | 10470 |
| 5. | Давлатга қарашли сув иншоотлари | Дона | 5680 | 5080 |
| 6. | Ички суғориш тармоқларидаги сув иншоотлари | Дона | 7908 | 8008 |
| 7. | Дамбалар | Км. | 101,2 | 111,8 |
| 8. | Тик (вертикал) қудуқлар Шундан: Суғориш чун Зах қочириш учун | Дона Дона Дона | 2064 925 1129 | 2074 925 1149 |
| 9. | Сув омборлари | Дона | 3 | 3 |
| 10. | Йирик магистрал каналлар Уларнинг умумий узунлиги | Дона Км | 6 - | 6 - |

Манба: Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

5.6.1.-жадвалдан кўриниб турибдики, водий бўйича суғориш тизимлари ва зах қочириш тизимларининг умумий узунлиги бошқа вилоятлари билан қиёсланганда водий ҳудудида бу тизимларнинг жойланиши жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Айниқса, Фарғона вилоятида Андижон ва Наманган вилоятларига нисбатан ҳам 1,2 км зах қочириш тармоқлари кўпдир. Чунки Фарғона вилояти водийнинг қуйида жойлашган анча текислик рельефига эгадир.

Шунинг учун ҳам Фарғона вилоятида мелиоратив (зах қочириш) тармоқларига бўлган талаб анча юқори бўлса, Андижон ва Наманган вилоятларида анча паст. Фарғона водийсида катта кичик 264000 дона сув иншоотлари мавжуд, шулардан 14088 таси Наманган вилоятида жойлашгандир.

Фарғона водийсидаги Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари статистика бошқармаларининг маълумотларига қараганда, бу ерда мавжуд суғорладиган ер фонди суғориш туманларига тақсимланади ва суғорилади, бу туманларда эса суғориш ва зах қочириш иншоотлари ҳамда тизимлари қурилган.

Водийда жойлашган 40 та туманлар хўжаликлари ерларини суғоришга, 28 та шаҳарларида жойлашган уй хўжалиklarининг ерларини сув билан таъминлашга, 12 та ирригация тармоқ ҳавзаси бошқармалари хизмат қилади. Улар ўз навбатида бир-бирига боғлиқ бўлган алоқадор туманларни қамраб олади.

Суғориш объектларини биринчи навбатда қўшни туманларнинг табиий иқлим ва рельефининг шароитларига кўра танланган ҳолатлар

ҳисобга олинди. Масалан, биринчи навбатда қурилиш объектнинг сув ўтказиш қобилияти, объектларга сув ўзи оқиб келадиган сув манбаларига яқин жойлашган, қурилган хўжаликлараро магистрал каналлар ва канал шаҳобчалари талаб этиладиган массивлар ҳам ҳисобга олинган. Бундан ташқари, объектларни қаерга қуриш, унинг узунлиги, сув олиш қобилиятлари ва сув истеъмолчиларининг сони ҳам ҳисобга олинган, ернинг рельефи, тупроқнинг заҳ сувлари яқин ва чуқурроқ жойлашган, гидрогеологик шароитларга ҳам қаратилган. Бундай танлаб олиб қурилган объектларни қуриш тамойиллари асос қилиб олинган. Ер ости сувлари қанчалик кўп минераллашганлиги, шўрланиш даражаси, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун сарф-харажатларнинг миқдори, бу объектлар (коллектор зовур)нинг катта ва кичиклиги кабиларга эътибор берилган.

Фарғона водийси минтақасида суғориш тизимлари мажмуаси мавжуд экин майдонларининг 90 фоизини ўзи оқиб келадиган сув билан таъминлайди ва 10 фоиз экин майдонлари эса магистрал каналлар бўйича қурилган насос станциялар орқали сув юқорига кўтариб берилади. Булар эса Фарғона минтақасининг бошқа минтақаларидан фарқли равишда суғоришга камроқ энергия ва маблағ сарфланишни англатади.

Хулоса қилиб айтганда, водийдаги суғориш тизими ва иншоотлари йирик хўжаликларга мўлжалланиб қурилган. Бозор муносабатларига асосланган мустақиллик шароитида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасида, қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожланиб бораётган шароитда эса фермерларнинг кичик ҳажмдаги ерларини сув билан таъминлашнинг янги тамойиллари талаби вужудга келди. Уларнинг барчаси ички хўжалик суғориш ва мелиоратив тармоқларидан фойдаланадилар. Уларнинг ҳар бирига алоҳида суғориш тармоғи ва зовурлар қуриб бериш учун молиявий имконият етарли эмас.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, истиқболда юқоридан туриб бир тармоқдан суғориш асосида ташкил этиш, қийинчиликларга олиб келади ва сувдан фойдаланувчиларни, албатта, инқирозга учратади. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун келажакда сувдан фойдаланувчилар уюшмаси пастдан, яъни тўғридан тўғри сувдан фойдаланувчилар билан келишилган ва маслаҳатлашган ҳолда, ҳуқуқий шартнома асосида ташкил этилиш лозим. Шунинг учун сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилганда, унинг сув етказиб бериш хизматидан фойдаланувчи фермерлар орасида тушунтириш ишлари олиб борилиши лозим. Улар СФУ нима манфаат кўради аниқ тасаввур этишлари лозим.

СИСГ давлатлараро сув хўжалигини координациялаш комиссиясининг илмий ахборот маркази маълумотларининг курсатисича, суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда фермер ва деҳқон хўжалик далаларини бир меъёрда оқин сув билан таъминлаш, сув хўжалиги

қурилма ва иншоатларидан самарали фодаланиш борасида сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилган ва бу усул шакли тобора шаклланиб, ҳозирги вақтда ривожланиш натижасини бермоқда.

2005 йил феврал ойида Фарғона шаҳрида ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуманида «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш» мавзусига бағишланган бўлиб, бунда 13 та Жаҳон мамлакатларидан Россия, Азарбайджон, Грузия, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Швейцария, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Эрон, Сурия каби давлатларнинг вакиллари сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш, унинг амал қилиш жараёнида вужудга келган ва мавжуд муаммолари тўғрисида тажриба алмашдилар. 2002-2004 йилларда Фарғона водийси сув ресурсларидан ва сув ҳўжалиги қурилиш мажмуасидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш учун вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар туфайли йирик хўжаликлар (колхоз ва совхозлар) ўрнида шаклланаётган фермер ва деҳқон хўжаликларнинг экин майдонларини сув билан таъминлаш муаммоси долзарблиги аён бўлди.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, «Кейинги пайтда интеграция ҳаракатларини амалга ошириш билан бирга халқаро интеграциянинг концептуал асосларини ишлаб чиқишга ҳам катта аҳамият бермоқда»¹. Албатта, Марказий Осиё мамлакатларининг мустақилликка эришганлиги туфайли юз берган сиёсий ва иқтисодий воқеалар Жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг умумий жараёнида ошиб бораётганлигини кўрсатиб турган бир пайтда, Фарғона водийсининг бирлашган каналлар ва дарёларидаги оқин сув ресурсларидан Қирғизистоннинг Жалолобод, Ош ва Баткен вилоятлари, Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Тожикистоннинг Ленинобод (Сўғдий) вилоятидаги суғориладиган экин майдонларини сув билан ўзаро тенг ҳуқуқлилиқ асосида бир меъёрда таъминлаш учун шароит яратилди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Фарғона водийсидаги сув ҳўжалиги қурилишининг гидротехника иншоатлари ва каналларидан ўтиб бораётган оқин сувлардан унумли ва тежаб фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этиш ишлари олиб борилди. 2002-2004 йилларда олиб борилган тушунтириш ва ташвиқотлар натижасида Фарғона водийси вилоятларида 50 та, Қирғизистоннинг Ош ва Жалолобод вилоятларида 27 та ва Тожикистоннинг Сўғдий вилоятида 13 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди. СФУларини ташкил этишда SICWC давлатлараро сув ҳўжалигини координациялаш комиссияси вакиллари (проф. Духовний бошчилигида) ва муаллифи ҳам фаол қатнашди.

СФУ бу – нотижорат ташкилот бўлиб, уни ташкиллаш ташаббуси ва бошқариш ишларини бир ёки бир неча гидрологик (суғориш) тизимлар орқали, сув тарқатувчи каналлар бўйлаб жойлашган қандай турдаги

¹ Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 443-б.

хўжалик бўлишидан қатъий назар, сувдан фойдаланувчилар, фермерлар ва деҳқонлар томонидан сайланган вакиллар гуруҳи олиб боради. Сувдан фойдаланувчилар деганда, тўғридан-тўғри (бевосита) ерда (дала ишларида) ишлайдиган ижарачилар, ширкатлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзолари ҳамда шахсий хўжалик эгаларини тушуниш даркор. Уларнинг маблағларини, техника, ариқ (каналларини) ва инсон ресурсларини бирлаштириб ўзларига қонуний доирада хизмат қилувчи ариқ, канал, гидроузел, коллектор-зовурлар, насос станциялар ва бошқа суғориш тизимидаги қурилмаларни ишлатиш ҳамда яроқли ҳолда сақлаш, тозалаб туриш, таъмирлаш каби ишларга сарфлашлари лозим.


Бажарилган ва амалга оширилган ҳамма СФУ аъзоларининг манфаати учун баробар фойдали ва самарали бўлиши лозим. СФУнинг аъзолиги СФУнинг ўзи билан ўзаро контракт шартномалар асосида расмийлаштирилади. Яна худди шу тарзда СФУ билан сув хўжалиги ташкилотлари (туман, қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмалари) ўртасида ҳам, уларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари, келишилган миқдордаги оқин сувни ўз вақтда етказиб бериш ҳамда хизмат қилувчи сув хўжалиги ходимиغا маблағ тўлаш тўғрисида шартномалар тузилади.

СФУ хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги сувдан фойдаланувчилар (ширкат, фермер, деҳқон каби хўжаликлар), уларнинг раҳбарлари, сув хўжалигининг ташкилоти ходимлари, оқсоқоллар ва бошқа асосий манфаатдор томонлар орасида ўзаро ишончли дўстона муносабатлар ўрнатиш, уларга уюшмаларнинг роли, функциялари, мақсади, вазифалари ҳамда фойдали томонлари тўғрисида кенгроқ тушунчалар ва ахборотлар бериб бориш лозим.

СФУлари ўзига тегишли бўлган ҳудудлардаги фермерлар, деҳқонлар ва бошқа истеъмолчилари тўғрисида дастлабки маълумотлар тўплаш, уларнинг ҳажмини катта-кичиклигини ва сув таъминотининг асосий муаммоларини ўрганиб чиқиш, бирламчи ва иккиламчи ариқ ва каналларни улардаги далаларни ва ҳар бир каналда нечта сувдан фойдаланувчилар бирлигини ва мелиоратив ҳолатининг даражасини, улардаги коллектор-зовурларнинг созлигини ва зах сувларни қочирish миқдори тўғрисида маълумотларни ҳисобга олиш лозим. Ушбу ишлар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларида бажарилганлигини қайд қилмоқ лозим.

СФУнинг асосий мақсади ва вазифалари тўғрисида сувдан фойдаланувчи субъектлар ишончли тасаввурга эга бўлиши лозим. (3-Чизма). СФУнинг мақсади ва вазифаларини амалиётга тадбиқ этиш учун учга объект танлаб олинди. Биринчиси 2003 йилда Фарғона вилояти Қува туманидаги «Акбаробод» сув таъминотини яхшилаш бўйича ташкил этилди. Иккинчи объект Тожикистоннинг Сўғдий вилояти Джаббор Расулов туманидаги «Зарафшон» СФУси бўлиб, унинг хизмат кўрсатиш ҳудуди 1050 гектарни ташкил этади.

3-чизма. Суддан фойдаланувчилар уюшмасининг мақсади ва вазифалари *



* Жадвал муаллиф томондан SICWSнинг маълумотлари асосида тузилди.

Ниҳоят, учинчи объект 2003 йилда Қирғизистоннинг Ош вилояти Аравон туманидаги «Керме-Тоо Акбураси» бўлиб, унинг хизмат қилиш ҳудуди 3050 гектарни ташкил этади. Юқоридаги тажриба тариқасида танлаб олинган учта объект (СФУ)да 180 та сувдан фойдаланувчилар мавжуд. Улардаги ижтимоий-иқтисодий шароит ҳар хиллиги туфайли хўжалик юритиш шакллари ҳам ҳар хил турда, Ўзбекистондаги СФУга кирувчилар ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари (52 та), Тожикистонда ишлаб чиқариш кооперативи бўлиб, бирлашган деҳқон хўжаликлари (60 та), Қирғизистонда эса хусусий майда хўжаликлар (168 та) бўлиб, юридик мақомга эга бўлган индивидуал (шахсий) тадбиркорлардан иборат.

Хўжалик юритиш шакли бўйича таҳлил қилинганида шу нарса маълум бўлдики, уй хўжаликгидаги ҳар бир оиладан яна 2-3 кичик оила мавжуд. СФУлар ҳудудидаги бир бутун оила аъзоларидан меҳнатга лойиқатли ёшдаги иш билан бандлар сони ўртача 7 кишини ташкил этади. Уларнинг тахминан ярми хотин-қизлар бўлиб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадилар. Ушбу оиладаги 7 кишидан биттаси (16-60 ёшли) фақат қишлоқ хўжалиги бўлмаган иш билан банддир. Бу Фарғона водийси минтақасининг яна бир хусусиятларидан бири бўлиб, аҳолининг зичлигидан далолат беради. Лекин бундай ҳолат Қирғизистон ва Тожикистондаги СФУдаги ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Масалан, Қирғизистондаги битта оилада 6 киши ва Тожикистонда эса 5,5 киши тўғри келади. Лекин жон бошига тўғри келадиган ер майдони Тожикистонда 1 га 80 сотих, Қирғизистонда эса 6,5 гектарни ташкил этади.

Водий минтақасида жойлашган СФУларнинг жойлашувдаги сув олиш каналлари ва ариқларининг ҳам фарқи бор. Ўзбекистондаги «Акбаробод» СФУ ерларини суғориш учун Жанубий Фарғона каналидан олади. ЖФК эса ўзига сувни Қорадарёдан Куйганёр туғони орқали олади. Қирғизистондаги «Керме-Тоо-Акбураси» СФУ сувни Акбурасойдан, яъни, безосита тоғдан қорликлардан олади. Тожикистондаги «Зарафшон» СФУлар сувни Хўжабакирган сойидан, қорли тоғ сувидан фойдаланади.

Бу ерда энг муҳим муаммо шундаки, об-ҳавонинг иссиқ келган йилларида тоғлардаги қор қатламнинг эриш даражаси юқори бўлганда «Кермер-Тоо-Акбураси» СФУ ва «Зарафшон» СФУ учун сув тақчиллиги сезилмайди, «Акбаробод» СФУ ҳудудига сув асосан ЖФКдан оқиб келади. Бу СФУнинг сувга бўлган талабига ва эҳтиёжига асосан сувнинг тартибга солиш ва тақсимлаш Андижон ва Каркидон сув омборлари ҳисобидан бошқарилади.

Швейцария сув ресурсларини бошқариш Халқаро институтининг Марказий Осие ва Закавказье бўйича минтақавий ваколатхонасининг 2002-2004 йилларда олиб борилган Фарғона водийсида бирлашган каналлардан сув олиб ўз далаларини суғорадиган СФУсини ташкил этиш лойиҳасини амалиётга жорий этиб келганлиги шуни кўрсатадики, энг

5.6.2.-жадвал. Ўзбекистонда ташкилланган СФУнинг таркибий тузилиши ҳўйидагича (2004 й. 1ХI-га) *

| Асосий бирлиги | Умумий сони | Суғориш майдони (Га) |
|------------------------------------------|-------------|----------------------|
| 1. Сув тақсимловчи каналлар | 4 | 2820,8 |
| 2. Сув оловчи бўғинлар | 105 | 2820,8 |
| 3. Фермер хўжаликлари | 33 | 414,7 |
| 4. Ширкатлар | 3 | 1862,1 |
| 5. Ширкатларнинг ишчи бригадалари | 26 | 1862,1 |
| 6. СФУнинг умумий мажлисига аъзолар сони | 40+8 | - |
| 7. Маҳаллалар | 5 | 544 |
| 8. Шахсий уй хўжаликлар | 3609 | 544 |
| 9. Оилалар | 3798 | 544 |
| 10. Барча аҳолиси | 16034 | 544 |
| 11. Уртача бир оилада (киши) | 4,3 | 1,72 |

*Жадвал муаллиф томонидан тажриба ўтказилган комиссия материаллари асосида тузилди (Базовое обследование трёхпилотных АВП Ферганской долины Ташкент-2004 г. 2-стр.)

аввало, оқин сувдан ва суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг маҳсулдорлигининг таҳлили ва баҳолаш социологик тажрибалари анча самарали бўлган.

Лойиҳа тадқиқотчилар фермерларнинг суғориладиган ерларига каналдан сув олиш учун энг аввало суғориш тизимларининг меъёрий ҳолда сақлангалиги, канал ва ариқлардан ўтадиган сувларни канал бошида, ўртасида ва охирида сув ҳисоблагич билан ўлчашни, улар ўртасида сувни ерга фильтрациясининг ва ҳавога парланишнинг даражаларини (12-18%гача), экин майдонларининг ер участкасидаги ер ости сувларнинг баланд ва пастлигини (1,5 метрдан 0,8 метргача), экинларнинг таркибини (пахта, дон, сабзавот, полиз, мева каби) аниқлаш, йиллик ўртача атмосфера намлиги даражаси (жумладан, вегетация даврида ёмғиргарчилик), йилнинг иссиқлик ҳароратининг даражаси каби омилларда аниқланган. Фермерлар, деҳқонлар ва суғориш билан шугулланувчиларнинг кўп йиллик тажрибалари ва билим даражалари ҳамда давлатнинг сув ресурсларига бўлган сиёсати (сувга ва сув олиб келишга хизмат ҳақи ва суғориш объектлари ва тизимларининг ишлатиш натижасида амортизация ажратмалари каби қатор муаммо ва омилларни чуқур, аниқ шарт-шароитда таҳлил қилишган. Уларнинг таҳлили ва баҳолаш мезонларини аниқлашда 2002-2004 йилларда олиб борилган тадқиқотларида ҳар бир Республикадаги алоҳида СФУси, алоҳида фермер хўжаликлари асос қилиб олинган.

2003-2004 йилларда олиб борилган мониторинг тажрибалари 2002 йилдаги маълумотларни адолатли тасдиқлади ва 2003 йилдан ҳар бир СФУда ва фермер хўжаликларида сарфлаган оқин сув сарфини нисбатан баҳолаш учун оқин сувдан фойдаланишда ўзгартиришлар ва аниқликлар

киритилди. 2004 йилда эса белгиланган лойиҳадаги тавсиялар қаттиқ назорат қилиниб, тупроқнинг таркиби, экинлар тури ва мелиоратив ҳолатлари ўрганиш асосида лойиҳада белгиланган оқин сувларини далаларга бериш ўтказиш ўз натижасини берди. Тажриба участкасида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган оқин сув сарфининг кўрсаткичини нисбатан баҳосини қиёслаш лойиҳадаги кўрсаткичларни тасдиқлади ва унинг кўрсатишича, далаларга етказиб берилган ва оқин сув сарфи миқдори ишлаб чиқилган маҳсулот бирлигини 0,7 м³/кгдан (2003 йилда) 3,6 м³/кгни, 7,2 м³/кгни (2004й.) ташкил этди. 2004 йилда бу кўрсаткич 2002 йилга қараганда анча юқори -1,14дан 7,12м³/кгни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига олинди ва ерларнинг таркибини аниқлаш, мелиоратив ҳолатини яхши ўрганиш, сув келадиган каналларнинг ўзинини таъмирлаш ҳисобига амалга оширилди.

Тадқиқот олиб борилган учта объектда («Акбаробод», «Зарафшон» ва «Керме-Тоо-Ақбура») қишлоқ хўжалигини юритишдаги ишлаб чиқариш омиллари бир хил ва тенг ҳолатда деб ҳисобланса, сув билан таъминланиш даражаси ва ернинг намлиги ва об-ҳавонинг ҳар хиллиги таъсирида ерларнинг маҳсудорлиги бўйича фарқланади.

5.6.4. - жадвал. 2002-2004 йилларда тажриба майдонларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш омилларида фойдаланишнинг самарадорлик даражаси (Республикалар бўйича ўртача кўрсаткичлар)*

| Республикалар | Ерлардан даромад | | | Ҳаражатдан даромад | | | Сувдан даромад | | |
|------------------------------------|------------------|------|------|--------------------|------|------|----------------|------|-------|
| | 2002 | 2003 | 2004 | 2002 | 2003 | 2004 | 2002 | 2003 | 2004 |
| Ўзбекистон (Фарғона vodiysi) | 171 | 334 | 501 | 0,65 | 0,98 | 1,23 | 50 | 137 | 189,8 |
| Қирғизистон | 188 | 1186 | 900 | 0,77 | 4,37 | 2,77 | 71 | 263 | 197,0 |
| Тожикистон | 171 | 647 | 843 | 0,60 | 1,71 | 1,60 | 48 | 164 | 173 |
| Республикалар бўйича ўртача | 176 | 722 | 748 | 0,70 | 2,35 | 1,87 | 56 | 188 | 187 |

* Оценка и анализ продуктивности использования оросительной воды и земли. Ташкент, 2005, с.52.

Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни юритишнинг агроиқтисодий баҳолаш, учта республикалар бўйича фермер хўжаликларини бошқариш даражаси, Ўзбекистонда шу даврда -2,9 марта, Қирғизистонда-4,8 мартага яқин, Тожикистонда -4,9 мартадан ортиққа ўсган ёки Республикалар бўйича ўртача 4,2 мартадан кўп бўлган. Сув ресурсларидан келган даромад республикалар бўйича ўртача -3,3 баробарга; шу жумладан, Ўзбекистон бўйича -3,8, Қирғизистон бўйича -2,7 ва Тожикистон бўйича -3,6 баробарга кўпайган.

СФУни ташкил этиш, уларда ва СФУга аъзо бўлган тажрибон участкасидаги фермер хўжаликлари ҳар бирининг ер майдонлари синчковлик билан тупроқ таркибини, экинлар турини, мелиоратив ҳолатини, уларга оқин сув етказиб берадиган канал, ариқ ва сойлардаги туғонлар, сув ҳисоблагичлар, гидрометрик, гидротехник ва гидрологик воситаларнинг созлигини сақлаган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин ва тавсиялар бериш лозим:

-2001-2004 йиллар мобайнида, Фарғона сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш лойиҳаси томонидан олинган натижалар шуни тасдиқладики, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва фермер хўжаликлари доирасида ердан ва оқин сувдан фойдаланишда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, оқин сувлардан самарали фойдаланиш бўйича сувдан фойдаланувчилар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш амалиётини жорий этиш ва фойдаланиш имконият беради;

- фермер хўжаликларида «Фарғона-сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш» лойиҳаси миқёсида ўтказилган мониторинг натижасида қишлоқ хўжалигини юритиш, оқин сувдан самарали фойдаланиш ва суғориш тизимларини соз ҳолатда сақлаб туришнинг ўзига хос хусусиятдаги белгилари аниқланди;

- оқин сувдан самарали фойдаланишнинг асосий омиллари ва кўрсаткичлари бўлиб: а) каналлардаги оқин сувнинг таъминланиши беқарорлиги; б) суғориш технологиясининг параметри ва танланган чизигининг нотўғрилиги; в) суғорилаётган далалардан филтрацияни ва сувларни ташлаб юбориш билан сувларни юқори меъёردа ишлатиш ва исроф қилиш; г) агротехника тадбирлари ўтказиш муддатининг бузилиши;

- мавжуд вазиятни баҳолаш, таҳлил қилиш асосида қишлоқ хўжалик ишларини ва сувдан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг муддати ва меъёрларини белгилаш модели барпо этилди;

- бажарилган ишлар натижасининг кўрсатишича, 2002 йилга нисбатан 2003-2004 йилларда ҳамма фермер хўжаликлари бўйича сув етказиб бериш ҳажми қисқарганлигига қарамасдан сувни тежашнинг катта резерви борлиги аниқланган;

- фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни ўрганиш ҳамма вегетация даври давомида фермерлар томонидан тартибсиз сувдан фойдаланишга олиб келганлиги ва аниқ тартибда суғоришнинг йўқлигини кўрсатди. Оқин сувдан нотўғри фойдаланиш бир жойда ортиқча сувдан фойдаланса, бошқа жойда оқин сувнинг етишмаслиги, исроф бўлиши оқибатида – етиштирилаётган экинларнинг кам ҳосилдорлиги ва жуда паст маҳсулдорлиги аниқланди;

- тажриба ўтказилган майдонларда оқин сувдан фойдаланиш бўйича мониторинг натижаси ҳар бир суғориш талабидаги ҳажмда ва муддатда белгилашга имкон берди. Бу эса «Фарғона-СРБМ (сув ресурслардан

бошқаришни мувофиқлаштириш)» лойиҳасини амалга оширишда минтақада сувдан фойдаланишни яхшилашга сезиларли ҳисса қўшганлигини билдиради;

- лойиҳанинг фермер хўжаликлари бўйича суғоришни ва агротехника чора-тадбирларини бошқаришнинг яхшиланишига имконият яратди. Натижада далаларга сув бериш ҳажмининг қисқариши вужудга келди ва пахта, дончиликда ҳосилдорликни, сув ва ернинг маҳсулдорлиги кўпайишига олиб келди;

- тажриба майдонида жойлашган фермер хўжалиklarини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, кўпчилик фермерлар (70 фоиздан ортиқ) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш агротехикасини ва сувдан самарали фойдаланиш технологиясини қўллашда зарурий билим даражасига эга эмаслар;

- сув ва суғориш тизимларидан фойдаланаётган барча фермер хўжалиklarида, ширкат ва деҳқон хўжалиklarида эҳтиёжга ишлаётган оқин сув хизмати учун тўланаётган аниқ қийматни тўла тушунмайди. Чунки Ўзбекистонда сув етказиб бериш бепул, Қирғизистонда ва Тожикистонда ҳар бир кубометр сув учун ёки бир гектар ерга сув берилгани учун сув баҳоси тўланади.

Эътибор бериш лозимки, Қирғизистондаги ва Тожикистондаги фермер хўжалиklarи, ширкат ва деҳқон хўжалиklarининг ерларига бериладиган оқин сув табиий сой ва дарёлардан туғонлар ва ариқлар орқали олинса, Ўзбекистондаги барча сувдан фойдаланувчиларнинг ерларига дарё ва сойлардан оқиб келадиган сувни аввало каналларга, кейин йирик ариқларга, сўнгра кичик ариқлар орқали хўжалик ерларига тақсимлаб берилади. Ўзбекистонда сув келадиган суғориш тизимлар сунъий суғориш тизими ҳисобланади. Демак, Ўзбекистонда ҳам сув етказиб бериш учун ҳақ миқдорини белгилаш давр талабидир.

Бозор муносабатлари шаклланаётган жараён шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда фермерлар хўжалиги уюшмалари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларидан мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар охир-оқибат ўзаро келишув, шартномавий ва ҳуқуқий мустақиллигини сақлаган ҳолда битта интеграция шаклини ё агрофирма ёки огросаноат консорциумини ёки шуларга ўхшаш янгича шундай интеграция ҳамкорлик шаклини вужудга келтириш лозим. Уларга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида фермер хўжалиklarи, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, қайта ишлаш корхоналари, тадбиркор банклар, ташқи иқтисодий фаолият бўлимлари, божхона, маслаҳатхона кабилар киритилади. Бунга яққол мисол «Қувасой-беҳизор» агрофирмасининг ташкил топганлигидир. Бундай тажриба хориж мамлакатларида ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.

6-БОБ. МИНТАҚАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Минтақада капитал қурилишнинг самарадорлиги режа давридаги ҳисоб-китоб ишларининг асосий босқичлари ташкил этади.

Капитал маблағлар ёки чет эл сармоёси фақат маълум фойда олинган тақдирдагина сарфланади. Шунинг учун капитал қурилишда ёки ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва янгилашда капитал маблағларнинг қайтими ва самарадорлиги аниқланади.

Капитал маблағларнинг самарадорлиги бир неча хил услубларда аниқланиши мумкин. Капитал маблағлар корхона, минтақа ва макроқўламда аниқланади. Капитал малағларининг энг самарали вариантга капитал маблағлар сарфланиши зарур. Бунинг учун юқорида кўрсатилганидек, капитал маблағлар биринчи наватда қайта қуриш ва янгилаш учун, сўнгра янги қурилиш учун сарфланиши лозим. Капитал маблағларининг макроқўламдаги самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Э} = \frac{\text{Мд}}{\text{К}} \quad (1)$$

Бу ерда: Мд – миллий даромаднинг ўсиши;

К – капитал маблағларнинг миқдори.

Капитал маблағларининг микроқўламдаги самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Э} = \frac{\text{Ф}}{\text{К}} \quad (2)$$

Бу ерда Ф – сарфланган капитал маблағлар ҳисобига фойданинг ўсиши.

Агар капитал маблағларни сарфлашда бир нечта алтернатив вариантлардан энг самаралисини (зарур бўлган) қуйидаги формуладан фойдаланиб топиш мумкин:

$$\text{Э} = T + E_{\text{нк}} K - \text{min};$$

Бу ерда Т – ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннари;

- капитал маблағлар самарадорлигининг норматив коэффиенти.

Шунингдек, капитал маблағларнинг самарадорлигини қуйидаги формула билан ҳам аниқлашимиз мумкин.

$$\text{Э} = \frac{\text{Б} - T}{\text{К}} \quad (4)$$

Бу ерда: Б – ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг реализация қилинган баҳоси.

Капитал маблағларнинг самарадорлигини капитал маблағларнинг қайтимидан ҳам аниқлаш мумкин. Капитал маблағларнинг қайтими макроқўламда қуйидагича топилади:

$$\text{Э} = \frac{\text{К}}{\text{Ма}} \quad (5)$$

Микроқўламдаги қайтими қуйидагича топилади:

$$\text{Э} = \frac{\text{К}}{\text{Ф}}$$

7-БОБ. МИНТАҚА ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

7.1. Минтақада транспортнинг аҳамияти ва моҳияти

Транспорт халқ хўжалигини узвий равишда боғлайдиган тармоқдир. У минтақа хўжалигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши комплексининг изчил ва муттасил фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Транспортнинг нормал фаолияти ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар муносабатларининг ривожланишига катта имкониятлар яратади. Транспорт турлари, режалаштириш асослари ва унинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида бир қанча иқтисодий фанлардан ўрганилган. Шу сабабли, унинг аҳамияти бизга маълумдир. Транспортни режалаштириш комплекс равишда амалга оширилади. Транспортнинг асосий вазифаси халқ хўжалиги ва аҳолининг ташиладиган юкларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Минтақа транспортнинг асосий тури – автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти ҳисобланади. Шу сабабли, автомобиль транспортини режалаштириш услубининг асосларини кўриб чиқамиз.

Маҳаллий режалатириш ташкилотлари ҳар бир корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, ташиладиган юкларнинг ҳажмини ва юк айланмасини асосий кўрсаткичлар сифатида ҳисоблайди ва режалаштиради. Транспортнинг асосий кўрсаткичлари асосида транспорт фаолияти мувофиқлаштирилади, тартибга солинади ва транспорт комплексининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланади. Транспортни режалаштиришда энг самарали транспорт воситалари аниқланади. Бунинг учун эса, барча транспорт тармоқлари транспорт комплекси сифатида режалаштириш объекти деб олинади.

7.2. Юк ташишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни режалаштириш

Транспортни режалаштиришда қуйидаги вазифалар ва режалаштириш ишлари бажарилади:

1. Ҳар бир минтақа бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тузилади.

2. Минтақалараро ва минтақа ичидаги юклар алмашинувини аниқлаш учун шахмат баланслари маҳсулотларнинг энг муҳим турлари бўйича тузилади.

3. Ташиладиган юклар транспорт турларига тақсимланади.

4. Транспортнинг моддий-техника базаси ривожланиши ва иш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар аниқланади.

Транспорт фаолиятини режалаштириш учун юк ташиш ҳажми аниқланади. Юк ташиш ҳажмини аниқлашда қуйидаги баланслар тузилади:

1) Маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш минтақавий баланслари тузилади. Демак, баланс усулидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг ҳажми, бир қанча истеъмолчилар билан юк чиқарувчи ташкилотларнинг ўртача масофаси аниқланади.

2) Коэффициентлардан, хусусан, юк ташиш коэффициентидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг ҳажми аниқланади.

3) 1 млн. сўм маҳсулот ишлаб чиқаришга тўғри келадиган юк ташиш нормативи асосида аниқланади. Режалаштиришда барча усуллардан лозим бўлган ҳолда фойдаланилади. Жумладан, режа лойиҳасини энг асосийси юклар бўйича тузиш даврида юк ташиш коэффициентидан фойдаланилади.

Юк ташиш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K = \frac{B}{Q}$$

Бу ерда B – ташиладиган юкларнинг миқдори;

Q – режалаштириш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Режалаштиришдаги асосий ишлардан бири ҳар бир ҳудуд бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг минтақа балансларини тузишдир. Бу баланс 3 қисмдан иборат. Баланснинг 1 қисмида вилоятнинг режалаштириш давридаги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми аниқланади. 2-қисмида эса, ўша маҳсулотнинг минтақа ичидаги истеъмол ҳажми аниқланади. Баланснинг 3-қисмида ташиладиган юкларнинг ҳажми аниқланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш минтақа балансининг соддалаштирилган жадвали қуйидаги кўринишга эга:

| Кўрсаткичлар | Ҳисоб даври | Режа даври |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|------------|
| 1. Маҳсулотнинг минтақадаги миқдори: А) маҳсулотнинг режа даври бошидаги қолдиғи; Б) режа даврида маҳсулот ишлаб чиқариш; В) маҳсулотнинг бошқа манбаларидан тушуми; Г) жами маҳсулот миқдори. | | |
| 2. Маҳсулотнинг ташилмайдиган қисми. А) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган қисми; Б) корхонанинг ўз транспорти билан ташиладиган маҳсулот миқдори; В) йил охиридаги маҳсулотнинг қолган қисми. | | |
| 3. Таниб кетилиши мумкин бўлган маҳсулот миқдори. Шу жумладан, маҳсулотнинг транспорт турларига тақсимланиши: А) автомобил транспорти; Б) темир йўл транспорти; В) ҳаво транспорти; Г) бошқа транспорт турлари. | | |

Транспортни режалаштиришда шахмат балансидан фойдаланиб, ташиладиган юкларнинг ўртача масофаси аниқланади.

Шахмат баланси соддалашган ҳолда, қуйидаги кўринишга эга бўлади.

| | | | |
|----------------------|---------|---------|--------|
| Юк истеъмол қилувчи | Фарғона | Тошкент | Хоразм |
| Юк чиқарувчи минтақа | | | |
| Фарғона | | | |
| Тошкент | | | |
| Хоразм | | | |

Шахмат балансида юк чиқарувчи минтақалардан юк истеъмол қилувчи минтақаларга келтириладиган юкларнинг миқдори ва улар орасидаги масофа кўрсатилади. Ана шу маълумотлар асосида юк ташишнинг ўртача масофаси аниқланади:

$$L = \frac{\sum Q \times l}{\sum Q}$$

Бу ерда: l – юк чиқарувчи ва юкни қабул қилувчи минтақалар орасидаги масофа; Q – юклар миқдори.

Транспортни режалаштиришда, шунингдек, юк айланмаси, юк ташиш воситаларидан фойдаланиш коэффициенти ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Режалаштиришдаги юк айланмаси кўрсаткичи ташиладиган юкларни, унинг масофасига кўпайтириш йўли билан аниқланади:

$$Ю_{ос} = Q \times L$$

7.3. Минтақа йўл хўжалигини режалаштириш

Маҳаллий хўжаликлардан бири автомобил йўлларини эксплуатация қилиш, қуриш билан шуғулланади. Маълумки, автомобил йўллари, Республика, вилоят ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлади. Автомобил йўллари иқтисодий аҳамиятига қараб, юқоридаги тоифаларга бўлинади.

Республика аҳамиятига эга бўлган автомобил йўлларига Тошкент–Фарғона йўли мисол бўлиши мумкин. Улар аҳолиси 5000дан ортиқ бўлган шаҳарларни, вилоят, марказларни боғлайди. Автомобил йўлларининг жадаллигига қараб, улар 5та категорияга бўлинади. I-III категорияли йўллар юқори категориядаги халқаро, республикалараро йўллар дейилади. IV-V категориядаги йўллар паст категориядаги йўллар дейилади. Йўл хўжалигини режалаштиришда автомобил йўлларини қайта қуриш режалаштирилади. Бу ишларни йўл қурилиши ва эксплуатация қилиш бошқармаси бажаради.

8-БОБ. МИНТАҚАДА ИШЧИ КУЧИ ВА ИШСИЗЛИК

Мехнат ресурслари ҳар бир мамлакатнинг энг асосий бойлигидир. Ҳозирги илмий-техника тараққиёти даврида иқтисодиётнинг ривожланиши инсон омилининг таъсири меҳнат ресурслари муаммолари билан шуғулланишга мажбур этади. Шулардан бири меҳнат ресурсларининг истиқболдаги сон ва сифат жиҳатдан такомиллашуви муаммосидир.

8.1. Меҳнат ресурслари ва уларнинг минтақавий хусусиятлари

Бу муаммонинг ҳал қилиниши меҳнат ресурсларини режалаштириш ва башорат қилиниши билан боғлиқдир. Меҳнат ресурсларини режалаштиришда ҳамда башорат қилишда уларнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиш зарурдир.

Минтақавий хусусиятларни аниқлаш учун меҳнат ресурслари кенг қўламда ўрганилади ва республика ёки унинг бошқа минтақавий бирликлари билан таққосланади:

1. Меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши. Бунинг учун ҳар 1000 кишига ёки 10000 кишига тўғри келадиган аҳолига болаларнинг туғилиши ҳисобланади, ўлими эса айириб ташланади.

2. Малакали ходимлар билан таъминлаш аниқланади. Республиканинг турли вилоятларида малакали ходимлар билан таъминланиш бир-бирдан фарқ қилади.

3. Минтақаларнинг миллий, анъанавий, табиий, иқлимий ва шу каби хусусиятлари бир-бирдан фарқ қилади. Минтақанинг хусусиятларини ўрганиш режалаштириш даврида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Меҳнат ресурслари аҳолининг қуйидаги қисмидан ташкил топади:

1) Меҳнатга яроқли, меҳнат ёшидаги аҳолининг 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллари меҳнат ресурсларига киради. Худди шу ёшлардаги ногиронлар, имтиёзли тарзда нафақа олувчилар меҳнат ресурсларига кирмайди.

2) Ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан иштирок этаётган 60 ёшдан ошган эркеклар, 55 ёшдан ошган аёллар ва 16 ёшгача бўлган болалар меҳнат ресурсларига киради. Меҳнат ресурсларининг асосий қисмини ишчи кучи ташкил этади. Ишчи кучи меҳнат ресурсларининг малакасига, билимига ва тажрибага эга бўлган қисмидир. Ишчи кучини ишлаб чиқариш объектив иқтисодий қонунлар асосида ташкил этилади. Ишчи кучи товар бўлганлиги учун у ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва меҳнат истеъмоли жараёнларини ўтади. Ишчи кучини ишлаб чиқаришга бир неча омиллар таъсир этади:

1. Илмий-техника тараққиётининг ривожланиши.

2. Янги фойдали қазилмаларнинг очилиши ва у ерларда янги иш жойларининг ташкил этилиши.

3. Қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши Ўзбекистондаги ишчи кучини сифат жиҳатдан қайта ишлаб чиқаришни тақозо этмоқда. Ишчи кучини ишлаб чиқаришда, уни сон ва сифат жиҳатдан такомиллаштирилади. Ишчи кучининг сон жиҳатдан ўсиши ишчи кучининг мутлақ кўпайишидир.

Сифат жиҳатдан ўсиши эса, ишчи кучининг маълумоти, малакаси, тажрибаси ўсишини билдиради. Ишчи кучидан самарали фойдаланиш бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучининг тўла иш билан бандлиги таъминланишини тақозо этади. Бу тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш қуйидаги вазифаларни ҳал этилишини тақозо этади:

1. Минтақанинг малакали ишчи кадрларга ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш.
2. Мутахассисларга ва малакали ишчиларга бўлган талабни аниқлашдир. Шу сабабли асосий вазифалардан бири халқ хўжалиги ва унинг минтақаларини малакали ишчи ходимлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.
3. Меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигининг тармоқлараро ва ҳудудлараро меҳнат билан таъминланишини такомиллаштириш.
4. Аҳолининг табиий ўсиши ва меҳнат ресурсларининг сон ва сифат жиҳатдан таркиб топишини таъминлаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш. Меҳнат ресурсларини башорат қилишда ва тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:
 - а) Аҳолининг минтақадаги зичлиги кўрсаткичи. Бу кўрсаткични қуйидагича топамиз:

$$A_z = \frac{\sum A}{\sum M}$$

Бу ерда А – аҳоли сони; М-майдони.

б) Аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати:

$$y = \sqrt[n]{\frac{A_n}{A_b}}$$

Бу ерда: A_b – режа даври бошидаги аҳоли сони.

A_n – шу даврнинг охиридаги аҳоли сони.

n – режалаштириш даври.

в) меҳнат унумдорлигининг ўсиш кўрсаткичи қуйидагича

аниқланади:

$$M_y = \sqrt[n]{\frac{M_{yn}}{M_{yu}}}$$

Бу ерда: Муп – режа давридаги меҳнат унумдорлиги.

Му – базис давридаги меҳнат унумдорлиги.

г) Муу – меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткич меҳнат унумдорлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини ходимларининг ўртача сонига нисбатан, ёки бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат сигимига нисбатан аниқланади. Меҳнат унумдорлигини ходимларнинг ўртача сонига нисбатан ёки бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат сигимига нисбатан аниқланади. Меҳнат унумдорлигини ходимларнинг ўртача сонига нисбатан аниқланганда ялпи, товар ёки реализация қилинган маҳсулотни ходимларининг ўртача сонига бўлиб топилади.

$$1. \text{Му} = \frac{Я(T)(P)}{X}$$

Меҳнат унумдорлигининг 2-усули маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат сигими кўрсаткичи:

$$2. \text{Му} = \frac{Я(T)(P)}{Q}$$

Q – вақт.

Меҳнат ресурсларини режалаштиришда, шунингдек, иш билан таъминланганлик, тўла иш билан таъминланганлик, малакали мутахассислар сони, ишсизлик сони, ишсизларнинг турлари ва ҳоказо кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Меҳнат ресурсларини режалаштиришда энг аввало юқоридаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

**8.2. Ишчи кучи
ва ундан
фойдаланишни
белгиловчи
кўрсаткичлар**

Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда, аҳолининг меҳнатга лаёқатли таркибига кирувчи ишлаётган ва ишсизларнинг умумий сони тушунилади.

Ишчи кучларининг миқдори ва сифати, унинг жинси, ёш ва касб таркиби, мамлакатнинг иқтисодий имкониятига ва ундан самарали фойдаланишига кучли таъсир кўратади. Бошқа томондан, уларнинг ўзи ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси ва хусусияти таъсири остида бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучи ҳам бошқа меҳнат маҳсуллари каби товар шаклига эга бўлиб, товар-пул муносабатларига фаол жалб қилинади. Унинг бу хусусияти меҳнат кўрсаткичлари тизимида ўз аксини топади. Улар орасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларига муҳим ўрин ажратилади.

Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби қуйидаги жадвалда келтирилган.

| | |
|----------------------------------------------------------|------|
| А. Аҳоли – жами | 20 |
| Шу жумладан: | |
| 1. 16 ёшга тўлмаганлар ва махсус муассасалардаги шахслар | 10 |
| 2. Ишчи кучи таркибидан чиқиб кетганлар | 8 |
| 3. Ишчи кучи (А-1-2) | 18 |
| Улардан: ишлаётган ёки банд бўлганлар | 17,4 |
| Ишсизлар | 0,6 |

Барча аҳоли уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳда 16 ёшгача бўлган болалар ҳамда махсус муассасаларда сақланаётган шахслар киради.

Иккинчи гуруҳга – ишлаши мумкин, лекин бир қатор сабабларга кўра, уни истамайдиган аҳоли киради, уларга ўқувчиларни, нафақахўрларни, уйда ишловчиларни киритиш мумкин. Учинчи гуруҳ ёки қолган барча аҳоли ишчи кучларини ташкил этиб, ўз навбатида ишлаётганларга ва ишсизларга бўлинади.

Ишлаётган ёки банд бўлган аҳоли деб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолига айтилади. Шартли равишда уларнинг таркибига тўлиқсиз иш куни билан банд бўлганлар ҳам киритилади.

Ишсизлик даражаси (Иа) иқтисодийда ишчи кучларидан фойдаланиш даражасини ифодалаб, қуйидагича аниқланади:

Ис (ишсизлар сони)

$$Иа = \text{-----} \times 100\%$$

Ик (ишсизлар кучи)

Ишсизлик даражаси мамлакатнинг ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ифода этувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар қаторга киради.

Ишчи кучларига бўлган талаб ва таклиф, агарда бозор воситасида бошқариладиган бўлса, мавжуд ишчи кучларини 100% иш билан таъминланганлигини тасаввур этиш мумкин эмас. Оз даражадаги ишсизликнинг мавжудлиги иқтисодий кўтарилиши даврларида ҳам табиий бир ҳолат деб ҳисобланади.

8.3. Ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти

Ишсизликни бир неча турларга: фрикцион, тузилишли ва даврий ишсизликка ажратилади. Фрикцион ишсизлик иш қидириш ёки кутиш билан боғлиқ бўлиб, бунда ходимлар иш ахтардилар ёки яқин орада иш билан банд бўлмаслик бўлиб, иш ва турар жойини ўзгариши натижасида, шунингдек, ўқув юртларини ёки мавсумий ишларнинг тугалланиши сабабли юзага келади.

Тузилишли ишсизлик – ишчи кучлари талаби таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, мажбурийлик хусусиятига эга. Инсон эҳтиёжларининг доимий ўсиб бориши ва фан-техника тараққиёти эски тармоқларнинг йўқолиб боришига ҳамда янгилар пайдо бўлишига, натижада иқтисодий таркибий қайта қуришга олиб келади. Бу эса ўз навбатида, ишчи кучларига бўлган талабнинг таркибини ўзгартиради.

ходимлар ихтисосини ва малакасини ўзгаришини талаб қилади. Бунга эса маълум вақт керак бўлади. Шунинг учун ҳам меҳнат бозоридаги мувозанатнинг бундай тузилиши ишсизлик жиддий муаммо ҳисобланади. Аммо у фриксион ишсизлик каби ҳар қандай ривожланаётган иқтисодиётда муқаррардир.

Даврий ишсизлик-ишлаб чиқаришнинг тушиб кетиши ва ишчи кучларига талаб етарли эмаслиги натижасида келиб чиқади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи талабнинг пасайишини, шунга мувофиқ, ялпи таклифнинг камайишини, оқибатда аҳолининг иш билан бандлигини қисқаришини ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

Жамиятда фриксион ва тузилишли ишсизлик муқаррар экан, тўлиқ бандлик ишсизликни мутлақ йўқлигини билдирмайди ва доимо ишчи кучининг 100%дан кам деб ҳисоб қилиб келинади.

Бошқа ўтиш даври иқтисодиёти юқорида санаб ўтилган кўринишлари таалуқлидир.

8.4. Минтақада ишсизликнинг табиий даражаси ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари. Оукен қонуни

Минтақадаги ишсизликнинг табиий ёки меъёрдаги даражаси аҳолини иш билан тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражасидир. Ишчи кучи бозори мувозанатлашган бўлса, яъни иш қидирувчилар сони бўш иш жойлари сонига мувофиқ келса, содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ҳаракатга келади.

Ишсизликнинг табиий даражаси ёки тўлиқ бандлик шароитидаги ишсизлик даражаси фриксион ва тузилишли ишсизлик даражаларининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

Ишсизликнинг табиий даражаси доимий миқдор деб ҳисобланмайди. Ҳар бир мамлакатда ва минтақада фриксион ва тузилишли ишсизлик қўлами иқтисодий вазиятнинг, меъерий-ҳуқуқий асосларининг аҳоли тумуш тарзининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Ҳозирги вақтда ишсизликнинг табиий даражаси 6-7% атрофида қабул қилинган бўлса-да, бироқ бу фойзалар турли мамлакалар бўйича тебраниб туриши мумкин. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,5 фойзидир.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳияти деб аталади. Одатда маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқарилиш ҳажми салоҳият ишлаб чиқариши билан тенг бўлмайди: иқтисодий пасайиш даврида у потенциал салоҳият паст, иқтисодий кўтарилишлар даврида, аксинча, барча ишлаб чиқариш омилларидан максимал фойдаланиш натижасида юқори бўлади.

Маҳсулотнинг салоҳият ва ҳақиқий ишлаб чиқарилиши ўртасидаги фарқ ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг узлиши ёки орқада қолиши деб аталади. У маҳсулотнинг салоҳият ишлаб чиқарилишга нисбатан фойзда аниқ эттирилади.

ЯММ $\frac{\text{узилиши}}{\text{...}} =$

Маҳсулотнинг салоҳияти ишлаб чиқарилиши

Агар, иқтисодий ресурсларидан тўлиқ фойдаланмаслик шароитида фаолият кўрсатаётган бўлса, яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси табиий даражасидан юқори бўлса, унда ЯММ узилиши кўрсаткичи ижобий миқдор бўлади. Лекин иқтисодийнинг ишлаб чиқариш имкониятлари максимал даражада ҳаракатга келтирган бўлса, унда ҳақиқий ишлаб чиқариш салоҳияти ишлаб чиқаришдан юқори ва узилиш миқдори манфий бўлади.

Оукен қонуни. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси, унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯММ узилиши шунча кўп бўлади. Ишсизлик даражаси ва ЯММ узилиши ўртасидаги миқдорий нисбат макроиқтисодий соҳасида таниқли тадқиқотчи Артур Оукен томонидан аниқланган ва иқтисодий адабиётларда Оукен қонуни сифатида кенг тарқалган. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси, унинг табиий даражасидан 1%га ошса, ЯММ ҳажмининг орқада қолиши 2,5% ташкил этади. Ушбу нисбатни ишсизликнинг турли даражадаларидаги маҳсулот йўқотишларини аниқлаш имконини беради:

ЯММ $\frac{\text{...}}{\text{...}} = 2,5$ (Ишсизликнинг
табиий
даражаси)(Ишсизликнинг
ҳақиқий даражаси)

Масалан, агар t йилда мамлакатда ишсизликнинг табиий даражаси 6,5% деб қабул қилинган бўлса, ҳақиқий даражаси эса 8,5%га етган бўлса, у ҳолда ЯММ фарқи 5% -ни ташкил этади $(-2,5 \times (6,5 - 8,5))$. Бу шуни билдирадики, шу йилда ишсизликнинг табиий даражаси таъминланганда, ЯММ ҳажми амалдагидан 5%га ошиқ бўлади. ЯММнинг пастроқ даражаси, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини ва иқтисодийнинг келгуси тараққиёти инвестициялаш имкониятларининг қисқаришини билдиради. Ишсизлик нафақат иқтисодий йўқотишларга олиб келади, балки жамиятга катта ижтимоий зарар ҳам келтиради, айниқса, аҳолининг заиф қатламларига (аёллар, кексалар ва бошқалар). Узоқ муддат давомида ишсиз юриш оиланинг, шахснинг моддий фаровонлигини ва ижтимоий мавқеининг пасайишига сабаб бўлади.

8.5. Бандликнинг
мумтоз ва Кейнс
назарияси

У ёки бу тарзда ишсизлик мавжудлигини изоҳлашга, унинг учун тавсиялар беришга қаратилган кўплаб иқтисодий назариялар бор. Бироқ, уларнинг барчаси ўз илдизлари билан икки асосий назарияга: мумтоз ва Кейнс назарияларига

бориб тақаладики, улар моҳиятан бандлик муаммосини ҳал этишга эндошиш жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади.

Мумтоз иқтисодчилар орасида энг машҳурлари Д.Рикардо, Ж.Милль, Ф.Эджураг, А.Маршалл ва А.Пигудир. Уларнинг бандлик хусусидаги ишларининг моҳияти қуйидагича: тўлиқ бандлик бозор иқтисодиётининг маромидир, энг мақбул иқтисодий сиёсат – давлатнинг аралашмаслик сиёсатидир.

Мумтоз иқтисодчиларнинг фикрича, бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлаш ва фойдаланишни ўзи таъминлай олиши мумкин. Агар кўпгина корхоналар ё беркилиб, ё ўз ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисмидангина фойдаланган ҳолда, иш олиб бориш шароитларини вужудга келтирувчи иқтисодий тенгликлар такрорланиб турмаганида, рўй бермаганида эди, мумтоз иқтисодчиларнинг бу фикри амалга ошган бўлур эди. Лекин энг муҳими – миллионлаб ишсизлар пайдо бўлди.

1936 йили Жон Мейнорд Кейнс «Бандлилик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарини яратди. Унда Кейнс давлатнинг иқтисодига аралашishi зарурлигини асослашга интилди, чунки бозор тизимининг ўзи мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

Ўз таҳлилининг бошланғич муаммоси сифатида Кейнс бандликни мавзу қилиб олди, чунки ўша даврда ишсизлик фожеали қўлам касб этган эди. Бу шу билан ҳам шарҳланадики, статистик шароитида бандлик ҳажми -МДни бевосита белгилайди.

Бандликнинг мумтоз назарияси асосида икки ғоя ётади: биринчидан, тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун сарфлар даражаси етарли бўлмайдиган ҳолати рўй бериш эҳтимолдан узоқ.

Иккинчидан, агар умумий сарфиётлар даражаси етарли бўлганида ҳам, нарх ва иш ҳақи (шу жумладан, фоизда режаси) сингари тартиблаштирувчи омиллар ишга тушади, натижада умумий сарфиётларнинг камайishi ишлаб чиқариш ҳақиқий ҳажмининг, бандликнинг ва ҳақиқий даромадларнинг камайishига олиб келмайди.

Мумтоз назариянинг сарфиётлар етарли бўлмаган даражаси мавжудлик эҳтимолини инкор этиши СЭЯ қонуни билан асосланади. СЭЯ қонунига кўра, таклифнинг ўзи эҳтиёжини туғдиради, яъни маҳсулотни исталган ҳажмда ишлаб чиқариш ўз-ўзидан барча маҳсулотни бозорда сотиб олиш учун зарурий даромадни таъминлайди.

Даромадни қўллашни Кейнс назарияси уч қисмга бўлади:

1. Даромаддан истеъмол сарфиётлари учун фойдаланиш.
2. Даромаддан солиқлар тўлаш учун фойдаланиш.
3. Даромаддан жамғармалар учун фойдаланиш.

Бинобарин, солиқлар тўланганидан кейин даромад икки қисмда, истеъмол ҳамда жамғармадан иборат бўлади. Демак, даромаднинг ҳамма қисми истеъмолга сарфланмайди. Жамғармалар кўплаб омиллар


таъсирида амалга оширилади. Масалан, кўзда тутилмаган ҳолатлар эҳтимоли учун захира ҳосил қилишга интилиш ёки мулк қийматининг ортиб боришидан фойдаланиш, чунки келгусида оз миқдордаги илдам истеъмолга ёки ҳар қандай бошқа асосли сабабларсиз жамғарма йиғишда нисбатан катта ҳақиқий истеъмолга мойиллик кучаяди.

Лекин мумтоз иқтисодчиларнинг фикрича, жамғарма билан сармоя ўртасида мутаносиблик мавжудки, у фоиз миқдори таъсирида юзага келади. Яъни аҳоли қўлида жамғарма тарзда мавжуд бўлган пул маблағларининг бир қисми ўз-ўзидан сармоя тарзида намоён бўлади.

Фоиз миқдорининг орта бориши билан аҳолида пулни жамғариш ва маблағни пул бозорига йўллашга бўлган истак кучаяди.

Лекин мумтоз иқтисодчиларнинг фикрича, жамғарма билан сармоя ўртасида мутаносиблик мавжудки, у фоиз миқдори таъсирида юзага келади. Яъни аҳоли қўлида жамғарма тарзда мавжуд бўлган пул маблағларининг бир қисми ўз-ўзидан сармоя тарзида намоён бўлади.

Фоиз миқдорининг орта бориши билан аҳолида пулни жамғариш ва маблағни пул бозорига йўллашга бўлган истак кучаяди, ишбилармонларда эса, сармоя истак пасаяди, чунки юқори % ишлаб чиқариш харажатининг фоизи миқдори пасайганда жамғармалар камаяди ва сармоёли молларга маблағ сарфлашга бўлган қизиқиш ортади. Агар жамғармалар ва сармоёларнинг фоиз миқдорига боғлиқлигини график тарзда тасвирлайдиган бўлсак (3-чизма), сармоя билан жамғарма ўртасидаги мувозанат нуқтаси кўзга ташланади:



3-чизма. Фоиз миқдори, жамғарма ва сармоёлар мувозанати. (Пул бозорнинг мумтоз ифодаси)

Мумтоз иқтисодчиларнинг таъкидлашларича, бозор тизимида ўзига хос бозор — пул бозори бўладики, у жамғармалар билан сармоёлар тенглигини кафолатлайди, бинобарин, тўлиқ бандлик ҳам кафолатланади.


Жамғармалар даромад-буромад тизимида амалда бузилишлар келтириб чиқармаслигини, чунки фоиз миқдори ҳар бир жамғарилган

долларнинг сармоядорлар қўлига келиб тушишига ва ишлаб чиқариш ускуналарига сарфланишга имкон беришини мумтоз иқтисодчилар алоҳида таъкидлашади.

Шунинг учун тежамкорликнинг кучайиши ижтимоий хавотирланишга олиб келмайди, чунки бу ҳол жамғармалар эгри чизигининг ўнг томони S эгри чизикдан томонга суради (4-чизма).

Гарчи жамғармалар сармояни дарҳол тўхтатиб, эҳтимол вақтинча ишсизликни келтириб чиқарса ҳам, жамғармаларнинг ортиқчаси фоиз миқдорининг I мувозанатининг янги, янада пастроқ даражасига камайишига олиб келади. Фоизнинг бундай камроқ миқдори сармоя сарфиётларининг токи улар q нуқтасида жамғармаларга тенглашгунига қадар ошириб, унда шу билан тўлиқ бандликни сақлаб қолади.

Кейинс бўйича бандлик даражаси маош миқдорининг ўзгариши билан эмас, балки истеъмол ҳамда сармояга кутилаётган сарфиётлардан таркиб топадиган самарали эҳтиёж динамикаси билан белгиланади:



4-чизма. Фоиз миқдори. Жамғарма ва сармоя мувозанатининг янги ҳолати.

Ресурсларнинг тақдими ва улар нархининг ортиши эмас, балки айнан самарали эҳтиёжгина бандлик ва миллий даромад даражасини белгилайди. Ўз навбатида, мазкур самарали эҳтиёж буткул ва тўла-тўқис фойдани катта миқдорга етказишга интилувчи ишбилармонликнинг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, бинобарин, фойданинг кутилаётган меъёри билан белгиланади.

Истеъмол ва сармоя муайян нисбатда бўлган тақдирдагина, шунингдек, тегишли даражага етгандагина тўлиқ бандлик рўёбга чиқиши мумкин.

8.6. Минтақа меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида, меҳнат муаммолари: меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, ишчи кучидан фойдаланиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлар сонини камайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат шароити

ва меъёрларини ишлаб чиқиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий муаммолар каби масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилишнинг даражаси каби муаммонинг Фарғона минтақасида ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Республикада аҳолиси энг зич бўлган, Фарғона водийсида меҳнат бўйича давлат сиёсатининг ва водий вилоятларида ишлаб чиқилган дастурлари асосини меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлашнинг куйидаги йўналишлари ташкил этилган:

- кўп укладли ва турли шакллардаги мулкчиликка асосланган бозор муносабатларини шакллантириш йўли билан меҳнат бозорини яратиш ва ривожлантириш;

- давлат ва нодавлат секторлари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта тузишни режали амалга ошириш ва шу режали дастурлар асосида меҳнат ресурсларини тармоқлар, соҳалар бўйича тақсимлаш;

- ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар ва усуллар орқали давлат томонидан тартибга солиш;

- минтақадаги ишсизларни ва меҳнат бозорида ўзининг қобилияти билан рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақаларининг (болали аёллар, ногиронлар, нафақахўрлар, вояга етмаганлар, касб-ҳунарсиз ёшлар, ишсизлар ва бошқалар) кучли ижтимоий ва манзилли ҳимоялашни таъминлаш учун махсус чора-тадбирларни такомиллаштириш;

- минтақада ишчи кучининг меҳнатга бўлган лаёқатини, сифатини ва қобилиятини тизимли тарзда ошириш (қайта ўқитиш, қайта касбга ўргатиш, малака ва маҳоратини ошириш) тизимларини такомиллаштириш;

- ишда банд бўлган аҳолининг иқтисодий-ижтимоий фаоллигини рағбатлантиришни ривожлантириш;

- аҳолининг ташаббускорлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятини ошириш кичик, ўрта ва хусусий бизнесни ташкил этиш билан давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг усулларини такомиллаштириш;

- ёш иш кучларини, ўқувчиларни, талабаларни ва иш билан банд бўлган малакаси кам ходимларни хорижий мамлакатларда тажрибасини ошириш, билимларини чуқурлаштириш ва малака-кўникмаларини орттириш учун ҳар хил усуллардан ва воситалардан фойдаланиш ва бошқалар.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, меҳнат бозорида амал қиладиган иқтисодий қонун-қоидалар меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ ва самарали бандлиги муаммоларини объектив равишда юзага келтиради ва минтақавий ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифини эркин тарзда тартибга солиб боради. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича Водийдаги ишчи кучларини тақсимлашга кўмаклашади, ишчи кучини касбий ва ҳудудий ҳаракатланишини таъминлайди.

Водийда ишсизлик меҳнат бозорида энг муҳим муаммо бўлиб, ишчи кучининг мавжуд ишчи ўринларига касб-малакаси, билими, кўникмаси ва маҳорати бўйича, ҳудудий жиҳатдан мос келмаслиги натижасидан келиб чиқади. Ана шундай номутаносибликларни атрофлича ўрганиш асосида Водий иқтисодиётида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг такомиллаштириш хусусиятини илмий очиб бериш водийда долзарб муаммолардандир.

Ҳозирги пайтда Водий меҳнат бозори хўжалик юритишнинг таркибий қисмларидан ва ҳудудий мураккаб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Шунга қарамасдан, ҳамон меҳнат бозорига нисбатан ягона, минтақавий умумлашган изоҳ ва фикрлар, таклиф ва тавсиялар етарли ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотларнинг натижасига кўра, Водий шароитида «меҳнат ресурслари бозори» тушунчаси «меҳнат бозори» ва «ишчи кучи бозори» тушунчаларига нисбатан кенгроқ мазмун-моҳиятга эга бўлиб, у қуйидаги уч иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади: биринчидан, иш билан банд бўлганлиги даражасини; иккинчидан, ишга лаёқатлиларни, аммо иш гопа олмаётганларни; учинчидан, келажакда ишлаши кутилаётганларни ҳам ўз ичига олади. Агар масалага шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, «меҳнат ресурслари бозори» тушунчаси тўғрилиги шундаки, у меҳнат бозори ва «ишчи кучи бозори» тушунчаларини ифодалаб, аниқ Фарғона минтақасида муайян жисмоний шахсларда – инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилияти мавжуд бўлган шахсларни ифодалай олади. Аммо бу ўзининг фойдалиги, сифати ва пировард натижасини «меҳнат бозори» тушунчасида ва амалиётда бутун меҳнат қилиш муносабатлари билан боғлиқ бўлганлиги туфайли муомалада кўпроқ «меҳнат бозори» тушунчасида ишлатилади.

Умуман, мамлакатда, хусусан, ҳудудий минтақада меҳнат ресурслари бозорининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши учун қуйидаги табиий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар мавжуд ва шаклланган бўлиши лозим:

- муайян табиий-иқлим шароити, ижтимоий инфратузилмалар, инсон шахсининг яшаши ва ишлаши учун меъёрий макон (ер, сув, уй-жой кабилар) бўлиши;

- ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шаклида эгалик қилувчилар ва иқтисодий жараёнларни бошлашлари мумкин бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятли шахсларнинг мавжуд бўлиши;

- ўзининг меъёрий ақлий ва жисмоний қобилиятини ишга солувчи, ишчи кучидан бошқа ҳеч қандай воситаларга эга бўлмаган эркин ва озод кишилар (шахслар) ҳам мавжуд бўлиши (албатта, улар соғлом бўлиши, аҳолисининг ижтимоий руҳияти (психологияси)да доимо бир маконда муҳим яшаш хусусияти, Ватани ва халқи учун мақсадли интилиши бу фақат Фарғона аҳолисига нисбатан мос келади.

Шу маънода, бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, Республикаимизнинг ҳамма ҳудудларида ҳам меҳнат ресурсларини

вужудга келиши ва шаклланишига объектив шарт-шароитлар бир хил эмас. Масалан, Навоий вилояти ҳудуди 111,7 минг квадрат километрни ташкил этгани ҳолда, унда 799,7 минг киши яшайди, ёки бир квадрат километрга ўртача 7,1 киши тўғри келади. Андижон вилояти ҳудуди 4,2 минг квадрат километрни ташкил этиб, унда 2279,7 минг киши яшайди ёки бир квадрат километрга ўртача 542,8 киши тўғри келади ёки Андижон вилоятида аҳоли зичлиги Навоий вилоятига нисбатан 75 мартага кўп¹. Демак, Андижон вилоятида инсонларнинг яшаши ва ишлаши учун табиий-иқлим, ижтимоий инфратузилмалар аҳолисининг ижтимоий руҳияти ва бошқа иқтисодий-табиий шарт-шароитлар Навоий вилоятига нисбатан анча қулай маконга эга ва зич яшайди. Чунки инсонлар доимо яшаши, ишлаши ва ривожланиши учун, энг аввало қулай табиий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий шароитларни танлаб олиш йўлларини излаганлар. Бу ҳақда сўз юритилганда бошқа минтақаларини Фарғона водийсига қиёслаганда, ушбу масалага янада ойдинлик киритилгани водийда қулай шароит мавжуд борлигини кўрсатади.

Иккинчи масала – ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шаклида эгалик қилиш ва ривожлантиришда иқтисодий жараёнларни бошлаш учун ҳам, энг аввало, инсонлар қулай табиий-иқтисодий макондан фойдаланади. Бу макон – ҳудуд бошқа ноқулай ҳудудларга нисбатан табиий-иқтисодий инъомлари билан инсонларни меҳнат қилишга анча қулайлик туғдиради ва иқтисодий сарф-харажатларни камроқ ишлатишга имкон беради. Шундай макон – ҳудуд бўлганда, инсонлар ўз меҳнати ва ёлланма ишчи кучи меҳнати натижасида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаради ва кўпайтиради. Бу ерда эгалик қилиш муносабатлари инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилияти даражасига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан бу масалага ёндашадиган бўлсак, юқори даражада табиий жиҳатдан соғлом бўлганлар орасидан ақлий ва жисмоний қобилиятли, ташаббускор ва тадбиркор шахслар ишни кўзини яхши билган, тажрибали ва иқтидорлилар ўсиб чиқадилар ҳамда улар орасида эса, камроқ даражадаги қобилиятлилар иш излаб ёлланма ишчи кучига айланадилар.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитларнинг барчаси, Фарғона водийсида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқаради. Бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига жавоб берадиган меъёрда амал қиладиган мукамал меҳнат ресурсларини шакллантиришга, Фарғона водийсида шарт-шароит бошқа жойларга нисбатан барча қулайликлар мавжуд.

Халқаро ишчи кучларини эркин ҳаракат қилишига асосан Фарғона водийсида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий-иқтисодий меъёрлар асосида меҳнат ресурслари бозорини шакллантириш учун қуйидаги шароитлар яратилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси, 2002 й. ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари. Тошкент, 2003.

- ишчи кучига бўлган талаб ва таклифининг эркин амал қилинишини кафолатловчи ҳуқуқий негизлар мавжудлиги;
- меҳнат ресурслари бозори инфратузилмаси тармоқлари мавжуд (меҳнат биржалари ташкил этилган);
- иш ҳақи олиш миқдорлари чекланмаган (икки ва ундан ортиқ жойда ишлаши мумкинлиги);
- яшаш учун уй-жой бозори мавжудлиги;
- ишчи кучи миграцияси ва иммиграцияси муайян қонунчилик асосида йўл очиб берилганлиги;
- касби ва ихтисосига қараб иш жойини эркин танлаш имкониятининг мавжудлиги ва алмаштириши мумкинлиги.

Фарғона водийсида ислохотларни чуқурлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни давлат томонидан тартибга солиш механизмларининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. 1992 йил 13 январда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»¹ қонун бандлик сиёсатини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонун ва 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистоннинг «Меҳнат» кодекси², 1998 йилда Олий Мажлиснинг XI сессиясида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»³ қонунга асосан бозор муносабатларига мос келадиган даражада ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Уларда республиканинг барча ҳудудларида ва вилоятларида бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолининг меҳнат ва иш билан бандчилигини таъминлашга бўлган ҳуқуқларини ва давлатнинг ушбу ҳуқуқларни таъминлашга ҳамда амалга ошириш учун тегишли маҳаллий-ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий-маънавий шарт-шароитларни яратишга кафолатлари белгилаб берилган. Шу нуқтан назардан амалий таҳлил шуни кўрсатадики, Фарғона водийсида аҳолининг табиий ўсиши анча юқори бўлганлиги учун меҳнат ресурсларининг сони ҳам юқори миқдорни ташкил этади. (8.6.1-Жадвал).

Аҳолининг такрор ҳосил қилишнинг ўзгариши унинг таркибининг динамикасини ўзгаришига олиб келади. Масалан, Фарғона водийсининг барча аҳолисини 2003 йил бошида 100 фоиз деб ҳисобланса, шундан, меҳнатга қобилиятсизлар - 38,2 фоизни, меҳнатга қобилиятлилар - 54,8, меҳнатга қобилиятли ёшдан юқориси - 7,0 фоизни ташкил этади. Шундан меҳнат қобилиятига етмаган ва меҳнат қобилиятидан ўтганлар 45,2 фоизни ташкил этади⁴.

Мустақиллик йилларида, республиканинг аҳолисининг табиий ўсиш суръатини (100 киши ҳисобига) Фарғона водийсидаги аҳолининг табиий ўсиш суръатлари билан таққосланса, табиий ўсиш суръатлари 9 йил

¹ «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Т., 1992й. 13 январь

² Меҳнат Кодекси Ўзбекистон Республикаси қонуни. Т., 1998й.

³ Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Т., 1998й.

⁴ Водий вилоятлари статистика бошқармалари маълумотлари.

мобайнида Республикада юқорироқ (17,2%), Фарғона водийсида пастроқ (16,6%)ни ташкил этади (8.6.1.-жадвал).

Бошқа кўрсаткичлар ҳам қисман фарқланади (масалан, иқлим, табиий ўсиш кабилар).

8.6.1. – жадвал. Фарғона водийсида аҳолининг табиий ҳаракатланиши

(1000 киши ҳисобига фоизда)

| | 1991 | 1995 | 1996 | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 |
|----------------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Ўзбекистон Республикаси бўйича туғилиш | 34,5 | 29,8 | 27,3 | 26,0 | 23,0 | 22,3 | 21,5 | 20,4 | 20,1 |
| Улим | 6,2 | 6,4 | 6,2 | 5,9 | 5,8 | 5,3 | 5,5 | 5,3 | 5,4 |
| Табиий ўсиш | 28,3 | 23,4 | 21,1 | 20,1 | 17,2 | 17,0 | 16,0 | 15,1 | 15,6 |
| Фарғона водийси бўйича туғилиш | 34,6 | 29,8 | 26,5 | 24,8 | 23,6 | 23,0 | 21,4 | 19,6 | 20,8 |
| Улим | 6,3 | 6,7 | 5,7 | 5,8 | 5,6 | 5,5 | 5,2 | 4,5 | 5,1 |
| Табиий ўсиш | 28,5 | 23,1 | 20,8 | 29,0 | 18,0 | 17,5 | 16,2 | 15,7 | 15,7 |

Жадвалда кўрсатилишича, аҳолининг туғилиши 1991 йилга нисбатан 2002 йилда 66,3 фоизга камайиб, шу билан бирга, ўлим даражаси 23,5 фоизга камайган ва табиий ўсиш суръати ҳам 81,5 фоизга камайган. Аҳолининг табиий ўсиши, унинг такрор ҳосил қилинишининг хусусияти кўпгина омиллар билан белгиланади, минтақанинг (унинг вилоятларининг) индустрия тараққиёт ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлари, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланар экан, Фарғона водийсида бу омиллар мавжуд.

Фарғона водийси аҳолиси республика минтақа (вилоят)ларига таққосланганида ўртача ўсиш суръатларига 8.6.2.-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 1980 йилда 2002 йилга нисбатан Республика аҳолиси 162,1 фоизни, Фарғона водийси аҳолиси 177,5 фоизга, жумладан, Андижон вилояти аҳолиси 2 баробарга, Наманган вилоятида 177,7 фоизга ва Фарғона вилоятида 159,1 фоизга кўлайган.

Демак, Водийдаги вилоятлар ичида Андижон вилояти аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бориш характерга эга.

Бироқ, Фарғона водийсида аҳолининг зичлигига қарамасдан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси самарадорлигини меҳнат қилишга интилаётганлар бўйича, меҳнат биржаларидан рўйхатдан ўтган ишсизларнинг сони таҳлили шуни кўрсатадики, водийда ишсизлар сони сўнгги 2001-2003 йилларда камайиш тенденцияси характерлидир.

8.6.2. - жадвал. Фарғона водийси вилоятлар аҳолисining сони
(минг киши ҳисобида)

| | 1980 | 1985 | 1990 | 1995 | 2000 | 2001 | 2002 | 2002 й.да 1980 йилга нисбатан |
|----------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|----------------------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 15746,6 | 17868,0 | 20727,3 | 22467,3 | 24987,7 | 25008,4 | 25523,0 | 162,1 |
| Вилоятлар: Андижон | 1387,0 | 1567,3 | 1757,8 | 1987,0 | 2186,2 | 2551,3 | 2779,7 | 2 бар. |
| Наманган | 1133,4 | 1317,6 | 1508,5 | 1735,2 | 1924,3 | 1986,0 | 2013,7 | 177,7 |
| Фарғона | 1737,8 | 1950,2 | 2139,7 | 2432,6 | 2664,4 | 2728,2 | 2765,7 | 159,1 |
| Водий бўйича | 4258,2 | 4835,1 | 5406,0 | 6154,8 | 6774,9 | 7265,5 | 7559,1 | 177,5 |

Жадвал-8.6.3. маълумотларининг кўрсатишича, 2001 йилда иш изловчилар сонининг рўйхатдан ўтганлари 9,5 минг кишидан 2002 йилда 8,8 минг кишига ва расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони тегишли равишда 8,2 мингдан 6,6 минг кишига камайган. 2002 йил охирида водийдаги меҳнат ресурслари сони 3635,8 минг кишини ташкил қилган бўлса, ундан 6 минг 600 киши ишсизлар ёки ишсизлик даражаси 0,01 фонзни ташкил этади.

8.6.3. - жадвал. Меҳнат бўйича, меҳнат органларда рўйхатдан ўтган ишсизларнинг сони (йил охирида, минг киши)*

| Вилоятлар | Иш изловчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролар сони | | Шундан расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони | |
|-----------------------------|-----------------------------------------------------------|------|------------------------------------------------|------|
| | 2001 | 2002 | 2001 | 2002 |
| Андижон | 3,2 | 2,7 | 2,8 | 2,5 |
| Наманган | 2,1 | 2,1 | 2,0 | 1,9 |
| Фарғона | 4,2 | 4,0 | 3,4 | 2,2 |
| Водий бўйича ўртача | 9,5 | 8,8 | 8,2 | 6,6 |
| Республика бўйича ўртача | 43,6 | 40,3 | 37,5 | 34,8 |

* 2002 йил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари маълумотига асосан тузилди. Тошкент., 2003. 16, 21-6.

Водий меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткич ва ишсизлик даражасининг пастлиги ўртасидаги нисбат, водийда анча фарқланади. Лекин ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, уларнинг тўла ва самарали иш билан банд бўлиш муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан тўла банд бўлишни мутлоқ маънода тушунмаслик керак. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ишсизликнинг маълум даражаси иқтисодиёт учун меъёрдаги ҳол ҳисобланади, уларнинг бир қисми ўзини оилада хизмат кўрсатишга, болалар тарбиясига, шахсий

ёрдамчи хўжалигида меҳнат қилишга, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишга бағишлайди.

Фарғона водийси меҳнат ресурсларининг ижтимоий ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланишни, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари билан қиёсий таққослашда, водийнинг (унинг вилоятларининг) ўрни ва ҳиссаси аниқ намоён бўлади.

8.6.4. – жадвал. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий соҳалари бўйича Республика меҳнат ресурсларининг вилоятлар бўйича тақсимланиши ва водийнинг ҳиссаси*

| Вилоятлар | Барча банд бўлганлар 100 % , шундан: | | | | | |
|------------------------|--------------------------------------|-------------------------------------|-------------------------------------|-------------------|----------|-------------------|
| | Иқтисодиётда банд бўлганлар | Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида | Ишлаб чиқаришдан ажралган ўқувчилар | Диний хизматчилар | Саноатда | Қишлоқ хўжалигида |
| Қорақалпоғистон | 85,5 | - | 14,4 | 0,1 | 8,8 | 33,1 |
| Андижон | 80,7 | 11,7 | 7,2 | 7,0 | 12,3 | 39,5 |
| Бухоро | 82,3 | 5,0 | 12,6 | 0,1 | 9,3 | 40,5 |
| Жиззах | 85,2 | 8,4 | 6,4 | - | 7,4 | 44,4 |
| Қашқадарё | 52,9 | 39,8 | 7,6 | 0,03 | 7,2 | 39,9 |
| Навоий | 78,8 | 132,5 | 6,8 | 0,04 | 25,6 | 27,1 |
| Наманган | 53,2 | 32,8 | 7,4 | 6,0 | 12,5 | 34,3 |
| Самарқанд | 85,1 | 4,5 | 10,4 | 0,2 | 9,1 | 35,4 |
| Сирдарё | 86,1 | 1,9 | 11,7 | 0,2 | 9,1 | 35,6 |
| Сурхондарё | 59,2 | 039,2 | 10,5 | 0,1 | 5,5 | 49,1 |
| Тошкент вилояти | 68,0 | 28,0 | 4,0 | - | 19,0 | 31,5 |
| Тошкент ш. | 65,8 | 32,4 | 0,79 | 0,01 | 13,6 | 32,8 |
| Фарғона | 34,0 | 1,2 | 67,0 | 0,8 | 7,9 | 37,9 |
| Хоразм | 86,5 | 1,6 | 12,9 | 0,002 | 21,8 | 0,3 |
| Фарғона водийси бўйича | 55,9 | 15,2 | 27,2 | 4,6 | 10,9 | 37,2 |

*Жадвал 2002 йилдаги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш яқунлари маълумотлари. Тошкент, 2003й.

Ушбу 8.6.4.-жадвалдан кўришиб турибдики, Фарғона водийси меҳнат ресурслари бошқа вилоятлардан қисман фарқланса-да, водий аҳолиси саноат тармоғидаги ҳиссаси (10,9%) камроқ ва қишлоқ хўжалигида 37,2 фоизни ташкил этади.

Аҳолининг ўртача зичлиги жиҳатидан эса, 2003 йил бошида, Фарғона водийси бир квадрат километрга ўртача 449,8 кишини, Андижон вилояти – 544,2 киши, Наманган вилояти – 372,9 киши, Фарғона вилояти 414,6 кишини ташкил этади.

Фарғона водийсида ва унинг вилоятларидаги аҳолининг зичлиги республиканинг барча вилоятларга нисбатан, юқорилик тенденцияси узоқ даврдан бери сақланиб қолинмоқда. 2003 йил бошида, аҳолининг зичлиги жиҳатидан қийёсланганида, энг юқори кўрсаткични (547,2 киши) Андижон вилояти, иккинчи ўринда Фарғона вилояти (414,6 киши), учинчи ўринда Наманган вилояти (372,9 киши) ва тўртинчи ўринда Тошкент вилояти (293,8 киши) туради.

Мустақиллик йилларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича водий вилоятларида ишлаб чиқилган бандлик дастурларида барча шароитлар яратиб берилган, меҳнат фаолияти турлари кенгайтирилди ва меҳнатга бўлган ижобий муносабат кўзга кўринарли, ижобий силжишлар юз берди. Иқтисодий ислохотлар даврида, водийда меҳнат бозорини тартибга солиш, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий негизларни шакллантириш амалга оширилди ва оширилмоқда. Шу билан бирга, водийда иш билан тўла бандлик даражаси кўнгилдагидек ҳал этилмаган. Меҳнат ресурсларининг юқорлигини ҳисобга олиб, Фарғона водийсидаги ишсизлик 1998 йилдан камайиб борса-да, аҳолининг табиий ўсишининг юқори ва мавжуд корхоналарнинг банкротлиги ва фермер хўжалиқларининг кўпайиб бориши сабабли, водийда ишсизлик даражаси меъёрдан ортиқ даражада сақланиб қолмоқда. Водий бўйича, ишсизлик 1998 йилда 7 минг кишини ташкил этган бўлса, 2002 йилда 6 минг 600 кишини, ёки 400 кишига пасайди, холос, ёки 5,8 фоизга камайди. «Тўртинчи устувор вазифа – аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шarti бўлган бандлик масаласини ҳал этишдир», деб таъкидлаган Президент И.А.Каримов¹.

Дарҳақиқат, ишсизлик муаммосини бартараф этишда кичик, ўрта ва микрофирмалар аҳамияти беқиёс бўлиб, бу кичик субъектларни ривожлантириш, аҳоли бандлиги даражасининг ошишига жиддий таъсир этади. Бундан ташқари, мазкур соҳада янги иш ўринларини ташкиллаш бюджетни истеъмолга ажратадиган харажатларини енгиллаштиришга имкон беради. Водийда ишсизликнинг кўп қисми (70 фоизи) қишлоқ жойларидаги ёшлар ташкил этади.

¹ И.Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралари сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль.

9-БОБ. МИНТАҚАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖИ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

9.1. Ижтимоий
ривожланиш ва
аҳоли турмуш
фаровонлигини
оширишнинг
ҳозирги даврдаги
асосий
йўналишлари

Ҳозирги давр жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан ўтиш давридир. Эски маъмурий буйруқбозлик усули ўрнига мамлакат иқтисодиётига иқтисодий усуллар билан раҳбарлик қилишнинг бозор йўллари танлаб олинган.

Мана шу даврда ижтимоий ривожланишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдан ҳам долзарброқ вазифа йўқдир.

Кейинги йилларда республикамызда ижтимоий тараққиётга тегишли бир қанча амалий ишлар қилинди, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Президент фармонлари чиқди. Бу ҳужжатлар бозор иқтисодиётига ўтиб бориш жараёнида аҳолига тегадиган иқтисодий зарбаларни камайтиради ва уларни ижтимоий ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йилнинг январ ойида чиқарган «Колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармон айниқса, аҳамиятлидир. Фармонда қишлоқ хўжалик жойларида томорқа участкаларининг майдонини 516,6 минг гектарга етказиш, ҳар бир қишлоқ оиласига 0,20, айрим вилоятларда 0,25 гектар бепул ер бериш назарда тутилади. Сўнги пайтларгача бор-йўғи 4,5 фоиз ердан фойдаланган ёрдамчи хўжаликлар республикадаги озиқ-овқат ресурсларининг 40 фоизини берганлиги ва демак, қишлоқ балансининг даромадига катта ҳисса қўшганлигини ҳисобга олсак, Фармоннинг аҳоли турмуш фаровонлигига таъсирини тушунамиз. Шу каби қарорларга «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва парранадаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда улардан чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисидаги» (11 май 1990й.) колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқароларнинг шахсий хўжаликларини ва яқка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисидаги» 1989 йил август қарори, кўп болали оилаларга бериладиган нафақаларни икки баравар кўпайтириш тўғрисидаги қарорлари киради. Сўнги йилларда, айниқса, 1998 йилги «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги», «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ва 2004 йилдаги фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли турмушини яхшилаш сари катта қадам бўлди.

Шу каби қилинаётган амалий ишларнинг барчаси ижтимоий ривожланишни ва аҳолининг турмуш даражасини бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳимоя қилиш ва мумкин қадар юксалтиришга қаратилган.

Уларда Ўзбекистон ва унинг минтақа хусусиятлари ҳисобга олинган. Ҳозирги даврда бу ижобий ишларни кўпгина республика раҳбарлари тажриба сифатида ўрганмоқдалар, олимлар эса бу ишларга ижобий баҳо бермоқдалар. «Ўзбекистондан олган таасуротларим шуни кўрсатаптики, кўпгина қарорлар сингари бу фармонлар ҳам амалга ошмаса керак, деб ўйлаган эдим. – дейди иқтисод фанлари доктори проф. Г.И.Шмелёв, – шунча миқдорда аҳолига шахсий томорқа ер берилиши бунинг аксини кўрсатиб турибди. Айтиш мумкинки, бу диққатга сазовор бўлган жуда катта ибратли ишдир»¹.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолига яшаши, ишлаши, ўқиши, соғлигини сақлаши учун, дам олиш учун шарт-шароитлар инсон омилининг фаоллигини ва ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини муттасил ривожлантиришга имкон беради. Демак, ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифасидир. Уни ҳал қилишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

- аҳолининг сифатли товар маҳсулотларига ва хизмат турларига бўлган талабини тўла қондириш, бу борада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни кескин яхшилаш, маҳаллий имкониятлардан кенг қўламда фойдаланиш;

- моддий жиҳатдан кам таъминланганларга давлат ёрдамини кенгайтириш, хусусан, нафақалар, стипендиялар миқдорини ошириши.

- аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш учун комплекс амалий ишларни бажариш, касалхона, поликлиника, санаторийларни сон ва сифат жиҳатдан ривожлантириш. Уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш;

- жисмоний озир қўл меҳатини халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида камайтириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш, автоматлаштириш ва роботлар билан жиҳозлаш.

- аҳолига сайёҳлик хизматини тубдан яхшилаш, халқаро тажрибалар асосида юксак хизмат кўрсатиш;

- аҳолининг ҳақиқий даромадларини оширишнинг барча имкониятларини кенгайтириш, моддий ишлаб чиқаришда банд ходимларнинг маош «чегара»сини олиб ташлаш ва бу билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қизиқишларини кучайтириши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолининг турмуш шароитини чуқур ўрганиб чиқиб, ижтимоий ҳимояланишга ёрдам бериш, айниқса, аҳолининг иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган табақаларига, кўп болали oilаларга, меҳнат ва уруш ногиронларига, нафақахўрларга ва бошқаларга кўпроқ эътибор бериш зарур.

«Мазкур долзарб муаммони ечиш нафақат иқтисодий, балки улкан ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз турмуш даражаси ва

фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ»дир¹. Республикада ва унинг минтақаларида аҳолининг турмуш даражасини ва ижтимоий ривожланишни режалаштиришдан мақсад – бозор иқтисодига ўтиш шароитида аҳолининг фаровонлигини барқарорлаштириш ва юксалтиришдир. Шу мақсадда иқтисодий-ижтимоий режа бўлимларида ижтимоий ҳимояланиш механизмини янгича ишлаб чиқиш, инсон омилининг фаоллигини ошириш ва унинг баркамоллигини таъминлашдир. Айниқса, бу масала Ўзбекистонда катта аҳамиятга эга, чунки аҳолининг даромадлари бўйича, муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш бўйича, меҳнат ресурсларининг бандлиги бўйича, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, уй-жой, коммунал хизмати бўйича Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ичида охириги ўринлардан бирини эгаллайди.

Аmmo Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари, хом-ашёларнинг турлитуманлиги, аҳолининг меҳнаткашлик хусусиятлари, тажрибалари борки, уларни бозор иқтисодиёт даврида ишга тушириш зарур. Фақат Республика минтақада ишлаб чиқаришни муттасил юксалтириб аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишимиз мумкин. Бу ўринда илмий жиҳатдан асослаб тузилган ижтимоий турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади. Моддий, жой, ёқилғи ва рўзғор буюмларига бўлган талаблари қиради.

Маданий-маиший эҳтиёжларга кишиларнинг билими, малакаси ва маданий даражасини ошириш, маиший-коммунал хизматларини яхшилашга бўлган эҳтиёж кабилар ҳам қиради.

Аҳолининг ижтимоий турмуш шароити жамиятнинг ҳамма аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий тараққиётни таъминлаш, меҳнат шароитини яхши ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганларнинг ижтимоий таъминоти, ишсизларга нафақа тўлаш, ишга жойлаштириш, нафақалар билан таъминлаш кабиларни ўз ичига олади.

Шундан кўриниб турибдики, ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг турмуш шароитини юксалтириш комплекс режа кўп қиррали ва сермеҳнат ишдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан уларда яна қўшимча тадбирларни кўзда тутишга тўғри келмоқда.

Шу мақсадда халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадда мақсадли ижтимоий ҳимоя қилишнинг давлат тизими воситаси Вазирлар Маҳкамасида ишлаб чиқилди. У қуйидаги асосий жиҳатлардан таркиб топган:

- аҳолининг камбағал ва ижтимоий жиҳатдан заифроқ табақалари учун имтиёзлар, афзалликлар, нафақалар; меҳнат ва яшаш шароитлари билан боғлиқ имтиёзлар (бундай имтиёзлар мактаб ўқитувчилари, Улуғ ватан уруши фахрийларига Президент фармонида мувофиқ берилди);

¹ Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марраларни сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи» газетаси. 2006 йил 11 февраль.

- нафақа таъминоти, камбағал ва кўп болали оилаларга нафақалар ҳамда ўқувчиларга стипендиялар тўлаш соҳасида давлат ижтимоий кафолатлари;

- аҳолининг белгиланган даромадларини сақлаб қолиш мақсадида нарҳлар ва даромадларни индекслаш ва нарҳ назорати;

- вақтинчалик ишдан маҳрум бўлган аҳолига янги касбни ўрганиш, жамоат ишларидан фойдаланиш тарзида давлат йўли билан ёрдам бериш. шунингдек, ишсизлик нафақалари тарзида ёрдам бериш (апрель 1991 йилдан бошлаб мамлакатимиз тарихда биринчи мартаба ишсизлик нафақаси берилди бошлади);

- республиканинг барча аҳолиси учун меҳнат қилиш, дам олиш, уй-жойли бўлиш, пулсиз таълим олиш ва тиббий хизматидан фойдаланишнинг кафолатланган ҳуқуқлари;

- бутун аҳоли учун мулкчиликнинг барча шаклларида ва хўжалик фаолиятининг натижаларидан қатъий назар, малакасига қараб, меҳнат ҳақининг табақалаштирилган энг кам миқдорини олиш ҳуқуқига кафолат берилиб, иқтисодий фаолият ва корчалонлик эркинлиги.

Республикада аҳолининг бевосита ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган аҳолининг учта асосий гуруҳи белгиланиб, уларни биринчи навбатда ижтимоий ҳимоялаш белгиланди. Аҳолига ижтимоий ёрдам беришнинг тегишли воситасини барпо этиш орқали ва республиканинг тегишли қонунларини қабул қилиб, амалга ошириш режалаштирилмоқда. Энг кам миқдордаги истеъмол бюджетини ишлаб чиқариш ва тасдиқлашда республиканинг ана шу қонунлари асосий замин бўлади. Энг кам миқдордаги истеъмол бюджети кун кечириш учун зарур бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини кўрсатади ва озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий хизмат, маориф, маънавий соҳада биринчи навбатдаги эҳтиёжлар қаноатлантирилишига кафолат беради. Яқка тартибда уй-жой қуриш, чорва моллар, маданий-маиший ва узоқ муддат ишлатиладиган хўжалик моллари сотиб олиш учун ссуда (қарз) ажратишда имтиёз бериш камбағалларга ёрдам курсатишда муҳим аҳамиятга эга.

Бозор муносабатлари шароитига ўтиш чоғида республикада кўп болали оилаларга, камбағал аҳолига ёрдам беришнинг давлат ижтимоий астури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ана шу дастурларни амалга оширишда маҳаллий даражада тузиш кўзда тутилаётган хизматлар, шунингдек, жамоат, хайрия ва диний ташкилотлар катта ёрдам беради. Бозор иқтисоди шароитида ижтимоий дастурларни амалга оширишда ижтимоий жараёнларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, аввало, кам таъминланишнинг, ишсизлар сонининг нарҳнинг аҳоли даромадларининг ўзгариши ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланадиган махсус ҳисоб идоралари алоҳида ўрин тутади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодидаги ўтиш даврида минтақа аҳолисининг яхши ҳимоя қилинмаган табақаларига ижтимоий кафолатлар воситасини яратиш бош вазифалардан биридир.

Минтақа умумий режасида ижтимоий ривожланишни режалаштириш бўлими энг асосий бўлимлардан бўлиб, бу бўлимда жамиятнинг мақсади ва асосий қонуннинг талаблари ифодаланади.

9.2. Ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг режа кўрсаткичлари ва бўлимлари

Ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишда қуйидаги асосий вазифалар ҳал қилинмоғи лозим:

- аҳолининг моддий фаровонлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва уни ривожлантиришга комплекс ёндошиш;

- ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарурий ижтимоий

шарт-шароитлар яратиш;

- маиший ва пулли муммоларни мақсадга мувофиқ ҳал қилиш. Унда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ҳар бир режа даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ижтимоий тараққиётнинг ривожланиши билан унга бириктирилаётган моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни мутаносиблигини таъминлаш;

- самарали нуфуз сиёсатини қўшиб олиб бориш, аҳоли соғлигини сақлаш, дам олишини, маданий ривожланишини ҳамда ўртача умр кўришни кўпайтириш чораларини назарда тутиш;

- шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни камайитириш ва улар турмуш тарзларини юксалтириш.

Минтақадаги ижтимоий режалаштириш иқтисодий режалаштиришнинг узвий давоми сифатида янада кенгайтирилади ва ижтимоий ҳаётни янада чуқурроқ илмий таҳлил қилиш, истиқболни қонуниятлар асосида қуриш имконини беради. Бозор муносабатлари шароитида энг муҳими ижтимоий ривожланиш аҳолининг турмуш даражасини режалаштиришда режа қуйидаги бўлимларда тузилади:

1) ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражаси йиғинди кўрсаткичлари бўлими;

2) чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини режалаштиришни такомиллаштириш;

3) маиший хизмат, уй-жой ва коммунал хўжаликни режалаштириш;

4) халқ таълими ва маданиятини режалаштириш;

5) соғлиқни сақлашни режалаштириш.

Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасини режалаштириш, минтақа умумий режаларининг бир қанча қисмларида ҳам тузилади (саноат комплекси, дехқончилик ва қишлоқ хўжалиги умумий режаларида ва ҳ.к.). Шунингдек, кейинги йилларда, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турли йўналишларда ва мақсадларга эга дастурлар ҳам тузилмоқда. Режанинг тавсиявий характерининг кенгайиши эса дастурларга кенг мурожаат қилиш имконини, заруриятини келтириб чиқармоқда. Масалан, 1991

йилда қабул қилинган Ўзбекистонда «Иш билан бандлик» дастурини эшлаш кифоя.

Ижтимоий ривожланишни режалаштиришда 600дан ортиқ кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий кўрсаткичларига қуйидаги гуруҳдаги кўрсаткичлар киради:

1. Умумлаштирувчи кўрсаткичлар.
2. Аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.
4. Аҳолининг ижтимоий шароити ифодаловчи кўрсаткичлар.

$$J_{\text{п.д.ж.б.}} = \frac{\text{ПД1} \quad \text{ПДО}}{A1 \quad A0}$$

$$J_{\text{п.д.ж.б.}} = \frac{\text{ПД1}' \quad A1}{\text{ПДО}' \quad A0}$$

$$J_{\text{р.д.к.}} = \frac{\text{ПД1}' \quad \text{ПДО}'}{T1 \quad T}$$

$$J_{\text{р.д.к.}} = \frac{J_{\text{п.д.ж.б.}} \quad \text{ПД1}' \quad T}{JT \quad \text{ПДО}' \quad T0}$$

Мисол. Жорий даврда аҳолининг пировард даромади -22,1 млн. сўм, базис даврда эса 13,1 млн. сўм мос равишда аҳоли сони 19,8 ва 15,9 млн. кишига тенг.

Халқ хўжалигида банд бўлган битта кишига тўғри келадиган ҳақиқий даромад индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$J_{\text{р.д.ж.б.}} = \frac{\text{ПД}_1}{A_1} : \frac{\text{ПД}_0}{A_0} = \frac{22,1}{19,8} : \frac{13,1}{15,9} = \frac{1,115}{0,823} = 1,35$$

Ҳақиқий даромад аҳолининг ижтимоий гуруҳлари бўйича ҳам ҳисобланади ва режалаштириш лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида олимларнинг фикрича, ишлаб чиқаришда бирмунча пасайиш рўй беради. Бу эса аҳоли моддий фаровонлигининг пасайишига олиб келади.

Бироқ, озиқ-овқат ва биринчи даражадаги халқ истеъмоли моллари билан таъминланганликни таҳлил қилиш ва уни истиқболда кўпайтириш йўллари излаш режа тузувчи иқтисодчиларнинг асосий вазифаларидан бири. Бунинг учун жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, унинг таркиби, уларнинг салмоқ ўзгаришлари озиқ-овқатдан бошқа моллар истеъмоли таҳлил қилиниши лозим.

Маҳсулот турларининг жон бошига тўғри келиши қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$J_i = \frac{Q_i}{A_i},$$

Бунда: J_i – жон бошига ҳисобланган;

A_i – маҳсулоти;

Q_i – бир йил давомида истеъмол қилинган I – маҳсулот жами.

Мисол. 2004 йили жумҳуриятимизда 720 минг тонна гўшт ва гўшт миҳсулотлари истеъмол қилинган. Жумҳуриятнинг аҳоли сони 24 млн. киши. Жон бошига гўшт истеъмол қилиш:

$$J_i = \frac{Q_i}{A_i} = \frac{720}{24} = 30$$

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондирилиш даражасини кузатиш учун қуйидаги коэффициентдан фойдаланилади:

$$J_{iik} = \frac{M_{ix4}}{M_{in4}}$$

J_{iik} – I маҳсулотга бўлган талабнинг қондирилиш даражаси;

M_{ix4} – жон бошига ҳақиқий истеъмол қилинган i -маҳсулот;

M_{in4} – жон бошига норма бўйича истеъмол қилиниши лозим бўлган i -маҳсулот.

Юқорида айтилганидек, оила бюджетининг 45% иш ҳақи ҳисобига ташкил топади, қолгани тадбиркорлик фаолиятидан ва томорқа участкаси кабилардан уларни ижтимоий фойдали ишга жалб қилиш аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий шартидир.

Аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси қуйидаги коэффициентлар ёрдамида ҳисобланади.

$$Итд = \frac{Жик}{Жмр},$$

Бунда $Итд$ – иш билан таъминланиш даражаси;

$Жир$ – жами ишлаётган кишилар;

$Жмр$ – жами меҳнат ресурслари;

Мисол. Республикада 10 млн. меҳнат ресурслари бўлиб, улардан 9млн. киши ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда меҳнат қилишади.

$$Итд = \frac{Жик}{Жмр} = \frac{9}{10} = 90\%,$$

1 млн. киши 10% аҳоли ишсиз экан.

Юқоридаги берилган кўрсаткичлар аҳолининг турмуш даражасини ижтимоий-иқтисодий таҳлил қилиб, хулоса чиқаришда ва режалаштиришда фойдаланилади.

9.3. Минтақа аҳолисининг ҳақиқий даромадларини режалаштириш

Ижтимоий режалаштиришни умумий ҳолда характерлаш учун ижтимоий ривожлантиришнинг йиғинди бўлими режаси тузилади. Йиғинди бўлимда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг режасини 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Ижтимоий демографик кўрсаткичлар бўлиб, улар аҳоли сони, унинг тузилиши, даромадлари, харажатларини ифодалайди.
2. Аҳолининг умумий истеъмоли ҳамда айрим товарлар бўйича истеъмолни ифодаловчи кўрсаткичлар (аҳоли жон бошига сотилган товарлар, оилаларнинг маданий-маиший товарлар билан таъминланганлиги, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг товар истеъмоли нисбати).
3. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши (болалар муассасалари, санаторий-курорт, даволаш профилактика, уй-жой, коммунал хизматлар билан таъминланиш кўрсаткичлари).

Аҳоли моддий фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар – жон бошига, ҳар 100, 1000, 10000 аҳоли сонига ҳисобланади. Оила бўйича фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш (телевизор, мебель) ҳар 100 оила ҳисобига ҳисобланади.

Баъзи кўрсаткичлар эса, маълум гуруҳ ҳисобига аниқланади. Масалан, болалар боғчалари билан таъминланганлик кўрсаткичлари фақат болалар (1-6 ёшли) сонига нисбатан ҳисобланади.

Ижтимоий ривожланишни режалаштириш ва илмий тахмин қилишда илмий жиҳатдан асосланган ижтимоий норма ва нормативлардан кенг фойдаланилади.

Йиғинди бўлимнинг асосий кўрсаткичларига аҳоли сони, унинг таркиби, ҳақиқий даромадлари, ижтимоий-истеъмол фондлари, энг кам даромадлари киради.

Ижтимоий ривожланишни режалаштиришда энг аввало аҳоли сони ва унинг истиқболдаги таркиби аниқланади.

Аҳолининг ҳақиқий даромадлари кўрсаткичи ижтимоий ривожланишни режалаштиришда бажариладиган ҳисоб-китобларнинг энг асосийсидир. Шунинг учун уни ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз.

Аҳолининг ҳақиқий даромадларини аниқлаш учун, аввало аҳолининг пул даромадлари аниқланади. Аҳолининг пул даромадлари аҳоли даромадлари ва харажатлари балансидан фойдаланиб аниқланади. Аҳолининг пул даромадлари ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи, нафақа, стипендия, молия ташкилотларидан тушадиган даромад ва бошқа даромадларнинг йиғиндисидан иборат. Бошқа даромадларга иккиламчи хом-ашёларни сотишдан, гонорарлардан тушган даромадлар киради.

Сўнгра табиий даромадлар аниқланади. Натурал даромад томорқа хўжалигидан тушадиган даромадлар ва фермердан натурал шаклда олинган даромадлардан иборат.

Ижтимоий-маданий хизмат соҳаларда моддий ва кўрсатилган хизматнинг истеъмол ҳажми аниқланади.

Ижтимоий-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий харажатлари мос равишда статистика ҳисобларидан олинади.

Колхозчиларнинг маданий-маиший харажатлари уларнинг йиллик ҳисоб-китобларидан олинади.

Аҳолининг ҳақиқий даромадларини ҳисоблаш учун аҳолининг пул даромадларидан товар сотиш билан боғлиқ бўлмаган пул даромадлари солиқлар, мажбурий тўловлар, бадаллар айириб ташланади. Натижада пировард даромад аниқланади. Пировард даромадни товар ва хизмат турлари индексига бўлиш йўли билан реал даромад аниқланади:

$$P_A = \frac{P_d}{B}$$

P_A – ҳақиқий даромад,

P_d – пировард даромад,

B – товар ва хизмат турлари баҳосининг индекси.

Мисол. Худудда аҳолининг пировард даромадлари 450 млн. сўм. Товар ва хизмат турларининг қимматлашиши натижасида уларнинг баҳо индекси 1.2га тенг. Аҳолининг реал даромадлари (450; 1,2) 375 млн. сўмга тенг, яъни товар ва хизмат турларига бўлган баҳонинг ошиши аҳолининг ҳақиқий даромадларини 75 млн. сўмга ёки 18% пасайтиради.

Минтақа аҳолисининг ҳақиқий даромадларини ҳисоблаш чизиғи қуйидаги кўринишга эга.

1. Аҳолининг пул даромадлари ҳисобланади. Бунинг учун аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси тузилади.

2. Товар сотиб олишга сарфланмайдиган пул даромадлари аниқланади.

3. Товар сотиб олишга сарфланмайдиган пул даромадлари аниқланади.

4. Табиий даромадлар аниқланади.

5. Ижтимоий-маданий хизмат муассасаларини моддий ресурслар ва хизматларнинг истеъмол қилиш ҳажми аниқланади.

6. Пировард даромадлар (3м x 4м x 5м) ҳисобланади.

7. Товар ва хизмат баҳосининг индекси аниқланади.

8. Аҳолининг ҳақиқий даромадлари (6м:7м) аниқланади.

9. Минтақа аҳолисининг сони илмий тахмин йўли билан аниқланади. Мисол учун Тренд модели билан ҳисобланиши мумкин.

10. Жон бошига тўғри келадиган ҳақиқий даромадлар (8м:9м) аниқланади.

Аҳолининг ҳақиқий даромадларини, чакана савдони ва бошқа ижтимоий инфратузилма тармоқларини режалаштиришда аҳолининг даромадлари ва харажатлари балансидан фойдаланамиз.

10-БОБ. МИНТАҚА УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

10.1. Уй-жой ва коммунал хўжалигининг ўрни ва аҳамияти

«Минтақада ислоҳотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга экан, устувор масала бу – уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришдир»¹. Чунки уй-жой ва коммунал хўжалиги аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий соҳаларнинг биридир. Аҳоли – уй-жой хўжалиги коммунал хизматлар билан таъминласа, бўш вақти тежаллади ва бўш вақтидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Бўш вақт эса бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг энг зарур бойлигидир. Уй-жой ва коммунал хўжалиги турли минтақаларда турли даражада ривожланган унинг асосий сабаблари, саноатнинг жойлашувига, минтақанинг географик жойлашувига, миллий урф-одатларга ва шу каби омилларга боғлиқдир.

Уй-жой ва коммунал хўжалигини ҳозирги даврда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари олиб борилди. Уй-жой ва коммунал хўжалик мажмуи давлат тасарруфдан чиқарилган, у икки қисмга бўлиб амалга оширилади:

1. Уй-жой қисмини ривожлантиришнинг асосий йўналиши – ҳар бир оилани иложи борича уй-жой билан таъминлаш.

2. Коммунал қисмини эса давлат томонидан хизмат кўрсатиш шакллари тараққий эттириб, барча хизмат кўрсатиш турларини маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ташкилотларига бириктиришни ўз ичига олади. Уй-жой фондини хусусийлаштириш натижасида унга бўлган муносабат ўзгаради, аҳолида ўз уйига эгалиги ҳиссиёти пайдо бўлади. Натижада уй-жой фондини сақлаш, эксплуатация қилиш, янгиларини қуриш ишлари қатъий равишда жиҳатдан ижобий томонга ҳаракат қилади.

Коммунал хўжалиги аҳолининг турмуш даражасига бевосита боғлиқ бўлган кўпгина соҳаларни ўз ичига олади: шаҳарларни ободонлаштириш, газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, канализация хизмати, электр энергияси билан таъминлаш ва транспорт хизмати, чиқиндиларни тозалаш – коммунал хизматнинг асосий соҳаларидир. Умуман олганда, уй-жой ва коммунал хизматини ривожлантириш аҳоли иш қобилиятининг тикланишига, яхшилаб дам олишига ва соғлом турмуш кечиришларига зарур бўлган шарт-шароитларни яратди. Бу шарт-

¹ Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралари сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль.

шароитлар ўз навбатида инсон онгининг янгилинишига, ишлаб чиқаришга бўлган таъсирини кучайтиради. Демак, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари юксалади. Уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасидаги бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкат мақомини, уларнинг ташкилий ва молиявий мустақиллигини, фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласини ўз ичига олади.

10.2. Уй-жой хўжалиги ривожланишини тартибга солиш

Уй-жой ва коммунал хўжалигини режалаштириш билан вилоят, шаҳар ва туман, иқтисодиёт ва статистика, архитектура бошқармалари ҳамда уй-жой ва коммунал хўжалик уюшмасининг минтақаларидаги тегишли ташкилотлари шуғулланади. Уй-жой ва коммунал хўжалиги режаси ҳам худди шу мутасадди ташкилотлар томонидан тузилади. Уй-жой ва коммунал хўжалигини режалаштириш ишлари икки йўналишдаги соҳаларни ўз ичига олади:

1. Уй-жой ва коммунал хўжалиги самарали эксплуатация қилиш.

2. Янги уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳаларини режалаштириш.

Булардан уй-жой ва коммунал хўжалигини эксплуатация қилиш масалаларининг ижтимоий-маданий комплексини режалаштириш фанидан ўрганилади. Янги уй-жой ва коммунал хўжалигини режалаштириш қўйидаги тартибда олиб борилади:

1. Уй-жой хўжалигини режалаштириш учун унинг асосий кўрсаткичларини минтақадаги идоралар яхши билишлари лозим.

– уй-жой майдони m^2 ҳисобида;

– хонадонларни ишга тушириш, хонадонларни миқдори.

– давлат капитал маблағлари ҳисобига қуриладиган уй-жой фонди (m^2 ёки хонадонлар сони).

– корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига қуриладиган уй-жой фонди;

– кооперативлар ҳисобига қуриладиган уй-жой фонди;

– аҳоли ҳисобига қуриладиган уй-жой фонди;

– колхозлар ҳисобидан қуриладиган уй-жой;

– уй-жой қурилиши учун зарур бўлган капитал маблағ;

– уй-жой қурилиши учун зарур бўлган МТП кўрсаткичлари.

2. Уй-жой хўжалигини режалаштириш учун демографик кўрсаткичлардан фойдаланилади: аҳоли сони, коэффициент, аҳолининг нормативларидан фойдаланилади. Булардан жон бошига белгиланган ижтимоий ва санитария нормалари, уй-жойга бўлган асосий ва қўшимча эҳтиёжини аниқлашда ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. М.: Фарғона шаҳрида жон бошига белгиланган ижтимоий норма $15 m^2$. санитария нормаси аҳолининг гигиеник ҳаётини таъинлайдиган даражада белгиланади. Санитария нормалари ҳам минтақалар бўйича табақалаштирилган. Уй-жой хўжалигини режалаштиришда энг аввало уй-жойга бўлган умумий эҳтиёж аниқланади. Бунинг учун истиқболдаги аҳоли сони ижтимоий нормага кўпайтирилиб топилади.

Эуж=АхН.

Уй-жойга бўлган қўшимча эҳтиёжни аниқлаш учун умумий эҳтиёждан мавжуд уй-жой фонди ва кераксиз уй-жой фонди айириб ташланади.

Эужк=Эуй-ж-МФ-Б

Уй-жой фондидини ривожлантириш учун энг аввало пул ресурслари мавжуд бўлиши лозим. Уй-жойга зарур бўлган молия ресурслари корхоналари давлат бюджетининг шу мақсаддаги ажратмаларидан; аҳолининг жамғармаларидан ташкил топади. Режа давридаги уй-жой учун зарур бўлган капитал маблағларнинг миқдори белгиланган норматив асосида аниқланади.

Масалан, 2003 йил 1 м^2 уй-жой қуриш учун 200 минг сўм пул сарфланиши назарда тутилган. 20 минг сўмни норматив сифатида олиб, 2003 йилги уй-жой фонди зарур бўлган капитал маблағлар миқдори аниқланади. Албатта, бу масалада қурилиш материалларининг, санитария, гигиена кабиларнинг сифатига ва жиҳозланиши қийматга ҳам эътибор бериш лозим.

Кэ=ЭужкхН

Уй-жой фондидини ривожлантиришда капитал маблағларга бўлган талаб намунавий лойиҳалар асосида ҳам олиб борилиши мумкин. Намунавий лойиҳалар асосида капитал маблағларга бўлган талаб ўрта ва кичик шаҳарларда қўлланилади.

Коммунал хўжалик шаҳар ва қишлоқларнинг 10.3. Коммунал ободончилиги ва санитария ҳолатини яхшилашга хўжаликнинг хизмат кўрсатувчи соҳалардан биридир. Коммунал ривожланишини хўжалиги ўз таркибига шаҳар ва қишлоқларни тартибга солиш кўкаламзорлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, иссиқлик энергияси, газ таъминоти ва йирик шаҳарларда электр транспорти соҳаларини ўз ичига олади. Коммунал хўжалигида мос равишда у ёки бу соҳаларни ифодаловчи ўзига хос кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Масалан, коммунал хўжаликнинг аҳоли ва саноат корхоналарига ичимлик сув етказиб берувчи соҳасини олиб кўрайлик. Ичимлик сувга бўлган эҳтиёж аҳоли ва корхоналар учун алоҳида ҳисобланади. Бунинг учун истиқболдаги аҳоли сони жон бошига белгиланган сув истеъмоли нормасига кўпайтирилади ва аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжи топилади.

Эй=АхН

Сувга бўлган эҳтиёжнинг энг асосий ҳажми саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади ёки бошқача қилиб айтганда, сув таъминоти корхоналарнинг энг асосий истеъмолчилари суғориш ерлари ва саноат корхоналари ҳисобланади. Саноат корхоналарининг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлашда бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган сув нормасидан фойдаланилади. Корхоналарда турли хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади ва мос равишда сувга бўлган норматив ҳам турлича миқдорни ташкил этади. Шу сабабли, барча

саноат корхоналари бўйича сувга бўлган эҳтиёж алоҳида ҳисобланади. Ҳисоблаш усулининг мазмуни қуйидагича:

$$Эс=Q+N$$

Бу ерда Q – режа давридаги ишлаб чиқарилган маҳсулот;

N – бир бирлик маҳсулотга белгиланган норма.

Сувга бўлган эҳтиёжни аниқлағач, унинг моддий-техника базаси, капитал маблағлари, иш ҳақи, меҳнат харажатлари ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади. Аҳоли ичимлик сувидан фойдаланиб бўлгач, уни канализация хизматининг асосий кўрсаткичи коллекторларда сувларни тозалаш ва тозалагич иншоотларга чиқит сувларнинг оқимини таъминлаш ҳисобланади. Канализация тармоқлари коллекторлар, чиқит сувларни ўтказувчи тизимлар ва бошқа ер ости иншоотларини ўз ичига олади. Канализация тармоғида оқадиган сувлар миқдори истеъмол қиладиган сув миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Канализациянинг ривожланиши уй-жой хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқдир. Канализация ва уй-жой хўжалиги шаҳар ва посёлкаларни ижтимоий ривожланиш режаларининг ҳозирги даврдаги асосий вазифаларидан биридир. Жумладан, Ўзбекистонда 2002-2003 йилларда барча шаҳар ва қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бу билан айниқса, чўл ва қуйи Амударё минтақаларини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ҳал этилиши лозим. Канализация соҳасини режалаштиришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- 1) уй-жойнинг канализация билан таъминланганлиги;
- 2) коллекторлар сони ва сифати;
- 3) канализация қувурларининг узунлиги;
- 4) оқма (чиқит) сувларни коллекторлардан ўтказиш қуввати;
- 5) чиқит сувларининг тозаланганлик салмоғи ва сифати.

Канализация хизматида ҳам шунингдек, моддий техника базасини ифодаловчи меҳнат ресурслари, молиявий кўрсаткичлар ва шу каби кўрсаткичлар ҳисобланади.

Коммунал хўжаликнинг асосий соҳаларидан бири йирик ва ўрта шаҳарларда аҳолига электр транспорти хизмати кўрсатиш ҳисобланади. Электр транспорти трамвай, троллейбус хизмати кўрсатиш соҳасидир. Пассажир транспортининг асосий кўрсаткичларидан электр транспортини режалаштиришда қуйидагича фойдаланилади. Улар: ташилган пассажирлар сони, транспорт воситасининг юрган умумий йўлининг узунлиги, трамвай, троллейбуслар бажарилган пассажир айланма кўрсаткичи, транспорт воситаларига бўлган эҳтиёж ва коммунал хўжаликни режалаштиришда унинг асосий хусусиятларини ҳисобга олиш ҳақиқийлик ва илмийликни таъминлайди. Коммунал хўжаликнинг биринчи асосий хусусияти режалаштиришда зарур қўшимча қувватлар яратишни тақозо этади, чунки сутка мобайнида (ой. йил мобайнида) коммунал хизматларига эҳтиёж кескин ўзгариб туради. Шунинг учун:

1. Резерв қувватлар эҳтиёж кескин қупайган пайтдаги коммунал хизматининг имкониятларига мос бўлиши зарур.
2. Коммунал хўжалик корхона ва қувватлари таъминланаётган даврда ҳам эҳтиёжни қондира олиши зарур.
3. Коммунал хизмати республика ва унинг шаҳар ва қишлоқларида паст даражада ривожланган ва аҳолининг коммунал хизматига бўлган талаби тўла қондирилмайди.

Коммунал хўжалиги ва уй-жой хўжалигини эксплуатацияси билан маҳаллий хокимият идоралари қошида уй-жой ва коммунал хўжалигини бошқариш ва ширкатлар тузилмаси шугулланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 2,5 мингта ширкатлар ташкил этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад энг аввало ширкатларни етарли даражада ваколатга зарур имтиёз ва преференцияларга эга бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантиришдан иборат. Ширкатлар биринчи навбатда, уй-жой мулкдорларининг маблағларини жамлаган ҳолда, бирлашган буюртмачи сифатида иш юритмоғи, тўллаган маблағларни бевосита уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириш лозим.

10.4. Бозор иқтисодиёти ўтиш даврида уй-жой, коммунал хўжалигининг ривожланиши муаммолари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уй-жой, коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, йирик бир масаладир. Бунинг моҳияти уй-жой олди-сотди бозорини ташкил қилиш, ҳар бир оиланинг ёки оила аъзосининг яшаш шароитини яхшилаш, уй-жойларни олиш ҳуқуқига эга бўлишни таъминлашдан иборат.

Уй-жой ислоҳотини ўтказиш уч босқичда

амалга оширилган:

1. Давлат уйларини текинга ёки маълум миқдорда пул тўлаб харидор номига ўтказиш — хусусийлаштириш.
2. Янги қурилган уйларни тўла сотиш ёки ижарага беришни амалга ошириш.
3. Аҳолининг қилинган харажатларини қабул қилинган индексация тизими асосида тўлиқ бозор нархида тўлаш ва коммунал хўжалик корхоналарини маҳаллий кенгашларга ўтказиш ҳамда уларни махсус тижорат фирмаларига сотиш.

Аҳолининг қупайиб бориши билан уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда, яъни уй қурилиш объектини кенгайтириш, маблағ ажратишда қатъий ўзгаришлар киритиш муҳим ўрин тутади. Муниципиал (маҳаллий) турар жой фонди бундан буён маҳаллий жамғарма ҳисобига киритилганлиги туфайли, унинг умумий турар жой қурилишидаги улуши анча қисқарди ва бу фонддан аҳолининг маълум қисми, яъни ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам даромадлилар ва табиий офатдан зарар кўрганлар фойдаланишади.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласида янги қурилишларнинг яна ҳам аҳамияти катта. Уй-жой қурилишида энг муҳим масала

қурилишни материаллар билан таъминлаш масаласи ҳисобланади. Бунда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида материалларнинг ҳисобига қурилиш базаларини кенгайтириш зарур.

Коммунал хўжалик тизимини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кишиларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.

Коммунал хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш турли кўринишларда амалга оширилади:

- *ижара бериш;*
- *ким ошди савдоси;*
- *меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш;*
- *бошқа шаклларда бўлиши мумкин.*

Коммунал хўжалик объектларини давлат тасарруфидан чиқариш жараёни бир қанча йўналишларда олиб борилади. Масалан, акция асосида тижорат корхоналарини ва бирлашмаларини ривожлантириш кўзда тутилади. Капитал қўйилмалар ажратилишини шартнома асосида амалга ошириш мумкин.

Коммунал хўжалиги уй хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ, чунки ҳар бир уйда коммунал хўжаликнинг бўлиши шарт. Уй хўжалиги фондларини сақлаш ва тиклаш вазифасини бажаради. Бошқача қилиб айтганда, уй-жой хўжалиги идоралари турар жойларни капитал ва жорий таъмирлаш, уларни яхши сақлашга ҳаракат қилиши керак.

Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришдаги муаммолардан бири – шу тармоқларни бошқариш ҳокимиятлар томонидан ва уй-жой коммунал хўжалик уюшмаси ва ширкатлар идораларининг аҳамияти ошган сари бу вазифа ҳам, асосан, шу идораларга ўтиши керак. Бундан ташқари, шу тармоқларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда, минтақадаги муаммоларни маҳаллий идоралар чуқурроқ ўрганади ва маҳаллий ресурсларнинг ишлатилишга ҳам ҳаракат қилади.

11-БОБ. МИНТАҚАЛАРДА ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АТРОФ- МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

11.1. Республика ва унинг вилоятларида экологик аҳвол ва соҳадаги вазифалар

Аτροφимизни ўраб турган табиий муҳит инсон ҳаётини доимо таъминлаб турувчи табиий шароитни яратиб, усиз тирикчиликнинг ўзи ҳам бўлмайди. Шунга кўра, табиатни ўрганар эканмиз, унга бирор бир зарар етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Бундай зарар, албата, ўз манфаатимиз учун ҳам катта зиён келтирган

бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тизимлари турлича бўлган мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари табиатни ва унинг бойликларини сақлаб қолиш, инсоннинг табиий жараёнлар боришига кўрсатиладиган салбий таъсирини йўқотиш, ҳозирги замон кишининг яшаш шароитини яхшилашни ер юзидаги барча халқларнинг бирликдаги куч-ғайратлари билан амалга ошириш мумкин ва лозимлигини тushунмоқда.

Ҳозирги вақтда инсон олдида кўндаланг бўлиб турган озиқ-овқат, энергетика, саноат ва ижтимоий ривожланиш масалалари каби масаларини табиий муҳитни муҳофаза қилмай ва ундан фойдаланишни яхшиламай туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Шунинг учун бугунги кунда ароф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ва минтақалари учун ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Республикада аҳолининг жуда зич жойлашганлиги, янги ерларга сув чиқарилиш ва сув ресурсларининг етишмаслиги, ўрмоннинг йўқлиги ва чўлнинг ўзлаштирилиши натижасида бу муаммо янада долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон фақат «оқ олтин» ўлкасигина бўлиб қолмай, «зангори» ёки рангли металлургия ўлкаси, хазинаси ҳамдир.

Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида пахтачиликка йирик ва ғалла, мева-сабзавот учун энергетика, сув, материаллар ишлатиладиган корхоналар хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда сув ва ҳаводан фойдаланиш ва экологик технологияларининг етишмаслиги оқибатида республика сув ҳавзаларига ҳар йили 300 миллион куб метр ифлос оқавалар оқизилмоқда, ҳавога эса, кўчмас манбаларининг ўзидангина 1,4 миллион тоннага яқин заҳарли моддалар чиқарилмоқда. Автомобил манбаларидан чиқаётган ташламалар 2,8 миллион тоннага тенг ҳисобланади, бу ҳаво, юза ва ер ости сувлари, тупроқ қатламларини

ифлослантирмоқда, ҳайвонот ва ўсимлик олами ва табиий муҳитнинг бошқа объектларига зарар етказмоқда.

Атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги устидан мунтазам олиб борилган кузатув маълумотларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Навоий вилоятида 2000-2002 йилларда 28 та шаҳар ва аҳоли пунктларида санитария меъёри анча юқори бўлган. Улар орасида Андижон, Олмалик, Ангрен, Бекобод, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Тошкент каби шаҳарлар бор.

Ифлослантирувчи моддалар йиғилиши ва уларнинг заҳарлилигини ҳисобга олиш бўйича ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичи Андижон шаҳрида энг юқори (24,62%). Нукус шаҳрида энг паст (4,46%).

Республикамизнинг қатор туманларида, айниқса, Фарғона вилоятидаги Тошлоқ туманида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши давом этаётганлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда. Фарғона вилоятининг Водил туман маркази ва қишлоқлари ҳамда Фарғона, Марғилон шаҳарлари Шохимардон сойидаги ифлосланган сувдан сариқ касаллиги тарқалмоқда.

Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари шаҳар ва аҳоли пунктларининг марказлашган ҳолда хўжалик истеъмол суви билан таъминлаш манбаи бўлган Зарафшон дарёси, айниқса, оғир аҳволда қолмоқда.

Атроф-муҳитдаги ўзгаришлар демографик нуқтаи назарга ҳам эгадир. Бу республиканинг чўл ва тоғли туманларида янги шаҳарлар, шаҳар кўринишидаги турар жойларнинг пайдо бўлиши, тоғ водийларида жойлашган Тошкент ва Фарғона, Марғилон йирик шаҳар агломерациялари ташқи муҳит билан боғлиқ. Самарқанд, Андижон ва Нукус агломерациялари шаклланмоқда.

Бироқ, Республика ва вилоят ихтиёридаги 42 шаҳарнинг 29 тасигина канализация ва тозалаш иншоотларига эга. Туман ихтиёридаги шаҳарларнинг канализациялари йўқ бўлиб, оқавалар тозаланмасдан сув ҳавзаларидан даволаш муассасалари фойдаланиши билан бактериал ифлосланиш ҳоллари қайд этилмоқда.

Тоғ водийларида жойлашган саноат корхоналарининг зарарли ташламалари катта масофаларга тарқалмоқда. Масалан, Олмалик шаҳрида ҳавонинг олтингургуртли газ билан ифлосланиш даражаси Тошкент вилоят ҳудудида ёғадиган ёғингарчиликда сульфат кислотаси миқдорининг юқори бўлиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон водийларида ва тоғ қияликларида дарахтлар кесиб юборилиб, бу ерда экинзорлар ва яйловларга айлантирилмоқда. Дарёлар бўйидаги дарахтзорлар ва тўқайларнинг уларнинг кўп қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва дам олиш зоналари учун ажратилмоқда, кўп жойларда йўқ қилиб юборилмоқда.

Ҳозирги даврда Республикада умумий майдони 5,0 млн. гектарни ташкил этадиган Давлат ўрмон фондидан қишлоқ хўжалигига 2,4 млн. гектари узоқ муддатли фойдаланиш учун ажратиб берилган.

Туқайларнинг кесиб юборилиши, сувни муҳофаза қилиш, минтақаларининг йўқлиги, дарёлар, кўллар, сув омборларининг шўрланиши ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларининг ёмонлашишига, улар тарқаладиган ерларнинг камайишига, турлари ва сонининг қисқаришига олиб келмоқда. Ҳозир қушларнинг 410, балиқлар ва ёввойи ҳайвонларнинг 79, ноёб ўсимликларнинг 400 хили Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Ҳозирги кунда қуйидаги вазифалар Республика табиатни муҳофаза қилиш, табиий манбалардан самарали фойдаланиш соҳасидаги стратегик мақсаддир. Одамлар саломатлигини таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш, биосфера мувозанатини таъминлаш, табиатдан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали, экологик ва барқарор ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш зарур. Аслига қайтариладиган табиий манбаларни тиклаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш муаммоларини амалга оширмақ лозим. Табиатнинг ўз-ўзини тартибга солувчи хуусиятларини маҳаллий ва минтақа даражаларида тиклаш керак.

11.2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Экологик илмий-тадқиқотлар институтлари маълумотларининг кўрсатишича, ҳавони муҳофаза қилишдаги асосий йўналишлар қуйидагилардир:

- *ҳавонинг ифлосланиши йўл қўйиладиган даражада ошиб кетган шаҳар ва аҳоли пунктларида ҳаво ҳолатини норматив талабда яхшилаш;*
- *2020 йилгача республиканинг барча шаҳарларида, аҳоли пунктлари ва саноат марказларида ҳаво сифатини санитария-гигиена нормативлари даражасида яхшилаш;*
- *иқлимга салбий таъсир кўрсатишни камайтириш;*
- *қурилаётган ва модернизациялаган корхоналарга экологик тоза технологияларни жорий этиш.*

Бу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш таклиф этилади:

- *яқин йилларда республиканинг энг ифлосланган шаҳарларида ноқулай вазиятни юзага келтираётган корхоналарда, йилнинг (2010 йил) охиригача республиканинг қолган барча корхоналарида ҳавога чиқадиган ташламалар ҳажмини белгиланган нормативлар даражасига тушириш;*
- *станционар манбалардан ҳавони ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши 2010 йил охиригача чиқитсиз технология, энергиянинг муқобил турларига ўтиш, яъни чанг-тузондан тозалаш асбоблари, ёнилғи, олтингугуртдан тозалаш қурилмалари ўрнатиш, яъни жиҳозлаш, мавжудларининг самарадорлигини ошириш, ишлаб бўлинган ва эскирган технологик ускуналарни алмаштириш*

ҳисобига 0,99 миллион тоннага, 2010 йилгача эса -0,83 миллион тоннагача тушириш;

- 2010 йилгача автотранспортдан заҳарли моддалар чиқарилишни умуман республика бўйича 1,2 миллион тоннага, яъни, 1990 йилга солиштирганда икки ҳисса камайтириш керак. Этил бензинидан фойдаланишни тўхтатиш ва автомобилларни ишланган газларни бартараф қилувчи воситалар билан таъминлаш бу муаммони ҳал этишда муҳим йўналиш бўлади.

Ташламаларни камайтиришнинг бошқа чоралари:

- автомобиллар ва двигателларнинг тузилишини такомиллаштириш, ёнилғининг турли хилларидан, тутунга қарши қўшимчалардан фойдаланиш, газ билан ишлайдиган автомобиллар паркларини кўпайтириш, таъхис станциялари, техник хизмат кўрсатиш, ремонт қилиши шаҳобчаларини яратиш, автомобилларнинг ишланган газлар заҳарлилиги ва сертунлигини назорат қилиш самарадорлигини ошириш йўллариини топиш;

- экологик жиҳатдан хавфли барча корхоналар ва ишлаб чиқаришлар атрофдаги санитария маҳкамаларини яратиш ва 2015 йилгача бу хавфли минтақалар чегарасида яшайдиган аҳолини йўчиришни таъминлаш ва ҳ.к.

Кучайиб бораётган ўрмонларни зараркундалар ва касалликлардан биологик усулда ҳимоя қилиш, шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва саноат корхоналари теварагидаги яратиш ҳисобига кўпайтириш, ўрмонларни бир бутун ҳолида ҳимоя қилишнинг минтақа шакллариини жорий этиш асосида зараркундалар ва касалликларнинг дарахтзорларга салбий таъсири қисқартирилишини таъминлаш:

- ёнғоқзор ва арчазорларни миқдори ва сифати жиҳатдан ҳисобга олиш, бундай дарахтлар ўсадиган ерларда мол боқилишни тўхтатиш;

- санитария-гигиена ва соғломлаштириш вазифасини ўтайдиган ўрмонлардан туризм мақсадларида фойдаланишни ривожлантиришни тезлаштириш, уларнинг аҳамияти ва ҳуқуқ мақомини ошириш;

- доривор ўсимликларни саноат негизида такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- ўсимликларни саноат негизида такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Ўсимликлар қоплами, унинг манбалари ва сифати, нотабобат олами ранг-баранглигининг таъминланиш самарадорлигини ва биологик маҳсулдорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- Ўзбекистон Республикасида нотабобат оламининг мавжуд таркибини сақлаш, турлар таркиби, айниқса, ўсимликларнинг ноёб, йўқ бўлиб кетаётган турларининг камайишига йўл қўймаслик;

ўсимликларнинг хўжалик жиҳатдан қимматли, ноёб ва йўқ бўладиган турларини ҳисобга олиш ва карталашни ўтказиш;

ўсимликларнинг ноёб ва йўқ бўлаётган турларининг аҳволини даврий назорат қилиш тартибини йўлга қўйиш;

- ёввойи тарзда ўсадиган доривор ва эфир мойи берадиган ўсимликлар тайёрлаш ҳажмини, айниқса, уларнинг манбалари озайиб кетган зоналарда (умумий миқдорларини камайтирган ҳолда) пасайтириш.

11.3. Ҳозирги даврдаги минтақалараро экологик муаммолар

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг минтақалараро моҳиятга эга бўлган муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон – Марказий Осиё республикаларининг атроф-муҳитини сақлаш, табиий манбаларидан самарали фойдаланиш юзасидан минтақалараро узоқ муддатли йигма дастурини ишлаб чиқиш лозим. Бу дастурда биринчи навбатда қуйидагилар назарда тутади. Орол денгизи ҳавзасида сув, ер ва биологик манбалардан фойдаланишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш. Сирдарё ва Амударё ўзаниларида, уларнинг асосий минтақаларида сувни муҳофаза қилиш минтақалари қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Тожикистон алюминий заводи, очиқ кўмир кони, Қувасой цемент заводи ва бошқа шу каби саноат корхоналари жойлашган минтақалардаги экологик жиҳатдан хавфли бўлган корхоналар ҳам ишлаб чиқаришларни қайта ихтисослаштириш, қайта қуриш, кўчириш тадбирларини ишлаб чиқиш. Чордара ва Туямўйин сув омборлари минтақасида балиқ манбаларини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, муҳофаза қилинадиган минтақалар (қўриқхоналар, халқ боғлари) ягона минтақа тармоғини яратиш, Устюрт ясси тоғли жанубида мавжуд Қоплонғир қўриқхонаси асосида ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турларини сақлаш учун республикалараро қўриқхона ташкил этиш ва ҳ.к.

Марказий Осиё давлатлари дастурининг мақсад ва вазифалари, уларни ҳал қилиш йўллари бевосита Оролбўйи муаммоси билан боғланган бўлиб, Орол денгизини табиий ҳолатида сақлаб қолиш бу минтақадаги экологик ва санитария-гигиена вазиятини тубдан яхшилашгагина хизмат қилади. Орол денгизини қисқарган экваторияда бўлса ҳам сақлаб қолиш, республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни оқилона қўшиб олиб бориш ва Оролбўйининг чўлга айланишини бартараф қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

Марказий Осиё давлатлари Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида олиб бораётган сув хўжалиги сиёсатини биргаликда қайта кўриб чиқиш, айти замонда ўзларининг ички сув резервларини, ҳар бир республика Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш бўйича ишлаб чиқарилаётган шартномалар

асосини биринчи ўринда денгизни табиий объект сифатида сақлаб қолиш гоёси ташкил қилиш керак. Орол денгизининг қуриган минтақасида дарёлар дельтаси, сув чиқарадиган ва суғориш зонаси вазифасини бажарувчи химоя тўсиғини вужудга келтириш лозим. Бошқариладиган сувнинг камлиги Оролбўйининг чўлга айланиш жараёнининг олдини олиш, минтақадаги биологик фаолликни қайта тиклаш, чорвачилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш имконини беради, Орол денгизининг қуриган тубини филто ва мелиорация қилиш, органик ўғитлар ва заҳарли химикатлар чиқарилишини тартибга солиш ўсимликлар химоясида биологик усулларни қўллаш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш керак бўлади. Орол денгизи минтақасида сув хўжалиги тадбирларини Орол бўйигача барча табиий кўллارни сақлаб қолган ҳолда амалга оширишни янада кучайтириш лозим. Зовур сувларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун зарурли ҳисобланган тузларни чиқариб ташлашнинг илмий асосларини ва технологиясини ишлаб чиқиш лозим.

Бундан ташқари, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишларни амалга ошириш, дарёлардаги сув сифатини барча сув ҳавзалари нормаларига мувофиқ келадиган даражада қайта тиклаш ишининг биринчи навбатда ҳал қилишни зарур бўлган масалаларидан бири, деб ҳисоблаш зарур. Саноат корхоналарида айланма ва ишлатиладиган сувдан фойдаланиш масалаларини аҳоли сонининг ўсиши, саноат имкониятининг ошиб бориши, мавжуд суғориладиган экин майдонлари ва Орол денгизига бериладиган сув миқдорини сақлаб қолишни назарда тутган ҳолда, ўзимизнинг сув ресурсларимиздан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда бунини ташқаридан сув олиб келиш ҳисобига ҳал қилмоқ зарур.

Бироқ, бу ерда юз берган экологик фалокат шу қадар миқёс касб этганки ва унинг натижасида табиий муҳит шу қадар барқарор ўзгарганки, бу муаммони фақат Ўзбекистон Республикаси имкониятлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли, ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари тарафидан тузилган мақсадли дастурлар асосида халқаро-Республикалараро даражадаги ягона узоқ муддатли умумий дастур ишлаб чиқарилмоқда ва мазкур дастурда бу ерда вужудга келган кескин экологик вазиятнинг олдини олиш кўзда тутилган.

Экологик бирлик асосларига ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таянадиган иқтисодий механизм халқ хўжалигини бошқариш бир бутун тизимнинг ажралмас қисми бўлиши керак.

Бошқарувнинг республика ва маҳаллий маъмурият органлари табиатни муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, табиий манбалардан ҳар томонлама фойдаланиш ва республика минтақаларида экологик вазият ҳолати учун бутун масъулиятни зиммаларига олишлари лозим. Бу ташкилотларнинг

**11.4. Табиатни
муҳофаза
қилишда
иқтисодий
механизмининг
жорий қилиш**

ҳуқуқлари тубдан кенгайтириши муносабати билан табиатни муҳофаза қилишда тармоқ бошқарувидан минтақалараро бошқариш ва режалаштиришга ўтиш зарур.

Табиатдан фойдаланишнинг экологик механизми асосларини қуйидагилар ташкил этади: табиий манбалардан фойдаланиш (истеъмол қилиш лимитлари, ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлаш) лимитлари, табиий манбалардан фойдаланганлик тўғрисида тўловлар, табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар, табиатни муҳофаза қилишнинг минтақалараро фондлари ва корхоналарнинг шундай фондлар тизими. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни шакллантиришнинг янги молия-кредит механизмлари.

Яқин келажакда қуйидаги ташкилий-иқтисодий хусусиятларга молик умумий тадбирларни амалга ошириш зарур:

- табиий манбаларга тўлов нормативларини, шунингдек, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик (ташланганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўлов нормативларни корхоналарга узоқ муддатли нормативлар таркибига киритиш учун етказиш;

- ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқаришга йўл қўйиладиган (белгиланган лимитлар) даражадан оширганлик учун, шунингдек, табиий манбалардан самарасиз фойдаланганлик учун бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлардан оширилган ҳақ чегириб олиш (иқтисодий нормативга нисбатан қисқа миқдорда) жамоатнинг ҳўжаллик ҳисоби даромади унинг манбаи ҳисобланади;

- табиий манбалар учун амалдаги тўловларни минтақалараро табақалаштириш даражасини ошириш ва яхшилаш, шунингдек, табиатдан фойдаланиш учун тўловлар тартибини тўлдириш, жумладан, ер, ўрмон, сув манбалари ер ости бойликлар. Ҳайвонот ва ўсимлик оламини муҳофаза қилишга сарфланадиган харажатларни тўлдириш учун тўловларни унинг таркибига киритиш;

- нарх қўйишнинг ислоҳ қилиш жараёнида маҳсулотларнинг улгуржи ва харид нархларини жаҳон нархларига яқинлаштириш, табиатдан пул тўлаб фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва экологик-иқтисодий оқибатларга ижтимоий зарур харажатлар сарфланишнинг назарда тутиш;

- табиатни муҳофаза қилиш қонунларга қатъий риоя қилинганлик учун корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- табиатни муҳофаза қилиш жиҳозлари, материаллар, асбоблар ва атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш воситаларини ишлаб чиқишга мўлжалланган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан корхоналар, кооперативларга солиқ солишнинг имтиёзли

тартибини, шунингдек, экологик жиҳатдан хавfli маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун солиқ солишни белгилаш;

- бозор талаблари асосида табиатни муҳофаза қилиш ишлаб чиқариш фондлари (тозалаш иншоотлари, қурилмалар ва бошқалар)дан самарасиз фойдаланганлик учун меҳнат жамоалари, корхоналарнинг раҳбарлари ва алоҳида ходимларнинг иқтисодий масъулиятини ошириш.

Табиий манбалар ва атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик (ташланганлик) учун тўлов нормативларини белгилаш бўйича услубий харажатларни экспертизадан ўтказган ҳолда, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг янги иқтисодий механизм қисмларини тажрибада синаб кўриш ва яқин йилларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришнинг янги тизимини тўла-тўқис ишлатиб кўриш ва шу тариқа табиатнинг муҳофаза қилиш тадбирлари асосан экологик усулда амалга оширилишга таъсир кўрсатиш талаб этилади.

12-БОБ. МИНТАҚАДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Мустақиллик даврида минтақа иқтисодиётининг ривожланишида янги имкониятлар очилди. Минтақадаги тармоқлар, тармоқлараро ва соҳаларда мутаносибликда ижобий ўзгаришлар юз берди, янги тармоқлар бунёд этилди, қўшма корхоналар сони ўсиб бормоқда. Фарғона минтақа иқтисодиётининг ўсишга катта инвестициялар йўналтирилиб, иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё, нефт-газ, енгил саноатларига, саноатнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш тармоқларига сафарбар этилган йирик ҳажмдаги инвестициялар, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо этиш, экспорт ҳажмини ошириш ва янги маҳсулот ҳажмини ошириш ҳамда янги маҳсулот турларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. Бу минтақада транспорт соҳасига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳаларга, шу жумладан, таълим соҳасига, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларига инвестициялар тобора кўпайиб бормоқда. Инвестицияни молиялашдаги бундай таркибий ўзгаришлар Фарғона минтақасини жаҳон хўжалигига кириб бориши, минтақа иқтисодиётини барқарор ўсишига эришиш имкониятини яратди.

Водийдаги зич меҳнат ресурсларини четга чиқариш йўли билан эмас, «қишлоқ жойларига, саноатни олиб келиш зарур. Замоनावий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиш ҳисобига, янги иш жойларини яратиш устувор вазифадир»¹, деб таъкидлаган Президентимизнинг кўрсатмаси водийда амалга оширилмоқда. Водийнинг йирик, ўрта ва кичик саноат корхоналарини замоनावий технологиялар билан қайта жиҳозлаш, янги тармоқ ва корхоналарини қуриш йўли билан саноат маҳсулотларининг ўсиш суръатларини жадаллаштиришга қаратилган вилоятлар дастурлари амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, барпо этилган водийдаги кўплаб йирик саноат корхоналарининг техника ва технологиялари жисмоний ва магнавий жиҳатдан мутлақо эскириб қолганлиги сабабли минтақа иқтисодиётини техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган, рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этарди. Бу ўз навбатида, минтақада инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий

¹ Каримов И. «Биздан Озод ва обод Ватан қолсин». 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 8-б.

асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий ва кредитлаш манбаларини, барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб этиш, минтақа иқтисодиётининг истиқболини белгилаб боришда муҳим аҳамият касб этади. Фарғона водийсида инвестициялар учун зарур молиявий ресурсларни топиш, иқтисодий ўсиш шартига айланган эди. Бу эса биринчи навбатда, истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ эди. Минтақа иқтисодиётидаги давлат ва нодавлат секторлар доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, самарали лойиҳаларнинг танловини ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий ресурсларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш усуллари аниқлаш билан, узвий боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати вазифа қилиб қўйилган эди. Минтақа иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб қилишнинг ғоят муҳим аҳамияти ва зарурати масаласи «...доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатимизни талаб қилувчи масалалардан»¹ бири бўлиши минтақа иқтисодиёти учун асосий вазифа қилиб қўйилган эди.

Минтақада инвестициялашни молиялаш муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги, инвестицияларни молиялаштиришда ички манбаларнинг нисбатан чекланганлиги, хориж капитали келишининг етарли эмаслиги ва бевосита чет эл инвестициялари ҳиссасининг кириб келишида хориж кредитлари ролининг юқорилиги, молиялаштиришда давлат механизмларининг устуворлиги ва бозор механизмларининг минтақадаги суст ривожланганлиги, хориж инвестицияси билан ҳамкорликдаги айрим қўшма корхоналарни етарли даражада, самарали фаолият юрита олмаётганлиги, инвестиция жараёнининг минтақавий нотекислиги, минтақадаги экспорт таркибидан ноанъанавий бўлган маҳсулотларни кўпайтирадиган лойиҳалар ҳиссасининг пастлиги, ички банк кредитини жалб қилишнинг етарли даражада эмаслиги, валюта лойиҳаларида, бой маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиши талаб даражасида эмаслиги билан характерланади. Таҳлилни кўрсатишича, инвестиция линияларидан минтақада фойдаланиш, лизингни ривожлантиришга йўналтирилган ишлар ва бошқалар, инвестицияни молиялаштириш амалиётига жиддий ўзгаришлар киритиб келмоқда.

Водий миқёсидаги инвестициялаш ва молиялаш жараёнининг таҳлили яна шуни кўрсатадики, бу масалада алоҳида диққат ва эътиборни жалб этадиган муаммо, минтақа, ҳудуд ва туманларни ривожлантиришдаги фарқларни қисқартириш масаласидир. Бу, нафақат ички инвестицияни рағбатлантиришгина қолмай, балки бевосита хориж инвестициялари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарни, айниқса, табиий ресурслар чекланган ва аҳолиси зич

¹ Каримов И. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз –бош йўлимиз». // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 13 феврал 3-б.

жойлашган Фарғона водийси минтақаси, ҳудуди ва туманлари доираси бўйича жойлаштиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи тадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Тадқиқотнинг кўрсатишича, 2003 йилга келиб, Фарғона водийсининг 9 та туманида чет эл инвестициялари иштирокида бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган. Бу борада, айниқса, хусусий соҳаларга ва тармоқларга чет эл инвестицияларини имконияти бор даражада жалб этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, бу муаммони ҳал этишда объектив ва субъектив сабаблар, тўсиқлар мавжуд, лекин маҳаллий ташаббускорлик ва тадбиркорлик талаб даражасида эмас. Энг аввало, водийнинг ҳар бир туманининг ва вилоятининг ҳозирги аҳволи, инвестиция киритиш жиҳатидан таҳлил қилиниши ва бозор муносабатларининг эркинлаштириш шароитида, уларнинг «ҳароратини» (иқтисодий салоҳиятини) асосли аниқлаш лозим. Мадомики, барча тармоқлар ва барча ҳудудларни (туманларни ҳам) бир вақтнинг ўзида, бир меъёردа ва маромда юқори даражада ривожлантириш учун молиявий имкониятлари мавжуд эмас экан, у ҳолда бундай имконият ва зарурат бор бўлган алоҳида, етакчи тармоқ ёки туманларга, вилоятларга мадад беришига устувор аҳамият берилиши лозим. Бу борада, ҳукуматимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатда ўз ифодасини муайян даражада топмоқда. Табиийки, бу ерда гап барча туман ва вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини мутлоқ тенглаштириш ва уларга бир меъёردа сармоя ажратиб туриш тўғрисида бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, бозор муносабатларига хос рақобат соғлом ва эркин бўлиши ҳамда давлат томонидан тартибга солиниши лозим.

Фарғона минтақасида кўп укладли тизимни ривожлантириш учун, корхоналар мулкчилик шаклидан қатъий назар, етарли инвестиция (сармоялаш) ресурсларига эга бўлиши лозим, лекин турли укладларга мансуб корхоналарда ва вилоятларда инвестиция жараёни нотекис кечади. Бу борада давлат фаол инвесторлиги давлат укладининг инвестициялар борасидаги устуворлигини таъминлайди. Шу билан, бошқа укладларни туман, вилоят ва корхоналарда ривожини учун ҳам шарт-шароит ҳозирлайди, чунки бу маҳаллий ва миллий такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистонда минтақалар бўйича инвестицияларни бюджет ҳисобидан сармоялаш кўрсаткичлари, дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Масалан, 1998 ва 2000 йилларда ўртача бюджет ҳисобидан минтақалардаги капитал инвестицияларнинг ҳиссаси: (ЯИМ га нисбатан фоиз) — АҚШ да — 0,7, Францияда — 2,0, Туркияда — 2,2, Польшада — 1,8, Швецияда — 1,2, Австралияда — 3,1, Бразилияда — 0,8 ва ниҳоят, Ўзбекистонда — 8,0 фоиз бўлди, лекин, 2002 йилда бу кўрсаткич 6,2 фоизга тушиб қолди¹. Фарғона минтақасида бу пастроқдир.

¹ World development report 2000-2001, p. 300. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари. Тошкент, 2003.

Таҳлил шуни кўрсатадики, Фарғона водийси ва унинг вилоятларида давлатнинг жами сармоялашдаги ҳиссаси, давлат секторининг иқтисодийётидаги ҳиссасидан анча устун (ижтимоий соҳа ҳиссаси ошиб бориши) туради. Буни транзит иқтисодиёт ҳолати изоҳлайди. Ҳозир, Водий ва унинг вилоятларида ҳам хусусий капитални жамғарилиши сўнги 2-3 йилда ошиб бориши кўзга ташланди: биринчидан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали бўлса, иккинчидан, капиталнинг инвестициялари ҳисобидан ўсиши орқали ва учинчидан маҳаллий бюджетлар ҳамда хорижий инвестициялар ҳисобидан ҳам юз бермоқда. Фарғона водийси шароитида ҳам, хусусий капитал ўрта ва кичик капитал шаклига кириб, унинг дастлабки жамғарилиши тўлақонли шаклланмаганлигидан йирик капитал бўлиб, ҳосил бўлишга улгура олмаган, ҳал этилиши мумкин бўлган вазифалар эса катта миқдордаги инвестицияларни талаб этади. Тарихий тажрибадан маълумки, хусусий капитал муомала соҳасида дастлаб пайдо бўлиб, ушбу соҳани тезда тарқата олмайди, чунки бу соҳада капитал айланиши тез борганидан кичик ва ўрта капитал қўйиб катта фойда олиш имконияти мавжуд.

Миллий манфаат ва минтақалар манфаати учун катта ва кўп капитал сарфлаб ишлаб чиқаришни талаб қилса, хусусий капиталнинг бу ишлаб чиқариш соҳасига майили камроқ бўлади. Шу ва бошқа сабабларга кўра, ўтиш даврида минтақаларга киритилаётган катта инвестициялар юқини давлат ўз бюджети ҳисобидан зиммасига олади ва уларни махсус ишлаб чиқилган давлат дастури асосида тартибга солиб туради.

Жадвал — 12.1.1. маълумотига кўра, инвестициялар таркибида давлат бюджетининг ҳиссаси Андижон вилоятида устувор тармоқларни ривожлантириш учун, масалан, 2000 йилда жами инвестициянинг ражмини давлат бюджетидан 40,2 фоизи йўналтирилган. Лекин 2002 йилга келиб, давлат бюджети ҳиссаси камайиб, бошқа манбаларнинг инвестициялар ҳиссаси ортиб борган. Бу эса инвестиция сиёсатида бозор механизмини шаклланаётганини изоҳлайди. Яна шу жадвалда жами инвестицияларни молиялаштиришда 2000 йилда асосий капиталга (ишлаб чиқариш соҳасига) жалб қилинган маблағлар ўсиб бораётгани Фарғона вилоятида юз берди.

Давлат инвестицияси эса минтақа иқтисодиётни ривожлантиришни бошқариш ва кенгайтириш учун қўйиладиган маблағдир. Хусусий молиявий маблағ қўйилмалари ҳисобига компания, корхоналар маблағларининг кўпайиши (тарқатилмаган фойда ва ҳар хил фондлар) акция, облигациялар, чет эл маблағлари ва бошқа қимматли қоғозлар, узоқ муддатли кредит ва қарз кўринишида йўналтирилган чет эл ёки нодавлат сектори маблағларидир.

Марказий давлат мавжуд экан, ўтиш даврида минтақа иқтисодиётини тартиблаш сиёсати орқали инвестиция воситасида ҳам амалга ошириш талаб қилинади, ammo давлат инвестиция маблағларини

лимитлаш воситасида эмас, балки кредит сифатида, Фарғона минтақаси иқтисодиётида табиий ресурсларни чекланганлик хусусиятини ҳисобга олиб, ривожлантиришга тақсимланиши бозор механизмига мос келадики, бунда нодавлат сектори ҳам, минтақалар ҳам ажратган кредитлардан кенг фойдаланишлари лозим.

Жадвал - 12.1.1. Фарғона водийси вилоятларида молиялаштириш манбалари бўйича, инвестиция таркибий тузилмаларининг кўрсаткичи (фоизда) (2000-2002 йиллар)*

| Вилоятлар | давлат бюджетидан | | корхоналар маблаглари | | аҳоли маблаглари | | хориж маблаглари | | бошқа маблаглар | | банк-кредит млрд. сўм | | асосий капиталга инвестиция, млрд. сўм | |
|---------------------------|----------------------|------|--------------------------|------|---------------------|------|---------------------|------|--------------------|------|--------------------------|------|-------------------------------------------------|-------|
| | 2000 | 2002 | 2000 | 2002 | 2000 | 2002 | 2000 | 2002 | 2000 | 2002 | 2000 | 2002 | 2000 | 2002 |
| Андижон | 40,2 | 20,0 | 29,8 | 18,1 | 16,5 | 11,1 | 4,9 | 8,3 | 6,6 | 4,2 | 3,4 | 12,5 | 62,7 | 56,8 |
| Наманган | 36,0 | 19,0 | 27,8 | 12,3 | 14,5 | 10,9 | 2,7 | 7,7 | 19,0 | 4,5 | 2,3 | 15,5 | 59,2 | 54,3 |
| Фарғона | 20,2 | 13,0 | 16,6 | 23,2 | 25,8 | 22,6 | 15,0 | 30,0 | 22,4 | 1,2 | 3,3 | 11,0 | 110,1 | 145,9 |
| Фарғона водийси ўртача | 32,1 | 17,3 | 24,7 | 17,9 | 19,6 | 14,9 | 7,5 | 15,3 | 16, | 3,3 | 3,0 | 8,9 | 77,3 | 85,7 |

*Жадвал «Ўзбекистон республикасининг 2000 ва 2002 йиллардаги иқтисодий-ижтимоий-маданий ривожланиш яқуни». Тошкент, 2001 ва 2003 й. манбалари асосида тузилди.

Жадвал-12.1.2. Республика ва Фарғона минтақасида асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича 1991-2002 йиллардаги қиёсий динамикаси (фоизда)*

| | 1991 | 1994 | 1998 | 1999 | 2000 | 2002 | 2002й.-да 1991й.-га нисбатан |
|---------------------------------------------------------|------|------|------|-------|------|------|------------------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси бўйича капитал сарфлар: шундан: | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | - |
| а) давлат бюджети | 44,5 | 25,3 | 59,3 | 29,4 | 30,3 | 40,9 | 91,9 |
| б) корхоналар | 38,7 | 47,1 | 16,9 | 180,5 | 19,8 | 28,5 | 73,6 |
| в) банк кредитлари | - | 11,1 | - | 8,13 | 8,9 | 4,2 | 37,8 |
| г) аҳоли маблағлари | 16,8 | 9,9 | 14,5 | 18,3 | 19,3 | 15,0 | - |
| д) хориж инвестициялари, шу жумладан: | - | 6,6 | 9,3 | 21,7 | 21,7 | 11,4 | 172,7 |
| Фарғона водийси бўйича, шундан: | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | - |
| давлат бюджети | 40,3 | - | 18,5 | 13,9 | 32,1 | 18,2 | 45,2 |
| банк кредитлари | - | 10,2 | 14,2 | 9,3 | 9,6 | 10,6 | 103,9 |
| аҳоли маблағи | 16,9 | 12,9 | 18,6 | 20,9 | 22,2 | 23,4 | 138,5 |
| хориж маблағи | - | 4,1 | 12,0 | 16,0 | 7,7 | 5,7 | 139,0 |

*Манба: Кўрсатилган йиллардаги Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари. Статистика маълумотлари. 1991-2003 йй.

12.1.2- жадвал маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, мустақиллик йилларида, Республика ва Фарғона водийси минтақаси бўйича ҳам инвестицион жараён бир текисда ривожланиб бормаган. Унинг сабаби, биринчидан, давлатнинг тартибга солиш сиёсатини амалий натижаси бўлса, иккинчидан, мустақиллик йилларида, реал ва устувор иқтисодиёт тармоқларини тезроқ ўстиришга эътибор берганлиги, учинчидан, 1998-1999 йилларда, жаҳон бозори конъюктурасининг нарх-наволар (пахта толаси, рангли металл ва бошқалар нархининг пасайиши)га таъсири натижасида асосий капиталга инвестициялар киритишнинг тўлқинли динамикаси юз берган. Уларнинг оқибатида ва инвестицияларни жалб қилиш яна муҳим таъсир этувчи омил, давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат ихтиёридан чиқариш жараёнида нодавлат секторидаги корхоналар ўз маблағларини инвестицияга йўналтиришда бозор талабларида ишбилармонликни ва ташаббускорликни пасайтириб юборганлигидир.

Инвестицияга жалб қилинаётган банк кредитларининг инфляция таъсирида кредит фойзаларининг ортиб бориши ва аҳоли маблағларининг ҳам инвестицияга йўналтириш даражасининг пасайиши 2001-2002 йилларда юзага келди. Бундай тарзда, инвестицияларни жалб қилиш нафақат республика бўйича, балки Фарғона водийси минтақасида ҳам содир бўлдики, улар давлатнинг тартибга солиш сиёсати орқали бошқарилиб борилди. Давлатнинг тартибга солиш сиёсати орқали

устувор тармоқларга алоҳида эътибор беришининг натижаларини. Республика вилоятлари кўрсаткичларида яққол кўриш мумкин.

Жадвал - 12.1.3.да келтирилган кўрсаткичлар, мустақилликнинг иккинчи босқичида халқ хўжалигига жалб қилинган инвестициялар миқдорининг тизимли динамик ўсиб боришини намоён этади. Бу кўрсаткичлар ўртача 6 йил давомида тўхтовсиз ўсишининг энг пасти 3 ва 3,2 мартадан (Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри) 9,2 ва 10,3 мартагача (Фарғона, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари) кўпайгани кўзга ташланади. Фарғона водийси минтақасига жалб қилинган инвестициялар 5,9 мартага кўпайиб, шундан энг юқори даражаси Фарғона вилояти (9,2 мартани) ташкил этади. Бу ўсиш жараёнининг асосий сабаби шуки, Фарғона водийси қадимдан юқори даражада ишлаб чиқариш инфратузилмаси тараққий этган минтақа бўлиб, бу минтақа мустақиллик йилларида, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг тартибга солиш орқали маблағларни қайта тақсимлаш борасидаги ёрдами билан ва ички иқтисодий ресурсларидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш натижасида инвестицияларни миқдорини кўпроқ жалб эта олди.

12.1.3.-Жадвал. Республика вилоятларида жами инвестицияларни жалб қилишнинг қийсий динамик ривожланиши
(млрд. сўм жорий баҳоларда)

| | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2002 йилда 1997 йилга нисбатан |
|---------------------------------------|-------|-------|-------|-------|--------|--------|--------------------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси шундан: | 276,6 | 396,4 | 537,4 | 744 | 1320,9 | 1442,4 | 5,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 13,8 | 25,6 | 32,3 | 35,2 | 51,8 | 72,9 | 5,3 |
| Андижон | 17,2 | 27,8 | 27,2 | 34,5 | 62,7 | 56,8 | 3,3 |
| Бухоро | 26,9 | 20,8 | 23,1 | 28,4 | 56,6 | 88,8 | 3,3 |
| Жиззах | 6,1 | 7,3 | 10,5 | 16,1 | 57,9 | 66,7 | 10,9 |
| Қашқадарё | 22,7 | 34,9 | 84,7 | 117,9 | 231,9 | 209,3 | 9,2 |
| Навоий | 13,5 | 15,0 | 27,3 | 44,8 | 103,0 | 96,3 | 7,1 |
| Наманган | 12,2 | 22,1 | 20,1 | 38,5 | 59,2 | 54,3 | 4,5 |
| Самарқанд | 19,0 | 28,9 | 30,3 | 39,9 | 61,9 | 63,4 | 3,3 |
| Сурхондарё | 7,7 | 12,7 | 16,7 | 23,4 | 53,6 | 47,0 | 6,1 |
| Сирдарё | 8,8 | 9,1 | 11,7 | 14,1 | 24,6 | 26,8 | 3,0 |
| Тошкент вилояти | 19,9 | 34,0 | 30,0 | 49,7 | 108,8 | 123,1 | 6,2 |
| Фарғона | 15,8 | 35,7 | 37,1 | 44,6 | 110,1 | 145,9 | 9,2 |
| Хоразм | 12,4 | 17,8 | 20,4 | 23,6 | 52,6 | 66,9 | 5,4 |
| Тошкент шаҳри | 79,8 | 103,4 | 120,5 | 164,0 | 281,0 | 258,6 | 3,2 |
| Фарғона водийси бўйича | 45,2 | 85,6 | 84,4 | 117,6 | 232,0 | 257,0 | 5,9 |

* Жадвал тегишли йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ақунлари статистика маълумотларидан тузилди. 1997-2002 йй.

Мазкур жадвал - 12.1.3.нинг кўрсатишича, сўнгги 6 йилда вилоятларга йўналтирилаётган маблағларнинг тез ўсиш суратлари тенденцияга айланган. Бу даврда, айниқса, устувор тармоқларни, миллий ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун айрим табиий минерал ресурсларига бой вилоятларга инвестицияларни молиялаштириш ҳажмини оширишда, давлатнинг тартибга солиш сиёсатидан кенг фойдаланилган. Масалан, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Тошкент вилоятларига жалб этиш, бошқа вилоятларга нисбатан 2,5 – 3 баробар кўп бўлган. Фарғона водийсига ажратилган инвестицияларнинг ҳажмини оширишнинг объектив сабаби шуки, бу ерда энг аввало локализациялаш (автомобилларга ойна ишлаб чиқариш) учун ва нефт кимё саноати корхоналарини қайта жиҳозлаш учун 2001-2002 йилларда давлат бюджети ва чет эл маблағларини жалб қилиш ҳиссаси ошиб борган.

Фарғона водийсидаги инвестициялаш жараёнини таҳлилини кўрсатишича, Республика бўйича марказлашган инвестициянинг заифлашган ҳолатлари кузатилади. Инвестицияни молиялаштиришда давлат механизмларининг устуворлиги ва бозор механизмларининг сустривожланганлиги, қўшма корхоналарни етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётганлиги, инвестиция жараёнининг минтақавий нотекислиги, ички банк кредитларини жалб қилишнинг талаб даражасида эмаслиги»¹ кабилар билан характерланади. Демак, водийда амалга оширилаётган инвестицион жараёнда ўзини ўзи молиялаштиришдан иборат бозор тамойили чекланганлигини билдиради, аммо бу фаол молиялаштириш эркин иқтисодий тизимнинг муҳим белгисидир. Масалан, капиталга инвестиция соҳасига киритилган капитал сармоялар (инвестициялар) 1997-2001 йиллардаги миқдори 5,2 мартага яқин кўпайган бўлса, Фарғона водийси бўйича инвестициялаш жараёни таҳлил қилинганда, ушбу кўрсаткичлар миқдори умуман кам ўзгарган, аммо 1997-2000 йилларда инвестиция ҳажми пасайиб, 2002 йилда эса 1997 йил даражасидан Андижон ва Наманган вилоятларидан 3,3 баробарга кўпайган. Демак, давлатнинг инвестициядаги ҳиссаси Фарғона водийсида кўпайиши тенденцияси сезиларли характерига эга. Ўз-ўзини молиялаштириш манбаларининг торайиши ҳисобидан давлат инвестицияларининг ортиб бориши Фарғона водийсида шаклланаётган кўп укладли таркибий ўсиш ривожига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этади.

Давлат корхоналари ўзлари солиқ туфайли йўқотган инвестицион ресурсларни марказлашган инвестициялар орқали ортиғи билан қайтариб оладилар. Водийдаги хусусий ва жамоа сектордаги корхоналар даромадининг бир қисмини давлат инвестицияларига

¹ Ғозибеков Д.Г. «Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари» докторлик дисс. Автореферати. Т. 2002. 4-6.

айланиши ва уларга қайтиб келмаслиги. Бу ерда волиятнинг такрор ишлаб чиқаришини чегаралайди, айниқса, қишлоқдаги жамоа, ширкат, фермер хўжаликларида яққол сезилиб қолмоқда. Бу жараён Фарғона вилояти мисолида яққол кўзга ташланади. (Жадвал -12.1.4.).

Маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, Фарғона вилоятида инвестиция манбаларидан молиялаштиришда давлатнинг ҳиссаси 2.4 баробарга камайган, корхоналарнинг маблағлари - 22,7 фоизга ошган, чет эл кредитлари 9,4 баробарга ошган, аҳоли манбалардан инвестициялар 6,5 фоизга ошган. Вилоятдаги инвестицион жараёнларни мулкчилик шакли жиҳатидан таҳлили шундай хулосага олиб келадики, инвестиция жараёнида давлатнинг ҳиссаси ошиб бориши билан хусусий (нодавлат) секторидаги субъектлар суриб чиқарилиши мумкин. Бу эса хусусий мулкчилик тизимини ривожланишига тўсқинлик қилади.

Эркинлаштириш шароитида инвестиция жараёнининг ривожланиши билан турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар, айниқса, кичик, ўрта корхоналари ва хусусий сектор фаол бўлишни ва ўзини-ўзи молиялаштириш қондаси устувор бўлишни юзага чиқаради. Бунинг учун нодавлат секторидаги, айниқса, минтақада жойлашган корхоналарга, тегадиган даромадни кўпайтириш ва шунинг эвазига улар ихтиёридаги инвестиция ресурсларини ошириш зарур, бу билан инвестиция учун жавобгарлик минтақа иқтисодиётидаги қуйи субъектлар зиммасига юклатилади.

Ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида Фарғона минтақа иқтисодиётида шундай эркин иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкиллаш муҳити ҳосил бўлиши керакки, бу инвестицияларни тақсимлашни бозор механизми қондаларига бўйсиндириб турли мулкчилик шаклларидаги кенгайган такрор ишлаб чиқариш мунтазам бўлишини таъминлашни лозим бўлади.

Фаол инвестициялаш сиёсатини амалга ошириб боришда ҳозиргача эришилган ютуқлар – бу давлат ва нодавлат корхоналари молиясининг ажратилиши, хусусий корхоналар ўз жамғармаларига, қарз ва кредит маблағларига таянишлари учун шарт-шароит яратилишидир. Фаол инвестициялашни амалга оширишда корхоналар ўртасида ўзаро тўловларга, дебитор ва кредитор қарзларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб туриш масаласига алоҳида эътибор берилиши лозим. Сўнгги йилларда бу омил анча пасайган бўлсада, хали ҳам салбий таъсири мавжуд. Шу билан бирга, фаол инвестицион жараённи амалга оширишда ҳар томонлама техник-иқтисодий асосланган аниқ лойиҳалар ва мақсадли дастурлар илмий асосда ишлаб чиқилиши ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатадики, инвестициялаш жараёнида, Фарғона иқтисодий минтақасида қуйидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

Жадвал - 12.1.4. Фарғона вилояти бўйича 1997-2003 йилларда инвестицияларнинг
 молиялаштирилган манбалари динамикаси

(ужумий ҳажмига нисбатан фоизга)*

| № | 1997 й. млн. сўм | 1998й. млн. сўм | 1999й. млн. сўм | 2000й. млн. сўм | 2001й. млн. сўм | 2002й. млн. сўм | 2003й. млн. сўм |
|------------------------------------------------|---------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| 1. Вилоят бўйича жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| 2. Давлат бюджетидан | 57.3 | 57.0 | 42 | 56.6 | 10 | 23.0 | 23.5 |
| 3. Корхоналарнинг шахсий маблағлари | 18.9 | 12.0 | 13 | 8.3 | 14 | 15 | 23.2 |
| 4. Банк кредитлари | 1.1 | 0.04 | 10.4 | - | - | - | - |
| 5. Чет эл инвестициялари | 2.8 | 0.09 | 1.6 | 3 | 0.01 | 7 | 1.7 |
| 6. Бюджетдан ташқари жамғарма маблағидан | - | - | - | - | - | - | 0.3 |
| 7. Марказлашган кредитлар | 6.1 | - | 9 | 2.2 | 12 | 2.9 | - |
| 8. Тижорат баняларини кредитлари | 10.9 | 12 | 1 | 3.7 | 4 | 5.8 | 1.1 |
| 9. Чет эл кредитлари | 2.9 | 11.1 | 21 | - | 45.0 | 24.3 | 27.3 |
| 10. Кўпга олинган хисобдан маблағлар | - | - | - | 1.8 | - | - | 0.3 |
| 11. Аҳоли маблағларидан | - | 1.8 | 2.0 | 24.4 | 15 | 21 | 22.6 |

*Жадвал тегшлал йиллар бўйича Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асоснда тузилди.

- иқтисодий мустақилликнинг асосий негизи сифатида минтақа иқтисодиётининг устувор базавий тармоқларини қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб бориш;

- мавжуд табиий ресурслар ва малакали меҳнат ресурсларини тежайдиган самарали ҳўжалик механизмини ва инновация жараёнини яратиш;

- минтақа шароитига мос ҳолда мулкчилик муносабатларини босқичма-босқич ўзгартириш ва минтақада рақобатчилик, ташаббускорлик, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш ҳисобига маҳаллий инвестиция сиёсатини жадаллаштириш;

- минтақадаги кескин аҳоли зичлиги шароитида меҳнат ресурслари бандлигини ошириш йўли билан инвестиция жараёнига ижобий таъсир кўрсатиш;

- инвестициялар кўмагида минтақа иқтисодиётининг нодавлат секторини тараққий эттириш ва кўп укладли бозор муносабатларини шаклланишини кучайтириш;

- минтақа ичидаги инвестициялар, ҳорижий ҳамкорлар иштирокидаги қўшма корхоналар, бевосита ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш шаклидаги ва бошқалар иштирокидаги инвестиция дастурларини жойларда, туман, шаҳар ва вилоятларда илмий асосда ишлаб чиқиш ва лойиҳаларини техник-иқтисодий баҳолашни тезлаштиришдан иборатдир. Айниқса, Фарғона минтақа иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта толасини шу жойда тўла циклини (хом-ашё — тайёр товар) амалга ошириш мумкин. Айниқса, енгил саноатга хориж сармоясини киритиш имконияти водийда мавжуд:

- минтақада енгил саноат тармоғининг Ўзбекистон ҳукумати томонидан ривожлантиришнинг объектив заруратини тан олган ҳолда, тармоқ аҳоли талабларига мувофиқ, тўловга қодир бўлган маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдиришни таъминлайди, бюджетга барқарор тушумларни амалга оширади;

- бу тармоқ хорижлик инвесторлар учун кенг кўламли ҳуқуқий ва иқтисодий рағбат ва имтиёзлар мажмуаси яратилганлиги;

- минтақада хорижий инвесторлар учун ишлаб чиқаришни бир неча баробарга кенгайтиришни таъминлашга қодир бўлган маҳаллий хом-ашё заҳиралари мавжудлиги;

- тармоққа ва керакли мутахассислар бўйича малакали муҳандис-техник ходимларни жалб қилишда чет эл учун имкониятлари борлиги;

- кўпгина корхоналарда қўшимча капитал қўйилмаларисиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни таъминлашга қодир бўлган муҳандислик, таълим тармоқларининг мавжудлиги. Тармоқнинг ҳаракатдаги корхоналари базасида кадрлар малакасини ошириш учун ташкил этилган курсларда инвестицияларга бўлган эҳтиёжни камайтиради;

- минтақада хориж инвесторини қизиқтирадиган энергия қувватлари нархининг жаҳон нархларига нисбатан пастлиги;

- хориж инвесторини қизиқтирадиган яна бир нарса, минтақада дунёнинг турли мамлакатларидаги ҳамкорлар билан ишбилармонлик ва тadbиркорлик алоқаларини ўрнатишга қодир бўлган уяли халқаро алоқалар станциялари ва рақамли АТС лар, оптик толали алоқалар линияларининг техник жиҳатдан яхши такомиллашган тармоғи мавжуд;

- банкларнинг Республика пойтахти ёки қишлоқдами, ҳар ерда жойлашганлигидан қатъий назар, банк хизматларининг ривожланган юқори даражаси, сифатли электрон тармоғи шаклланганлиги ҳам хориж инвесторига қулайдир;

- минтақада бизнеснинг турли йўналишлари бўйича тарбиркорликни қўллаб-қувватлаш институтлари тармоғи фаолият юритади. Улар минтақа товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатасининг бўлимларидир;

- умуман, ҳамма жойда аудиторлик, консалтинг, лойиҳа-тадқиқот хизматлари фаолият юритадилар. Улар инвестицияларни назорат қилади.

- ниҳоят, таълоқ корхоналарининг асосий қисми акциядорлик жамиятларига айлантирилган, бу эса, турли шаклдаги инвестициялашни, жумладан, хорижий шерикларни, амалга ошириш учун очиқ ва оддий имкониятлар яратиб беради.

Минтақадаги энгил саноат тармоқларини замонавий самарали ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда асосий бўғин қилиб қўшма корхоналар барпо этиш танлаб олинган. Сўнгги йилларда водийнинг вилоятларида ва туманларидаги қўшма корхоналарнинг асосий қисми энгил саноат тармоқларида жойлашган. Водийда, 2002 йилда жами 242 та хорижий қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар ҳажми Наманган вилоятида — 2002 йилда 2000 йилга нисбатан 190,4 фоизга, Фарғона вилоятида — 192,3 фоизга ва Андижон вилоятида — 198,9 фоизга ўсган. Ушбу кўрсаткичларнинг 54,6 фоизини энгил саноат тармоғидаги қўшма корхоналарда яратилган. Энг йирик қўшма корхоналар Фарғонадаги «Фарғона-Қобул» Ко-ЛТД, «ДЭУ текстайл» компани, «Кува-Туркия» текстил, шу кабилар Наманган ва Андижон вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 2002 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг 43-50 фоизи чет эл инвестицияси ҳисобига тўғри келади. Демак, Фарғона минтақасида энгил саноатни ривожлантиришда хориж сармояси ва ички сармоялар ҳажминини ошириш давр тақозо этади.

13-БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бозор муносабатларини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида аниқ ва илмий асосланган минтақа сиёсатининг ишлаб чиқилиши, уни рўёбга чиқарилиши Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ва минтақанинг самарали фаолият кўрсатишида ҳамда минтақада мавжуд чекланган ресурслардан аниқ мақсадга мувофиқ фойдаланишда муҳим рол ўйнайди. Минтақавий омиллар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг тезлашувига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Тарақиётини белгилаб берувчи устувор тармоқларнинг чекланган ресурсларга эга бўлган Фарғона минтақасида ривожланиш муаммоларини, минтақадаги ишлаб чиқаришни ҳудудий (вилоятлар, туманлар миқёсида) жиҳатидан оқилона ва самарали ташкил қилиш, иқтисодиётни янгилаштириш шароитида энг устувор вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур бўлимда биз, Фарғона минтақаси иқтисодиётини истиқболини башорат қилишда, водийда табиий минерал хом-ашё ресурсларининг, яъни водийда нефт ва газ ресурсларининг чекланганлиги, мавжуд қайта ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган рангли металлларнинг (Наманган вилоятида Ўзбекистоннинг 3,6 фоиз олтин захирасига эга) ҳам чекланганлигини ҳисобга олиб, ҳозирги мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига катта меҳнат ва маблағ эвазига етиштирилаётган қишлоқ хужалиги маҳсулотларининг (пахта, галла, полиз ва сабзавот, мева-боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларининг) ҳажмини ва сифатини ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда ҳамда чекланмаган водийнинг қурилиш материалларига бойлигини ҳам инobatга олиб, стратегик истиқболини муҳим йўналишларининг ривожлантириш, суръатларини жадаллаштириш усул ва воситаларини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Яқин келажакда Фарғона минтақа иқтисодиётининг ҳудудий жиҳатдан оқилона ва унумли ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича мавжуд бўлган турли ёндашувлар, иқтисодий қарашлар атрофлича таҳлил қилинган ва унга нисбатан муаллиф таърифи ишлаб чиқилган: минтақада ишлаб чиқаришни ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этиш деганда, энг аввало, бозор иқтисодиёти шароитида, жаҳон хўжалиги ривожланишидаги замонавий тенденциялар, мамлакат ва ҳудудий бирликларнинг манфаатларини ҳисобга олинган ҳолда Фарғона водийси минтақасидаги ишлаб чиқаришнинг ҳудудий меҳнат тақсими ва имкониятлари, минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳияти ва

минтақалараро ва тармоқлараро муносабатларидан оқилона фойдаланиш асосида аҳолисининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва минтақа саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашга эришиш тушунилади.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Фарғона минтақа иқтисодиёти мустақилликка эришилганидан кейинги йиллар давомида ҳар томонлама тараққий этиб бормоқда. Фақат сўнгги 8 йил (1997-2004 йй.) мобайнида водий минтақаси саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача ўсиш суръати 7,5 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 16,7 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача ўсиши — 5,9 фоизга кўпайган. Шу жумладан, шу даврда водий вилоятларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўртача Андижон вилоятида — 15,6 фоизга, Наманган вилоятида — 15,1 фоизга ва Фарғона вилоятида — 5,8 фоизга кўпайган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Фарғона минтақасидаги саноат тармоқларини ва корхоналарининг ривожланиши учун йўналтирилган инвестиция фақат сўнгги 6 йил мобайнида ўртача 5,9 баробарга кўпайган. Шундан шу даврда давлат бюджети маблағи ҳисобидан (46,4%) ва чет эл кредитлари ҳисобидан — (20,0%), ёки 66,4% инвестиция водий иқтисодиёти тармоқларини ривожлантиришга киритилади, қолган 33,6 фоиз инвестиция водийнинг ички имкониятлари (корхоналар, банклар, аҳоли маблағлари ва шу кабилар) ҳисобидан сарфланиди.

Фарғона минтақаси иқтисодиёти тармоқларини ривожлантиришга сарфланган маблағларнинг давлат бюджети ва чет эл кредитлари ҳисобидан ортиб боришнинг асосий сабаблари — биринчидан, Фарғона водийсидаги саноат корхоналари илгариги даврда барпо этилган бўлиб, мустақиллик йилларида четдан асосий хом-ашёни келтириш узилиб қолганлиги (масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳар йили 3-4 млн. тонна нефть маҳсулотлари келтирилади); иккинчидан, минтақанинг барча саноат корхоналарига ўрнатилган асосий ишлаб чиқариш фондлари, айниқас, асбоб-ускуналарининг, жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб қолганлиги; учинчидан, водийдаги саноат корхоналари ишлаб чиқариши қувватидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги сабабли шу корхоналарда ишлаб келган кўпчилик мутахассисларнинг четга кетиб қолганлиги ва ниҳоят, тўртинчидан, водий саноат корхоналарига четдан олиб келинаётган минерал хом-ашёларнинг ташиб олиб келиш харажатларининг ортиб бораётганлиги кабилардир. Мазкур мураккаб ҳолатдан чиқиш учун давлатнинг тартибга солиш сиёсати ёрдамида минтақанинг иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолининг ишчи кучи билан бандчилигини таъминлаш бўйича Фарғона минтақа иқтисодиётини ривожлантириш истиқболли дастури ишлаб чиқилган¹.

¹ Внимание региона. Налоговый таможенный Вестник. №44, 2005г. 7 ноябр

Амалга оширилаётган дастурларни аниқ рўёбга чиқариш учун илмий асосланиши ва 2010 йилларгача (яқин давргача) ривожлантиришни белгилаб бериш лозим.

12.1.-Жадвалда водий минтақаси иқтисодиётининг 2010 йилларда сафарбарлик билан ривожланишининг ўртача йиллик ўсиши ишлаб чиқилди.

12.1.-Жадвал. Фарғона водийси минтақа иқтисодиётини истиқболда ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)*

| | 2000-2002 йилларда ўрта ўсиш суръати %. | 2004 | ўртача ўсиш %да | |
|-----------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|------|------------------|------------------|
| | | | 2004-2007 йй. | 2008-2010 йй. |
| Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати % | 11,3 | | 133,0 | 199,0 |
| Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (%) | 14,7 | | 144,1 | 396,9 |
| Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (%) | 4,1 | | 12,3 | 136,9 |
| Барча манбалардан инвестицияни молиялаштиришнинг ўсиши (%) | 9,8 | | 29,4 | 88,2 |
| Водий аҳолисининг ўсиши (%) | 2,1 | 2,05 | 2,0 | 1,8 |

* Жадвал муаллиф томонидан тузилди ва ҳисоблаб чиқилди.

Жадвал — 12.1.4. маълумотлари шуни изоҳлайдики, Фарғона минтақаси иқтисодиётининг саноат ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 3 йилда (2000-2007 йй.)даги ўртача ўсиши 11,9 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми - 14,7 фоиз, ялпи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми - 4,1 фоиз, киритилган инвестициялар ҳажми - 9,8 фоиз ва аҳолининг табиий ўсиши - 2,1 фоиздан ўсганлиги асос қилиниб олинди. Шу базага (даражага) асосланиб, сўнгги 3 йил (2004-2010 йиллар)нинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўртача ўсиши 33,0 фоизга ва 2008-2010 йилларда 199,0 фоиз ўсиши илмий асосда белгиланди. Худди шу усул йўли билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболли ўсиши тегишли равишда 144,1 ва 396,9 фоизга ўсиши ва ялпи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 112,3 ва 136,9 фоизга ўсиши ишлаб чиқилди.

Юқоридаги истиқболда Фарғона минтақаси иқтисодиётидаги асосий тармоқларни ривожланиши, энг аввало, давлатнинг тартибга солиши

сиёсати орқали ва Фарғона водийси ишлаб чиқариш соҳаларидаги иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Фарғона минтақа иқтисодиётини истиқболда ривожлантириш ва ишлаб чиқаришини оқилона бошқаришга жойлаштиришда давлатнинг тартибга солиш роли ва бу жараёнда унинг фаол қатнашиши объектив зарурат эканлигини асослаб бериш, минтақадаги тармоқларни ва соҳаларни келажакда ривожлантириш ҳамда бошқаришни мувофиқлаштириш жараёнига давлат қўйидаги дастур ва воситалар ёрдамида таъсир кўрсатиши лозим:

- давлат бюджети маблағларини жалб этиш, шу йўл билан мавжуд саноат ва агросаноат корхоналарини, хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг объектларини модернизациялаш;

- минтақа саноат янги корхоналарини қуришда давлатнинг молиялаштиришда фаол иштирок этиши;

- хусусий ва хорижий инвесторлар сарф-харажатларини босқичма-босқич ошириб бориш йўли билан, бюджетдан сармоя қўйилмаларининг бир қисмини танлов асосида ажратиб боришни кучайтириш;

- саноат ва агросаноат корхоналарини қуришга имтиёзли кредитлар ажратиш ва солиқ имтиёзларини жорий этиш;

- давлат маблағлари ҳисобидан янги саноат объектлари учун хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш;

- иқтисодий жиҳатдан саноати кам даражада ривожланган туманларда саноат корхоналари қурилишига кредит ва солиқ имтиёзлари ва рағбат бериш;

- минтақадаги экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришни тартибга солиш;

- минтақада фан-техника тараққиётини ва инновацион жараёнларни ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароитлар яратиб бериш;

- минтақада тадбиркорлик фаолиятининг барча шакл ва турларини ривожлантириш мақсадида шакллантириш учун минтақанинг шарт-шароитларини ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш учун қўшимча чора-тадбирлар ва дастурларни маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва янгилаб бориш ва ҳоказолар.

Тадқиқот таҳлилига кўра, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, муаллифнинг фикрича, республикамизда минтақавий сиёсат юритишда давлат тизимининг баъзи ижобий жиҳатларидан минтақадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Давлатнинг минтақавий сиёсати, хусусан, Фарғона минтақасига тегишли сиёсат, минтақанинг саноатини, қишлоқ хўжалигини, инфратузилмасини ва тадбиркорлигини вилоятлар ва туманлар миқёсида кенг ривожлантириш лозим. Бунда давлат минтақага молиявий маблағларни оқилона тақсимлаши ва шу орқали бутун минтақада иқтисодий ўсишни таъминлаши, қолоқ туманларга ёрдам

бериши ва ижтимоий тангликни юмшатиши мумкин. Бунинг учун мавжуд локализациялаш (маҳаллийлаш) дастурларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун водий минтақасида макровоситалардан (монетар, молия ва савдо сиёсатидан) фойдаланишда бошқа минтақалар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий шароит бўлишлари лозим. Лекин бу борада мамлакатнинг фискал сиёсати минтақавий хусусиятларни тўлиқ ҳисобга олмайди. Бу эса минтақавий тенгсизликни кучайтиради.

Иқтисодиётни минтақавий жиҳатдан самарали ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибасидан Фарғона минтақасида фойдаланишдаги йўналишларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- ишлаб чиқаришни ташкиллаш «ноу-хау» технологиялар ва инновацион жараёнлар учун фирмаларга грантлар тадқиқ этиш усули билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириб бериш;

- корхоналарга истиқболли фаолиятининг муқобил бизнес-режаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

- кичик иқтисодий субъект корхоналари ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантиришда минтақага имтиёзлар бериш;

- Фарғона минтақаси ички хусусиятидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш кабилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Фарғона минтақасида ишлаб чиқаришнинг Республикадаги мавқеини ошириш учун қуйидаги тадбирларни рўёбга чиқариш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз;

- минтақада табиий минерал хом-ашё ресурсларининг янги захираларини (рангли металллар, нефт ва газни) излаб топиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- водий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш, нобудгарчилигига барҳам бериш ва қайта ишлаш янги корхоналарини қишлоқ жойларида барпо этиш;

- мавжуд минерал ва қишлоқ хўжалиги ресурсларининг қайта ишлаш даражасини ошириш ва сифатини ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда бандлик даражасини кўпайтириш;

- минтақа хусусиятини ҳисобга олиб, саноат, айниқса, қурилиш материаллари ва янги тармоқлар ишлаб чиқаришга чет эл инвестицияларини фаол жалб этишни рағбатлантириш;

- Фарғона минтақаси саноат ишлаб чиқариши таркибида меҳнат сиғими, ресурс сиғими ва тежашни, фан-ютуқларига асосланган ва инновацион жараёнларни ривожланишига йўналтирилган ишлаб чиқариш турларининг самарали нисбатига эришиш лозим.

- вилоятлар ва туманлардаги сансатнинг турли тармоқларида маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг устуворлигига (ихтисослашувига) эришиш ва ялпи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғини ошириш;

Фарғона минтақасидаги мавжуд саноатнинг хом-ашёга йуналтирилган даражасини пасайтирмай ва тайёр экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларини ва янги корхоналарини барпо этиш ҳамда ривожлантириш;

- водийда машинасозлик ва у билан боғлиқ бошқа тармоқлар, нефт-кимёси, қурилиши материаллари саноатини тараққий этишига алоҳида эътибор бериш;

- минтақадаги қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини ҳисобга олиб, енгил саноатни ривожлантириш учун мавжуд ички салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва бу тармоққа чет эл инвестицияларини, хусусан, илғор технологияларни жалб этишни фаоллаштириш, шунингдек, маҳсулот ҳажмини ошириш;

- минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган озиқ-овқат саноатининг корхоналарини кенгайтириш ва маҳсулот турларини ривожлантириб (консервалар) ишлаб чиқаришга асосий ўрин ажратиш ва барча ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш;

- минтақада анъанага айланган хунармандчилик, касаначилик ва касибчилик турларини ривожлантириш учун кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликка кенг шароит яратиб бериш ва уларни хом-ашё билан таъминлаш ҳамда маҳсулотларини сотиш учун давлатнинг тартибга солиш тадбирларини амалга оширишни ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

Водийда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари вилоятлар ва туманлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Бинобарин, вилоят ва туманларда аҳоли жон бошига саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги нисбат (1997 йилдан 2002 йилгача ўсиб бориш тенденцияси бўлса-да, у республика кўрсаткичидан 2-3 марта) кескин фарқ қилади¹. Вилоятлар ва туманлар аҳолиси жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг таққослама кўрсаткичи бўйича натижалар шуни кўрсатадики, фақат, Асака тумани ва Фарғона, Андижон ва Қўқон шаҳарларида водий ўртасида кўрсаткичидан юқори натижаларга эришилган, холос. Қолган барча туманларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш водий кўрсаткичларини 60-68 фоизини ташкил этади. Шунингдек, республика кўрсаткичидан ҳам анча пастдир. Шу билан бирга, водийнинг вилоятларида ҳам кескин фарқ мавжуд. Фарғона ва Андижон вилоятларида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Наманган вилоятига нисбатан юқорилиги кўзга ташланади².

Фарғона водийси саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудудий таркибининг таҳлилининг кўрсатишича, минтақа вилоятлари ва туманлари орасида саноат ривожланиши даражаси ўртасидаги тафовутнинг кескинлигини камайтириш заруриятини кўрсатади.

¹ Экономическое обозрение 2001, №8-9, с. 29 и Экономическое обозрение. 2003, №9, с. 17-18

² Экономическое обозрение 2003, №9, с. 7-19

Тадқиқот натижасига кўра, водий саноатининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- водийнинг 10 та туманида саноатнинг ривожланиши бир томонлама характерга эга эканлигини ҳисобга олиб, ушбу туманларда саноатнинг бошқа тармоқлари, хусусан, енгил, озиқ-овқат ва бошқа муҳим маҳаллий хом-ашёси базасида саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта саноат корхоналарини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг тугалланган характерга эга бўлишини таъминлаш асосида туманларнинг ихтисослашув даражасини чуқурлаштириш;

- водийнинг бешта йирик шаҳарлари иқтисодий, табиий ва интеллектуал салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, уларда саноатнинг юқори технологияга ва фан ютуқларига, айниқса, мураккаб илмталаб ва меҳнат талаблигига асосланган тармоқларини ривожлантириш ва шулар асосида саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялашувига эришиш;

- қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материалларига бой бўлган ҳудудлар – Бешариқ, Олтиариқ, Фарғона, Поп, Янгиқўрғон, Марҳамат каби туманларида хом-ашёни қайта ишлашга асосланган корхоналарнинг янгилирини барпо этиш ва ривожлантириш;

- минтақанинг деярли барча туманларида қишлоқ хўжалик хом-ашёсини қайта ишловчи саноат корхоналарини барпо этишни рағбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш лозим. Хусусан, меваларни, сабзавотларни, чорвачилик маҳсулотларини саноат усулида ишлаб чиқариш, деҳқончилик ривожланган туманларда эса пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик, тикувчилик, ипакчилик, виночилик, консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантиришга устувор ўрин ажратиш.

Тадқиқот натижаси яқунларининг кўрсатишича, Фарғона минтақасини ривожлантиришнинг яқин ва узоқ истиқболдаги кўрсаткичларини 12.1.2.-Жадвалга асосан икки йўналишда башорат қилиш мумкин:

1. Яқин истиқболда башорат кўрсаткичларини аниқлаш водийнинг тармоқлари ва ҳудудий таркибий тузилмаларидаги ўзгаришларнинг асосланган истиқболини ифодалайди, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда туб ўзгаришлар юз бермаслиги ҳисобга олинади. Минтақанинг саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида ва ҳудудий таркибидаги мавжуд ўзгаришлар тенденциясининг яқин келажакда ҳам сақланиб қолиши, унинг табиий ресурслари чекланганлиги, четдан келтирилаётган хом-ашёга (нефт, газ, кимё ва бошқалар) ва замонавий технологияга боғлиқлигини тўла бартараф этиб бўлмайди. Водийда ёқилги саноатининг устувор мавқеи четдан келган нефт ва газ хом-ашёсига, илмталаб саноат тармоқларининг етарли даражада салмоққа эга эмаслиги сақланиб қолади. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришнинг тўпланиши, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги хом-ашёсининг қайта ишлаш корхоналари қувватидан етарли фойдаланилмаганлиги, туманлардаги саноатнинг ривожланишидаги тафовутлар, ижтимоий-

иқтисодий фарқлар муайян вақтгача сақланиб боради. Бу эса саноат ва агросаноат ишлаб чиқариш самарадорлигининг бошқа минтақалар ва ҳудудларга нисбатан пасайишига олиб келади, аҳолининг табиий ўсиши билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотларининг камайиши мумкин. Фақат водийда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожланиш имконияти катта бўлиб, унга ва бошқа туманларга фаол инвестиция жараёнини жалб қилиш лозим бўлади.

2. Фарғона водийси минтақа иқтисодиётининг башорат истиқболда узоқ муддатли ривожлантириш йўналиши жорий саноат сиёсатида туб таркибий ўзгаришларни, саноат ва агросаноат корхоналарининг ички имкониятларидан оқилона фойдаланишни кўзда тутди. Бу йўналиш, энг аввало, саноат ва агросаноат ривожланишни тартибга солишнинг иқтисодий фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий масаласи маркетинг тадқиқоти асосида нима ишлаб чиқариш, қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва кимлар учун ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этишда саноат ва қайта ишлаш корхоналарининг эркинлигини ва мустақиллигини ошириш; иккинчидан, давлат инвестицияси дастурида кўзда тутилган аниқ йирик инвестициялар лойиҳаларини амалга ошириш; учинчидан, водий вилоятларида ва туманларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва жойларда, айниқса, қишлоқ жойларида, тадбиркорлик, ташаббускорлик турларини ва шаклларини ривожланишига кенг йўл очиб беришга ва шарт-шароитлар яратиб берилишга боғлиқ. Шунинг учун бу узоқ муддатли йўналишини босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши лозим: биринчидан, ўрта истиқболда мавжуд тармоқларни устувор даражада ривожлантириш бўйича дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, саноат корхоналарини маҳаллий ресурсларидан ва четдан келтирилган ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш ва шулар асосида янги қўшма корхоналар барпо этиш, фаолият кўрсатаётган саноат, машинасозлик ва қайта ишлаш саноат корхоналари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта модернизациялаш ва янги илғор технологияларни жорий этиш, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини рақобатбардошлигини ва экспортга йўналтирилишини ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмини кескин кўпайтириш, туманлардаги ҳудудий тузилмаларда саноатнинг тармоқ таркибини ўзгартиришга ва саноат ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг илғор шаклларини ва усулларини жадал ривожлантириш лозим бўлади. Бу узоқ муддатли йўналишини амалга оширишда минтақа ижтимоий-иқтисодий юксалишини саноатлашган даражага олиб чиқиш учун тадбиркорлик билан шуғулланаётган кичик, ўрта ва микрофирмалардаги кишиларни рағбатлантириш тизимини водийда янгича шакллантириш лозим. Бунинг учун уч вазифани бажариш талаб этилади:

Биринчидан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқболлаштирилган ва бошқаришни йўлга

қўйиш; иккинчидан, эркин бозор шароитида тадбиркорлар томонидан уни эгаллаб олишларини тезлаштириш; учинчидан, тадбиркорлар хусусий режаларининг рўёбга чиқиш учун иқтисодий-ижтимоий инфратузилмаларни жаддал ривожлантириш зарур.

Давлат ва бозор хўжалик механизмларини такомиллаштириш асосидагина тадбиркорлар ишлаб чиқариш йўналишларига инновацион ўзгартиришлар киритиш зарур. Бунинг учун янги илмий-технологик ютуқларни қўллаш инновацион жараёни ривожлантиришда хавф-хатар харажатларини бозор хўжалик тизимлари ёки давлат уз зиммасига олиши ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида капитал харажатларини бошқарувчи фонди мукамал тизими ишлаб чиқишлигини жорий этилиши зарур.

Бизнинг фикримизча, Фарғона минтақаси иқтисодиётида минтақавий инновацион жараёнларини тартибга солиш механизми мақсадга мувофиқ натижага эга бўлишда хўжалик муҳитига таъсир ўтказиш ҳудудий бошқариш органлари воситасида барча иқтисодий шакл ва усуллардан (дастак ва тартибга солишдан) фойдаланиш керак.


Бозор иқтисодиёти муносабатларини эркинлаштириш шароитида марказдан иқтисодиётни бошқариш усули ва амалиётда ўзини оқламаганлиги сабабли, бозорни эркинлаштириш даврида минтақада инновацион салоҳиятдан фойдаланишни эгаллаб олиш ва иқтисодий бошқаришни мувофиқлаштиришга асосланади, яъни барча иқтисодий дастаклар воситасида хўжалик юритувчи субъектлар янгилikka нисбатан эҳтиёжини шакллантириш ва уни амалга оширишнинг мойилини таъминлаш қобилиятига эга бўлиш лозим.

Минтақа инновацион жараёнларининг бошқариш тизимининг аҳамияти ўзининг очиқ тизимлигини англатади, ташқи ва ички омиллар таъсирига мойиллик билдиради.

Минтақа инновацион сиёсатнинг йўналишига ва механизмларини амалга оширишга таъсир этувчи ташқи омилларига асосан: давлатнинг устуворлиги, мамлакат илмий-техника ва инновацион сиёсати, ҳукумат қонунчилик асослари ташкил этиб, уларнинг ижобий ўзгариши муқаррар равишда минтақани тартибга солишни, ҳудуднинг бошқариш усулларининг истиқболли йўналишларни рўёбга чиқаради.

Минтақа хўжалик шароитида инновацион жараёни ривожлантиришга ички таъсир этувчи омил мавжуд, бу тармоқлар йўналиши боғлиқлигида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, мавжуд илмий ва ишлаб чиқариш-техник салоҳияти билан боғлиқлиги; бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятлари талаб ва таклиф кабилар билан тартибга солинадиган хўжалик субъектларининг инновацион ташаббуси билан, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишидаги механизми билан узвий боғланганлигида намоён бўлади. Умуман, минтақа инновацион жараёнини тартибга солишнинг тизими чизмада тасаввур этиш мумкин.

Чизма. Минтақада инновацион жарасини минтақавий тартибга солишининг принципи тизими



Минтақада инновацияларнинг тартибга солишнинг ўзаги бу унинг бошланғич таркиби ҳудуднинг ривожлантириш устуворлиги, минтақавий инновацион сиёсат, янгича дастурлар, лойиҳалар, тadbирлар амалиётида намоён бўлади. Бунда тартибга солишнинг иқтисодий механизми марказий ўринни эгаллайди ва инновацион жараёнларни режалаштириш, уларни бошқаришни ташкил этиш, бошқаришга таъсир этишнинг ахборотлари, ҳуқуқлари ва илмий-услубий таъминланганлиги билан ўзаро узвий боғлиқликда бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион жараённи бошлаш таълим-тарбия тизимидан (боғчадан, мактаб, лицей, коллежлар ва Олий ўқув юртларидан) бошлаш энг муҳим омилдир. Шу билан бирга, инновацион жараёнларни ривожлантириш корхона ва ташкилотларда ходимларнинг ихтирочилик ва лойиҳаларни яратишга бўлган ташаббускорлигини рағбатлантириб бориш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Фарғона минтақасида инновацион жараённи такомиллаштириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1992. 46 б.
2. «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон қонунлари. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
3. «Тадбиркорлик фаолиятини кафолатлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 2000.
4. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Қонунлар тўплами. №5. Т.: «Адолат», 1993.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». Т., 1996.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун. Т., 1997.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» тўғрисида. Т., 1997.
8. «Хорижий маблағларни жалб қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонун. Т., 2000.
9. 2004-2006 йилларда Фермер хўжалигининг ривожлантириш концепцияси тўғрисида. Президент фармони. Т., 2003.
10. Абдулаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. Наманган, 2000.
11. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана». Т.: «Фан», 1992.
12. Гофуров А. Экономические проблемы повышения эффективности сельхозпроизводства (на примере Ферганской долины). Т.: «Фан», 1979.
13. Гранбург А.Г. Основы региональной экономики. М.: 2000.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998.
16. Каримов И.А. Андижон аҳолисининг ташаббускорлиги, азму шижоати ва жасоратини халқимиз юксак кадрлайди. // «Халқ сўзи» газетаси 2004 йил 4 декабрь.
17. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустақкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил, 11 февраль.
18. Морозова Т.Г. и др. Региональная экономика. М.: 1995.
19. Тухлиев Н.Т. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёти. Т., 1996.
20. Пугач И. Экономика регионов: вектор региона. // Ж. «Экономическое обозрение», №9 с. 6, Т., 2003.
21. Андижон вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари. 1996-2004 йиллар. Андижон, 2005.
22. Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари. 1999-2004 йиллар. Наманган, 2005.
23. Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари. 1998-2004 йиллар. Фарғона, 2005.
24. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари. 1998-2004 йиллар. Тошкент, 2005. 77.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши Уртасидаги табақалашув даражаси
(аҳоли жон бошига индекс кўрсаткичи)

ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

| Худудлар номи | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 |
|-----------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,531 | 0,617 | 0,456 | 0,413 | 0,392 | 0,400 | 0,425 |
| Андижон | 0,797 | 0,852 | 0,911 | 0,935 | 0,834 | 0,764 | 0,744 |
| Бухоро | 0,956 | 1,180 | 1,109 | 1,155 | 1,101 | 1,053 | 1,085 |
| Жиззах | 0,613 | 0,686 | 0,742 | 0,669 | 0,666 | 0,702 | 0,768 |
| Қашқадарё | 0,797 | 0,749 | 0,722 | 0,724 | 0,780 | 0,780 | 0,747 |
| Навобй | 1,086 | 1,208 | 1,039 | 1,267 | 1,490 | 1,685 | 1,705 |
| Наманган | 0,548 | 0,599 | 0,667 | 0,637 | 0,599 | 0,543 | 0,572 |
| Самарқанд | 0,678 | 0,753 | 0,709 | 0,679 | 0,693 | 0,669 | 0,601 |
| Сурхондарё | 0,662 | 0,674 | 0,716 | 0,727 | 0,760 | 0,734 | 0,657 |
| Сирдарё | 0,800 | 0,950 | 0,807 | 0,822 | 0,776 | 0,754 | 0,768 |
| Тошкент | 0,926 | 0,969 | 1,040 | 1,017 | 1,032 | 1,041 | 1,032 |
| Фарғона | 0,863 | 0,950 | 0,941 | 0,866 | 0,843 | 0,785 | 0,759 |
| Хоразм | 0,870 | 0,960 | 0,832 | 0,717 | 0,720 | 0,681 | 0,669 |
| Тошкент ш. | 1,580 | 1,702 | 1,563 | 1,665 | 1,671 | 1,682 | 1,678 |
| Ўзбекистон Республикаси | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 |
| Фарқ даражаси (марта) | 3,0 | 2,8 | 3,4 | 4,1 | 4,3 | 4,2 | 4,0 |
| Тошкент ш. ҳисобга олманган ҳолда | 2,1 | 2,0 | 2,4 | 3,1 | 3,8 | 4,2 | |

Манба: УЭР Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

| Худудлар номи | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 |
|---------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,372 | 0,339 | 0,279 | 0,247 | 0,201 | 0,193 | 0,207 |
| Андижон | 1,105 | 1,108 | 0,909 | 1,071 | 0,979 | 0,960 | 1,028 |
| Бухоро | 1,035 | 1,026 | 1,100 | 1,096 | 1,133 | 0,996 | 0,952 |
| Жиззах | 0,287 | 0,239 | 0,278 | 0,360 | 0,380 | 0,418 | 0,381 |
| Қашқадарё | 0,925 | 0,838 | 0,931 | 0,953 | 0,917 | 0,967 | 1,050 |
| Навоий | 2,850 | 2,964 | 3,144 | 3,318 | 4,046 | 4,490 | 4,431 |
| Наманган | 0,390 | 0,422 | 0,466 | 0,450 | 0,396 | 0,377 | 0,343 |
| Самарқанд | 0,392 | 0,604 | 0,515 | 0,459 | 0,398 | 0,351 | 0,330 |
| Сурхондарё | 0,355 | 0,367 | 0,323 | 0,302 | 0,283 | 0,286 | 0,295 |
| Сирдарё | 0,442 | 0,511 | 0,460 | 0,541 | 0,427 | 0,429 | 0,402 |
| Тошкент | 1,222 | 1,200 | 1,368 | 1,487 | 1,569 | 1,537 | 1,650 |
| Фарғона | 1,197 | 1,063 | 1,169 | 1,024 | 1,072 | 0,944 | 0,911 |
| Хоразм | 0,690 | 0,608 | 0,507 | 0,467 | 0,414 | 0,363 | 0,319 |
| Тошкент ш. | 1,749 | 1,629 | 1,700 | 1,744 | 1,729 | 1,823 | 1,468 |
| Ўзбекистон Республикаси | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 |
| Фарқ даражаси (марта) | 9,9 | 12,4 | 11,3 | 13,4 | 20,1 | 23,3 | 21,4 |

Манба: ЎзР Давлат Статистика қўмитас маълумотлари асосида муаллиф томондан ҳисобланди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТИ

| Худудлар номи | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 |
|---------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,577 | 0,530 | 0,425 | 0,354 | 0,360 | 0,435 | 0,480 |
| Андижон | 1,035 | 1,157 | 1,170 | 1,11 | 1,150 | 1,051 | 1,042 |
| Бухоро | 1,146 | 1,379 | 1,340 | 1,375 | 1,321 | 1,376 | 1,418 |
| Жиззах | 1,084 | 1,254 | 1,331 | 1,211 | 1,329 | 1,425 | 1,497 |
| Қашқадарё | 0,876 | 0,921 | 0,831 | 0,851 | 0,980 | 1,006 | 1,003 |
| Навоий | 1,128 | 1,099 | 1,238 | 1,144 | 1,149 | 1,218 | 1,218 |
| Наманган | 0,783 | 0,840 | 1,019 | 0,996 | 1,042 | 0,970 | 0,968 |
| Самарқанд | 0,995 | 1,064 | 1,037 | 1,081 | 1,110 | 1,154 | 1,084 |
| Сурхондарё | 1,243 | 1,105 | 1,187 | 1,353 | 1,311 | 1,279 | 1,222 |
| Сирдарё | 1,190 | 1,426 | 1,397 | 1,501 | 1,373 | 1,393 | 1,636 |
| Тошкент | 1,265 | 1,218 | 1,511 | 1,539 | 1,268 | 1,255 | 1,242 |
| Фарғона | 0,800 | 0,947 | 0,977 | 1,024 | 0,995 | 0,931 | 0,883 |
| Хоразм | 1,376 | 1,603 | 1,144 | 1,025 | 1,072 | 1,098 | 1,173 |
| Тошкент ш. | | | | | | | |
| Ўзбекистон Республикаси | 1,000 | 1,000 | 1,000 | | 1,000 | 1,000 | 1,000 |
| Фарқ даражаси (марта) | 2,5 | 3 | 3,6 | 4,2 | 3,8 | 3,3 | 3,4 |

Манба: ЎзР Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф
гоманидан ҳисобланди.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

| Худудлар номи | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 |
|----------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,065 | 1,028 | 0,819 | 0,648 | 0,832 | 1,119 | 1,111 |
| Андижон | 0,753 | 0,604 | 0,552 | 0,505 | 0,439 | 0,641 | 0,377 |
| Бухоро | 0,869 | 0,792 | 0,705 | 0,627 | 1,063 | 0,701 | 1,174 |
| Жиззах | 0,457 | 0,526 | 0,577 | 1,112 | 1,155 | 0,583 | 0,611 |
| Қашқадарё | 1,045 | 1,299 | 1,897 | 1,931 | 1,608 | 1,760 | 1,607 |
| Навоий | 1,267 | 0,695 | 2,014 | 2,535 | 2,125 | 2,213 | 1,835 |
| Наманган | 0,732 | 0,526 | 0,701 | 0,501 | 0,476 | 0,471 | 0,449 |
| Самарқанд | 0,690 | 0,550 | 0,523 | 0,453 | 0,404 | 0,531 | 0,505 |
| Сурхондарё | 0,451 | 0,468 | 0,470 | 0,509 | 0,451 | 0,600 | 0,641 |
| Сирдарё | 0,823 | 0,884 | 0,772 | 0,754 | 0,713 | 0,592 | 0,819 |
| Тошкент | 0,902 | 0,618 | 0,747 | 0,762 | 0,899 | 0,872 | 1,085 |
| Фарғона | 0,830 | 0,676 | 0,587 | 0,796 | 0,931 | 0,480 | 0,396 |
| Хоразм | 0,856 | 0,648 | 0,630 | 0,695 | 0,855 | 0,437 | 0,874 |
| Тошкент ш. | 2,784 | 2,715 | 2,730 | 2,272 | 2,131 | 2,864 | 3,088 |
| Ўзбекистон Республикаси | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 | 1,000 |
| Фарқ даражаси (марта) | 6,1 | 5,8 | 5,6 | 5,3 | 6,5 | 6,9 | 8,2 |
| Тошкент ш. ҳисобга олмаган ҳолда | 2,8 | 2,8 | 4,3 | 5,6 | 5,3 | 5,1 | - |

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| КИРИШ..... | 3 |
| 1-БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ | 8 |
| 1.1. Минтақа иқтисодиёти асослари фанининг моҳияти, предмети ва бошқа фаилар билан узвий боғлиқлиги..... | 8 |
| 1.2. Минтақа иқтисодиёти асослари фанининг вазифалари..... | 10 |
| 1.3. Минтақалар-нинг комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг ҳуқуқий асослари ва маҳаллий ҳокимият ролининг ошиб бориши..... | 11 |
| 1.4. Минтақа иқтисодиётининг ҳуқуқий кафолатлари ва иқтисодий қонушлардан фойдаланиш хусусиятлари..... | 12 |
| 2-БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ | 15 |
| 2.1. Минтақа иқтисодиётини тартибга солишнинг умумий услубий тамойиллари..... | 15 |
| 2.2. Минтақа иқтисодиётини тартибга солиш усуллари..... | 16 |
| 2.3. Минтақаларда режалантириш ташкилотлари-нинг таркиби, уларнинг вазифаси ва бурчлари..... | 16 |
| 2.4. Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг режали бошқаришни мувофиқлантириш ва назорат қилиш..... | 17 |
| 2.5. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари..... | 18 |
| 2.6. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимининг иқтисодий ва молиявий асослари..... | 19 |
| 2.7. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш корхоналари ваколатларининг кенгайиши ва уларнинг тақомиллашуви..... | 20 |
| 3- БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ УРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ | 21 |
| 3.1. Минтақа иқтисодиётини асослари объектини урганишнинг назарий асослари..... | 21 |
| 3.2. Минтақа иқтисодиётини даълат томонидан тартибга солишда хорижий ва Ўзбекистон тажриблари..... | 32 |
| 3.3. Минерал ресурслари чекланган минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва стратегияси..... | 38 |
| 4-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МИНТАҚА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ | 48 |
| 4.1. Минтақада ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари..... | 48 |
| 4.2. Саноат корхоналарини жойлаштиришда уларнинг туркумларини ҳисобга олиш..... | 49 |
| 4.3. Ишлаб чиқаришда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш..... | 50 |
| 4.4. Минтақа саноатининг гаркибий тушулчаси..... | 51 |
| 4.5. Минтақа саноатини ривожлантириш вазифалари..... | 51 |
| 4.6. Маҳаллий саноатни ривожлантириш кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш услубияти..... | 52 |
| 4.7. Минтақа иқтисодиёти гаркибида саноат гармоқларининг ривожланиш хусусиятлари..... | 56 |
| 5-БОБ. МИНТАҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ | 63 |
| 5.1. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифалари..... | 63 |
| 5.2. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни аниқлаш услуби..... | 64 |
| 5.3. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни аниқлаш услуби..... | 65 |
| 5.4. Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини ривожлантириш..... | 66 |
| 5.5. Минтақа иқтисодиётини аграр ислохотларни амалга ошириш ва ривожлантириш..... | 66 |
| 5.6. Минтақада сув хўжалиги мажмуаси ва сув тақсимлашни бошқаришни тақомиллаштириш..... | 76 |

| | |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 6-БОБ. МИНТАҚАДА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ..... | 91 |
| 7-БОБ. МИНТАҚА ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ..... | 93 |
| 7.1. Минтақада транспортнинг аҳамияти ва моҳияти..... | 93 |
| 7.2. Юк ташинишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни режалаштириш..... | 93 |
| 7.3. Минтақа йул ҳужалиғини режалаштириш..... | 95 |
| 8-БОБ. МИНТАҚАДА ИШЧИ КУЧИ ВА ИШСIZЛИК..... | 96 |
| 8.1. Меҳнат ресурслари ва уларнинг минтақавий хусусиятлари..... | 96 |
| 8.2. Ишчи кучи ва ундан фойдаланишни белгиловчи кўрсаткичлар..... | 98 |
| 8.3. Ишсизлик турлари ва уларнинг моҳияти..... | 99 |
| 8.4. Минтақада ишсизликнинг табиий даражаси ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммолари. Оукен қонуни..... | 100 |
| 8.5. Баъдликнинг мумтоз ва Кейнс назарияси..... | 101 |
| 8.6. Минтақа меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш..... | 104 |
| 9-БОБ. МИНТАҚАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖИ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ..... | 113 |
| 9.1. Ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг ҳозирги даврдаги асосий йўналишлари..... | 113 |
| 9.2. Ижтимоий ривожланиш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг режа кўрсаткичлари ва бўлиmlари..... | 117 |
| 9.3. Минтақа аҳолисининг ҳақиқий даромадларини режалаштириш..... | 120 |
| 10-БОБ. МИНТАҚА УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХҲЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШINI ТАРТИБГА СОЛИШ..... | 122 |
| 10.1. Уй-жой ва коммунал ҳужалиғининг ўрни ва аҳамияти..... | 122 |
| 10.2. Уй-жой ҳужалиғи ривожланишини тартибга солиш..... | 123 |
| 10.3. Коммунал ҳужалиғининг ривожланишини тартибга солиш..... | 124 |
| 10.4. Бозор иқтисодиёти ўтиш даврида уй-жой, коммунал ҳужалиғининг ривожланиши муаммолари..... | 126 |
| 11-БОБ. МИНТАҚАЛАРДА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШINI ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ..... | 128 |
| 11.1. Республика ва унинг вилоятларида экологик аҳвол ва соҳадаги вазифалар..... | 128 |
| 11.2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари..... | 130 |
| 11.3. Ҳозирги даврдаги минтақалараро экологик муаммолар..... | 132 |
| 11.4. Табиатни муҳофаза қилишда иқтисодий механизмни жорий қилиш..... | 133 |
| 12-БОБ. МИНТАҚАДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ..... | 136 |
| 13-БОБ. МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ..... | 149 |
| АДАБИЁТЛАР РўЙХАТИ..... | 160 |

Уқув-қўлланма

Ахмадали ҒОФУРОВ

МИНИТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ

Уқув-қўлланма

Масъул муҳаррир:
и.ф.н., доцент А.Болтабоев.

Муҳаррир: Ҳ. Дусматов

Тех. муҳаррир: Г. Башиасва

Мусахҳиҳ: Т. Акбарова

Теришга берилди: 2006 й. 30. 04. Босишга рухсат этилди: 2006 й. 21.05
Нашриёт босма табағи - 11,0 б.т. Бичими 84x108^{1/16} Офсет усули
Таймс гарнитураси. Адади 1000 дона. Буюртма № 19.

«ФАРФОНА» нашриёти.

Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28.

«ФАРФОНА» нашриётининг ижарадаги
«Қиргули-Полиграфчи» УК босмахонасида чоп этилди.
Фарғона шаҳри, Қиргули даҳаси, Фарғона кўчаси, 6.

